

Абдумутал Қамбаров,
Султонбек Маннопов,
Мавлуда Нажметдинова



ЎЗБЕК САНЪАТИ ТАРИХИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Абдумутал ҚАМБАРОВ,
Султонбек МАННОПОВ,
Мавлуда НАЖМЕТДИНОВА

ЎЗБЕК САНЪАТИ ТАРИХИ

(Ўқув-услубий қўлланма)

“Фарғона” нашриёти,
2021 йил

УЎК: 7.03(575.1)

КБК: 85(5Ў),

К 19

*Фарғона давлат университети Илмий кенгашининг 2020 йил 8
шондаги 10-сонлийиши қарори билан нашрга тавсия этилган.*

Масъул мұхаррир:

Дилафрүз Юлдашева, филология ғанлари номзоди, доцент.

Тақризчилар:

**Рустам Абдуллаев, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси
раиси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор;
Имаминжон Қирғизов, педагогика ғанлари номзоди, доцент.**

А.Қамбаров, С.Маннопов, М.Нажметдинова

Қ19 ЎЗБЕК САНЪАТИ ТАРИХИ: ўқув-услубий қўлланма; ус-
лубий нашр; кирилл ёзувида; А.Қамбаров ва бошқ. – Фарғона:
“Фарғона” нашриёти, 2021. – 180 бет.

*Мазкур ўқув-услубий қўлланмада ўзбек санъати тарихи
йўналишлари, жумладан, тасвирий санъат, ўзбек халқ томоша
санъати, ўзбек мусиқа санъати, анъанавий ижрочилик санъати,
миллий мақом санъати, ўзбек театр санъати, ўзбек рақс санъати,
фольклор санъати, кино санъати ва уларнинг турлари, жанрлари
таҳлил қилинади ҳамда ёритиб берилади.*

ISBN: 978-9943-6377-5-7

©A.Қамбаров ва бошқ. – 2021
© “Фарғона” нашриёти – 2021

МУҚАДДИМА

Ҳар бир халқ яратган маданият тарихининг мазмун-моҳияти ва қўлами унинг маданияти ва санъатининг ривожланиш жараёнлари билан белгиланади. Жаҳон халқлари санъати босиб ўтган йўлларга назар солсак, тарих қаъридан бугунги кунгача етиб келган, ҳозирги даврда ҳам ўсиб-ўзгариб, янги-янги тамойилларга эга бўлиб бораётган умумбашарий санъатнинг барча йўналишларига мансуб ғоят хилма-хил изланишлар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Санъат тарихи – миллий ва умуминсоний қадриятлар тарихи ҳамdir. Қадимшунос ва археолог олимларимизнинг бетиним изланишлари натижасида топилган ва ҳозирги кунларимизга қадар етиб келган турли маданий ёдгорликлар, осори-атикалар, шунингдек, улуғ алломаларимизнинг бой мероси, қимматбаҳо битиклари халқимизнинг маданият ва санъати тарихини ўрганишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу борада олиб борилаётган илмий изланишлар ҳар қачонгидан кўра ҳам мухим ва долзарбdir, негаки бугунги кунда замон эврилди, якин ўтган йиллардан бошлаб кўз ўнгимизда янги Ўзбекистон қад ростлай бошлади, бошқача айтганда, тарихга муносабат тубдан ўзгарди. Шу жиҳатдан, илмпарвар ва санъатсевар халқимизни янги-янги манбалар билан тизимли танишишириш, илмий тадқиқотларни ҳар жиҳатдан мақсадли ва изчил олиб бориш, уларни жаҳон маданияти кесимида таҳлил қилиш изланувчан олимларимиз зиммасига катта масъулият юклайтгани табиийdir.

Жаҳон халқлари маданиятининг ажralmas қисми бўлган ўзбек халқи санъати тарихи ҳам қадимги даврга бориб тақалади. Мазкур ўкув қўлланмада санъатнинг барча йўналишлари, жумладан

тасвирий санъат, халқимизнинг томоша санъати, мусиқа санъати, ўрта асрлардан бугунги кунгача ривожланиш йўлларини босиб келаётган миллий мақом санъати, унинг анъанавий ижрочилиги, ўз ажойиб тарихига эга бўлган театр санъати, миллий санъати-мизнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи рақс, фольклор, кино санъати тарихи ва ривожланиш жараёнларини ёритишига ҳаракат қилинганд. Юқорида номлари санаб ўтилган барча санъат йўналишларининг турлари, уларга мансуб жанрлар алоҳида таҳлил қилиниб, илмий асосда ёритиб берилган. Ушбу маълумотлардан талабалар, санъат тарихи билан шугулланувчи мустақил изланувчилар етарли даражада фойдаланишлари мумкин.

Санъатнинг жонлантирувчи илҳомбахш кучи, назариясини яратишга замин тайёрловчилар, маълумки, унинг маҳоратли ижрочилиидир. Турли тарихий даврларда ўз даврининг етук, зуко кишилари бўлган алломаи замонлар санъатнинг инжа назариясини ишлаб чиқкан бўлсалар, улуғ устозларимиз ўзларининг ҳайратомуз амалий ижролари орқали янги-янги асарлар яратишиб, уларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб, тинимсиз равишда сайқал бериб борганлар. Қайси йўналишда бўлишидан қатъий назар, устоз мақомига етишган моҳир ижрочилар ўз ижролари билан ноёб санъат намуналарини яратганлар ва халқ орасида катта шухрат қозониб, минглаб томошабин ва тингловчилар қалбига некбинлик ва эзгулик уругини сочганлар.

Ўқув қўлланма муаллифлари ўзбек халқи санъати тарихини кенг қўламда тадқиқ этиш мақсадида юқорида тилга олинган йўналишларни алоҳида таҳлил қилиш йўлидан боришни лозим кўришган ва озми-кўпми муваффақиятга эришганилар деб ўйлайман. Жумладан, ўзбек санъати тарихида марказий ўринлардан бирини эгаллаган мусиқа санъатини кенг қўламда ўрганилиш лозимлиги бежиз таъкидланмаган. Чунки бу санъат йўналиши ўзининг фоят қадимийлиги, босиб ўтган тарихий босқичлари, бой анъаналари билан чиндан-да кенг қамровли тадқиқотларга арзигулиkdir.

Туркий қавмлар вужудга келтирган, хусусан, ўзбек халқи яратган мумтоз мусиқа санъатини ўрганишда мақом санъатининг

тутган мавкеи алоҳида аҳамият касб этиши ажабланарли эмас. Маълумки, мақомлар асрлар оша ўзининг мураккаб сайқалланиш жараёнларини бошдан кечирди ва фидойи, ҳиммати баланд мусиқашунослар меҳнати туфайли мустақиллигимизнинг бугунги кунларигача эсон-омон етиб келди. Яқин ўтмишда мустабид сиёsat томонидан мақомларнинг бўйнига “эскилик сарқити”, “диний мазмунга эга” деганга ўхшаш бемаъни ёрликлар осилгани бугунги кун талабларига кулгили ҳолат бўлиши мумкин. Дадил айтиш зарурки, кейинги чорак аср мобайнида мақомлар янгича ривожланиш палласига қадам қўйди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3391 сонли қарори асосида ўзбек миллий мақом санъати марказининг ташкил этилиши миллий мусикамизни ривожлантириш соҳасидаги тарихий ҳодисаларданdir. Умрбокий, бебаҳо хазинанинг маданий меросимизда яна ўзининг юксак мартағасига эга бўлиши халқимизнинг баҳти деб эътироф этиш мумкин. Чунки мақом – миллат ва халқ бошдан кечирган юксалишу инқирозлар, қувончу аламлар, музаффарият ва мағлубиятлар ҳақида ҳикоя қилювчи мусикий эпопеядир. Шу жиҳатдан, кейинги пайтда мақом санъатини ривожлантириш ҳақида қабул қилинган тарихий қарорларнинг эълон қилиниши айни муддао бўлди.

Мумтоз мусика санъати ҳақида фикр юритилганда, халқ бастакорлик санъатини алоҳида таъкидлаш зарур бўлади. Чунки ижро-чиликининг барча турлари бастакорлик санъатининг маҳсулидир. Бизнинг фикримизча, ўзбек бастакорлик санъати – ҳали кашф этилмаган хазина, очилмаган кўриқдир. Тасаввур қилиб кўрайлик: кундалик ҳаётимизда “Халқ куйи” деган ёрлик билан эълон қилинаётган мумтоз куйлар қанча экан? Таассуфки, уларда халқ даҳоси намоён бўлаётганини кўпинча чуқур идрок эта олмаймиз. Шундай санъаткорлар ҳам бўлганки, улар ўзлари басталаган куйларни намойишкорона ўз номлари остида эълон қилишни ортиқча иш деб ҳисоблаганлар! Юксак маҳорат билан басталанган бетакрор куйлар давраларда ижро этиб юраверилган, оқибатда вақт ўтиши билан унинг бастакори номи унутилган ва халқ куйларига

айланган. Бинобарин, халқ номидан эълон қилинаётган ҳар бир күй замирида улуг санъаткорларнинг меҳнату маҳорати ётибди/

Ўқув қўлланмада ўзбек халқ театр санъати тарихига алоҳида ўрин берилган бўлиб, у халқ томоша санъатининг узвий давоми ва тарихан шаклланган санъат тури сифатида изоҳланган. “Халқ театри” ҳам худди “Халқ куйи” сингари ўзининг бой тарихий манбаларига эгадир. Шуниси характерлики, мамла-катимиз шаҳар ва туманларида халқ театрларининг бири иккинчисининг такрорий нусхаси бўлмаган ўнлаб кўринишлари мавжуд бўлган. Масалан, Юсуфжон қизик театрини олайлик. Маргилон заминидан етишиб чиқкан бу театрнинг бош ижроиси ҳам, корфармони ҳам, бош режиссёри ҳам, постановкачи режиссёри ҳам Юсуфжон қизиқнинг ўзи бўлиб, унинг халқ дарди билан тўлиқ томошалирида Европа театрларига хос бўлган барча муҳим жиҳатлар намоён бўлган. Афсуски, бу сингари халқ театрларининг шаклланиши ҳамда репертуари ҳозиргacha алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилган эмас. Маърифат жонкуяри бўлган ҳассос шоир Чўлпон 1936 йилда “Гулистан” журналида эълон қилинган “Қизиқлар” мақоласида айнан ана шу масалага тўхталиб, вакт кутуб турмаслигини, машҳур қизиқларнинг ҳар бири халқ театрларининг намоён бўлиш шакли эканлигини алоҳида уқтирган, тез орада улар халқ хотирасидан ўчиб кетиш хавфи остида эканидан огоҳлантирган эди. Чўлпон даъволарининг тўғри эканлигини вакт исботлади: бугун биз Зокир гов, Матхолик қизик, Маргилонда тарбия топган Сулаймон кори, Усмон қизик, андижонлик Ориф гармон, намангандлик Мирзараҳим сурбет, тошкентлик Карим қизик, Абдулла фонусчи, Сайд Аҳмад асқия, кўқонлик Ака Бухор, Юнус ва Комил кори, хоразмлик Болта қизик. Бобо тўқ-тўқ, Қурбонбой Шалламаларнинг факат номларини биламиз, холос. Уларнинг ҳаёти ва ижодий тақдирни, бой ва ранг-баранг репертуари хусусида эса бизга ҳеч нарса маълум эмас. Кўриниб турибдики, бу йўналишда тадқиқотлар ҳали олдинда.

Ўқув қўлланманинг мазкур фаслида ҳозирги кунда республикамизда фаолият юритаётган театрлар ва ҳар бирвоҳанинг этник нуқтаи назаридан келиб чиқувчи фарқли томонларикўрсатиб

ўтилган, айни пайтда театр санъатидаги мавжуд жанрларга эътибор қаратилган, халқ театрларининг ривожланиш йўллари, уларнинг миллий маданиятизда тутган ўрнини кўрсатиб беришга ҳаракат қилинганд.

Ўзбек халқининг миллий рақс санъати ҳам ўзининг бой ва ёрқин тарихига эгадир. Биргина мисол: Хоразм воҳасида олиб борилган археологик қазилмалар чоғида топилган деворий суратлар, ноёб осори-атиқалар кўздан кечирилганда, кўхна рақс санъатига оид жуда кўп материаллар борлиги аниқланган. Айниқса, деворларга муҳрланган раккосаларнинг тасвиirlари диққатимизни ўзига тортади. Қадимда подшоҳлар саройларида раккос ва раккосалар базмлари тез-тез ташкил этилгани, бинобарин, саройда рақс санъати билан шугулланувчи маҳсус тарбиячи ва ходимлар саклангани ҳакида маълумотлар бор. Маълумки, миллий рақс санъати Хоразм, Бухоро, Фарғона рақс мактаблари асосида ривожланиб келган. Даврлар оша рақс мактабларининг бекиёс ижрочилари ва устозлари етишиб чиқкан, улар ўзлари яшаган давр талабларидан келиб чиқиб, бу ноёб санъатга ўз хиссаларини қўшганлар. Айниқса, ўтган асрнинг бошларидан буғунги кунилизгача бўлган даврда рақс санъати, айтайлик, Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева сингари устод раккосалар тимсолида ўзининг нафосату гўзаллиги билан маданият ва санъатимизда янги сахифалар очгани маълум.

Миллий маданиятиз ривожида кино санъатининг ўрни ҳам бекиёсdir. Шубҳасиз, буғунги кунларимизни фильмларсиз тасаввур килиб бўлмайди. Ҳолбуки, кино асарлари энг ёш санъат тури хисобланиб. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб маданий ҳётимизга кириб келди. Мазкур санъат йўналиши келажакда муҳим аҳамият касб этиши, у ривожланиш жараёнида ўзининг серкирра тарихини яратиб келаётган санъат эканига ўтган аср бошларидәёқ жадидчилик намояндалари жиддий эътибор қаратганлари бежиз эмас. Абдулла Қодирий 1927 йилда матбуотда эълон қилган “Равот қашқирлари” мақолосида ўзбеклар турмушидан суратга олинган дастлабки “Ажал минораси”, “Мусулмон хотин” сингари фильмларни қаттиқ танқид килиб, уларга

нисбатан “Равот қашқирлари”ни бирмунча олдинга кетиш деб баҳолаган ва кино санъатини келажакда қандай юксалтириш масалаларига доир фойдали маслаҳатлар берган эди¹. Орадан йиллар үтиб, тарихий жараёнлар бу соҳада ҳам ўз қаҳрамонлари, яъни фидойи инсонларини яратди, халқ ичидан етук режиссёр ва актёrlар етишиб чиқди, миллий кино санъати шаклланди. Шўролар даврининг 60-70-йилларидан бошлаб кўп қисмли миллий фильмларнинг яратила бошлиши ҳам мамлакатимизда кино санъатининг юксалиб бораётганилигидан далолат беради.

Умуман олганда, ушбу ўкув-услубий қўлланмадан ўрин олган маданиятимиз ва санъатимиз тарихига оид барча маълумотлар маънавий-маърифий ва эстетик тарбия билан шугулланувчи мутахассисларни, санъат муҳлисларини, кўп сонли ўкувчи ва талабаларни бефарқ қолдирмайди. деган умиддамиз.

**Набижон Солиев,
филология фанлари номзоди.**

1 Қаранг: А.Қодирий. Кичик асарлар. –Т.: Г.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1969. Б- 189.

1-МАВЗУ: ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАРИХИ, НАЗАРИЯСИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Режа:

1. Тасвирий санъат тарихи, назарияси, моҳияти ва мазмуни.
2. Тасвирий санъат тушунчаси, турлари ва уларнинг ўзаро үйғуники.
3. Тасвирий санъатнинг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамияти.

Таянч сўзлар: графика, ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик, меъморчилик, декоратив ва амалий санъат, иллюстрация, плакат, карикатура, этикетка, марка, мармар, гранит, суяқ, цемент, гипс, экслибрис.

Ибтидоий жамоа тузуми инсоният тараққиёти тарихидаги энг қадимий ва узоқ давом этган босқичлардан бири ҳисобланади. Бундан тахминан 1,5 миллион йил аввал шу тараққиёт жараёнида ҳозирги замон одами типи пайдо бўлди, одамлар жамоаси юзага келди. 1 миллион йил аввал эса Африканинг шарқий қисмларида, бироз кейинроқ Европа ва Осиёда биринчи тош қуроллари пайдо бўла бошлади, факат милоддан аввалги 30 минг йилликда биринчи санъат асарлари яратила бошланганлигини археолог олимлар эътироф этадилар. Ибтидоний жамоа тузуми санъати тарихи, одамзод эстетик туйгуларининг пайдо бўлиши ва ривожланишидан бошлаб, ер юзида биринчи давлатларнинг юзага келишигача бўлган даврни ўз ичига олади. ўрганади ва таҳлил этади.

Олимлар ибтидоий жамоа даври тарихига оид жуда кўп фактик материалларни ўргандилар ва ҳозирги замон фанининг ютукларини умумлаштириш ҳамда такқослаш асосида илмий маълумотлар олишга эришдилар. Археологик маълумотларга кўра, 30-40 минг йил олдин тасвирий санъатнинг жуда кўп турлари пайдо бўлган. Жумладан, Европа, Осиё ва Африка қитъаларидан топилган ашёвий далиллар шундан далолат берадики, бу даврда одамлар уй вазифасини ўтаган тошлар панаси, ертўлаларнинг

девор ва шипларига суратлар чизганлар, бўртма тасвиirlар ишлашга ҳаракат қилғанлар. Улар яшаган манзиллардан топилган меҳнат, ов қуроллари, турли расм ва ҳайкаллар рамзий мазмунга эга бўлган шакллар ибтидоий жамоа тузумида яшаган кишиларнинг эстетик ва фалсафий қарашларини тушунишда муҳим далиллий хужжатдир.

Юқори палеолит даврида одамлар тош, суяқ, шох, лойдан ҳар хил ҳайкалчалар ишлашга ўта бошлаганлар. Франциянинг Ласко горидан топилган от бошининг бўртма тасвири, Африканинг Фетссан манзилидан топилган сигир бўртма тасвири ҳам ибтидоий ҳайкалтарошликтининг юксак намуналаридан.

Ишлаб чиқариш жараёни кучая борган сари, кишиларнинг маънавий олами, дунёкараши ҳам мураккаблашиб борди. Бу эса тасвирий санъатда натурализмдан абстракт фикрлашга ўтиш жараёнининг ривожланишига олиб келди. Бундай жараён ибтидоий жамоа тузумида яшаган кишиларнинг тошлардан курол ясаш имкониятини келтириб чиқарди. Эндиликда тошни қайта ишлаш, уни пардозлаш, шу асосда жуда нозик буюмлар яратишга кўпроқ эътибор берила бошланди. Кулолчилик (керамика) нинг пайдо бўлиши ҳам янги тош асрининг муҳим белгиларидан ҳисобланади.

Одамларнинг ўтроқхолга ўтишлари, табиат қонун-қоидаларини кузатиб боришлари симметрия, ритм, шакл туйгуларини ўстирди. Бир хил элементларнинг текис қайтарилиши ёки оралаб келиши асосида вужудга келадиган ўзига хос нақш санъатини майдонга келтирди. Нақш янги тош асрида кенг ёйилди, амалий-декоратив санъатнинг тараққий этишига катта таъсир кўрсатди. Кулолчилик ва бошқа буюмларни нақш билан безаш кенг тус олди. Ҳандасавий (геометрик) нақшлар аста-секин соддалаштирилган одам, ҳайвон ва ўсимликлар дунёсидан олинган шакллар билан бойитилиб, мазмун-моҳияти кенгайиб борди.

Эрамиздан аввалги 3-минг йиллик ўрталарига келиб, одамлар мисни қалай, кўргошин, рух ёки сурма билан эритиб, бронза тайёрлашни ўрганиб олдилар. Бронза курол-яроғ, аслаҳа, зебу зийнат ясаш учун асосий материал бўлиб қолди. Ер юзида бронза асри

бошланди. Бронзанинг ихтиро этилиши ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ҳаётда инсон тафаккурининг мухим ғалабаси бўлди.

Ибтидоий жамоа тузуми сўнгги босқичининг ўзига хослиги мазкур даврда яратилган мудофаа характерига эга бўлган мустаҳкам қалья ва қўрғонларда, безакка бой уй анжомлари, жанг куролларида, мотам маросими билан боғлиқ бўлган урф-одат буюмларида кўринади. Темир асирида ҳам амалий декоратив санъат етакчи ўринни эгаллади.

Ибтидоий жамоа тузуми инсоният тараққиётининг узок давом этган босқичидир. Шу давр ичida инсон тафаккури камол топди, ҳис-туйгулари ривожланди. Инсон дастлаб табиат яратган инъомлар истеъмолидан ўзи маҳсулот яратишга ўта борди. У меҳнат жараённида ўз даврининг санъатини яратди. Санъат эса воқеликни образли билишга ёрдам бериш билан бирга, инсоннинг ўз кучига ишонч хосил килиш, теварак-атроф қоидаларини ўзлаштириб, уни гўзаллик конунлари асосида қайта қуришга имкон берди. Ибтидоий жамоа даври санъати қадимги Шарқ, антик дунё ва ўрта аср Европа санъати ҳамда илк синфий жамият санъатининг асосини ташкил этди.

Тасвирий санъат тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, у тасвирий санъат, графика, ранг-тасвир, ҳайкалтарошлиқ каби санъат турларини ўз ичига камраб олади. Меъморчилик, декоратив ва амалий санъат асарлари ҳам қисман тасвирий санъат туркумига киради. Ҳақиқатда эса уларда мавжуд борлик тасвирланмайди. Лекин бу санъат асарларида ижодкорнинг максади, фикри, ҳис-туйгулари, орзу-истаклари ўз аксини топади. Демак, ижодкор дунёкарашида маълум миқдорда давр руҳи ва мазмуни суғорилган бўлади. Шу нуқтаи назардан, меъморчилик ва амалий санъат буюмларига ҳам тасвирий санъат сифатида қаралади.

Тасвирий санъатнинг ҳамма турлари бир-бирига жуда яқин бўлиб, уларда бир катор ўхшашликлар бўлади. Лекин шу билан бирга, уларда ҳар бирининг ўзига хос тасвирий услублари ва техникаси мавжуд. Шунингдек, уларнинг ишлатилиш ўрни, акс эттирадиган мавзуси, ишланиш услубига караб бир катор тур ва жанрларга бўлинади.

Графика. Ҳозирги замон санъатининг кенг тарқалган турларидан бири графика санъатидир. Тасвирий санъатнинг бу турига оддий қора қаламда чизилган сурат, мавзулук композициялар, китобнинг ички ва ташқи томонига ишланган турли расм, иллюстрация, плакат, карикатура, шарж, этикетка, марка, эксплибрис ва бошқалар киради. Графика санъати асарлари ҳажм жиҳатдан унча катта бўлмай, кўп ҳолларда қогозга ишланади. Графика санъатининг характерли томонларидан бири, у кетма-кетликни (сериаллик) ташкил этади, яъни воқеанинг бир неча қоғозда тасвирлашиди. Бундай серияли расмлар ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлиб, маълум бир мазмунни очиб беради.

Графика санъати ҳозиржавоб санъатлардан бири бўлиб, мазкур санъат асарларида содир бўлган воқеа шу бугуноқ ўз аксини топади. Чунки баъзи рассомчилик асарлари яратилиши учун узок вакт (15-20 йил) керак бўлган. Графика санъатида ранг ишлатилмайди, ишлатилса ҳам, унинг характерли томонини белгиламайди. Масалан, машхур рассомлар Д.Моор ва Гойдзе ўзларининг “Сен кўнгилли бўлиб ёзилдингми?”, “Она Ватан чақиради!” деган плакатларида одам кийимини очиқ қизил рангда кўрсатишган. Аслида, ҳаётда бундай воқеани учратиш қийин. Рассом ранг орқали ўз асарининг янада таъсиричан бўлишига эришган. Киши шу плакат олдидан ўтиб борар экан, қизил ранг унинг дикқатини ўзига тортади. Натижада у тўхтаб, плакат мазмунини чуқурроқ билиб олишга интилади. Рус санъатининг атоқли вакиллари Маяковский, Черемнихлар қизил рангдан давлатнинг рамзи сифатида фойдаланганлар, улар рус кишиларининг расмини қизил ранг билан, ҳокимиётнинг душманларини эса қора ва кўк рангларда ишлаб, ўз гояларини тез ва осон тушунарли бўлишига эришганлар. Графика асарлари ўзининг бажарадиган функцияси ва мазмунига қараб, дастгоҳ графикаси, китоб ва газета-журнал графикаси, плакат ҳамда амалий графика санъатига бўлинади.

Дастгоҳ графикаси санъатининг асосий кўринишларидан бири эстампdir. Дастгоҳ графикаси асарларида бирон нарсанинг мазмунни, одамларнинг хатти-харакати, табиатнинг, ундаги нарса ва ҳодисаларнинг кўриниши ёритилади. Китоб ва газета-журнал гра-

фикаси тури дастгоҳ графикасидан фарқ қилиб, бевосита китоб ва журнал мазмуни билан боғлиқ бўлади ҳамда уларнинг мақсад ва мазмунини тўлароқ очиб бериш учун хизмат қилади. Китоб ва газета-журнал графикасига рассом томонидан китоб ва газеталарга чизилган турли расмлар, безаклар, ҳарф композициялари киради.

Китобхамда газета-журнал графикасининг кўри-нишларидан бири бу иллюстрациялардир. Иллюстрация муайян бадий асар билан боғлиқ бўлиб, мазкур асарда тасвирланган лавҳанинг тасвирини акс эттирадиган расмга айтилади. Рассом ҳикоя ёки китобга иллюстрация ишлашга ўтишдан олдин уни синчиклаб ўқийди, матнда тасвирланган ҳар бир образнинг характеристикини, воқеа содир бўлаётган жойнинг хусусиятларини ўрганиб чиқади, шундан кейингина унга иллюстрация ишлашга киришади. Иллюстрациянинг мақсади бадий асар мазмунининг чуқуррок очилишига ва таъсирлирек бўлишига ёрдам беришдир. Иллюстрациялар турли кўринишда бўлиб, бадий асарда иштирок этувчи шахс портрети, шунингдек, муҳим воқеалар тасвирланиши мумкин. Китоб ва газета-журнал графикасининг кўринишларидан яна бири карикатура бўлиб, у танқидий характеристерга эга бўлади ҳамда ўзида сатира ва юморни мужассамлаштиради.

Карикатурачи рассом ҳаётда мавжуд бўлган воқеа ва ҳодисаларни ўз асарига мавзу қилиб олади ва унинг баъзи томонларини бўрттириш орқали расмларнинг кизиқ ва кулгили бўлишига эришади. Бу санъат орқали рассом ҳаётдаги камчиликларни танқид қилади, жамият тараққиётига халақит берадиган, замонамиз шаънига дод бўлган ҳодиса, иллат ва маразларни коралайди, мавжуд бўлган нодонлик, хурофот, текинхўрлик, порахўрлик, давлат мулкига хиёнат қилувчиларнинг башараларини очиб ташлайди. Мазкур ўринда Россияяда фаол ижод қилган Кукриникслар фаолиятини эслаш мақсадга мувофиқдир.

Графика санъатининг турларидан яна бири плакатdir. Плакат лотинча сўздан олинган бўлиб, “эълон”, “гувоҳнома” деган маънioni англатади. Графика санъатининг ниҳоятда кенг таркалган турларидан бири амалий графикадир. Турли хилдаги этикетка-

лар, конверт юзасига ишланадиган безак расмлар, табрикнома, телеграммалар, маркалар графиканинг шу турига мансуб.

Амалий графика шунчаки безак учун ишлатиладиган санъат эмас, у ҳам санъатнинг бошка турлари каби ижтиомий ҳаётда фаол қатнашади, жамиятда бўлаётган янгиликлар билан оммани таниширади. Хукумат ғояларини ҳалқ орасида тарғиб қиласди.

Графика санъати энг демократик санъатдир. У гоҳ плакат тарзида, гоҳ гугурт кутичасининг юзасига ишланган тасвир тариқасида, гоҳ газета саҳифаларидаги сурат тарзида ўлканинг узок чеккаларига кириб боради, ўша ерларда маърифат тарқатади, кишиларни бўлаётган янгиликлар билан таниширади. Шунинг учун ҳам графика санъати катта ғоявий-сиёсий аҳамиятга эгадир.

Ранг-тасвир. Тасвирий санъатнинг иккинчи бир тури ранг-тасвир санъатидир. Деворларга ишланган турли расмлар, полотноларга чизилган сурат, кино ва театр декорациялари шу санъат турига киради. Ранг-тасвирда ранг муҳим ўринни эгаллади. Агар графика санъатида ранг шунчаки ёрдамчи вазифани ўтаса, бу табиий ҳолдир. Ранг-тасвирни эса рангсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Рассом ранг орқали борликни кўринарли образларда тасвирлайди, маконнинг чексизлигини, ундаги нарсаларнинг ранг-баранглигини, моддийлигини, ҳажмини кўрсатади. Ранг-тасвир асарлари яна ўзининг вазифаси ва ишланиш услубига кўра монументал, дастгоҳ ва декоратив турларга бўлинади.

Монументал ранг-тасвир меъморлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу турдаги асарлар мустақил мазмунига эга ҳамда уларда жамият ҳаётидан олинган муҳим воқеалар акс эттирилади. Бундай асарлар одатда узокдан кўришга мўлжалланганлиги туфайли образларни иложи борича умумлаштирилган ҳолда тасвирга кўчирилади, майда деталлардан иложи борича камроқ фойдаланишга ҳаракат қилинади. Ранглар ҳам бирмунча шартли олинади, шунга қарамасдан у борлик тўғрисида реал тасаввур бермоги лозим. Монументал ранг-тасвир меъморчиликда маълум микдорда безаш вазифасини ҳам ўтайди, шунинг учун ҳам уни баъзан монументал-декоратив ранг-тасвир деб ҳам юритилади. Монументал ранг-тасвир асарлари бажарилиш усулига қараб ўз навбатида

бир неча турларга бўлинади. Булар: фреска, мозаика вапаннодир. Фреска одатда деворга тўғридан-тўғри сувок устига ишланади. Болонка рангли тош, шиша, бўялган ойна, сирли сопол парчалиридан ишланади. Деворга ишланган сурат ёки ўйма нақшлар баъзан ҳар хил шаклдаги рамкалар (тўртбурчак, квадрат, бешбурчак ва ҳоказолар) билан чегараланган бўлади – бу панинодир. Панно дастлаб алоҳида юзада (холстда, ганчда, ёғочда) ишлаб олинади, битгандан сўнг деворларда қолдирилган маҳсус ўринларга ўрнатилади. Лекин мазмун жиҳатдан мустақил характерга эга бўлиши ҳам мумкин. Баъзи ҳолларда панно дастлаб холстга мой бўёқ билан ишланиб, кейин керак бўлган ўринга ёпиширилади.

Декоратив ранг-тасвир меъморчилик ва амалий санъат билан боғлиқ бўлиб, асосан безаш вазифасини ўтайди. Декоратив ранг тасвирга наққошлик санъати, театр, кино декорациялари ва қисман монументал рассомчилик ҳам киради. Декоратив ранг-тасвир монументал ранг-тасвир сингари тўғридан-тўғри деворга ишланиши, панно, мозаика тарзида бўлиши мумкин. Дастроҳ ранг-тасвир ҳозирги замон тасвирий санъатида етакчи ўринни эгалловчи санъат турларидан бири ҳисобланади. Одатда, у маҳсус рамкага тортилган матолар устига ишланади. Бундай расмлар молберт деб аталадиган алоҳида дастроҳда ишлангани учун ҳам уларни дастгоҳли расмлар дейилади.

Бундай рассомчилик асарлари жамиятда бўлаётган муҳим воқеа ва ҳодисаларни акс эттиришидан ташқари, шахснинг индивидуал ҳислатларини, кечин-малари, ҳис-туйгуларини тўлиқ кўрсатиш имкониятига эгадир. Шунингдек, уларда табиатда бўлаётган ўзгаришлар ўзининг ёрқин ифодасини топади. Дастроҳ ранг-тасвир монументал ва декоратив ранг тасвирдан фарқли ўлароқ, мустақил аҳамиятга эгабўлиб, у бошқа бирон санъатга боғланмайди. Бу ўринда дастгоҳ рассомлигининг бирмунча кеч пайдо бўлганлигини айтиб ўтишимиз лозим бўлиб, унинг ривожланиш даври Уйгониш даврига тўғри келади. Ҳозирги кунда эса тасвирий санъат турлари ичida унинг кенг тарқалган турларидан бири ҳисобланади. Ўзбекис-тонда рассомчиликнинг бу тури асосан XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб пайдо бўлган.

Ҳозирги кунда у ўзбек тасвирий санъатида етакчи ўринлардан бирини эгаллади.

Ҳайкалтарошлиқ. Тасвирий санъатнинг турларидан бири бўлган ҳайкалтарошлиқ асарларида борлиқ муайян ҳажмга эга бўлган шакллар орқали маконда тасвирланади. Стол устига қўйиладиган ҳайкалчалар, парк ва хиёбонларга ўрнатилган турли ҳайкал ва ёдгорликлар, биноларнинг деворларига, танга, белги, медал каби буюмларнинг юзасидаги бўртма тасвирлар ҳайкалтарошлиқ санъатининг турли кўриниши ҳисобланади.

Ҳайкалтарошлиқ асарлари ўз ишлатилиш ўрни, бажарадиган вазифаси ва тайёрланиш усулига қараб турлича номланади. Улар одатда думалоқ ва қабариқ кўринишда бўлади. Думалоқ ҳайкалларни ҳамма томондан айланиб қўриш мумкин бўлса, қабариқ ҳайкалларни юзага бўрттириб ишланганилиги сабабли фақат бир томондан кўрилади. Қабариқ ҳайкаллар рельеф деб аталади. “Рельеф” французча сўз бўлиб, юза деган маънони билдиради. Рельефли ҳайкалларда асосий образлар билан бир қаторда, кенглик, табият манзараларининг кўриниши ҳам акс этади. Шунинг учун бундай рельефларни баъзан перспективали рельеф деб ҳам юритилади. Рельеф, ўз навбатида, икки турга бўлинади. Улардан бири барельеф, иккинчи тури эса горельефдир. “Барельеф” ҳам французча сўздан олинган бўлиб, паст рельеф деган маънони англатади. Барельефда ҳайкал текис юзага нисбатан бироз қабарган (бўртган) бўлиб, лекин унинг қалинлиги ўзининг ҳақиқий қалинлигининг ярмидан ошмаслиги лозим. Масалан, танга, значок, медал юзаларидаги бўртма тасвирлар бунга мисол бўла олади. Барельефлар, айниқса, амалий санъат буюмларини, меъморчилик биноларини безашда жуда кўл келади.

Қадимги Грецияда ҳаётда ишлатиладиган турли хил буюмлар, масалан, кўза, гулдон, курол-аслаҳаларнинг юзаларини барельефлар билан безаганлар, биноларнинг деворларига турли ҳаётий воқеаларни акс эттирувчи бўртма тасвирлар ишлаганлар. “Горельеф” сўзи ҳам французча бўлиб, баланд рельеф маъносини билдиради. Ҳайкалтарошлиқнинг бу турида тасвирлар юзадан сезиларли даражада бўртиб чикқан бўлиб, унинг қалинлиги ўзининг ҳақиқий қалинлигининг ярмидан ошган бўлиши шарт.

Рельефнинг яна бир тури бор. Бу ўйиб ишланган рельефлардир. Бундай рельефлар одатда текис юзага ўйиб ишланади. Юзани ўйиш натижасида ҳосил бўладиган ёруғ-соя ўйини ҳисобига тасвир кўзга ташланади. Бундай рельефларнинг имконияти чегараланган бўлганидан улар амалда жуда кам кўлланилади. Бундай рельефлар кадимги Мисрда ишлатилган.

Ҳайкалтарошлиқ асарлари учун турли хилдаги материаллар ишлатилади. Бу материаллар ҳайкалга турли характер ва мазмун беришда хизмат қиласиди. Масалан, тош-гранитда ишланган ҳайкаллар танланган мавзуга улуғворлик, адабийлик бахш этса, аксинча, мармарда ишланган ҳайкаллар нозик, кўркам кўри-нади. Шунинг учун ҳайкаллар ўзининг мазмуни ва ўрнатиладиган жойига қараб, ҳар хил материаллардан ишланади.

Ҳайкалтарошлиқ материаллари кўп. Бу пластилин, лой, ёгоч, металл, мармар, гранит, сук, цемент, гипс ва ҳоказолардир. Қимматли металллар – олтин, кумуш, никеллар ҳам ҳайкалтарошлиқда кўлланади. Бу санъат турида деярли ранг ишлатилмайди. Ҳалқ ҳайкалтарошлигида ҳайкалларни бўяш ҳоллари учрайди. Бунга Ўзбекистон ҳудудидан топилган қатор кўхна ҳайкалтарошлиқ намуналари мисол бўла олади. Ҳайкалтарошлиқ асарлари ҳам тасвирий санъатнинг бошқа турлари каби ўзининг бажарадиган вазифаси, мазмунига қараб бир қатор тур ва жанрларга бўлинади. Ҳайкалтарошлиқ турлари деганда, монументал, декоратив ва дастгоҳ ҳайкалтарошлиги тушунилади.

Монументал ҳайкалтарошлиқка муҳим тарихий воқеалар, атоқли шахслар хотирасини абадийлашириш мақсадида ўрнатилган йирик ўлчовдаги, турли хилдаги ёдгорликлар, ҳайкалтарошлиқ ансамбллари киради. Одатда монументал ҳайкалтарошлиқ асарлари ўзида катта мазмунни англатиб, мустақил характерга эга бўлади. Лекин шу билан бирга, у бевосита муҳит билан боғлиқ бўлиб, меъморчилик бинолари ҳамда табиат билан уйғунликда бўлиши лозим. Бу унга янада улуғворлик ва таъсирчанлик бахш этади. Монументал ҳайкалтарошлиқ асарларига ҳос бўлган хусусиятлардан бири бу тасвирланаётган қаҳрамонларнинг кўтаринки руҳдаги тасвиридир. Монументал ҳайкалтарошлиқ асарлари

доим очик ҳавода туриш учун мўлжалланган бўлганлиги сабабли улар узок турадиган қаттиқ материалдан, масалан, тош, бронза ва ҳоказолардан ишланади. Булардан ташқари, монументал ҳайкалтарошлиқ асарлари узокдан кўришга мўлжалланганлиги сабабли уларда катта-катта яхлит шакллардан кенг фойдаланилади. Одам юзидағи майда деталлар, кийимдаги букланишлар, ундан майда деталлар кўрсатилмайди. Истироҳат боғлари, хиёбон ва кўчалар, шунингдек, меъморчилик биноларининг деворларини безаш учун ишлати-ладиган ҳайкалларнинг ҳамма турлари декоратив ҳайкалтарошлиқ санъатига киради. Ҳайкалтарошлиқ санъатининг бу тури монументал ҳайкалтарошлиқдан шу билан фарқ қиласиди, агар монументал ҳайкалтарошлиқ асарлари ўзида мустақил мазмунни англатиб, меъморчиликка ҳам, теваракатрофга ҳам тобе бўлмаган ҳолда, кишига мустақил фикрни бера олса, декоратив ҳайкалтарошлиқ асарлари эса бевосита меъморчилик билан боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, агар монументал ҳайкалтарошлиқ асарларини ишлашда образларни кўтаринки руҳда ишланса, декоратив ҳайкалтарошлиқ асарларида эса образлар бироз юмористик тарзда талқин этилади, бўргтирилади.

Ҳайкалтарошлиқнинг бу турида турли ҳайвон ва қушлар шакли кенг ишлатилади. Биноларнинг деворларига ишланадиган турли бўртма тасвиirlар, амалий санъат буюмларининг юзасига ишланган тасвиirlар ҳам декоратив ҳайкалтарошлиқка киради. Турли фонтанлар, панжаралар, мумтоз услубдаги дарвозалар ҳам декоратив ҳайкалтарошлиқ намуналари сифатида қаралади. Чиннидан ясалган турли ҳайкалчалар, лойдан ишланган ўйинчоклар ҳам шу ҳайкалтарошлиқнинг кўриниши ҳисобланади. Дастроҳ ҳайкалтарошлигига ўзида мустақил мазмунни англатадиган, санъатининг бош турларига тобе бўлмаган асарлар киради. Бундай асарлар кўргазмаларга кўйиш, уйларга кўйиш учун мўлжалланган бўлади. Ҳайкалтарошлиқнинг мазкур турида вокелик ўзининг бутун борлиги билан акс этади. Ҳайкалтарошлиқ санъатининг бу тури инсон, психологиясидаги нозик ўзгаришлар, унинг ички руҳий кечинмалари, кайфиятини очиб бериш имкониятига эга. Худди шу ҳолда у табиатдаги мавжуд ҳайвон ва жониворлар

тасвирларини ишлашда ҳам уларнинг ҳаёти, кучи, характерини кўрсата олади.

Дастгоҳ ҳайкалтарошлигининг кўринишларидан бири бюст бўлиб, у одам гавдасини акс эттирувчи думалоқ ҳайкал ҳамда ўзида бир қатор образларни мужассамлаштирган ҳайкаллар гурӯҳи (композиция) тарзida бўлади. Ҳайкалтарошлик санъатининг яна бир кўриниши – терракота ҳисобланади (“терракота” итальянча сўз бўлиб, пиширилган лой маъносини билдиради). Терракота кенг маънода лойдан ясалиб, печда пиширилган ҳайкалтарошлик асарлариdir. Ҳайкалтарошликда инсоннинг фақат ташқи кўриниши, тинч тургандагиҳолати ёки ҳаракатдаги пайтини акс эттириш билан унинг имконияти тугамайди. Ундағи кечинмалар, инсоннинг ҳаяжон ва ғамгинлиги, изтироблари, келажакка интилиши ва ўтмишга қайғуриши ҳам ўз ифодасини топади. Ҳайкалтарош асарида инсоннинг теварак-атрофга бўлган муно-сабати ҳам, қалbidаги изтироб ҳам ишонарли талқин этилиши мумкин. Бунда, албатта, энг аввало, ҳайкалтарошнинг ўта зийраклиги, одам гавдаси ва мимик ўзгаришларини тўғри ифодалаши мухим ўринни эгаллайди. Тўғри топилган ҳаракатлар, юздаги мимик ҳолат – булар унинг таъсирли бўлишига замин тайёрлайди.

Декоратив-амалий санъат. Санъатнинг кенг тарқалган турларидан бири декоратив амалий санъатdir. Бу санъат ҳаётда ишлатиладиган буюмлар, идиш-товоқ, кийим-кечак, мебел, гилям, ўйинчоклар ва бошқа шу кабиларни безатишини ўз ичига олади.

Декоратив – амалий санъат асарлари одамларнинг кундалик турмуш эҳтиёжларини кондириш, теварак-атрофга, парк-боғ, уйларнинг ташки ва ички кўринишига гўзаллик киритиш вазифаларига хизмат қиласи. Бу санъат дастгоҳ санъатидан ўзининг бевосита ҳалқ эҳтиёжига мосланганлиги билан фарқ қиласи ва инсон ҳаётида ишлатиладиган буюмларнинг мазмунидан келиб чиқади ва шунга бўйсунади. Декоратив – амалий санъатда реал воқеликлар (масалан, гуллар, ҳаётий лавҳалар ва ҳоказолар), акс этиши мумкин, лекин улар мустақил характерга эга бўлмайди ҳамда маълум бир буюм мазмуни ва шакли билан боғлиқ бўлади.

Тасвириланган воқеаларда шартли элементлар кенг ўринни эгаллади. Декоратив санъат буюмлари бирмуңча эркин, ижодкор фантазиясига боғлиқ ҳолда яратилади ва энг аввало, теварак-атрофга файз киритишга қаратилган бўлади. Масалан, жимжи-мадор устун, эшик, дарвозалар, деворларнинг ташқи ва ички томонига ишланадиган рангли нақш ва бўртма тасвиirlарни бунга мисол килиб кўрсатиш мумкин.

Декоратив-амалий санъат жуда кадим замонларда пайдо бўлиб, халқ ҳунармандлиги тарзида ривожланди. Ўзбекистонда декоратив-амалий санъат тасвирий санъатнинг энг кадимдан ривож толган ягона ва барҳаёт тури бўлиб келди. Чунки санъатнинг бошқа турларини (ранг-тасвир, графика, ҳайкалтарошлиқ) яратиш ислом дини томонидан кўп асрлар мобайнida чеклаб кўйилган эди. Ўзбек халқининг амалий санъат асарларида кўпроқ чамандек очилган гулзор, боғлар акс эттирилади. Чунки жазирама иссиқ остида, қақраб ётган сувга ташна чўлларни гулзорга айлантириш қадимдан ўзбек халқига хос одат бўлган. Декоратив-амалий санъатга алоҳида эътибор берилган. Декоратив-амалий санъат усталарига катта имтиёзлар яратилган, маҳсус артеллар, устахоналар ташкил этилган. Ҳозирда ёғоч ўймакорлиги, кулолчилиги билан бир каторда, ўзбек каштаси, атласи, бекасами ва бошқа нақш берилган ҳар хил жихозлари дунё халклари орасида шуҳрат қозонди.

Каштачилик. Амалий санъатнинг энг кўп тар-қалган ва энг оммавий тури каштачилик бўлиб, у қадимий анъаналарга эга, ўзбек каштачилиги, юқорида айтиб ўтганимиздек, кийғос очилган боғларни эслатади. Шунинг учун ҳам биз ўзбек каштачилигига гулдастани, мажнунтолни, қуёшни, баъзан дараҳт шохчасига кўнган қушчалар, ҳатто ҳайвон ва одам тасвиirlарини ҳам учратамиз.

Ўзбекистоннинг энг қадимий маданият ўчоклари хисобланган Бухоро ва Самарқанд сўзаналари ўзининг серранглиги, шаклларининг турли-туманлиги ва уларнинг ниҳоятда нозик тикилиши билан фарқланади. Шахрисабзлик аёллар тиккан каштачилик буюмлари эса кўпроқ гиламни эслатади. Ўзбек оиласида уйнинг

ички деворларининг текис қисмига айлантириб илиб қўйиладиган дорпечдан безак мақсадида фойдаланилади. Уларнинг паст қисмида шокила-шокила бўлиб осилиб турган кокиллари бўлади. Дорпечлардаги бир шакл қайта такрорланаверади. Бу гулли дарахт ёки гулдастани қатор қилиб сафга тизиб қўйгандаидек манзарани беради.

Ўзбек каштачилигида дўппи алоҳида ўринни эгаллайди. Шаҳрисабзнинг гилам дўпписи, Бухоронинг зардўпписи, Намангандарнинг чуст, Марғилоннинг қалампирнусха дўпписи, ироки, духоба ва бошқа дўппилар Ўрта Осиё ҳалқлари орасида кенг тарқалган. Дўппи нусхалари ичиде энг машҳури Марғилон ва Чуст дўппиларидир. Қора атлас (ёки сатин) устига ипак билан тикилган бодом гули (ёки қалампир), кизакка туширилган гуллар дўппига нағислик баҳш этади. Каштачилик санъатидаги белбоғ, дастрўмол, сандалпеч, бўғмача ва турли тўрвачалар ҳам нағис безатилади. Ўзбек каштачилигининг анъаналари ҳозирги кунда ҳам муваффақиятли равишда ривожланмоқда. Каштачилик санъатида кишилар портретини акс эттириш асосан бир аср олдин пайдо бўлди.

Нимшоҳи газламалар – бекасам. банорас ва адрес, атласлар ҳалқимиз томонидан қадим-қадимдан эъзозлаб келинади. Ўзбек ҳалқи ипак етиширишда моҳир бўлибгина қолмай, балки шойи-атласларни тўқиган, уни ниҳоятда юқори бадий дид билан бўйя олган. Фақат ипакдан тикилган тўрт, саккиз, ўн икки тепкили Марғилон атласлари жаҳонга донг таратган.

Атлас газмоллар композицион жиҳатдан турли-тумандир. Ҳозирги кунда унинг юздан ортиқ безаш тури бор. Булар, асосан, турли геометрик шакллар, ўсимликларнинг гул ва барглари, уй-рўзгор буюмлари ва ҳоказолардан иборатдир. Ўзбек каштачилик санъатида зардўзлик буюмлари, ёрқин ва лўнда гулли гиламлар, жундан тикилган бежирим жиҳозлар ҳам кенг тарқалган, буларга ҳалқнинг хаётида турли мақсадларда ҳамон фойдаланимоқда.

Ганчкорлик – Ўзбекистонда амалий санъатнинг энг севимли ва қадимий турларидан биридир. Амалий санъатнинг бу турида Бухоро ва тошкентлик усталар самарали меҳнат қилганлар. Ав-

валлари деворлар ўйма гулли паннолар билан безатилар, тахмонлар қиррасига нақшлар ўйилган бўларди. Токчалар бўлса ўймакор ёки жимжима табақалар билан ясатилган, хонага нур ва ҳаво кириб туриши учун дераза ва эшик устидан туйнук қўйиб, унга ганч ва ёғочдан панжаралар ўрнатилган.

Хозирда қандил, наво, шип каби меъморчилик деталлари ганчлардан тайёрланмоқда. Шунингдек, маданият саройлари, клублар, театр ва уй-жой биноларининг ички ва ташки қисмини куришда ганчкорликдан кеңг фойдаланилмоқда. Ўзбек ганчкорлигининг ажойиб саҳифасини Бухоро яқинидаги “Ситорайи Моҳи хосса”даги “Оқ уй”да, Тошкентдаги Навоийномли катта опера ва балет театрида кўриш мумкин. Санъатнинг бу ажойиб ва мураккаб турида усталардан Уста Ширин Муродов, Тошпўлат Арслонкуловлар донг таратганлар. Амалий санъатнинг ёғоч ўймакорлиги тури ҳалқларнинг кўтгилигига қадимдан мавжуд бўлиб, ўзининг бой анъаналарига эга. Ёғоч ўймакорлиги асарлари эшик, дераза, кути, хонтахта, китоб токчалари, кутичалар, қандон, устунлар, панжаралар, ўйинчоқларда ўз аксини топган. Ўзбекистоннинг ҳалқ амалий санъатида ёғоч ўймакорлиги салмоқли ўринни эгаллайди. Бу борада XIV аср усталарининг ишлари мактovга лойикдир. Улар ишлаган асарлар ўсимликсимон элементларнинг кўплиги ва бўрттириб ишланганлиги билан бошқа асарлардан ажралиб туради. Тошкент усталари эса кўпроқ “гириҳ” усулида ишлаб, геометрик орнаментлардан кўп фойдаланишади.

Ёғоч ўймакорлиги санъатида мусиқа асбобларини безаш ҳам алохида ўринни эгаллайди. Дутор ва танбурларга, тор ва чангларга суяқ ва садафлардан қадалган чиройли нақшлар кишини хайратда қолдиради. Бу санъат ҳозирги вақтда Тошкентда кенг ривожланган.

Ўймакорлик санъатининг ажойиб турларидан бири мисгарликдир. Ўзбек мисгарлиги санъати жуда қадимдан шуҳрат қозониб келди. Сарик ва қизил мисдан ишланган турли хил хўжалик ва уй-рўзғор буюмлари жуда нозик шакллар билан безатилади. Безатилган мис асбоблар XIV асрга келиб, Бухоро, Қўкон, Самарқанд, Қарши каби шаҳарларида кўпроқ ясалади. Мисгарликда мазкур

шахарлар усталарининг ўзи хос ишлаш услуби бор. Лаган, патнис, чой идиш, офтоба ва обдасталар мисгарлик буюмлари ичида энг кўп тарқалган буюмлардир.

Суяк ўймакорлиги амалий санъатнинг шимолда кенг тарқалган туридир. Суяк ўймакорлиги буюм-ларининг ўзига хос тайёрланиш услуби бор. Бунда иш, аввало, зарур материални топишдан бошланади. Кейин материалнинг нотекис жойлари эгов билан, майда жилвир қофозда текислаб чиқилади. Сўнгра унга расм ишланиб, лак суртилади ва нақш ўйиб ишланади. Тайёр ишга кейин пардоз берилади. Тайёр буюм бўр ва спирт билан артиб чиқилади. Партаам, аррача, эгов ва бошқалар суяк ўймакорлигида қўлланадиган асбоблардир. Суяк ўймакорлиги усталари ота-боболарининг энг яхши анъаналарини давом эттириб, ажойиб асарлар – кутичалар, трубкалар, кичик-кичик ҳайкал ва ҳоказолар яратмоқдалар.

Қадимдан уй-рўзгор буюмларига бўёқлар билан ажойиб нақшлар ишланиб келган. Бу ҳам наққошлиқ санъати деб юритилади. Республикада амалий санъатнинг бу тури, қадимдан ривожланган бўлиб, ўзбек усталари фақат уй-рўзгор буюмларини эмас, балки уй-жой ва жамоат биноларининг девор ва шипларини ҳам безайдилар. Санъатнинг бу турида ҳар бир ҳалқ ўзича ижод қиласиди. Масалан, рус амалий санъатида текисланган ёғочга уста ўсимликсимон нақш расмини туширади, кейин унга маҳсус бўёқлар беради. У бир оз қуриганидан сўнг бўёғи ўчиб кетмаслиги учун устидан бир неча бор тиник лак суртилади. Ўзбек расом усталарининг иш услуби бошқачароқдир. Бу усталар эскиз бўйича дурадгор ишлаган ёғочга елим суртадилар. Жилвир қофоз билан елим тозалангандан сўнг материалга бронза берилади. Кейин бронза устидан улги асосида композицион тасвир, унинг устига қора бўёқ суртиб, нақш ишланади. Нақшларнинг ўчиб кетмаслиги учун нақш устидан бир неча бор тоза лак суртилади.

Ҳалқ усталари тажрибасида нақшнинг қуйидаги турлари кўпроқ қўлланади: ислими – эгри чизиқли ўсимлик элементларидан иборат нақш; гирих- тўғри чизиқли элементлардан геометрик шакл ҳосил қилувчи нақш; мураккаб нақш, бу аввалги икки гуруҳдаги нақш (ислими ва гирих) элементларининг йигиндисидан иборат.

Ислими туридаги асосий элементлар новда, япроқ, гул, гунча, куртак, қалампир, мева, поя кабилар ҳисобланади. Поя ва новда турли нақшларнинг энг кўп учрайдиган элементлари ҳисобланиб, улар накш ҳошияларида кўлланилади. Гирихлар эса турсимон ва юлдузсимон бўлиб, юлдуз нурларининг сони 5 тадан 16 тагача боради. Нақшнинг учинчи тури ҳисобланган мураккаб нақшда эса нақш геометрик ва ўсимлик элементларининг бирга кўшиб ишлатилиши натижасида ҳосил бўлади. Бунда геометрик элемент доимо нақш ўртасида жойлашади.

Наққош усталардан А.Қосимжонов, Й.Рауфов, Т.Тўхтахўжаев, А.Болтаев, С.Норқўзиев ва Ж.Ҳакимовлар санъатнинг бу турида самарали меҳнат қилиб, шуҳрат қозонганлар.

Табиий лойдан турли идишлар ясаш ва уларни тегишли рангларга бўяш – кулолчилик деб юритилади. Ўзбекистонда жуда қадим замондан бери мазкур санъат кенг ривожлангандир. Кулолчилик санъати буюмларига лаган, товоқ, чойнак, пиёла, сопол ва чинни идишлар, шунингдек, лойдан ишланган ўйинчоклар киради. Тарихда шундай даврлар ҳам бўлганки, бир неча ўн асрлар факат сопол асосий материал бўлиб хизмат қилган. Ўзбек археологлари томонидан топилган Сополлитепа осори атикалари шундай дейишимизга тўлиқ асос беради.

Кулолчилик санъатида безатишнинг турли усууллари кўлланилади. Шундай усууллардан бири “Қалам” усулидир. Бу усулда безак идишларга нақшларнинг расми чизиб олинмасдан тўғридан тўғри мўйқалам билан ишланаверади. Бу усулда кўпроқ Риштон билан Фиждувон усталари ишлашади. Баъзи жойларда усталар гилватга орқали гул чизиб, кейин бўёқ бериладиган “чизма” усулидан фойдаланадилар. Бу усул тошкентлик усталар орасида кўп тарқалган.

Ўзбек кулолчилик буюмлари безак композициясида ўсимликсимон ва геометрик элементларнинг бойлиги, хилма-хиллиги, бўёқлар гаммасининг ёрқинлиги билан ажralиб туради. Уларда феруза ранг баҳт келтирувчи белги сифатида кўп ишлатилади. Кулолчилик Ўзбекистон меъморчилигига ҳам кенг қўлланилган. Жумладан, мадраса, масжид, карvonсарой, ҳаммомларнинг

пештокларида хона ичларидаги девор безакларида кулолчилик санъатининг намуналари ўз аксини топган. Ҳозирги кунларда ҳам кулолчилик жамоат, тураг-жой биноларини безатишда кенг кўлланил-моқда.

Республикамиизда ҳозирги кунда уста кулолларни бирлаштирган бир қатор кулолчилик устахоналари бўлиб, улар халкимиз талабларига ва дидига мос амалий санъат асарлари ва буюмларини яратмоқдалар. Ўзбекистон кулолчилик санъатини ривожлантиришда кулоллардан У.Жўракулов, М.Раҳимов, У.Усмонов, И.Назруллаев ва бошқа қатор усталар ўзларининг салмоқли улушларини қўшмоқдалар. Кулолчилик бошқа халқлар орасида ҳам кенг ривожланган.

XIX асрда кулолчилик Москва губернясининг Гжел шаҳар-часида кенг шуҳрат қозонган. Гжел кулолчилик корхонасида ўтмишда ганч, лойдан кичик-кичик композициялар яратилиб, уларнинг сюжетига портретлар, турмушда учрайдиган ҳар хил воқеалар, ҳайвонларни тасвирловчи ўйинчоқлар асос қилиб олинган. Ўтган йилларда кулолчилик артели ташкил қилиниб, унда Гжел усталари ота-боболарининг санъатларини давом эттириб, мавзули асарлар ва ўйинчоқларнинг янги намуналарини яратмоқдалар. Гжел усталари ишлаб чиқараётган чинни буюмлар ўсимликсимон ва геометрик шакл безакларининг бойлиги билан ажралиб туради.

Меъморлик санъати. Инсон хаёти билан узвий боғлиқ бўлган санъат меъморлик санъатидир. Бу санъат ҳам санъатининг бошқа турлари сингари ўзида инсон ақлий фаолияти, табиатига бўлган муносабатларини акс эттиради, ижтимоий тузум характерини очиб беради, жамият идеологиясини ўзида ифода қиласди. Бу санъат инсон билан бирга пайдо бўлди. У дастлабўзини ёгин-сочиндан, иссиқ-совуқдан ҳимоя қилиш, тунлари хотиржам ётиш учун жойларкурди. Бу жойлар тош, ёғоч, лойлардан барпо этилди, табиийгорлар тураг-жой манзилларига айлантирилди. Вақт ўтиши, инсон онгининг тараққий этиши билан уйлар, сарой ва ибодатхоналар вужудга келди. Истеҳком, қалъя, шаҳарлар, кўприк ва кенг йўллар қурилди. Завод-фабрикалар, йирик космодромлар

– булар ҳам давр тақозоси билан майдонга келган меъморлик санъатининг турларидир. Меъморлик санъати ҳам санъатнинг бошқа турлари сингари инсон руҳиятини кўтаради, унинг кайфијатини белгилайди, иш қобилиятига, дунёкарашига, фикрлашига ижобий таъсир қиласди. Шу боисдан бу санъат ҳам жуда қадимдан синфий характерга эга бўлиб, ижтимоий тузум характерини ўзида ифодалаб келган. Бу ҳолни бизгача сақланиб келган турли даврларга мансуб бўлган меъморлик ёдгорликларини таққослаб билиш мумкин.

Меъморлик санъатида геометрик шакл ва ҳажмлар асосий ифода ва тасвир воситаси ҳисобланади. Шуларнинг турли хилдаги нисбат ва жойланишлари, ўзаро комбинациялари маълум меъморлик компози-циясини ташкил этади. Бу ўринда Бухородаги машхур Исмоил Сомоний мақбарасини олиб кўрайлик. Бу бино асосан тўрт ёкли призма ва яримшар – гумбаздан ташкил топган. Улар ҳамкорликда ягона меъморлик композициясини ташкил этади. Бу геометрик шакллар, ўз навбатида, декоратив безаклар ҳисобига бойи-тилган. Мақбара деворидаги оқ-кора соялар эса унинг бадиий қийматини янада оширган. Бу ёдгорликда ўринли топилган нисбатлар, декоратив элементларнинг ўз ўрнига тушганилиги уни тугал бадиий асар даражасига кўтарган.

Меъморлик санъати бир неча турларга бўлинади. Булар уй-жой куриш санъати, шахар куриш санъати, саноат ва сув иншоотлари куриш санъати ҳамда жамоат ва маъмурий бинолар кўриш санъатидир. Булар ҳам ўз ўрнида яна қатор турларга ажралади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос функция ва характерга эга бўлиб, улар биноларнинг лойиҳаси, ташки ва ички кўриниши, бадиий безатилиши билан ажралиб туради. Ҳар бир меъморлик ёдгорлигининг қиймати ва гўзаллиги шу ёдгорликнинг ўз мақсадига, вазифасига тўлиқ жавоб беришидадир. Масалан, театр биносининг ташки кўриниши, бадиий безаклари, мактаб ёки фабрика биносининг ташки кўриниши, бадиий безатилишидан бутунлай фарқ қилиши ўз-ўзидан маълум. Шунинг учун ҳам курилган бинонинг функцияси ва характеристерини унинг ташки ва ички безатилишида, кўринишида ифода этилади ва бир-биридан ажралиб туради.

Меъморчиликдаги бу талабларни ҳисобга олмаслик унинг киши асабига тегиши, чарчатиш ҳолларини келтириб чиқариши мумкин. Ўзбекистон тасвирий санъат педагогикаси нафақат таълим тараққиёти билан, балки ватанимиз тарихи, ижтимоий, сиёсий, маданий воқеалар билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, бўлажак рассом-педагоглар тайёрлашни замон ва жаҳон андозасига мослаштириш жараёнини бевосита тарихий шароит ҳамда ўлкада содир бўлаётган ҳодисалар билан биргаликда тадқик этиши мақсадга мувофиқдир.

Ўлкамиз ўтмишида тасвирий санъат кенг кўламли тараққий этган бўлиб, ҳар бир давр ўз мазмуни, шакли характеристиридан алоҳида мактабларни юзага келтирган. Албатта, бу ўтмиш мактабларининг ўзига хос анъана ва услублари мавжуд эди. Аммо рассом-педагоглар тайёрлашдаги тасвирий санъат таълими мазмуни ва устоз рассомларнинг бу борадаги фаолияти, ижодий ютуқлари, шунингдек, тарихи ҳақида қанча гапирсак, ўргансак, шунча оз.

Ўтмиш санъат мероси намуналарини санъат-шунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш орқали улардаги устоз-шогирдлик сирларини, бир сўз билан айтганда, санъат педагогикасини англаб олиб, бу тажрибани мустақил ватанимиз бўлажак кадрларини ҳар жиҳатдан шакллантиришда қўллашни замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Ўзбекистон тасвирий санъатининг тарихидан тўғри хулосалар чиқариш, ўтмишдаги ривожланиш босқичларини ва камчиликларини ёритиш бугунги кунда босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Янги ривожланиш тараққиёти даврида бошқа барча соҳалар каби тасвирий санъат таълими мазмунини такомилаштиришда ҳам янги-янги илмий педагогик уфқлар сари интилишга чорлайди.

Таълим муассасаларида тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг ёш муносабатларини ҳисобга олган ҳолда ватанимизнинг турли шаҳарларида, турли даврларида курилган тарихий обидалар, уларда ишлатилган безаклар ва уларни бунёд этган меъморлар билан таништириб бориш ёшларимиз қалбида илк ёшданоқ Ватанга муҳаббат ва ундан фаҳрланиш ҳисларини уйғотиб боришнинг асосий воситасидир.

Мамлакатимиз худудидаги тўртмингдан зиёд меъморий обидаларнинг умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилганлигини айтиб ўтиш, расмлари ни намоён қилиш, улар ҳақидаги маълумотларни бериб бориш ва уларда ишлатилган нақшлардан нусхалар кўчиртириб, меъморий манзаралар чиздириш хам ўқувчилар қалбида Ватанга муҳаббат, садоқат, фахр ва гуур ҳисларини тарбиялайди.

Кўхна Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлар меъморчилиги ҳақида сўз кетганда, энг аввало мозийнинг ва халқимизнинг тарихий обидаларини назарда тутамиз, бундай гўзаллик оламини ярати олган уста меъморлар маҳоратига таҳсиллар айтамиз. Тарих сахифаларини вараклар эканмиз, кўз олдимиздан мўъжиза каби ажойиб меъморчилик обидалари ўтади. Қадимий иморатлар, иншоотларнинг хар бири инсон қўли билан тикланган, унинг хар бир ғишида боболар нафаси сезилади. Буюк санъаткорлар ижодининг маҳсули бўлган бу биноларда ўша давр маданиятининг нозик диди, юксак маҳоратини кўрамиз. Булар халқнинг маданий бойлиги, фахри ва гуруридир.

Темур ва темурийлар даврида курилган илм масканлари ва мадрасаларнинг кўплигини ҳисобга оладиган бўлсак, ўша даврда фан ва маданият тараққиёти нақадар юкори бўлганлигини тасаввур килишимиз мумкин.

Тасвирий санъат дарсларида халқимизнинг бой тарихи, маданият ва маънавиятнинг нишонаси меъморчилик ва санъат асарлари, уларни бизга мерос қилиб қолдирган буюк аждодларимиз, жаҳон тараққиётига салмоқли ҳисса кўшган алломаларимиз, ватанимиз ва халқимиз учун жонини фидо қилган Жалолиддин Мангуберди, Тўмарис, Широқ ва бошқаларнинг образларини тасвирилашга ўргатиш хам Ватанга муҳаббат, ундан фахрланиш ва гуурланиш ҳисларини тарбиялашнинг муҳим омилларидан биридир.

Миллий гуур ҳар бир инсоннинг ўз-ўзини англаш, ўзига ишонч, ўзининг келиб чиқиши шажарасидан ва уни ўраб турган маънавий оламидан қоникиш ҳиссини туйғанда содир бўладиган ички руҳий ҳиссиётдир. Бу туйғу ўз она замини, аждодлари томо-

нидан қолдирилган моддий, маънавий меросдан, жаҳон цивилизациясига қўшган хиссаларидан, ўзга миллат ва элатлар олдидаги қадр-қиммати ва обрў-эътиборидан фаҳраниш туйғусидир.

Миллий гурури баланд ёшлар мамлакатимизнинг эртанги ёргу куни, келажагидир. Ўз она юрти тари-хини, ўтмишини яхши била-диган, дунёга машхур улуғ алломаларимизнинг илм-фан ва ватамизнинг равнаки йўлида қилган ишларидан хабардор бўлган, шу билан бирга, чет эл тарихини яхши ўрганган ёшлардагина миллий гурур кучли бўлади. Шунинг учун ҳам тасвирий санъат орқали ёш авлодда миллий гурурни шакллантириш, мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Тасвирий санъат тараққиёти туфайли Ўзбекистонда шаклланган бугунги замонавий илгор анъаналар ҳаётимизга аллақочон кириб борган бўлиб, у кенг кўламда тараққий этмоқда. Бусиз одамларнинг ҳозирги эҳтиёжини, айниқса, ёшларимизда санъат ва маънавиятга бўлган қизикиш ва иштиёкларни қондириб бўлмайди. Дарҳақиқат, шундай экан, бадиий таълим ва тарбияни шакллантиришда яна бир қатор вазифаларнинг долзарблигини ҳам кўрамиз.

Биринчидан, жамиятимиздаги ҳозирги тараққиёт даражаси юксалаётганлиги туфайли ўтмишнинг турли санъат сирларига ва дунёқарашларига нисбатан адолатли муносабат, тўғри ва тубдан илмий ёндашишлар вужудга келди. Шундай шароитда тасвирий санъат ва унинг тарихидаги намуналар ёшларни ҳар томонлама тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, илм-фан, санъат сирларини ҳар жиҳатдан ўрганишга даъват қиласи.

Иккинчидан, тасвирий санъат асарларининг бадиий қимматини таҳлил қила билиш ва ёшларда бадиий идрок қилиш салоҳиятини, шунингдек, мукаммал характерга эга бўлган санъат асарларини ажратса олиш савиясига эга бўла олишлари учун таълим мазмуни ни такомиллаштириб боришни ҳам тақозо этмоқда.

Учинчидан, ҳар қандай санъат асари ижтимоий фикр маҳсули бўлиб, у асосан ўзида инсоний қадрияларни акс эттиради. Бўла-жак рассом-педагоглардаги билим ва тушунчалар савиясини ана шу нуқтаи назардан тўла шакллантиришга эришиш ҳам долзарб

масала. Маълумки, ҳар қандай санъат тури бадиий етуклик мактаб-ларининг қонуниятларига эга бўлади. Ана шундай қонуниятлар мавжудлигининг ўзи санъат сирлари барҳаётлигининг бош омилидир.

Ижодий тафаккур бутунлай янги гоялар ва тасаввурларни вужудга келтиради, шахсда яширинган қобилият ва имкониятларни, ўзига хосликни рўёбга чиқишига ёрдамлашади. Шуни ҳам алоҳида қайд қилиш лозимки, бундай сифатлар факат олимлар учунгина эмас, балки ҳамма соҳада ипловчилар учун ҳам муҳимдир. Шунинг учун ҳам таълим тизимида тафаккур ва ижодкорликни ривожлантириш асосий вазифалардан бири деб қаралади. Шу нуқтаи назардан караганда, умумий ўрта таълим мактабларида ижодий тафаккурни ўстиришда тасвирий санъат дарслари бошка фанлар орасида энг катта ўринни эгаллади.

Ўқувчиларнинг ижодкорлиги эса болаларда дикқат ва тасаввурни ўстириш билан боғланади. Ўқувчи айниқса бошқа сайёralар, сув ости дунёси, (афсонавий ҳайвонлар, дев, кентавр, сувпариси, дengiz шоҳлари ва б.) билан боғлиқ расмлар устида ишлаганда, тасаввур кучини ишга солмасдан туриб топширикни самарали ҳал қиломайди. Қолаверса, ҳар бир ижодий ишни тасаввурсиз ва дикқатсиз ечиб бўлмайди. Шунингдек, бу масала болаларда ҳис-ҳаяжонни ривожлантириш билан боғлиқ. Маълумки, болалар ниҳоятда ҳаяжонга бой бўладилар. Болаларни нарсалар тасвиридаги турфа ранг ва шакллар, реал ва афсонавий образ ва кўринишлар, воқеа ва ҳодисалар ларзага солади, уларни тўлқинлантиради.

Мактабда тасвирий санъат машғулотларининг вазифалари ҳақида гап кетганда, уларни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин.

1. Тасвирий санъат дарсларининг ўзига хос, маҳсус вазифалари мавжуд бўлиб, улар борлиқдаги ва санъатдаги гўзалликларни кўра билиш, идрок этиш, тушуниш ва қадрлашга ўргатиш; эстетик ва бадиий дидни ўстириш; болалар бадиий фикр доирасини кенгайтириш; бадиий ижодий қобилият ва фантазияни ривожлантириш; тасвирий санъатининг назарий асослари (ёруғ, соя, ранг-

шунослик, перспектива, композиция) билан таништириш; ҳайкал ясаш, бадий куриш ясаш юзасидан чамалаш қобилияти, фазовий ва образли тасаввурларни абстракт ва мантикий тасаввур килиш.

2. Тафаккурни ривожлантириш: тасвирий, амалий, меъморчилик санъат асарларини тушунган ҳолда ўқий олишга ўргатиш; санъатга нисбатан кизиқиш уйғотиш, уни қадрлашга, севишга ўргатиш.

Тасвирий санъат тарихининг мақсади ва вазифалари ҳақида тўхтатланда яна шуни қайд қилиш лозимки, у мактабда ўқитиладиган деярли барча ўқув предметлари билан боғланади ва улар юзасидан материалларни ўзлаштиришга самараали таъсир кўрсатади. Айниқса, у ўқиш, адабиёт, география, табиатшунослик, биология, тарих, математика, меҳнат дарсларида алоҳида аҳамият касб этади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Тасвирий санъатнинг ривожланиш босқичлари ҳақида тушунча беринг.
2. Тасвирий санъат дарсларининг ўзига хос хусусияти.
3. Санъатдаги гўзаллик ҳақида маълумот беринг.
4. Тасвирий санъатнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни.
5. Тасвирий санъат асарларининг бадий қимматини таҳлил қилинг.

2-МАВЗУ: ЎЗБЕК ХАЛҚ ТОМОША САНЬЯТИ

Режа:

1. “Халқ томоша санъати” тушунчаси, масхарабозлик ва асия санъати.
2. Қўғирчок ўйин ва от ўйин санъати.
3. Халқ томоша санъати, дорбозлик.

Таянч сўзлар: томоша санъати, масхарабозлик, қизикчилик, асия, қўғирчоқбоз, қўғирчок ўйин, от ўйин, пичок ўйин, бесуяклар ўйини, найрангбозлик, кўз боғлаш, дорбозлик, улок, пойга.

Ўтмишда халқ санъаткорлари Наврӯз байрами, ҳосил шодиёнаси, халқ маросимлари, байрамлари ва тўйлари муносабати билан томоша берганлар. Сайлгоҳларда ва тўйхоналарда на мойиш қилинадиган масхарабоз ва қизикчиларнинг чикишлари, қўғирчок ўйин ва дорбозлик, улок, пойга, кураш, кўз боғлаш, найрангбозлик, муаллақ рақс, мавригихонлик, айик, маймун, илон ўйнатиш, қўчкор, хўрор, бедана уришириш ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Бу каби томошалар оммавий томошабинга мўлжал-ланганлиги сабабли “Халқ томоша санъати” деб аталади. Бу санъатнинг етакчи тармоги бўлмиш масхарабоз, қизикчи, ва қўғирчоқбозлар санъати, анъанавий халқ театри асрлар давомида, халқнинг маънавий мулкига айланиб борган. Натижада халқ томоша санъатини, халқ оғзаки ижодининг моҳиятини ифода этидиган ва ўрганадиган фольклоршунослик вужудга кела бошлади.

Масхарабозлик ва қизикчилик – халқнинг бой ва ранг баранг ижодиётига эга бўлган масхарабоз ва қизикчилар санъатидир. Масхарабоз ва қизикчилик – ўткир комедия, муқаллид, серзавқ ҳикоя, ҳажвий қўшик, кулгили ўйин дегани. Бу ёмонларга нисбатан ҳажв, гурзи бўлса, яхшиларга кайфият кулгу, роҳат-фарогат бахш этувчи ажойиб халқ томоша санъатидир.

Ўтмишда масхара ёки муқаллид томошаси, аникроғи, никоб (маска) кийган актёр томошаси кенг тарқалган. Қадимги даврларда эса ибтидоий инсон турли маъбудларга сингани ту-

файли, масхарабоз одам ёки ҳайвонлар қиёфасини акс эттирувчи никобларни кийиб томоша кўрсатган, рақсга тушган.

Айрим худудларда аза – мотам маросимларида ўлган оила аъзосини эслаб, ёдга олиш маросимида масхара никоб тақиб, худди ўша марҳумга ўхшаб гапирган, харакат килган.

“Садр”, “Ашшадароз”, “Масхарабоз” номли томоша ўйинлари ҳам тарқалган. Улар ўзига хос оғзаки драматургияси, бадиҳагўйлиги, ҳаётий вокеликни ҳажвий ифода этиши ва жонли намойиш қилиши билан ажралиб туради.

Ўз санъати ва маҳорати билан XIX асрнинг биринчи ярмида биргина Фарғона водийсида эмас, Ўзбекистоннинг бошқа жойларида ҳам яхши танилган машҳур масхарабозлар ўтган. Кейинги даврларда яшаган кекса қизиклар уларни “катта масхарабозлар” ёки “катта қизиклар” деб эслашади. Бу ўринда “катта” сўзи мазкур масхарабозларнинг профессионал санъатчилиги ва катта йигинлар билан боғлиқ эканлигига, уларнинг репертуари асосан йирик томошалардан ташкил топганлигига ишорадир. Жуда қиска ва умумий тарзда бўлса-да, мана шундай айрим йирик масхарабозлар ва қизикчилар билан ўқувчини таништириб ўтамиз.

Масхарабоз Дейдиёр шум. Тахминан XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида Кўконда Дейдиёр шум деган атокли масхарабоз яшаган. Аввало шуни айтиш керакки, мазкур масхарабознинг номи хусусида икки хил фикр мавжуд. А.Л.Троицкая уни Бедёшим деб белгилаган². Зокир Огулов, Комилкори Кулижонов, Усмонжон Рахимбеков каби қизикчилар эса уни Дейдиёр шум деб атайдилар. Муаллиф ҳам қизикчиларнинг фикрига қўшилади. Бизнинг ўйлашимизча, “Дейдиёр шум” машҳур масхарабознинг лақаби бўлса керак. Кўриниб турибдики, лақаб икки сўздан иборат. “Шум” сўзи масхарабоз маъносини беради. Маълумки, кўп жойларда шўх, ҳазилкаш, масхарабозлик ва таклид билан ҳаммани кулдириб юрувчи кишилар “шум” дейилган ва ҳозир ҳам шундай дейилади. Асл номи бизга номаълум бўлган бу масхарабознинг иккинчи лақаби бўлган “Дейдиёр” сўзи унинг

2 Каранг: Троицкая А.Л. Из истории народного театра и цирка Узбекистане. “Советская этнография”. 1948. № 3. С.80

мачит хоғизлари ва дарвеш-қалан-дарларнинг байтларига яхши пародия-ҳажвиялар тўқий олгани ва уни юксак маҳорат билан ижро эта олганидан келиб чиқсан деб фараз қилиш мумкин. Чунки баъзи масхарабозларнинг репертуаридаги энг етук ва характерли томоша ёки образ унинг лакабига айланиб, айрим ҳолларда ҳатто унинг асл номини ҳам сиқиб чиқарган.

Дейдиёр шум ўз томошаларида мутаассиб руҳоний-ларни қаттиқ танқид қилган. Айрим кекса қизиқчиларнинг эътироф этишича, ҳалқ орасидан чиқиб, ҳалқ учун меҳнат қилган бу ижодкор Кўқон хонларининг саройида ҳам ишлаган ва ўз даврида бир гурӯҳ масхарабозларга оқсоқоллик қилган. Афсуски, унинг шериклари ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Аммо шу нарса шубҳасизки, Дейдиёр шум ўз даврининг энг етук ва истеъодли масхарабози бўлган, бир қатор масхарабозларни уюштириб, янги сатирик репертуар яратишга ҳаракат қилган. Мазкур масхарабоз хотираси ва байтларининг қизиқлар орасида шу қунгача сақланиб келиши ҳам³ унинг ана шу улкан шухрати, бинобарин, юксак маҳорати, мазмундор санъатидан хабар беради. “Наътхонлик” комедияси Дейдиёр шумга багишланган бўлиб, унда масхарабоз гўё “Пир” сифатида ҳажвий тусда тилга олинади. “Халойик, – дейди ўртага чиқсан қизиқлар корфармони, – биз қизиқларнинг Дейдиёр шум деган пиrimiz ўтган. Агар шу кишини йўқлаб байтларини айтмасак, жуда ёмон бўлади, кечаси тушишимизга кириб тонг отгунча бесаранжом қиласидилар. Мана, илгари куни анави шеригим йўқламаган экан, ёнига кириб аллақанча хафа қилибди. У кишиникидан чиқиб, аразлаб, бизнигига кириб қолиб, мениям бесаранжом қилаётувди, эшикди ичидан беркитиб олиб эшик дамбасини роса уриб қийшиқ қилиб ташладим. Келинглар, ҳалиям бўлса иккита-иккитадан байт айтиб Шефимизни йўқлаб қўяйлик”. Шундан кейин навбат билан Дейдиёр шумнинг байтларидан айтдилар. Мана шу бизгача етиб келган байтларни таҳлил қилганимизда, уларнинг ўткир сатирик кучга ва ижодий мазмунга эга эканини кўрамиз. Фикримизни қуйидаги мисоллар тасдиқлаши мумкин:

3 Зикр самоларда айтиладиган қўшик наътхонлик дейилган.

Улуғ пирим хонакода ҳўқиз сўйди,
Шўрвасини муридлари, бой-у мулла ичиб тўйди,
Камбағал – бизларга қаттиқ-қаттиқ жойларини қўйди,
Гўшт еймиз деб, чандир чайнаб ўлдик бизо.

Чумчуқ кариса, тумшуқлари калто бўлур,
Қози кариса, жигилдони халто бўлур...

Кўриниб турибдики, мазкур байтлар орқали ўз даврининг инсофисиз эшон, қози каби уламоларининг хиёнаткорлиги ва порахўрлиги фош этилади.

Зокир эшон ва үнинг труппаси. Кўконда XIX асрда яшаб ўтган Зокир Эшон бошлиқ қизиқчиларнинг гурухи жуда катта шуҳратга эга бўлган. Кўкон шаҳрида ташкил топган Зокир эшон раҳбарлигидаги масҳарабоз ва қизикларнинг катта, обрўли бир тўпи кўп йиллар бу фаолиятни давом эттирган. Ушбу гурухда Фарғона водийсининг Кўкон, Марғилон шаҳарлари ва уларнинг атрофларидан тўпланган қизиқчилар фаолият кўрсатишган. Мазкур тўпда асосан Саъди Махсум, мулла Хошим, Усмон қизик, Марасул кора, Нормат оғзи катта, Абдулазиз қизик, Баҳромбой, Ҳасан буқри, Сулаймон бўқоқ, Калсариқ, Мўмин қишлоқи, Ризо куйик, Холмат меш, Раҳимбек ҳез, Ҳалимхон, Мулла Абдуқодир, Рустамжон, Абдаҳас, Баҳтиёр бўқоқ, Давлат новча каби йигирмадан ортиқ масҳарабоз ва қизиқчилар фаолият олиб борганлар. Улар Фарғона водийсида ўз даврининг энг йирик ва энг истеъоддли, сараланган ва кенг танилган халқ санъаткори бўлганлар.

Хоразмда “Хатори ўйин, Фарғонада “Катта қизиқчилик”, Бухорода “Катта масҳарабозлик” деб аталган ўнлаб томошаларни ўз ичига олган туркум дастурлар мавжуд бўлган.

Ўзбекистонда сарой театри бўлмаганлиги, хон ва бек ўрдаларида хизмат қилган масҳарабоз ва қизиқчиларнинг санъати таг-томири билан халқчил бўлганлиги фикримизнинг далилидир⁴. Хон саройида ҳам ишлаган Зокир эшон труппасининг фаолиятига ана шу нуқтаи назар билан ёндашмоқ керак. Мазкур труппа ҳам халқ орасида, ҳам хон саройида хизмат қилгани са-

⁴ Зикр самоларда айтиладиган кўшик наътхонлик дейилган.

бабли унинг фаолиятида қарама-қаршилик бўлган. Бир томондан, йигирма чоғлик атоқли масхарабоз ва қизиқчининг зўр актёр, қобилиятли ташкилотчи Зокир эшон раҳбарлигида бир жойга тўпланишининг ўзи ўз даврида муҳим ахамиятга эга эди. Чунки ҳалқ орасида нуқул масхарабоз ва кизиқчидан тузилган бундай катта ва мустакил тўпни учратиш ёки ташкил этиш амри маҳол бўлган. Ҳақиқатан ҳам мазкур труппа ҳалқ орасида асрлардан бўён ишланиб келинаётган саҳнавий сюжетларни такомиллаштириш, кенгайтириш ва безаш бўйича кўп меҳнат қилганлар, бир гурух томошаларни бир-бирига мантиқан улаб узвийлик ҳосил қилиш, яъни цикл яратишга интилганлар. Труппа ўзининг мана шу қайд этилган фазилатлари, мукаммал ижрочилик санъати ва ҳалқчиллиги билан Кўкон масхарабозлик ва қизиқчилик мактабини яратган.

Фаргона водийсида XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган масхарабоз ва қизиқчилар ҳам, кейинги даврда ижод қилган масхарабоз ва қизиқчилар ҳам бевосита ана шу мактабнинг тарбияси, таъсири, анъаналари заминида вояга етган. Иккинчи томондан, Зокир эшон труппасинийг айрим томошаларига сарой ахли, феодал аристократияси бир оз бўлса-да, ўз талаби, диди ва хоҳишини ўтказганини кўрамиз. Труппа айрим ҳалқ комедияларини оқсуват томошабинларга ва катта йифинларга мослаштиромокчи бўлиб, уларнинг ғоявий мазмунига путур етказган. Бундай қалтис ҳаракатлар натижасида бир қатор томошалар сатираси ўтмаслашиб, енгил тақлидга айланган. Мазкур театр труппаси фаолиятидаги зиддият Кўкон хонлигининг сўнгги ҳукмдори Худоёрхон даврида яққол кўринади. Ўз ўрдасига хонликдаги энг йирик ва энг қобилиятли ашулачи, раққос, созанди, масхарабоз ва қизиқчиларни тўплаб олган Худоёрхон санъатни ўз мақсади йўлида ишга солишга ҳаракат қилган. Чунончи, у театрдан қўйидагича фойдаланган: масхарабоз ва қизиқчи, биринчидан, унга ҳузур бағишиласин, уни қаҳ-қаҳ урдириб кулдирсин. зил кетаётган кўнглига таскин берсин, иккинчидан, салтанати, шоншавкатини безасин, ранг берсин, учинчидан, душманларидан ўчиш ва умуман феълига ёқмаганларни жазолашга ёрдам қилсин,

түртинчидан, баракаси учаётган хазинасини тўлдиришга оз бўлса ҳам улуш кўшсин⁵. Хонга шахсан суюқ ва порнографик томошалар хуш келган, ҳажв ва танқидни у ёқтиргмаган⁶. Масхарабоз ва қизиқчи унинг хоҳишини бажаришга мажбур бўлган. Аммо хон рақиблари ва ноқобил амалдорларини фош ва мазах этиш орқали улардан ўч олиш, жазолаш учун сиёсий сатирага йўл бериб, бир дараҷа ўз салтанатига ўзи путур етказганини билмаган. Бундай чоғларда саройда мажбуран хизмат қилган масхарабоз ва қизиқлар яйраб, илҳомлари қайнаб, улкан фош этувчи кудратга эга бўлган образлар ва чукур мазмунли, сиёсий ўткир спектакллар яратишган. “Мударрис”, “Заркокил” сингари комедиялар шулар жумласига киради. Аммо муҳими шундаки, сарой таъсири ўткинчи бир ҳодиса бўлиб, ҳеч качон трупнинг ижодий қиёфасини белгиламаган, унинг асосий йўналишига зиён етказа олмаган.

Труппа репертуари ўзагини “Судхўрлик”, “Қозилик”, “Раис”, “Мироббоши”, “Хожи кампир”, “Қаландарлар”, “Атторлик”, “Бола ўқитиши”, “Ер бўлишлик”, “Қиморбозлик” каби сатирик комедиялар, “Мамаюсуф”, “Келин туширди”, “Сартарошлик”, “Еллиб ўтириш”, “Хотин туғдириш”, “Обжувоз”, “Бўзчилик”, “Улоқчилик”, “Ёгоч полвон”, “Қийик ўйин” каби серзавқ юмористик комедиялар ташкил этган. Театр сатирасининг тифи феодализм жамияти устунлари бўлмиш бойлар, зодагонлар ва уламоларга қарши қаратилгандир. Шундай қилиб, Зокир эшон труппаси хон саройида хизмат қилган вактларида ҳам ҳалқ манфаатларини қўриқлаб келган ҳамда хонлик емирилган заҳотиёқ меҳрибон ҳалқ багрига отилган, кискаси, ўз кобилияти ва маҳорати билан театр санъатини бир поғона юкори кўтарган йирик масхарабоз ва қизиклардан иборат бўлган.

Труппа ижодий ва ижтимоий фаолияти қўп жихатдан Зокир масхарабознинг ташкилотчилиги, ишбилармонлиги ва усталигига боғлиқ бўлган. Унинг ҳаёти ва ижодини бизгача етиб келган хотира ва киссалар асосида бирмунча тиклаб олишимиз мумкин.

5 Петровский Н. Очерки Коканского ханства. Вестник Европы. 1875. Ки. X. С. 714

6 Карап: Остроумов Н.П. Сарты. Этнографические материалы. –Т.: 3 т.1908, стр. 73; М.Алибеков, указанная статья, Еженедельник Ферганской области., т. П. вмп. 1903 г. С. 87-97.

Зокир масхарабоз тахминан 1815 йилда Қўқонда заргар оиласида туғилиб, 1892 йилда 77 ёшида Ўш шаҳрида тасодифан вафот қилади.

Қизиқнинг ташқи қиёфаси ёзувчи Абдулла Қодирий томонидан шундай тасвириланади: "...Бордон" ичидан узун бўйли, қорасоқолли, устида малла тўн, симоби бўз салласининг пешини бир қарич осилтирган бир киши чиқди, тамкин, викор билан битта-битта юриб келиб, зина ёнида хонга қарши тўхтади. Хондан тортиб ҳаммага табассум тузи кирган эди. Киши, хонга қарши турган ҳолда, салласини тузатди, соқол-муртини силади, тўнини қоқиб, олдини ўради, сўнгра хотиржам рукуъга борди. Бирдан хон ва раият кулиб юбордилар. Бу киши Худоёрнинг энг яхши кўрган қизиги Зокир гов эди⁷. Тасвиридан масхарабознинг биринчидан, салобатли ва истараси илиқ эканини, иккинчидан, мустакил ва жасур эканини уқиб олса бўлади. Хон ва амалдорларни кулдирган нарса ҳам бир жиҳатдан масхарабоздаги мана шу жиддийлик, викор ва мустакилликдир. Чунки уларга "паст" бир масхарабоздаги бу белгилар чинакам ғайритабиий ва хаёлпрастликдай туюлган.

Зокиржон масхарабознинг "Эшон" ва "Гов" лақаби бўлган. Биринчи лақаби унга ўз даврининг инсофисиз эшонларни ҳажв қилгани учун берилган. "Гов" лақабининг тарихи эса куйидагicha: 1871 йилда Худоёрхон шаҳзода Ўрмонбекка уч ой хатна тўйи беради. Тўйга хонликда танилган барча созанда, ҳофиз, найрангбоз, дорбоз, раққос, масхарабозлар жалб қилинади. Зокиржон ҳам ўз тўдаси билан бу катта тантанага шайланади. Хон ўрдада ҳам хизмат қилувчи бу тўпга алоҳида буйруқ беради: уч ой давомида ҳар кун янги томоша кўрсатиш, бир кўрсатилган танқид ёки тақлидни иккинчи марта қайтармаслик. Хоннинг хоҳишини бажариш енгил эмас эди. Зокир ўзининг бутун қобилияти ва аклини ишга солади. Ҳамкаслари билан бирга ҳаётий ҳодисалар ва конкрет шахсларнинг феъл-атвори заминида бир қатор тақлид, фарс ва пантомималар ижод қилади. Бу ҳам етмагандай, масхарабозлар-

7 Абдулла Қодирий. Мехробдан чаён. -Т.: Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашириёти. 1959. Б-141

нинг ўйинларидан хурсанд бўлиб кетган Худоёрхон Зокир эшонга тўйнинг бир кунлик харажатини ўз устига олишни, пойга беришини “илтифот” килади. Бундай кутилмаган “шараф” ва “илтифотдан” кўркиб кетган бечора Зокиржон эшон хоннинг таклифини ҳазилга йўйиб, “Болаларимнинг ўзи пойга”, яъни болаларим пойгачидай ошу нонга ташланиб юрган чоғда, мен қандан қилиб бир кунлик тўйни ўз устимга ола олардим, демокчи бўлган. Бошига кўнган “баҳт қушини” учирган “нонкўр” ва “беадаб” кизиқнинг бетга чопарлигидан дарғазаб бўлиб кетган хон уни бисотида бор ифлос сўзлар билан сўкиб, пировардида “сен Зокир эшон эмас, Зокир говсан” деб бир оз хумори ёзилган. Хон оғзидан салмоқдор бўлиб чиққан “гов – хўқиз” сўзи тўтикуш амалдорлар томонидан тақрорланавериб бечора масхарабозга хақоратли лақаб бўлиб ёпишган⁸. Аммо шу нарса шубҳасизки, меҳнаткашлар уни хурмат билан “Зокир эшон”, “Зокир масхарабоз”, “Зокир кизик” деб атаган. Унинг иккинчи лақаби кўпроқ боёнлар ва киборлар томонидан ишлатилган.

Зокирэшонни XIX аср халқ театрининг энг йирик ва қобилияти корфармони, яъни ҳозирги замон тили билан айтганда, режиссёри деса бўлади. Зотан у Ўзбекистонда энг йирик театр труппасини тушиб, унга ҳам ташкилий, ҳам бадий раҳбарлик килган. Труппага мос келадиган репертуар танлаш, томошабинлар таркибиға қараб дастур тузиш ва спектаклларни талқин қилиш, артистларнинг ташқи қиёфаси, қобилияти ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда роль таксимлаш, ижрочилар ўргасида бир даражада уйгунлик ва мослиқ яратиш бўйича жиддий муваффакиятларни кўлга киритган.

У атокли ҳажвкор ижрочи сифатида ҳам барча масхарабоз ва кизиқларга намуна ва ибрат кўрсатган. У оддий пародия – муқаллидга, сатирик ролларни ижро этишга, ҳажвий ўйин, кулги, кўшиқка жуда моҳир бўлган. Фикримиз исботи учун куйидаги мисолни келтирамиз: кунларниг бирида хон масхарабоз Зокир эшоннинг маълум амалдорларнинг белги ва қиликларини бекиёс

8 Қаранг: Юсуфжон кизикининг Зокир эшон ҳакиқати хотиралари. Жалил Қодиров томонидан ёзиб олинган. Иш. ЎзММСИ фонди. –Т.: 1990.

аниқлик ва маҳорат билан намойиш этишига қизиқиб кетиб, ўзини ҳам муқаллид қилишни буюради. Доно ва тадбирли Зокиржон ҳажвдан ўпкалас, жазога тортмасликка хондан сўз олади. Шундан кейин у хон қиёфаси, гапириши, юриш-туриши, муомаласини шундай усталик билан гавдалантирадики, хоннинг жаҳли чиқиб, ваъдага биноан масхарабознинг жонига чанг солмаган бўлса-да, эртасигаёт унинг мол-мулкини мусодара ва ўзини уй қамогига ҳукм қилади. Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, масха-рабоз муқаллид объектигининг энг жиддий ва томирли белги – нуқсонларини сатира бўёклари билан ёрқин гавдалантириш қобилиятига эга бўлган. Хоннинг муқаллиддан қаҳранишининг боиси ҳам шундаки, масхарабоз унинг такаббурлиги, золимлигиги ни моҳи-рона фош этган.

Катта томошаларда Зокир эшон одатда шайх (“Мозор”), до-мла (“Бола ўқитиш”), эшон (“Заркокил”) каби бош сатирик ролларни ижро этган. Шулардан бири мударрис (“Мударрис”) ролидир. Абдулла Қодирий масхарабознинг мударрис қиёфасида кўринишини куйидагича тасвирлайди: “...Бир вақт бордон эшигидан банорас тўн кийиб, ўнг кўлига асо ушлаган ва сўл кўлига адрес рўмолча тугиклик китоб кўтарган шайхул ислом Валихон тўра⁹ (Зокир гов) кўринди. Шайхулислом каби қадди бир оз букик ва қадам қўйиши ҳам икки тарафга мойил эди. Барчанинг кўзи ва дикқати ҳар икки шайхулисломда бўлди... “Шайхулислом” йўл устида тўхтади ва ерда тушиб ётган бир нарсани ҳассасининг учи билан текшириб кўрди ва уни туртиб четга чиқаргач, йўлида давом этди. Кўпчилик чидолмади, гур этиб кулиб юборди... Чунки ҳеч бир нуқсонсиз муқаллид бўлмоқда эди. Зокир гов жойнамоз ёнига етди, ҳассасини шайхулислом ҳассаси ёнига тиради. кафшини ечиб, жойнамозга чиқди. Ўлтириб китобни тиззасига қўйди ва пичир-личир дуо ўқиб юзини сийпади”¹⁰.

Зокир эшон мударрис образини яратишда, биринчидан,

9 Абдулла Қодирийнинг ёзишича, Валихон тўра “асли Чустлик бўлиб, янги солинган Ҳоким ойим мадрасасининг бош мударриси ва шайхулисломи бўлган”. Томошада шу зот танқид килинган.

10 Абдулла Қодирий. Мехробдан чаён. –Т.: Ўзбекистон давлат бадний адабиёт нашриёти. 1959. Б- 146-147

ўзининг аниқ шахс қиёфасини чизишга усталигини ишга солган бўлса, иккинчидан, шу образ орқали умуман мударрислар тўғрисидаги ўз тушунчаси ва муносабатини баён қилган. Ташки кўринишда художўй, камтарин, покиза, олим бўлиб гавдаланган бу одам аслида шаккок, такаббур, нияти бузук, пасткаш килиб кўрсатилади. Актёр ролни бутун томоша давомида образга кирган ҳолда, бир текис ва жиддийлик билан олиб борган.

Масхарабозлик ўзининг шаклланиши, ижтимоий жараёни, устоз-шогирд анъаналари, жамоатчилик мавқеи, вазифаси ва интилиши бўйича қўғирчоқ ўйинларига яқин. Айнан масхарабоз қўғирчоқбозликда етук (жонли) бошловчи бўлган. XIX аср охири XX аср бошларида масхарабозлик дарбозлик санъатига қўшилган бўлиб ўз томошаларида полвонлар ва дарбозлар билан намойиш этиб келган. Лекин ниқоб ўрнида юзига грим қилиб, ўзига хос либосда томошабинларни жалб этиш мақсадида томоша кўрсатган. Халқ оғзаки ижодига ҳамда бадиҳага асосланган ажойиб санъат.

Хулоса қилиб айтганда, масхарабозлар ва кизиқчиларнинг чикишларида мусиқа, қўшиқ ва ракслар, яъни халқ санъатининг бой хазинасидан унумли фойдаланилган. Улар спектаклнинг бадиий образларини яратишда муҳим восита бўлиб хизмат қилган. Энг муҳими, анъанавий томошада мусиқали спекталларнинг асосий элементлари туғилиб ва ўзига хос оғзаки мусиқали драмаларнинг пайдо бўлишига алоҳида туртки бўлди.

Аския санъати. Ҳар бир халқда ҳазил-мутойиба, баҳслашув, айтишув, аския бор. Ўзбек халқи аскиясининг бошка ҳазил-мутойибалардан фарки шундаки, у санъат даражасига кўтарила олган. Аския ўзбек халқ оғзаки ижодининг бир тури, халқ кизиқчилигининг таркибий қисми, кенг тарқалган томоша ҳисобланади.

Аския (арабча “азкиё” – ўтқир зеҳнли, хозиржавоб) – ўзбек халқ оғзаки ижодининг хушчакчақ ва қулгили томоша санъатининг оммалашган жанри. У одатда халқ сайилида, тўйларда ва бошка маро-симларда ижро этилган. Ўзбек халқ томоша санъатининг аския жанри. Ўзбекистоннинг Фарғона водийси ва Тошкент вилоятларида ривожланиб, санъат даражасига кўтарилиган.

Фарғона водийси аҳолиси ҳозир ҳам асқия томошаларида фаол қатнашиб келишади. Ижрочи-асқиячилар (асқиябоз) билан тингловчиларнинг умумий кулгиси асқияга ҳарорат, хушчақчақлик бағишлайди.

Ҳозиржавоблик, зийраклик ва донишмандликни, шу билан бирга, тил ва сўз бойлигини, бадиий-эстетик дидни талаб эта-диган асқияда икки ёки ундан ортиқ киши ёхуд тўда орқали му-нозаралашади, бу эса фикрлар мунозараси, ҳозиржавоблик ва сўзамолликдир. Айтилаётган асқия бирорвонинг шахсиятига тегиб кетмаслиги учун ҳар бир сўз ва иборани ишлатишда ижро ниҳоятда эҳтиёткор бўлиши зарур.

Таъкидлаганимиздек, асқия арабча сўз бўлиб, “закий” – ўткир зеҳнли, ҳозиржавоб маъноларини англатади. Ўзбек халқ оғзаки ижоди тури. Фольклор жанри, икки ва ундан ортиқ киши ёки гурухнинг халқ йигинларида (сайл, тўй, байрамлар) маълум мав-зу бўйича ўтказиладиган бадиий сўз тортишуви. Асқиянинг маз-мунли, серзавқ, кулгили чиқишида тарафлардан ҳозиржавоблик, бадиҳагўйлик, шунингдек, мавзуга оид сўзларни топа олиши ва ҳаракатларидан ўринли фойдалана олиши талаб этилади.

Асқиячи тилнинг кенг имкониятларини пухта эгаллаган, сўз ўйини, қочирим, ҳазил-мутойиба, киноя, ташбиҳ, кесатик, ўхшатиш, муболаға каби ҳавж санъати воситаларидан усталлик билан тўла фойдалана оладиган бўлиши лозим.

Асқия санъатининг вазифаси кулги орқали кишиларнинг кай-фиятини кўтариш, уларга завқ бахшида этиш, муайян мавзу до-ирасида уларнинг билимларини янада кенгайтириш, ақлини, фикрини чархлаш, зийрак, ҳозиржавоб бўлишга даъват этиш, шу билан бир қаторда, турмушда учраб турувчи айрим кишилар хулқидаги камчиликлар устидан енгил кулгу уйготишdir.

Шунингдек, асқия дегани рақибининг сўз хужумини ҳозиржавоблик билан қайтариб, ўзи ҳам хужумга ўтишdir. Асқия ўзбеклар орасида кўп асрлардан бери мавжуд бўлиб, тўй-йигинларда, сайилларда икки томоннинг тортишуви натижасида бадиий сўз усталари аниқланган.

Асқия санъати ўз ривожида бир қанча даврларни босиб ўтган.

Ёзма тарихий манбаларда қайд этилишича, асия XV-XVII асрларда кенг тарқалган. Шоир ва олим Зайниддин Восифий (XVI аср) Ҳиротда асия кенг авж олганини ёзди ва ўнлаб моҳир асиячилар орасида энг истеъоддли Мавлоно Абдул-восеҳ Мунший исмини келтиради. Асия ҳақида Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Ҳондамирлар ҳам ўз даврида Мавлоно Бурхониланг, Ҳасан воиз, Саид Фиёсиддин шарфа сингари ўнлаб асиячилар ижод килишганлиги ҳақида маълумотлар беришган.

Асия санъати алоҳида жанр сифатида XV асрдан шаклана бошлиған. XVIII-XIX асрларда асия санъати айникса, Фаргона водийси ва Тошкентда кенг ривожланди. Асия кишиларнинг бир-бири билан бадиий сўз тўкишда, сўз ўйинида, адабий баҳсада, ақллар мусобакасида кўпчилик ўртасида ўтказиладиган ҳалол тортишувдир. Ўзбекистонда жуда кўп асиячилик намоёндалари етишиб чиқкан. Марғилонлик Жалил буқоқ, Сулаймон қори, Мамажон қовоқ, мулла Муҳаммад бува, кўқонлик Мирзараҳим кулок, Ниёзбоки сичкон, Зоҳид бурун, Матхолик асия, тошкентлик Абдулла фонус, Саидахмад, Исмат асия сингари асиячилар шулар жумласидандир.

XX асрнинг ўрталарида Эрка қори Каримов, Ижрокум бува, Турсун бува Аминов, Юсуфжон кизиқ Шакаржонов, Жўрахон Султонов, Расул хожи Мамарасулов. Зайнобиддин ва Мадаминжон Юсупов, Мухиддин Дарвешов сингари машҳур асиячилар фаолият кўрсатдилар. Эрка қори Каримов асиянинг ўн тўртта чистонини (пайровини) яратди. Бу чистонлар “Ўхшагдим”, “Гулмисиз, райхонмисиз”, “Хафсана”, “Ота-бала, “Иморат куриш” сингари пайровлардан иборат бўлиб, ҳалқ орасида машҳур бўлган.

Асияда пайров сюжети алоҳида бадиий асар хисобланади, у асиянинг мукаммаллашган ва мураккаб усули сифатида изчил фикрлар оқими бўлиб, маълум бир мавзунинг маъносини бошидан охиригача ечиб беради. Асиячилар мавзу доирасидан четга чиқмайдилар. Унда анъанавий пайровлар бўлган “Ўхшагдим”, “Бўласизми?”, “Гулмисиз, райхонмисиз?”, “Бедана”, “Хафсана”, “Қоғия”, “Билғанлар, билмаганлар”, “Лақаб”лардан ташқари, замонавий мавзулар “Пахта”, “Оила”, “Кино”, “Дорбозлик”, “Ашу-

ла”, “Футбол” кабилар ўрин олган. Пайровда бир мавзу атрофича ва чуқур очилиши лозим. Мавзудан чекиниш асқиячининг маглубиятидан далолат беради. Асқияда мавзунинг тўғри танланishi, тушунча, фикр тизимини изчил равишда мантиқий яқунга етказа олиш, бадиҳагўйлик маҳорати, тингловчи эътирофи муҳим аҳамият касб этади. Асқияда ҳаракат воситалари ўринли ишлатилиши лозим, у сўз қўллаш маҳорати ҳамда мулоқот жараёнидаги тезкорлик, имо-ишоралар уйғунлиги маҳсулидир.

ХХ асрнинг иккинчи ярмидан асқияни саҳнавий санъат дарражасига етказишида машҳур сўз усталари орасида Деҳқон юзбоши Шерназаров, Яшаркул Остонақулов, Юсуф кизиқ Шакаржонов, Ижроком-бува, Ғойиб ота Тошматов, Турсунбува Аминов, Абдулҳай Маҳсум Қозоқов ва бошқалар катта ҳисса кўшганлар. Ўтмишда Фаргонга водийсига хос бўлган катта ашула ва мақомчилик санъати намояндалари, етук актёр ва бастакорлар таникли асқиячи сифатида ҳам танилганлар – улар Эрка кори Ка-римов, Мамадбува Сатторов, Жўрахон Султонов, Расулкори Мамадалиев, Фанижон Тошматов, Шоқосим, Шоолим ва Шоакбар Шожалиловлар, Зайнобиддин ва Мадаминжон Юсуповлар, Соиб Хўжаев, Абулқосим Тўйчиев шулар жумласидан.

Асқияни муҳофаза қилиш, асраш ва тарғиб қилиш ва келгуси авлодга етказишида асқиячилар жамоалари ва гуруҳлари, жумладан, Кўқон асқиячилар клуби Жўрахон Пўлатов ва Акромжон Акбаров бошчилигида, Марғilonда Мамасидик Шираев, Андижон вилояти Ҳонобод шаҳрида Мухиддин Султонов, Асакада Жумавой Хуррамов, Қорасувда Қаҳрамон Абдувоҳидов раҳбарлигида фаолият юритмоқдалар. Асқия эркакларга хос жанрдир, аммо ҳозирги кунда уни аёллар ўртасида ҳам қузатиш мумкин. Асқия ўзбек ҳалқи тафаккури, дунёқарashi, ижтимоий муносабатларни ўзида ифодалаган маънавий ҳазинадир. Зеро, асқия ўзбек юмори ижтимоий анъаналар билан боғлиқ равишида ҳаёт тарзи кузатувлари асосида муҳим масалаларга эътибор қаратилган жанр сифатида маданий сўз ва тилга оид маълумот беришда аҳамияти катта.

Асқияни саклаш ва тарғиб этишда илмий тадқиқотлар, танловлар, фестиваллар, “Асқия кечалари” (Тошкент, Хоно-

бод, Марғилон), телекүрсатувлар, фильмлар, нашрлар эълон килинмоқда. Ўзбекистон санъат ва маданият институти ўкув жарайёнига асия анъаналарини киритилмоқда. Асия санъати 2014 йилда ЮНЕСКОнинг “Инсониятнинг номоддий маданий мероси” репрезентатив рўйхатига киритилган.

Қўғирчоқ ўйин ва от ўйин санъати. Қўғирчоқ ўйиннинг ёзма тексти бўлмаган. У узок йиллар кузатиш, машқ қилиш, ёдлаш, малака ҳосил қилиш орқали восита ва услублар билан устозлардан шогирдларга ўтиб келган.

Қўғирчоқ ўйинининг келиб чиқишида аждодларимизнинг айрим маросимлари, томошалари муҳим ўрин эгаллаган. XV асрда Мовароуннахрда қўғирчоқ ўйини тараккий этди. Бу даврда “Чодир жамол”, “Чодир хаёл”, “Фонус хаёл” деб аталувчи қўғирчоқ ясаш ва уни ўйнатишида, томоша мазмунига кўра, бир-биридан фарқ қилувчи уч тури кенг тарқалган.

Қўғирчоклар кўлга кийиб ўйнатиладиган “Чодир жамол”да хаётий воеалар, иплар воситасида бошқариладиган “Чодир-хаёл”да мифология, сояси тушириладиган “Фонусхаёл”да халқ қаҳрамонлик эпоси акс эттирилган. Қўғирчоқбозлар ҳукмон табакаларга нисбатан ўзларининг муносабатларини мазкур санъат орқали ошкора ифода килганлар.

От ўйини. Халқ циркининг энг қадимги тури от ўйин санъатидир. От халқка қадимдан буён кадрдон хайвонлардан биридир. От ҳакида афсоналар, достонлар тўқилган. Отдаги сифатлар пойга, улок чопиш, чавгон каби томошаларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Чавандозлар бора-бора от ўйнатишини ўзларига ҳунар килиб олиб, сайнлгоҳларда томоша кўрсата бошлаганлар. “От ўйин” деганда яна бир томоша қисми ясалиб, дум ва қўғирчоқлар осилган бўлиб, соколни ясама қилиб кўйиб олган масҳарабоз ўйинчи от ва чавандоз ҳаракатларига тақлид қилиб ўйнаганлар. Кулгили пародия типидаги “от ўйин” халқимиз орасида шу кунларда ҳам учраб туради. Улар кўпроқ карнайчи, сурначи гурухлар билан фаолият кўрсатади. Баъзан шундай томошага қўғирчоқ ўйин ҳам кўшилиб, ажойиб бир майдон спектаклни юзага келтиради.

Халқ цирки санъати. Дорбозлик санъати халқ циркининг қадимги турларидан хисобланади. Бу санъат авлоддан авлодга ўтиб, бизгача етиб келган.

Дорбозлик – дор ўйин – баланд дор устида ўйинлар кўрсатиш бўлиб, томоша санъати жанри, XIX асрдан цирк санъатининг ҳам жанри. Дор устида ҳар қандай нотургун ҳолатда ҳам гавда мувозанатини сақлаш маҳорати намойиш этилади. Дорбозлик тахминан 2,5 минг йил муқаддам Шарқда пайдо бўлган, сўнг бутун дунёга тарқалган. Дор дастлаб паст қурилган, машқлари ҳам содда бўлган.

Давр ўтиши билан дор тобора баландрок қурилиб, ўйинлари мураккаблаша борган, XVIII аср охиридан эса, цирк саҳнасида намойиш этиладиган бўлди ва цирк санъатининг ажралмас бир қисмига айланди, янги тараққиёт даври бошланди.

Ўзбекистонда дорбозлик (дор ўйини, симбозлик, симдор, сим ўйини, катта ва кичик дор ўйинлари) халқ томоша ўйини бўлиб, қадим тарихга эга. Баъзи манбалар Амир Темур саройида ажойиб дор ўйинлари кўрсатилганини тасдиклайди. Дорбозлик Ўзбекистоннинг барча шаҳарларида, айниқса, Кува ва Асакада тараққий этган. Ўтмишда ўзбек дорбозлари Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, Эронда, XVIII-XIX асрлардан Россияда ўз маҳоратларини намойиш этганлари тўғрисида маълумотлар бор. Ўзбек дорбозлари 25-30 метр баландликдаги устунларга қия қилиб тортила-диган арқон устида лангарчўп билан бўладиган ўйинларни: югуриш (олдинга, орқага), сакраш, оёқларга пичок ёки патнис боғлаб, шунингдек, кўзни боғлаб, бошга халта ёки қозон кийиб юриш, якка ва қўш чиририкда ўйнаш каби турли туман машқларни бажаришган. Дор ўйинлари дор тагида полвонлар чиқиши, раққосларнинг ўйинлари, қизиқчи, масхаробоз, аскиячиларнинг чиқишлиари ҳамда анъанавий цирк туркумларидан симдор, ёғочоёқ, найрангбозлик, бесуяқ, муаллақчилик, ўргатилган айик, илон, маймун, от, эчки ўйинлари созандалар жўрнавозлигида (таркибида сурнай, карнай ва кичик доул (барабан) ёки доира билан биргаликда олиб борилган. Дорбозлик санъати ўйинлари очик майдонларда, ўтмишда бозор ва Регистон

катта майдонларида, тўй-томушалар, сайиллар, Наврўз байрамлари ва катта ярмарка-кўргазмаларда намойиш этилган.

XX асрда ўзбек дорбозлик санъатини янги мазмунда ривожлантиришда ва анъаналарни давом эттиришда Асака дорбозлари сулоласининг атоқли намояндаси Тошканбой Эгамбердиевнинг хизмати жуда катта. XX асрнинг 30-йилларидан дорбозлар репертуарига бирмунча ўзгартиришлар киритилди. Мухофаза воситаларидан фойдаланиш натижасида дор устида янги мураккаб ўйинлар ижро этила бошланди. Якка киши машқлари билан бир қаторда икки, уч, тўрт киши ижро этадиган машқлар кўрсатиладиган бўлди. Жумладан, икки дорбознинг бир-бирининг елкасида ёки бошида туриб дордан ўтиши, обкашнинг икки томонида дорбозларни олиб ўтиш, дорда ўтирган дорбоз устидан сакраб ўтиш, елкаси билан дорга тиралиб, оёқни тепага чўзиш, икки дорбоз елкасига ўрнатилган тахта кўприкча устида тик туриш ва бошқалар. Тошканбоевлар сулоласи ташаббуси билан дорбозлик очик майдондан ёпик бинога ўтди ва цирк томошаларига айланди ҳамда унинг ўйинлари янада мураккаблашди. Катта дор билан кичик дор (симдор) ўйинлари амалга ошди.

Дорбозлик санъатини ривожлантириш ва тарғиб қилиш мақсадида мунтазам равишда дорбозлар кўрик-танлови ўtkaziladi. Мустақилликка эришилгандан сўнг ўзбек дорбозлари ўз санъатларини дунёнинг турли мамлакатларида намойиш этмоқдалар. Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистонда 40 та оиласий дорбозлик гурухлари фаолият кўрсатмоқда.

“Ўзбекдавлатцирк” республика бирлашмасининг Олимжон, Тоҳир ва Мурод Тошканбоевлар раҳбарлигидаги “Ўзбекистон дорбозлари” жамоалари кадимги дорбозлик анъаналарини замонавий циркнинг бадиий ифода воситалари билан бойитиб келмоқда. Ушбу сулола вакиллари кўпгина нуфузли халқаро томоша санъати фестивалларида ва танловларида қатнашиб, анъанавий дор ўйинлари намойиш этиб, совринли ўринларига сазовор бўлмоқдалар. Бугунги кунда дорбозлик санъатини муҳофаза қилиш, унинг анъаналарини саклаш ва тарғиб этишда Юнусали Гозиев оиласий дорбозлар гурухи (Андижон), Турсунали Мада-

минов оиласиий дорбозлар ва полвонлар халқ жамоаси (Фаргона), Баҳодир Дадажонов оиласиий дорбозлар гурӯҳи (Наманган), Ўқтам Юсупов оиласиий дорбозлар гурӯҳи (Андижон) фаолият кўрсатмоқдалар.

Ҳозирги кунда дорбозлик санъати Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятлари ва Қорақалпогистон Республика-сида фаолият олиб бормоқдалар. Дор ўйинларини оила жараёнида “устоз-шогирд” анъаналари орқали ҳамда республика эстрада ва цирк коллежида дорбозлик анъаналари ёшлар томонидан ўзлаштирилмокда. Дорбозлик санъатини сақлаш ва тарғиб этишда республикада дорбозлар кўрик-танловлари ва фестиваллари (охиргиси 2014-2015 йиллари), “Майдон томоша санъати” ва “Кўҳна замин оҳанглари” (2012-2014 йиллари) телефестиваллари; Ўзтелерадио компанияси томонидан фильм (масалан, “Тошканбоев дорбозчилари”), Германия кино усталари томонидан Ўқтам Юсупов (Андижон) ва Турсунали Мадаминовлар (Фаргона) оиласиий гурӯҳлари фаолиятига багишланган “Дорбоз” фильми (2012), илмий-тадқиқот ишлари, нашрлар, илмий-амалий анжуманлар (2015 йили ноябрь оида республика эстрада ва цирк коллежида “Анъанавий дорбозлик ва унинг долзарб масалалари” мавзусида), Наврӯз ва Мустакиллик байрамларида чиқишлиар, республика ва Марказий Осиё республикалари ҳамда чет давлатларда дорбозлик гурӯҳлари сафарлари шулар жумласи-дандир. 2015 йили Ўзбекистон дорбозлик санъати ЮНЕСКОнинг репрезентатив рўйхатига тақдим этилди. Дорбозлик макони бўлмиш Асакадан чиққан Тошканбой Эгамбердиевнинг фидоийлиги, санъати туфайли анъанавий дор ўйин замонавий цирк билан боғланиб, уни оламга танилди.

Найрангбозлик. Кўз боғлаш санъатининг мазкур тури XV асрдаёқ муайян ютуқларга эришган. Найрангбоз бор нарсани ғойиб ва йўқ нарсани пайдо қилувчи “сехргар”дир. У ханжар ютиш, қулоқдан игна ип ўтказиш, сув пуркаб олов чиқариш, оғзига қоғоз, увада тиқиб рангли ип ва ленталар чиқариш сингари томошаларнинг устаси бўлган. Аслида, найрангбозлар ўйинида сехр ҳам, мўъжиза ҳам бўлмаган. Чакқонлик, дикқат, томошабинларни ром этиш, кимё ва физик қонунларни яхши билиш маҳсулидир.

Муаллақ “Акробатика” ҳам халқ циркининг яхши ривожланган турларидан бири бўлиб, тобланган тана ҳаракатлари билан чиройли шакллар ясаш санъатидир. Айниқса, бесуяқ деб аталувчи муаллақчилар томошалари қизиқарли бўлган. Ёгоч оёқни ҳам муаллақ-чиликинг бир тури деса бўлади.

Халқ циркчиларининг турли буюмлар билан кўрсатадиган ўйинлари бўлган. Пичоқ ўйин (карбозлик), лаган ўйини, чинни ўйин бунга мисол бўла олади. Турли даврларда халқ циркининг намоёндалари ижод қилишган. Хўжа бойвачча, Хўжа пучук карбозлар, ака-ука Раҳмон, Қодир бола акробатчилар, Мухиддин бесуяқ, Абдулла хитой қилич, ханжар ютувчи Юсуф қизиқ, Собир кори. Санд қизиқ киличбозлар шулар жумласидандир.

Пичоқ ўйин (карбозлик), бесуяқлик, лаган, чинни ўйинининг ҳар бири маҳоратли ижрочилар томонидан ижро этилган. Бесуяқ эгилувчилар орқасига қараб ергача эгилиб, бошини оёқлари орасидан олдинга чиқариб, оёқларини чалиштириб кўллари билан юрган. Бесуякнинг энг зўр ўйини гавдасини орқага эгилган ҳолда оғзи ёки қовоқлари биланердаги кумуш тангалар ёки узукларни олишдир. Пичоқ ўйин билан лаган ўйинда ракс мухим аҳамиятга эга. Лаган ўйинда раккос товоқ ёки тогорага ўхшаш идишни пешонасидан бошига, кейин бўйин қисмига, елкасига тушириб, у елкасидан бу елкасига келтириб, сўнг белига тушириб ва яна пешонасига қайтариб. кўлларида қайроқлар билан ўзига хос ритм бериб турган. Кўконлик Маҳмуд Гофуров (1883-1970) ана шундай моҳир санъаткорлардан бири бўлган.

Халқ томоша санъатининг атоқли намоёндаси Юсуфжон қизиқ Шакаржонов (1869-1954) серқирра ижодкордир. У 90 йил умр кўриб, шундан 83 йилини санъатга багишлигар. Санъатнинг барча турларини билган, барча чолгу асбобларида чала олган, кор-фармонлик (режиссерлик), раккос ва ҳофизлик билан барчани лол қолдирган. У учта хукмронлик даврини кўрди. Худоёрхон саройида. Бухоро амирлигида, собик шўролар даврида ижод қилди. Аммо ҳамиша халқ билан бўлди. Ёшлигида Зокир эшон труппасида, сўнгра Мансуров халқ циркида, кейинчалик ўзи сайёр труппа тузиб, Хитой, Эрон, Афғонистон, Қашқар, Оврупа ва Русия мам-

лақатларida бўлиб, ўзбек халқ томоша санъатини тарғиб қилди. Италиялик сеҳргар Калиостро, русиялик машхур цирк артисти Юпатов билан бирга ишлади ва ҳамкорлик қилди.

Карим чавандоз номи билан машхур бўлган Карим Зарипов (1890-1960) Зариповлар сулоласига асос солди. Унинг фарзандлари, набиралари ота касбини эгалладилар. У бесуяк ҳам эди. Ёғоч оёқни жуда яхши ўйнар, қизиқчилик қиласиди. “От ўйин” деб аталмиш халқ циркининг қарийб барча жанрларини ўзлаштириди. 1938 йилда “Чавандоз йигитлар” аттракционини ташкил этди. Унда Карим Зарипов билан ёнма-ён хотини Муборакхон, ўғли Ҳакимжон, кизи Холидахон чавандоз сифатида фаолият кўрсатдилар. Бу гурух бутун дунёга машхур бўлди. Улар ўзбек санъатини бутун дунёга танидилар. Айни пайтда ҳам бу сулола ўзбек давлат циркида ўз анъаналарини муваффакият билан давом эттироқда. Қўқонлик Ака Бухор Зокиров халқ қизиқчилик санъатининг усталаридан бири бўлган Юсуфжон қизиқдан кейин иккинчи ўринда туради.

Асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитиб, онги, тафаккури ва ҳис-туйгуларини терланлаштириб келган миллий ўйинларда аждодларимиз ҳаёт фалсафаси, меҳнати, жасурлиги, эзгу ниятлари акс этган.

Анъянавий равишда ўтказиб келинаётган “Майдон томошлари санъати” республика фестивали халқ томоша санъати анъаналарини асраб-авайлаш ва кенг тарғиб этиш, миллий ўйинлар орасида ажralиб турадиган дорбозлик санъатини янада ривожлан-тиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда юртимиизда қирқдан зиёд дорбозлик гуруҳи мавжуд. Ўқтам Мадаминов, Аҳад Набиев, Юнусали Фозиев, Равшан Мамасолиев каби тажрибали дорбозлар бошчилигидаги “Водил чинори”, “Андижон самоси”, “Мадамин дорбоз”, “Косонсой дорбозлари” гурухлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, бугунги кунда миллий дорбозлик ва халқ томоша санъатига алоҳида эътибор қаратиш, дорбозлар жамоалари фаолиятини таҳлил қилиш, уларнинг ижро маҳорати, сахна маданиятини

юксалтириш, томоша дастурларининг ғоявий-бадиий савиясини ошириш ва уларни кўллаб-кувватлашдан иборат.

Ўзбек кўғирчоқ томошалари анъанавий халқ томоша санъатининг алоҳида йўналиши бўлиб, ўз анъаналарига эгадир. Бу санъат Сурхондарёда “Сув-хотин”, Хоразмда “Ашшадароз”, “Масхарабоз”, “Полвон” номлари билан юритилган.

Кўғирчоқларни ўйнатишнинг кўпгина турлари мавжуд бўлиб, уни миллий кўғирчиқблор “Кўл кўғирчоқ” (кўлқоп кўғирчиқлари), “Ип кўғирчоқ” (мар ionетка кўғирчиқлари), “Майда кўғирчоқ” ва “Катта кўғирчоқ” номлари билан аташади.

Кўғирчоқ томошалари катта сайил ва томошаларда анъанавийликни сақлаган ҳолда намойиш этилган, ҳозир унинг замонавий турларидан ҳам фойдаланиш одат тусига кирган. Бунда “От ўйин”, “Шербоз” (шер ўйнатувчи) сингари томошалар ҳам кўшилиб, карнай-сурнай, доира ва ногоралардан ташкил топган ансамбл жўрлигида намойиш этилади.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан кейин кўғирчоқ-бозликнинг асрий анъанавий турлари бир муддат унутила бошланди. Ҳозирги кунга келиб кўғирчоқ-ларни ясовчи ҳунармандларнинг саъиҳаракатлари туфайли ўша анъаналар тикланишга йўл тутди. Бундай усталар ичida Хоразм вилоятининг Ҳонқа туманидан Мансур Курязов алоҳида ўринга эга. Чунки у ўз ижодида кўғирчоқ тайёрлаш санъати билан уни ўйнатиш санъатини қамраб олган. Кўғирчоқ тайёрлаш санъатининг намоёндалари сифатида Тошкент шаҳридан Шофайзи Шомухиддинов, Пўлатжон Дониёров, Азим бурунларни, хивалик Маёкуб Воисов, Юсуф Тўхтаевларни, Бухородан Донияр Шоҳсуворов, Кенжа Жумаев, Олим Шамсиевларни, Фарғона вилоятидан Шарифжон Мирзарахимов, Тиллахон Матёқубова, Мирзакарим Гафуровларни, Самарқанддан Кули бобо Наввотов. Карим Мажидларни, Холмурод Сиддиқов, Нарзулло Ҳамроевларни, Шаҳрисабздан Мустафо Бердиев, Тари Ашуроевларни, Андижондан Абдусамат Йўлдошев, Жўрабой Отабоевларни келтириш мумкин.

Кўғирчоқ ўйини Ўзбекистонда, қадим замонлардан буён халқнинг энг севимли томошаларидан яна бири деб ҳисоблаб ке-

линган. Халқ томоша санъатининг кўғирчоқ ўйинлари турлари, уларнинг тарихий йўналишлари, тарихдаги машхур ижро чилари ва репертуарлари тўгрисида санъатшунослик фанлари доктори, профессор Мухсин Қодировнинг “Кўғирчок театри” ва “Ўзбек халқ томоша санъати” китобларида мукаммал ёритилган. “Бизда,— деб ёзади Мухсин Қодиров, — “Кўғирчоқ ўйин” деб юритилувчи бу санъатнинг, хусусан, кўлга кийиб ўйнатиладиган, ип билан бошқариладиган ва сояси тушириладиган турлари ўтмишда кенг тарқалган. Улар “Чодир жамол”, “Чодир хаёл” ва “Фонус хаёл” деб аталган. “Чодир хаёл” театри “Чодир жамол”га нисбатан анча мураккаб ва мукаммалдир. Бу театр томошалари, одатда, кечкурунлари кўрсатилгани, шуъла ва шовкиндан фойдаланилгани туфайли қора пардалар ичидаги кўғирчокларнинг иплари кўринмай, худди қўғирчокларнинг ўzlари харакат қилаётгандай табиий ва ажаб манзара ҳосил қилган. Ҳар бир мохир кўғирчогбоз айни вактда иплар ёрдамида 8-10 кўғирчоқни харакатга келтира олган. “Кўл кўғирчок” театрида бир томошада кўпи билан ўн кўғирчоқ иштирок этган бўлса, “Чодир хаёл”да бир йўла элликдан ортиқ кўғирчоқ ўйнаган. Бу театрларда мусика бадиий бе-зак сифатида, кўпроқ қахрамонлар ҳолатини ифодаловчи восита сифатида хизмат қилган. Кўғирчоқбоз-созандалар кўғирчок ўйинлар учун махсус “Уфор”, “Миёнхона”, “Чарх”, “Дучава паррон”, “Чоголлок”, “От эроний”, “Кум пишиги”, “Тўргай чириллама” каби бир қанча ажойиб куйлар яратганлар.

Ўзбек халқининг маънавий ҳаётида, юкорида кўрсатилган театрлардан ташқари, “Наврўз”, Рамазон ва Қурбон ҳайитларида, “Гул-сайил”, “Ҳосил сайил” каби байрам ва сайилларда халқ томоша санъатининг кўғирчоқ ўйини ҳам мавжуд эди. Бу сайил ва томошаларда шўх кўшиқ, лапар, яллалар жаранглайди, якка ва оммавий рақслар авж олади, энг хурматли ҳофизлар кучли ва бетакор овозлари билан баланд пардаларда ашула ва катта ашуулалар айтиб, халқнинг олқишлиарига сазовор бўлганлар. Майдонларда кўғирчоқ ўйини кўрсатилган. Бу анъана ҳозирга қадар давом этиб келмоқда.

Янги тараққиёт даврида асрлар давомида шаклланган халқ томоша санъати байрамларини қайта тиклаш ва уларни оммавий

тарзда нишонлашга алоҳида эътибор қаратилди. Оммавий халқ байрамлари театрлашган томошалар тимсолида янги мазмун касб этмоқда. Ўтган қисқа вакт мобайнида бу соҳада ўзига хос тажриба тўпланди ва байрамлар билан боғлиқ янги санъат тури дунёга келди. Бу кенг миқёсда нишонланадиган театрлашган майдон томошалари дидир. Наврўз ва Мустақиллик байрамлари, буюк давлат арбоблари, саркардалар ва алломалар юбилейлари, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали, “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги тантананалари муносабати билан ўтказилган театрлашган томошалар шулар жумласидандир.

Наврўз ва Мустақиллик томошалари ўзида ўзбек халқи томоша санъатининг энг нодир ютуқларини бирлаштиради. Бу томошалар шунчаки турли санъатлар, кўшиқ, рақс, асқия, миллый урф одатлар, ҳаётдан олинган ҳодисаларнинг ёнма-ён, бирин-кетин берилиши эмас, балки уларни катта майдонларга мослаштириб, бадиий қайта ишлаш, бир-бирига сингдирив, мутаносиблиқ ва уйгунлик ҳосил килишдир. Бинобарин, Наврўз ва Мустақиллик томошаларини ташкил этиш ва ўтказиш моҳиятан бир-биридан тубдан фарқ қиласа-да, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд.

Мустақиллик ва Наврўз байрамлари кўпроқ сиёсий йўналишда бўлиб, мамлакатимизнинг истиқлол даврида қўлга киритган ютуқларини намойиш этишга қаратилган. Наврўз байрами қадимий анъаналар ва урф-одатларни сақлаган ҳолда, замонавий пластик воситалар ёрдамида уларни гавдалантиришга йўналтирилган. Шунингдек, бу байрамлар ўтадиган жойлар ҳам айриҳолда бўлиб. Наврўз байрами Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллый богида, яъни табиат қўйнида нишонланади, Мустақиллик байрамини эса пойтахтнинг бош майдонида ўтказилиб келинган. Сўнгги йилларда Мустақиллик байрами ҳам Миллый боғда ўтказилиб келинмоқда.

1991 йил Наврўз байрамининг Тошкентнинг бош майдонида ўтказилган асосий томошасида дўстлик, турли миллатларни бирлаштириш ғояси ҳамда Она Ватанимиз тарихидан ҳикоя қилиш

кўзда тутилди. Томошада рамзий тасвирий услублар кўлланди. Жумладан, майдоннинг турли томонларига ўрнатилган Тошкентнинг 12 дарвозаси ва улардан кириб келаётган карвонлар харакатига, турли-туман афсонавий образ-ларга ўзига хос маънолар юкланди. Томошада вилоятларнинг энг яхши фольклор жамоалари ишти-рок этиб, ўз репертуаридаги асосан халқ анъаналари билан bogлиқ ўйин ва томошаларини намойиш этдилар. Шунингдек, томошада далага қўш чиқариш, биринчи уруғ қадаш каби деярли унутилиб қолган маросимлар тикланиб, бадиий шаклда тақдим этилди.

Дастлабки йилларда сценарийлар этнограф ва маданиятшунослар томонидан тайёрланиб, томоша мавзулари, гояларини белгилашда бош режиссёrlар етакчилик килгани сабаб, улар турли ансамбларнинг этнографик номерлари йигиндисидан иборат бўлган бўлса, 1995 йилдан томоша драматургиясида ҳам бурилиш рўй берди. Шоир Хуршид Даврон ўзига хос воеалар ривожи ва тугал маънога эга бўлган сценарий яратар экан, Наврўз тарихи, маросимларини беришда тарихий манбаларга таянишга интилди. Сценарий муқаддима, хотима ва тўрт қисмдан иборат бўлиб, унга Абу Райхон Берунийнинг “Осор ул-бокия” асарида ёзиб қолдирилган фикрлар сингдирилган. Наврўз Коинот, Куёш, Ер, Сув яратилган кун сифатида тақдим этилди. Мазкур театрлаширилган томоша Наврўз драматургияси ва режиссурасида ўзига хос сакрашлик рўй берганини кўрсатди. Ўтган қисқа вақт ичida Наврўз анъаналари нафақат тикланди, айтиш лозимки, унинг тарихида янги бир давр бошланди. Йилдан-йилга ҳар бир театрлашган томошанинг кўлами ва мазмуни доираси бойиб бормоқда. Байрам сценарийларининг янада қизиқарли, томошавий воситаларга бой бўлиб бораётгани, янги-янги сахнавий безаклар ва ифода воситалари пайдо бўлаётганини кузатиш мумкин. Жумладан, 2001 йил томошасида Миллий боғдаги асосий сахна, унинг атрофи, Алишер Навоий ёдгорлиги зиналари, зина ва сахна ўртасидаги кўприклар, шунингдек, майдон устидаги фазо ҳам қамраб олинган. Ушбу маҳобатли спектаклдаги кўринишидан турлича бўлган композицияларнинг ҳар бири ўзига хос тугал

мазмун ва ижрота асосланган бўлиб, унга тайёрланган декорация ва либослар, ниқоблар, ҳаракатланувчи қурилмалар, байроқлар, пулфлаб шиширилган қиёфалар, табиий ва ясама гуллар ажиб бир манзара яратди. Ҳамма ёқда бир-бири билан ҳам мазмунан, ҳам бадиий жиҳатдан боғланган байрам манзаралари намоён бўлади. Байрамга чорловчи мусиқий оҳангларга табиатнинг уйгониши, борлиқнинг яшариши, қушларнинг чуғур-чуғури, жилғаларнинг шилдираши уйгунлашиб кетади. Кўкка учирилган ранг-баранг шарлар ажиб камалак ҳосил қиласди. Фурсат ўтмай, рангин камалак алвон булаттага айлануб кетади. Навоий ҳайкали гумбази күёш мисол атрофига заррин нурларини таратади. Бутун майдон гулларга буркалади, улар устида рангин капалаклар қанотларини ҳилпиратиб учади. Ана шундай ажиб бир манзаралар фонида она ва боланинг сухбати театрлашган томошани бошлаб беради.

Отларни елдек учирив кириб келган жарчиларнинг байрамга чорлови ва шаҳарнинг қадимий 12 рамзий дарвозасидан кириб келган бадиий жамоалар, дорбозлар, кўғирчоқбозлар, чавандозлар, масхарабоз-лар, полвонлар, чеварлар, хуллас, барча замонавий ва қадимий касб эгалари ўз маҳоратларини намойиш этадиган саҳнавий кўриниш ўзига хос мутаносиблик ва шиддатли ҳаракат билан ўз ўрнини келгуси саҳнавий кўринишга бўшатиб беради. Саҳнадаги воқеаларнинг шиддатли ҳаракати, мазмунан ва моҳияттан бир-бирини тўлдирини томошага яхлитлик бағишлийди.

Қадим тарихимизнинг илк даврлари ҳақида хикоя қилувчи “Авесто” ҳақидаги саҳна кўринишлари, шунингдек, Наврўз билан боғлиқ қатор яратувчилик үдумлари эътиборга молик. 1992 йилдан бошлаб ҳар йили Мустақиллик байрамини жуда кенг миқёсда нишонлаш анъанага айланди. Истиқоллининг дастлабки йилиданоқ қадриятларни тиклашга алоҳида эътибор қаратила бошлагани Мустақиллик байрамининг дастлабки нишонасида кўзга ташланди. Томоша айнан аждодларимизни хотирлашга багишланган кўриниш билан бошлангани ва карвонлар қўнғироги садолари остида майдоннинг ўнг томонидан чапга қараб Буюк ипак йўли бўйлаб тужа карвони орасида буюк аждодларимиз Тўмарис, Спи-

тамен, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий узок йиллардан сўнг қўлга киритилган эрк ва озодлик байрамлари ила халкни кутлаб, муборакбод этаётгандек тантана билан ўтишларига ана шу маъно юклатилган. Болалар дасталари, миллий гвардия аскарлари, спортчилар, талабалар, вилоятларнинг вакиллари иштирокидаги бадиий лавҳалар, шунингдек, республикамизнинг етакчи ракс ансамбллари ижро-сидаги рақсларнинг ўзига хос кўриниши томошага ўзига хос тароват берди.

Дастлабки йилларда Мустақиллик байрамлари томошаси моҳиятан Наврӯз томошаларидан уичалик фарқ килмас эди. Зоро, бу театрлашган томошаларда санъатимизнинг бугунги ютуклари ва қадриятлар, урф-одатлар билан боғлиқ чикишлар ҳам бор эди. Жумладан, 1994 йилги театрлашган томошанинг “Истиқлол тўйинг муборак, Ўзбекистон” қисмида таникли ҳофиз ва хонандалар чиқишиларидан кейинги номерда қадимий чолгулардан чанқовуз, шунингдек, қошиқ, ликопча ҳамда ракс мазмунини бойитиш мақсадида саватлардан фойдаланилган. Халқ ўйин-ларидан улоқ, қўчкор ва хўroz уриштиришлар, арқон тортиш, масхара-бозлиқ ва шунга ўхшаш халқ удумлари намойиш қилинган. Йил ўтган сайин томоша таркибида ҳам ўзгаришлар амалга оширила бошланди. Турли йўналишдаги янги ижодий жамоалар, ёш ижро-чиларга дастурдан ўрин ажратилди. Наврӯз ва Мустақиллик байрамларида орттирилган тажриба ва ижодий кучлар буюк алломалар ва қадимий шаҳарларимиз юбилейларини умумхалк шодиёнаси сифатида тантанали нишонлашда қўл келди. Мисол тариқасида Самарқанд шаҳрида 1994 йилда Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллигига, 1996 йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига, Урганч шаҳрида 1999 йилда Жаполиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига, 1997 йилда Хива шаҳрининг 2500 йиллигига багишлиланган оммавий томошаларни айтиб ўтиш мумкин.

Оммавий томошалар драматургияси шаклланишига шоирлардан Абдулла Орипов, Хуршид Даврон, Омон Матжонлар асос солишиди. Режиссура соҳасида эса Баҳодир Йўлдошев ва Рустам Хамидовлар самарали фаолият кўрсатиб келишмоқда. Шундай

қилиб, қисқа вақт мобайнида Ўзбекистонда байрамларни нишонлашда ўзига хос тажриба түпленди.

Байрам томошаларида бугунги кунда шаклланган энг асосий хусусиятлардан бири уйғунликтир. Томошаларда санъат, спорт, этнография, фольклор, бадиий сўз ижрочилиги, меҳнат ва ижтиёмоний ҳаёт лавҳалари бир-бири билан ягона ва ички гоялар, мавзулар асосида таркибий, уйғун бириктирилади ва бунда бадиий яхлитлик юзага келади. Шунингдек, театрлашган томошаларда тарихий ва замонавий вокеликни поэтик-фалсафий умумлашмалар, рамзий образлар, ёрқин ва бўрттирма воситаларда акс эттириш шаклланди.

Оммавий томошаларда бадиий образлилик хусусияти ҳам бўлиб, томошалар қисмларини театрлашириш орқали образли ечимга эришилади ва натижада алоҳида алоҳида томошалардан иборат композициялар яхлит бир санъат асари даражасига кўтарилади. Томошаларни яратишда сўнгги йилларда шаклланган яна бир хусусият воқеаларнинг ягона ва узлуксиз драматик ҳаракат асосига қурилиши ва томоша умумий композициясининг ҳосил қилинишидир. Асосий театрлашган томошалар жуда катта ижодий жамоанинг меҳнати натижасида саҳна юзини кўради. Унга тайёргарлик нафақат пойтахтда, шунингдек, вилоятларда ҳам анча илгари бошланади.

Шундай қилиб, оммавий байрамлар билан боғлиқ театрлашган томошалар истиклол даври маҳсулни бўлиб, у қисқа вақт ичida шаклланиб, бугунги кунда мустақил санъати турлари орасида ўзининг муносаб ўрнига эга бўлиб келмоқда. Хулоса қилиб айтганда, асрлар давомида шаклланиб келган ҳалқ томоша санъати бугунги кунда ҳам янгича ва хилма-хил кўринишлар билан жилоланмоқда.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ҳалқ томоша санъати ҳақида маълумот беринг.
2. Қизиқчилик ва асқия санъати ўртасида қандай фарқ мавжуд?
3. Қўғирчоқ ўйин ва от ўйин санъати ҳақида гапириб беринг.
4. Ҳалқ томоша санъатида дорбозлик жанрининг ўрни ва роли.
5. Найрангбозлик (кўз боғлаш) санъат турини изоҳлаб беринг.

3-МАВЗУ: ЎЗБЕК МУСИҚА САНЬАТИ ТАРИХИ

Режа:

1. Ўзбек халқи мусиқа санъатининг ривожланиш тарихи.
2. Ўзбек мусиқа санъатининг асосчилари.
3. Ўзбек мусиқа санъатининг бугунги кундаги ривожи.

Таянч сўзлар: санъат, ҳис-туйғу, “Амал”, “Савт”, “Нақш”, “қавл”, “Тарона”, гўзаллик, меҳтар, “нақш”, “пешрав” доира, уд, танбур, рубоб, ноғора, қўбиз, най, сурнай, карнай, қонун.

Ўрта Осиё мусиқа санъати ўзининг серқирралиги билан ажраблиб туради. Айниқса, унинг чуқур илдизлари қадимги даврларга етиб борадиган ўзбек халқининг бой мусиқа санъати тарихи ҳозирги кунда ҳам ўз мавкеини саклаб келмоқда.

Мусиқа санъати тарихи халқ ижодининг юксак намуналари, фольклор ижрочилиги, куй тузилиши, мазмунан ривожланган чолгу ва ашула асарлари, достонлар ижрочилиги ҳамда мукаммал ижрочилик туркуми кирадиган мақом мусиқасини ўз ичига олади. Шунингдек, антик даврдан бугунги кунгача бўлган жараёнда мусиқа санъатининг шаклланиб, такомиллашиб боришида ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб келаётган халқ бастакорлари ва замонавий композиторларнинг ўрни борлигини ҳам эътироф этиш зарур.

Археологик маълумотларнинг тасдиқлашича, бугунги Ўзбекистон ҳудудида шаклланган Ўрта Осиё халқларининг ўзига хос мусиқа санъати тарихи уч минг йилликни ўз ичига олади. Ўтган даврлар мобайнида ўзбек мусиқа санъати жуда кўп марта ўзининг узок ривожланиш босқичларини босиб ўтди ва бугунги кунда халқимиз маънавий бойлигининг негизи сифатида эзгулик ва маънавий тараққиёт учун хизмат қилиб келмоқда. Буни Ўрта аср Шарқ муваффакирларнинг мусиқа маданияти ва санъатининг вужудга келиши ҳамда ривожланиш муаммосига бағишлиланган илмий-назарий фикрларидан билсак ҳам бўлади.

Маълумки, халқ поэтик ва мусиқа санъати тарихи эрамиздан аввалги биринчи минг йилликларга бориб тақалади. Халқ поэтик ва мусиқа санъати тўғрисидаги дастлабки маълумотлар “Авесто” ва бошқа ёзма ёдгорликларда учрайди. Жумладан, “Авесто”да худоларга сигиниш билан bogлиқ бўлган турли хил қўшиклар баён қилинган ва муайян маросимларда мазкур қўшиклар муқаддас олов атрофида ижро этилган ва раксга тушилган. “Авесто” гимнлари (яштлари) хор бўлиб ижро этилган.

Замонавий мусиқашунослик фани археология ва этнография маълумотларидан келиб чиқиб, мусиқа санъати ибтидоий жамиятда инсоннинг амалий фаолияти жараёнида бошқа санъат турлари: ракс ва шеърият коришмаси асосида пайдо бўлганлигини исботлашга ҳаракат қиласи. Шунингдек, мусиқа ижтимоий мулоқот воситаси, меҳнат ва маросим жараёнларини ташкил этиш воситаси бўлиб ҳам хизмат қиласи, айни вақтда, жамиятда зарур ахлоқий-маънавий хусусиятларни тарбиялаш мақсадларини амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

Уругчилик жамиятининг емирилиши ва синфий жамиятга ўтиш жараёнида (эр.ав. VII асрдан эрамизнинг IV асрларигача) бир катор давлатлар: Бақтрия, Суғдиёна ва Хоразм давлатлари пайдо бўлди. Бу давлатларнинг пайдо бўлиши ўзига хос эпик характеристерли мифологик қаҳрамонлик устун бўлган қадимги оғзаки мусиқали поэтик ижоднинг юзага келишига сабаб бўлган.

Ўрта Осиёда халқ байрам маросимларидан бири – Наврӯз кенг тарқалган бўлиб, тарихчи-олимлар бунда мусиқанинг меҳнат қилиш жараёнидаги ролини, олам пайдо бўлишида ҳамда табиатдаги ҳодисалар ўзгаришида бевосита мусиқанинг таъсири масалаларини кўрсатиб ўтганлар.

Бутун Шарққа машҳур бўлган ва кейинчалик Шарқ мумтоз адабиёти асарларида тасвирланган Ўрта Осиё заминида яшаган йирик созанда ва хонанда, ўнлаб куйлар ижодкори Барбад VII аср бошларида Эрон сосонийлари сулоласидан бўлган Хисрав саройида хизмат қиласи. Афсонавий ижрочилик маҳоратига эга бўлган Барбад буюк ижрочилик маҳорати билан биргаликда мусиқий созларнинг яратувчиси эканли-гини ҳам таъкидлаб

үтиш ўринлидир. У яратган соз 4 торли бўлиб, X-XII асрларда Хуросон ва Туронда кенг тарқалган. Тарихчиларнинг берган маълумотидан маълумки, Барбад мадҳия ва тарихий қўшиқларни юксак маҳорат билан ижро этган.

IX-X асрда яшаб ўтган буюк шоир Абу Абдулло Рудакий ўз замонасида чанг созини чалишда моҳир бўлғанлиги, айниқса, “Бўйи жуйи мулиён” шеърини ушшоқ куйига солиб айтгани кадимги қўлёзмаларда кўрсатиб ўтилган.

Ўрта Осиё халқлари эпосининг шаклланишида бевосида турк мусиқий ҳаётини акс эттирган “Китоби Куркут”¹¹ қўшиқлар тўпламига кирган эпик афсона-ларининг баъзи бир элементлари ўз таъсирини кўрсатган.

Маълумотларга караганда, дастлаб Ўрта Осиёда мусиқа асблари – уриб чалинадиган, пулфлаб чалинадиган ва торли созлар (доира, най, уд) вужудга келган. Бунга мисол, Афросиёб (кадимги Самарқанд шахрининг ўрни)дан топилган кўпгина ҳайкалчаларда аксарият доира, най, уд чалаётган созандаларнинг тасвирланганлигидир. Шунингдек, машҳур адабиётшунос олим Натан Маллаев ҳам қадимий қўлёзмаларга таянган ҳолда ўзининг маданияти тарихига оид асарларида X-XII асрларда танбур, рубоб, кўс ноғора, қўбиз, най, сурнай, карнай, қонун каби торли, зарбли ва пулфлаб чалинадиган чолғу асблари ўлкамизда кенг тарқалганлигини таъкидлаб ўгади.

Ўша даврнинг буюк алломаси, тилшунослик илмига асос солган қомусий олим Махмуд Қошгариј ўзининг “Девони луготиттурк” асарида туркий халқларнинг тили, маданияти, этнографијаси ва фольклорини илмий жиҳатдан тадқиқ этади¹². Махмуд Қошгариј ўз асари устида жуда ҳам эҳтиёткорлик, ва сабрбардош билан ишлаган. Натижада, қадимий туркий халқларнинг халқ оғзаки ижоди ва қўшиклари, байрам ва маросимларидаги меҳнат қўшиклари, қаҳрамонлик қўшиклари ҳакида жуда ҳам бой материал тўплайди. X-XII аср мусиқа маданияти ва ашула санъ-

11 “Китоби Даля Куркут” – туркий халқларнинг XII-XV асрларда яратилиган қаҳрамонлик қўшиклари тўплами.

12 Қаранг: “Фарғона ҳакиқати” газетаси, № 39 (22901), 17 май 2014 йил.

атига доир маълумотлар Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг” асарида ҳам учрайди.

Ўрта Осиё халқларининг мусиқа санъати тарихини ёритишида Шарқ мусиқа илмининг асосчиси сифатида тан олинган Абу Наср Форобий ва Ибн Халдуннинг алоҳида ўрни борлигини эътироф этиш лозим. Форобий мусиқа санъати тарихини инсон нутқининг шаклланиш жараёни ва хиссиётлари билан бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлаган бўлса, Ибн Халдун (XIV аср) ижтимоий тизимларнинг шаклланиш қонуниятларига асосланган ҳолда тушунтирган. Х асрдан бошлаб Форобий, Ибн Синонинг мусиқа назариялари заминида маҳаллий тилларда мусиқа санъати ҳақида қатор асарлар майдонга кела бошлади. Шунингдек, буюк алломаларимиз Абдулқодир Марофий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Нажмиддин Кавқабий Бухорий, Зайниддин Восифий, Зайнуллобиддин Ҳусайний, Дарвеш Али Чангий ва бошқалар шарқона жаҳоншумул аҳамиятга молик ноёб назарий ва эстетик қарашларини ишлаб чиқсан ҳолда мумтоз мусиқий асарларнинг ҳам муаллифлари сифатида танилганлар. Улар ўзларининг асарларида ижрочилик санъати, мусиқа илми ва тарихи, чолгу соzlарининг тузилиши, ижровий услублари, санъат-корлик қонун-қоидаларига оид қимматли маълумотларни баён қилганлар. Ди-дактик асар бўлган “Қобуснома”да ҳам ҳофизлик ва санъаткорлик қоидаларига бағишлиланган алоҳида боб ўрин олган.

Йирик мутафаккир, қомусий олим, буюк файласуф, мусиқашунослик фанининг асосчиси Абу Наср Форобий (870-950) ўз фаолиятида мусиқа илмини тадқиқ этиш билан бирга қонун, гижжак каби янги мусиқий созларни кашф этди. Унинг “Китоб ул мусиқа ал-кабир” (“Катта мусиқа китоби”), “Калом ул мусиқи” (“Мусиқа ҳақида сўз”), “Китоб фи ихсоал ибқоҳ” (“Куйлар таснифи ҳақида китоб”), “Китоб фи-н нақра музофа илал ибқоҳ” (“Ритмга қўшимча қилинадиган силжишлар ҳақида китоб”) каби мусиқа санъати ва маданиятининг назарий асосларига оид асарлари бугунги кунда ҳам мусиқа илмини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Ўрта Осиё бутун мусулмон шарқи табиий-илмий ва ижтимо-

ий-фалсафий фикрининг буюк намоёндаси, тиббиёт, фалсафа, қатор табиий-илмий фанлар муаллифи, машхур қомусий олим, мутафаккир Абу Али ибн Сино (980-1037) ҳам мусика санъати назарияси билан шуғулланган. У ўзининг “Китоб уш-шифо” (“Шифо китоби”), “Рисола фиал мусикий сайр мо фи ал-шифо” (“Мусика тўғрисида “Шифо”да берилгандан бошқа рисола”) каби асарларида мусиканинг эстетик аҳамияти ва таъсир қучини назарий жихатдан асослаб беради. Жумладан, айрим жисмоний ва руҳий касалликларни мусика воситаси билан даволаш йўлларини ва усулларини кўрсатиб беради.

Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850) ўзининг “Мафотих ул-улум” номли қомусий асарида мусика санъати ва маданияти тарихига оид фикрларини алоҳида бобда тахлил қилган.

Темурийлар даврида, саройларнинг бош дарвозалари тепасига маҳсус ногорахоналар қуриш одат тусини олган, бу хол мусика санъатига бўлган эътиборнинг яна бир ёрқин далилидир. Маълумки, сарой мусикий гурухларининг асосан карнайчи ва ногорачилардан иборат етакчиларини ҳукмдорнинг шахсан ўзи тайинлаган ва уларни “Меҳтар” деб атаган. Мазкур тўдалар оммавий байрам ва тантаналарда, масалан, Рамазон ойида бозорларда кечаси ўтказиладиган удум ва маросимларда фаол қатнашгандар.

Катта ва кичик чолғу асбоблари Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сига, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур асарларига ишланган миниатюраларда кўп учрайди. Энг мухими, уларни умумий безак сифатида эмас, балки мусиқачиларнинг қизғин фаолиятини кўрсатиш учун тасвирланган.

Амир Темур даврига хос бўлган маънавий кўтариқилик мусика санъатининг деярли барча жабҳалари учун кенг имконият яратиб берди: созандалик ва хонандалик, мусика таълими, бастакорлик ижоди, мусика илми камол топди. Асрлар қаърида шаклланган анъанавий устоз-шогирд таълим тизими кенг қулоч ёзди.

Ўз моҳиятига кўра, том маънодаги уйгониш ҳаракатини яратган бу жараён нафақат Амир Темур салтанатининг пойтахти Самарканда, балки унинг авлодлари Шоҳруҳ, Улуғбек, Ҳусайн

Бойқаро, Бобур ва бошқалар давридаги Бухоро, Китоб, Балх, Қобул шаҳарларида ҳам кизгин кечди. Ўрта асрлар анъанаси шаҳар аҳолисининг касб-корига кўра, жамоа (маҳалла) бўлиб яшашни тақозо этар эди. Ҳалқ ичида танилган санъаткорлар, ҳокимлар фармонига кўра ёки ўзига қулагиллик яратиш мақсадида касбдошлари билан жамоа бўлиб яшашни афзал кўрганлар. Шунга биноан “Хонандалар мавзеси”, “Созандалар маҳалласи”, “Бастакорлар кўчаси” жорий этилган. Бу касб соҳибларининг алоҳида обрў ва нуғузга сазовор бўлганлари атрофида, маҳсус ижод, ижро ва илмий мавқега эга ижодий мактаблар шаклланган.

Бастакорлардан Абдулла Марварид, Ҳофиз қозоқ, созандалардан Ҳожа Камолиддин Удий, Али Кармал, Ҳожа Абдуллоҳ Садр, мусиқий рисолалар муаллифлари Жомий, Биноий, Мавлоно Салимий, Мавлоно Риёзийлар Алишер Навоийнинг энг яқин дўстлари бўлганлар. Буларнинг ҳар бири ва бошқа қатор мусика санъати намояндалари хусусида батафсил маълумотлар, ижодларига тавсиф, яратган асарларига муносабат “Мажолисун-нафоис” саккиз мажлисининг еттитасидан ўрин эгаллади.

Ҳаммамизга маълумки, улуғ бобомиз Амир Темур даврида маданият ва санъат юксак даражада ривожланган. Унинг Шом шаҳридан Абдулқодир Марғийни олиб келганлиги ва уни сарой мусиқачиларининг раҳбари этиб тайинлаганлигидан билиш мумкинки, Амир Темур ҳам мусика санътига эътиборли бўлган.

Абдулқодир Марғий асли исфаҳонлик бўлиб, ўз даврининг мусиқий олими, бастакор ва назариётчи бўлган. У Самарқандга келгач, ўзининг мактабини яратади, кўплаб шогирдлар тайёрлайди ва Ўрта Осиё мусика санъати ва маданиятининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшади.

Мусиқашунос-тарихчи Дарвеш Али Чангий маълумотларига таянадиган бўлсак, Абдулқодир Марғийнинг “Зубдат ул-адвор”, “Мақосидул илҳон”, “Миатайин” номли асарлари ўз даврида мусика маданияти ва санъатининг ривожланишида катта аҳамият касб этган.

Мовароуннаҳр мусика маданияти ва санъати Мирзо Улуғбек (1394-1449) даврида янада ривожланди ва юксакликка кўтарилиди.

Машхур мусиқашунос олим, ижодкор Дарвиш Али Чангийнинг қаламига мансуб “Тухфат ус-сурур” номли асарида Улугбек Мирзонинг шахсан ўзи мусика санъати ва маданияти ривожланишига катта ҳисса кўшганлигини таъкидлаб ўтилади.

Бу вактда темурийларнинг иккинчи йирик маданият маркази Ҳиротда фан, адабиёт ва санъат ривожланди. Султон Ҳусайн Мирзо (1458-1506) ҳукмронлиги вактида шоир ва мусиқачиларнинг катта қисми саройга, хусусан, улуғ Навоий атрофига тўпландган эдилар.

Ҳиротда шеърият ва мусиқа айниқса гуллаб-яшнади. Бу даврда яратилган кўпсонли шеърият ва мусиқа ҳақидаги асарлар, назарий рисолалар, адабиёт ва мусиқа санъатининг юксак даражада бўлганлигини тасдиқлайди.

Бизга қадар етиб келган қўлёзмалар XIV-XV аср мусиқа санъати тарихи хусусида бой маълумотга эга бўлиб, бу давр ҳақида тўлақонли таассурот хосил қилиш имконини беради. Шунга кўра, бу даврнинг ўзига хослиги унда жўшқин ҳаракатчанлик етакчилик қилганлигидadir, дейиш мумкин.

Ўзбек мусиқа маданиятининг ривожланишида буюк шоир Абдураҳмон Жомийнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқdir. Жумладан, унинг “Рисола ал мусиқий” номли асарида ўзбек ҳалқининг қадимий ўн икки макоми тўғрисида қимматли маълумотлар берилади.

XIV-XV асрларда Ўрта Осиё маданияти, ўрта аср адабиёти ва мусиқа санъатининг энг юксалган даври улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ва тожик классик шоири ва атокли олими Абдураҳмон Жомий яшаган давр эди. Айни вактда Абдураҳмон Жомий зўр созанда ва бастакор ҳам бўлган. Абдураӯф Фитратнинг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” асарида таъкидланганидек, Жомий ўз замонасида машхур бўлган “Нақши Мулло” номли асар муаллифидир.

Маълумки, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий (1441-1501) ўз даврида илм-фанга жуда катта эътибор қаратган, адабиёт, маданият ва санъат аҳлиниң сарбони бўлган. Навоий каби мутафаккир назаридан мусика асло четда қолган бўлиши мумкин

эмас. Мутафаккир Алишер Навоий ижодини ўрганувчиларнинг кўпчилиги бу улуг зотни шеъриятдан кейин мусиқа ва илми мусикийда тенгсиз бир сиймо бўлган деб таъкидлайдилар. Баъзи мусиқашунослар, жумладан, Зайнуллобидин Ҳусайнин ишора билан ул зотнинг тахаллуслари Навоий (Наво – булбулнинг гул (ёри)га наво чекиши) бўлишилиги ҳам мусиқага яқинликларидан, деб ёзади.

Алишер Навоий мусикий олим сифатида ўзининг “Маҳбубул-клуб” асарида мутриб (ашулачи), муган-ний (созанда)лар ижро услубларининг таъсирчанилиги ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини жуда чиройли тарзда таҳлил қиласди. Шу билан бирга най, гижжак, танбур, чанг, уд, рубоб, кўбиз, конун каби мусиқа чолғуларининг фазилатларини таърифлаб беради. “Навоий туюк чанги, туркий орзиворий, мухаббат-нома, мустаҳзод каби ҳалқ қўшикларининг саккиз тури, уларнинг вазн хусусиятлари ҳақида маълумотлар беради”¹³. Буюк шоир мусиқани ҳамда унинг ижтимоий таъсирини яхши тушунган. Унинг фикрича, яхши мусиқа ҳалқ ва унинг ҳаётини изга солишда муҳим аҳамият касб этади. Навоий ўзининг қаҳрамонлари бўлган Фарход ва Ширин, Лайли ва Мажнунларнинг руҳий ҳолатини тасвирлар экан, асардаги ишқ ва гўзалликни мусиқа садоси ва қушлар кўшиги билан қиёслайди. Навоий, ўз ижоди ҳақида сўзлаб, ўзини “янгрок”, яъни мусикий газалларида маъно ва хаяжон, қайғу ва ҳасратларни баён қилувчи куйчи деб атайди:

Э. Навоий ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,
Бас, недурким қон келур оғзиңгдин афгон айлагач¹⁴.

Алишер Навоий ўзи ҳам мусиқий илмга эга бўлиб, бу борада муайян асарлар яратгани маълум. Навоий асарларининг гоят мусиқий бўлганлиги сабаби, ўз асарларида ҳалқ қўшикларидан унумли фойдаланганлигидадир. Алишер Навоийнинг ҳалқ орасида “Қаро кўзим”, “Келмади” (Муножот), номлари билан машхур бўйган ва “Топмадим” радифли куйланадиган газалларидан ҳам билсак бўладики. шоир мусиқани, жумладан, мусика санъатини

13 Манипов С. Ўзбек ҳалқ мусиқа маданияти. – Т.: Янги аср авлоди. 2004. Б- 26.

14 Ўзбек мусиқа тарихи. Тузувчи М.Соломонова. – Т.: Ўқитувчи. 1981. Б- 14.

юксак даражада таҳлил қила олган. Чунки аллома мусиқа асосла-
рини болалигидан алифбо сабоклари билан бирга ўрганиб борган.

Навоий замонида бастакорлар “Амал”, “Савт”, “Нақш”, “Қавл”,
“Тарона” шаклларида куйлар яратганлар. Маълумки, Навоийнинг
ўзи ҳам дурустгина бастакор бўлган. У баъзи мақом йўлларига
мослаб нақш, пешрав шаклларида мусиқа асарлари яратган. Бун-
дан маълум бўладики. Навоий мусиқа амалиётининг энг нозик
томонларини ҳам чуқур билган.

Кўриниб турибдики, Навоий даврида “Илми адвор”,
“Фани мусиқий” сингари асарлар мусиқашунослик тармоги
ва кўламининг кенглигидан далолат беради. Яъни, “Санъат-у
мусиқа” (“Илм ва санъат”) ҳали бир-биридан ажралмаган, муш-
тарак тушунча бўлган. Мусиқа санъати (фани) фақат кейинчалик
амалий ва назарий тармоқларга ажралади.

Бобур Мирзо ўзининг машхур “Бобурнома” асарида Наво-
ийнинг асарларини санар экан, “Яна илми мусиқада яхши ни-
малар боғлабтур, яхши “пешравлари” бордур” деб, у замоннинг
истилоҳида ашула куйларга “Нақш”, ашуласиз куйларга “Пеш-
рав” дейилишини эслатиб кетади. Бу эса Алишер Навоийнинг
уста бир санъаткор бўлганини кўрсатади. Шунингдек, буюк алло-
ма Алишер Навоий мусиқа ижодиётига бевосита алоқадорлигини
XX аср жадид олими Абдурауф Фитрат ҳам таъкидлаб ўтган,
Навоийнинг мусиқа илмидан яхши хабардорлиги, ўз атрофига
мусиқашуносларни тўплаб ғамхўрлик қилганликларини Бобур-
нинг “Бобурнома”сидан мисоллар келтириш билан қайд этади.
Алишер Навоийнинг ўзи ҳам бастакор бўлган деган фикрни ил-
гари суради.

Захириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ўз дав-рида мусиқа
санъати тарихи ҳақида қимматли маълумотларни беради. Бобур
ижодида ишқ-муҳаббат, севги-садоқат, висол ва ҳижрон мавзу-
лари салмоли ўрин тутади. Унинг газал ва рубоийларида, туюк
ва маснавийларида маъшуқанинг мафтункор гўзаллиги, бекиёс
хусни-латофати, шарқона одобу ахлоқи, нозу карашмаси енгил
ва ўйноки, мусиқий ва равон мисраларда катта маҳорат билан
тараннум этилади. Шоирнинг “Бобурнома” ва “Хатти Бобурий”

номли асари мусиқа маданияти ва санъати тўғрисидаги маълумотларнинг борлиги билан алоҳида ажралиб туради. Жумладан, асарда ўз даврининг мусиқа маданияти ва санъати намоёндалари ва санъаткорлари бўлган “Кулмуҳаммад, Абдулло Марворидий, Хусан Удий, Дарвишбек, Юсуф ўтлоки (Қўбиз), Ғулом Шоди, Шайх қули (ғижжак)лар Навоийнинг ёрдами ва ғамхўрлиги туфайли шухрат топган”¹⁵ликлари ҳакида баён килинади.

Араб тили, адабиёт, фикҳ ва бошқа билимлар соҳиби Зайниддин Маҳмуд ибн Абдулжамил Восифий (1485, Ҳирот – 1551, Тошкент) ўзининг Ўрта Осиё халклари мусиқа санъати тарихида муҳим манба хисобланган “Бадое ул-вакое” (“Нодир воқеалар”, 1-кисм 1517-18; 2-кисм 1539) асарида Қосим Али Қонуний, Чақар, Чангий, Устод Ҳасан Удий, Ҳофиз Басир, Устод Шайх Нойи каби ўз даврининг мусиқашунослари ва санъаткорлари ҳакида етарли даражада маълумотлар келтиради.

XVI аср шоирлари ва мусиқашунослари, шунингдек, мусиқа илмининг билимдонларидан яна бири Нажмиддин Кавказий Бухорийдир. У “Форобий, Сафиуддин Урмавий, Омулий, Абдуқодир Марогий ва Ҳўжа Юсуф Бурхон Андижоний асарларига таянган ҳолда Ўрта Осиёда биринчилардан бўлиб, ўз назарий қарашларини замонасининг мусиқа амалиётига яқинлаштиришга интилган. Форс тилидаги “Рисолаи мусиқий”да илми мусиқий, ўн икки маком тизимиға оид назарий тушунчалар бериб, турли зарб-усулларнинг номини келтириб таърифлаган, куйнинг амалиётидаги хиллари ҳакида маълумотлар беради”¹⁶. У ўз рисолаларида турли мусиқа асбоблари, куйлар, макомларнинг пайдо бўлиши ҳакида афсоналар, газаллар келтириб, Шарқ мусиқий эстетика анъаналарини давом эттирган. Унинг “Рисолаи мусиқий”си устоз анъаналарини Самарқанд ва бошқа шаҳарларда давом эттирган шогирдлари Ҳожи Муҳаммад, Мавлоно Ризо Самарқандийлар учун мусиқали-поэтик кўйланма бўлган.

15 Манионов С. Ўзбек мусиқа маданияти. –Т.: Янги аср авлоди. 2004. Б- 26.

16 Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашириёти. 2002. 4-том. Б- 373.

XVII асрнинг яна бир мусиқашунос олими, бастакор, созанда, ҳофиз ва шоир, тарихчи, мусиқа илмининг назариётчиси Дарвиш Али Чангий Хурросон маданияти марказлари бўлган Бухоро, Балх, Андижон, Кеш, Самарқанд каби шаҳарларда яшаб ижод этган. Унинг бир қанча қасида, ғазал, рубоййлари ҳамда “Рисолаи мусикий” асарлари бизгача етиб келган. Мазкур рисола XVI-XVII асрлар мусиқа санъати ва маданиятининг асосий манбаи сифатида катта илмий аҳамиятга эга. “Форс тилидаги 12 бобдан иборат бу қўллэзма Жомий ва Кавқабий рисолалари ҳамда Ҳусайн Охун, Имом Кулий Удий, Зайтун Фижжакий каби мусиқа устодларининг асарларидан тўплланган маълумотлар асосида ёзилган. Шунингдек, муаллиф Амир Ҳусрав Дехлавийнинг мусикий қарашларини ҳам ўз асарига киритган”¹⁷. Асада Мовароуннахр ва Хурросон мусиқа арбобларининг таржимаи ҳоли ва XVI-XVII асрлардаги мусиқа ҳёти, бастакорлик санъати, мусиқа созлари, мусикий-назарий ва ижрочилик масалалари ўзининг ифодасини топган.

Одамзод яралибдики, бахту-саодатга интилади. Ана шу мақсад билан меҳнат қиласи, ўқийди, изланади, инсоният юрагидаги интилиш ва ҳаракатларни, ўзида мужассамлаштирган жамият эса шу қарашлар, уринишлар билан тараққий толади. Ўзбек ҳалқининг турмуш тарзи кейинги йилларда мисли кўрилмаган даражада ўзгарди. Эндиликда, бугунги кун кишиси яхши ҳёёт кечириш, мулоқотнинг гўзал намуналарини намоён этиш, энг муҳими, воқеликни эстетик ўзлаштиришнинг ўзига хос йўлидан бормоқда. Бу айни пайтда, мусиқа санъати ва маданияти ривожига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Мусиқа жамият маънавий тараққиётida санъатнинг бошқа турларига нисбатан глобал таъсир этиши хусусиятига эга. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Мусиқа садолари қайси ҳалқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда”.

¹⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2002. 3-том. Б- 200.

Мусиқа – инсонларни эзгуликлар оламига етакловчи маънавий восита ҳисобланади. Инсон ҳаётида қўшикнинг ҳамиша ўз ўрни, ўз вазифаси мавжуд, у эрмакка тўқилмаган, ҳавасга айтилмаган, бекорчиликдан эшитилмаган. Қўшиқ кишиларни яшашга, курашга чорлаган, меҳнатга, муҳаббатга руҳлантирган, дарду қайғусига малҳам, баҳту кувончига шерик бўлган. Қўшикнинг халқ орзу-армонларининг ифодаси, халқ руҳиятининг кўзгуси ҳисобланиши шундан. Инсоннинг гўзаллик туйғусини тараккий эттирмай туриб, маънавий баркамол инсон ҳақида гапириб бўлмайди.

Токи одамзод ўзини куршаб турган ташки оламида, ўзи яшаётган жамиятида, ўзи билан мулокотда бўлаётган кишиларда тарихан шаклланган ва муайян даврда амал қилинаётган бадиий ижод намуналарида мужассамлашган гўзалликни ҳис қила олмас экан, хеч қачон маънавий баркамол инсон даражасига кўтарила олмайди. Мусиқа санъати ана шу нозик туйғуларни шакллантириш ва тарбиялашнинг қудратли воситаларидан биридир. Шахсни камол топтиришда мусиқа санъати ва маданиятининг ўрни ва аҳамиятини очиб бериш, биринчидан, инсон ва унинг моҳияти масаласини, иккинчидан, маърифатлик кўламини, учинчидан, маънавий камолотда мусиқа эга бўлган имкониятларни аниклаш демакдир.

Инсонни маънавий баркамол қилмоқнинг чора ва тадбирлари кўп. Улар орасида мусиқа санъати алоҳида ўрин тутади. Шарқ мутафаккирлари мусиқага доир алоҳида рисолалар ёзib қолдирғанлар. Жумладан, Ал-Киндий, Ал-Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла, Беруний, Ал-Маарий, Зайнiddин Фаззолий, Жамолиддин Румий, Ал-Хоразмий, Абдулкодир Найий, Ар-Ғозий, Сафиуддин Урмавий, Маҳсуд аш-Шерозий, Абдулкодир Марогий, Мухаммад Нишопурний, Ал-Хусайнний, Кутбиддин Шерозий, Маҳмуд Амулий, Абдурахмон Жомий, Биноий, Алишер Навоий, Захириддин Бобур, Зайнолубиддин Ҳусайнний, Нажмиддин Кавқабий, Дарвиш Али Чангий, Фитрат, Юнус Ражабий ва бошқалар Шарқ мусиқа маданияти ва унинг ўзига хос бадиий-эстетик ва тарбиявий моҳияти ҳақида ажойиб фикр-мулоҳазалар баён этганлар.

Мақомлар бўйича моҳир илмий тадкиқотчи Исҳоқ Ражабов Шарқ мусиқасига доир ёзма ва оғзаки манбалар, ривоят ҳамда афсоналарни баён этар экан, номаълум муаллиф рисоласини шундай шархлади: “Масалан, китоб муаллифининг айтишича, ёқимли овоз юксак таъсир кучига эга бўлиб, уни эштиш билан инсон ички аламларидан ҳоли бўлади. Киши ҳар қандай қийинчиликни, ҳатто очлик, ташналикни эсидан чиқаради. Мусиқа оғир меҳнатдан кейин дам олишнинг Энг яхши воситасидир. Мусиқанинг таъсир кучини ҳатто шундан ҳам билса бўладики. Йинглаб турган бола онанинг алласини эшитиб, тинчланади ва ухлаб қолади”. Мусиқа ана шундай бадиий-эстетик ва тарбиявий аҳамиятга эга санъат туридир.

Маънавий янгиланиш жараёнларида мусиқа санъатига миллий-эстетик қадрият сифатида ёндашиш, мусиқанинг анъанавий ва замонавий йўналишларини янада равнақ топтириш мақсадида бир қатор дастурлар ишлаб чиқилди. Айниқса, мумтоз ва замонавий мусиқий меросимизни асрраб-авайлаш ва ўрганиш бўйича кўплаб илмий ишлар олиб борилди, шунингдек, мусиқа санъатини кўллаб-қуватлашга қаратилган илмий анжуманлар ўтказилди.

Таъкидлаш лозимки, мусиқанинг инсон дунё-қарашига таъсири, жамият аъзоларининг эстетик идеалларйни тарбиялаш билан боғлик ишларнинг умумназарий масалаларига янгича ёндашувлар шаклланди. Эндиликда мусиқа нафақат санъат тури балки, у тарбия воситаси, жамият барқарорлигини таъминловчи кучга айланди. Мусиқага шу нуқтаи назардан қаралганда, бугунги кунда унинг фалсафий моҳиятини ўрганиш, мазмунини тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж янада ортганлигини кўриш мумкин. Бу жараён ўз навбатида, мусиқа ва унинг ўшлар тарбиясидаги аҳамиятини умумназарий масаласи сифатида ўрганишни тақозо этади. Бу ҳолат:

- биринчидан, бугунги кун ўзбек анъанавий мусиқа санъатининг хусусиятларини фалсафий нуқтаи назарда илмий таҳлил этиш ва уни замонавий мусиқа тамойиллари асосида бойитишни талаб этмоқда. Чунки мусиқа ва унинг эстетик табииати ҳам тарбия, ҳам ижтимоий тараққиётни барқарорлаштирувчи муҳим

восита сифатида мафкуравий жараёнларнинг марказида туради; - иккинчидан, анъанавий мусиқа санъатининг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини илмий ўрганиш, унинг жаҳон мусикий меросидаги ўрнини таҳлил қилиш орқали миллий қадриятларимизнинг нафис ва гўзал жиҳатларини акс эттиришга доир карашларини тизимлаштириш зарурдир. Зеро ҳозирги пайтда ўзбек халқ анъанавий мусикий меросимиз ўзининг гўзал хусусиятлари билан жаҳон мусиқа санъати ва маданиятида муносиб ўринга эга бўлиб бормоқда;

- учинчидан, глобаллашув даврида халқ мусиқасини ижро этиш жараёни ва амалиёти тубдан ўзгариб бормоқда. Бироқ уни факат оҳанглар тизими сифатида ўрганиш муаммога бир томонлама ёндашишни келтириб чиқаради. Аслида, ўзбек анъанавий халқ мусиқа санъатида оҳанг кўй ва нолани уйғунлаштириши билан гўзалликни намоён эттиради ва инсонга эстетик завқ беради;

- тўртингчидан, санъат турлари ичида ўзбек халқ мусиқа санъати ўзига хос шакл ва мазмунга эга. Унинг ўрнини бошқа санъат турлари боса олмайди, у нодир ва бетакрордир. У оҳанг бирикмалари, шакл ва жанрлар, мураккаб усууллар мажмуаси халқ поэтик ижодиётини, турли кўйлар бойлигини муайян тартибга солади. Шунинг учун ҳам у халқ мусиқа санъати ва маданиятининг юксак намунаси сифатида намоён бўлади. Мусиқа санъатининг шу хусусиятини эстетик мезонлар асосида тадқиқ этиш масаласи фалсафа илмида ҳануз мавхумлигича қолмоқда;

- бешинчидан, ўзбек халқ анъанавий мусиқаси ҳисобланган макомлар, маросим мусикалари, фольклор қўшиклари ўзига хос бадиий-эстетик жанр тизимиdir. Аммо собиқ шўролар даври тадқиқотчилари ўзбек миллий мусикасининг эстетик мазмуни ва фаолият тури сифатидаги моҳиятига бир томонлама ёндашиб келдилар. Бу ҳолат пировардида ўзбек ҳалкининг эстетик қадриятида бўшлиқни пайдо қилди. Эндиликда миллий мусиқа меросимизни нафакат тарихий аҳамиятини, балки унинг эстетик муносабатларидаги назарий ва амалий аҳамиятини ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда.

Ифтихор билан айтиш мумкинки, Ватанимизнинг мустақилликка эришиши том маънода халқимизга озод ва эркин яшаш, ижод қилиш, ўз иктидорларини намоён этиб миллатларимиз, юртимизни жаҳонлараро танитиш муҳитини яратиб берди, эзгу нијатлар кўллаб-кувватланди.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимиздаги барча ёшларга миллий қадрияларимиз, анъаналаримиз руҳида таълим-тарбия беришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Айниқса, бу жиҳатлар мусиқа санъатини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўзлигимизни англашга, қадимий тарихимизни ўрганишга, аждодларимиз қолдирган маданий меросни аср-авайлашга катта эътибор берилмоқда. Мусиқий меросимизнинг узоқ ўтмишини янада чукурроқ ўрганиш соҳасида ҳам унумли ишлар амалга оширилди. Мусиқа барча даврларда ва замонларда жамият ҳаётининг муҳим бир қисмига айланди, шунинг учун “Мусиқа инсон қалбининг йўлдоши” дейилади. Инсоният тақдирининиг улуғ бурилиш даврларида мусиқа санъати кишиларни жипслаштиради, уларни улуғ мақсад йўлида буюк ишларга отлантиради.

Юртимиз азалдан маданияти, адабиёти ва бетакрор санъати билан машҳур бўлиб келган. Ҳозирги давр аждодларимиз яратган маънавият дурдоналаридан халқимизни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ баҳраманд этиш учун имкониятлар очиб берилаётган даврdir.

Халқимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида ўзига хос ривожланиш босқичини, ўзига хос турмуш тарзини, ўзига хос фалсафа ва ўзига хос маданиятни яратди. Ана шу ўзига хослик, миллийлик, айниқса, унинг мусиқа санъати ва маданиятида тўла намоён бўлган. “Барчамизга аёнки, куй-кўшиқقا, санъатга муҳаббат, мусиқа маданияти халқимизда болаликдан бошлаб. оила шароитида шаклланади. Уйида дутор, доира ёки бошка чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак, муболага бўлмайди”¹⁸. Шунинг учун ҳам миллий мусиқасиз халқимиз руҳини кўтариб, унинг қалбига йўл топиб

18 Ислом Каримов. Юксак маънавият – сингилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б- 141.

ва уни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиб бўлмайди, чунки миллий мусиқада шу халқнинг минг йиллар оша тўплаган ҳиссий билим ва тажрибалари, қувонч ва ташвишлари, дард ва аlamлари ўз ифодасини топгандир.

Ижодкор халқимиз юртимизда Русия хукмронлиги ўрнатилгунига қадар бой ва салмокли бадиий мусиқа маданиятини яратган. Жумладан, “Шашмақом” Ўрта Осиё мусиқа маданиятининг буюк ютуғи, юксак даражада тараққий этган бадиий-эстетик маданиятнинг нафис намунаси, жаҳон бадиий маданияти равнакига кўшган энг катта ҳиссасидир.

Афсуски, шўролар салтанати йилларида халқимиз ўзининг миллий мусиқа маданиятини ўрганиш ва уни ривожлантириш имконидан маҳрум бўлди. Миллий мусиқа санъати ва маданиятимиз ун тулишга маҳкум қилинган бир шароитда халқимизнинг миллий рухи, эстетик диди ва ҳис-туйгусига бутунлай ёт бўлган оврўпача мусиқа маданияти кенг тарғиб қилинди. Натижада мусиқа санъати ва маданиятига нисбатан лоқайдлик кучайди. Оврўпа санъатига кўр-кўрона таклид қилувчи, мумтоз мусиқага қолоклик деб қаровчи “сохта санъаткорлар” авлоди дунёга келди. Санъатга инсоний мохиятни намоён этиш воситаси деб эмас, балки тирикчилик ўтказиш, пул топиш воситаси сифатида қараш пайдо бўлди. Ана шундай асоратли ва уқубатли бир даврда академик Юнус Ражабий сингари санъат фидойлари томонидан “Шашмақом”нинг нотага туширилиши том маънодаги илмий жасорат эди. Бирор бундай фидокорона уринишлар миллий мусиқа маданияти ва санъатимиз инқирозини тўхтата олмади.

Халқимизнинг узок тарихий илдизига эга бўлган бадиий-эстетик маданияти Оврўпа руҳидаги сохта совет маданияти заминида ривожлана олмас эди. Собиқ Иттифоқ ҳокимияти йилларида шаклланган ўзбек совет мусиқа маданияти миллий маданият бағрида шаклланмаганилиги учун ҳам ўткинчи, сохта ва ахлоқсиз эди. Ҳатто кўрик-тандловларда энг яхши деб топилган совет мусиқа санъати “дурданалари” ҳам узоқка бормас ва тезда ун тулишга маҳкум бўлиб, улар халқимизнинг кўп асрлик тарихга эга бўлган бадиий мусиқа санъати ва маданиятига ёт эди. Шундай

бўлса-да, Ўзбекистон мусиқа санъати мамлакатимизнинг барча кўпмиллатли маданияти учун умумий бўлган йўлдан ривожланиб борди.

1918 йил апрель ойида Тошкентда ташкил топган Туркистон халқ универсиети таркибида Туркистон халқ консерваторияси очилди. Унинг ташкилотчилари ўша давр рус зиёлилари орасидан чиққан санъат ва маданият арбоблари А.Е.Чернявский, Н.Н.Миронов, В.А.Успенский, В.Л.Карелин (Халқ консерваториясининг биринчи директори)лари эди. Тошкентдаги Халқ консерваторияси типида Бухоро, Самарқанд, Фарғонада мусиқа ўкув юртлари ҳамда Туркистон Халқ консерваторияси хузурида тез орада унинг филиаллар очилди. Улардан бири Тошкент темир йўлининг ишчи ва хизматчилари учун ташкил қилиниб, “Привокзальная” деб аталган¹⁹. Тошкентнинг эски шаҳар ҳудудида консерваториянинг “Эски шаҳар” филиали очилди. Бундан мақсад ўзбек ёшлиарини мусиқа машғулотларига жалб этишдан иборат эди. Шунингдек, бу филиалнинг вазифасига ўзбек миллый мусиқаси санъатини ўрганиш ҳам кирган.

Мехнаткаш оммани мусиқа санъатига яқинлаштиришда халқ консерваториясининг роли қанчалик муҳим бўлмасин, ёш совет республикаси ўша даврдаги маданий қурилишнинг янги талабларини олдинга сурди. Яъни ўрта ва олий малакали профессионал мусиқачиларни, замон талблари асосида кадрларни тайёрлаш вазифасини қўйди. Ана шу муносабат билан XX асрнинг 20-йилларида халқ консерваториялари ихтисослашган профессионал билим юртларига айлантирилди. Тошкентда Туркистон халқ консерваторияси заминида 1924 йилда мусиқа техникуми ташкил этилди. Ўқитувчилар жамоаси ҳар хил миллат вакилларидан иборат бўлиб, ўкув дастурларидаги машғулотлар Европа ва ўзбек мусиқаси асосида олиб боришни назарда тутган эди.

1919 йили декабрь ойида Туркистон Республикасининг мавориф халқ комиссарлиги санъат бўлими қошида бадиий-этнографик комиссия ташкил этилди. F.Зафарий, Н.Миронов, В.Успенский комиссия таркибида бўлиб, улар кўп асрлик бадиий-

19 Ўзбек мусиқа тарихи. Тузувчи М.Соломонова. –Т.: Ўқитувчи. 1981. Б-61.

маданият анъаналарининг вакиллари халқ мусиқачилари орасида жуда тез хурмат қозондилар. Шунинг учун ҳам уларнинг ишлари мувафақиятли амалга оша бошлади.

1923-1924 йилларда В.Успенский Бухоро маком усталари бўлган таникли ижрочилар Ҳофиз ота Жалол Носиров ва танбурчи Ота Ниёз Абдуғанилардан “Шашмақом”ни нотага ёзиб олади.

XX аср 20-йилларининг иккинчи ярмида Ўзбекистон ва Туркистон бўйлаб бир қатор мусиқали-этнография экспедициялари ташкил этилди. В.Успенский ва В.Беляевлар тўплаган экспедиция материалларининг биринчи томи 1928 йилда Москвада нашр килинган “Туркменская музыка” асарида берилган.

Ўзбек халқ мусиқасини кўп овозли тарзда қайта ишлаш ва оркестр, фортепиано ва хор учун мослаштириш ишларининг дастлабки қадамлари В.А.Успенский ва Н.Миронов томонидан амалга оширилди.

Успенскийнинг XX асрнинг 20-йилларида алоҳида пъесалар тарзида майдонга келган, кейинчалик 1934 йилда Москвада нашр эттирган “Четыре мелодии народов Средней Азии” номли асари ҳамда унинг овоз ва фортепиано учун қайта ишлаган “Ойдек тўлибдир” тўплами, овоз ва чолгу ансамбльучун “Чаманда гул” ва бошқа ўзбек қўшиклари XX асрнинг 20-йиллари охири ва 30-йиллари бошларида яратилган асарлари ичida ўзига хос қимматга эга бўлган. Успенский билан бир қаторда ўзбек мусиқаларини гармониялашда маҳаллий мусиқачилар ҳам ўз билимларини синааб кўрдилар.

XX асрнинг 20-йиллари охирига келиб Н.Н.Миронов раҳбарлигидаги Самарқанд ўзбек мусика ва хореография институти фолклоршунослик ишларининг ташкилий марказига айлантирилди. Институт ўзининг Самарканда ишлаган йиллари мобайнида (1928-1932) нусха кўчирувчилар ёрдамида беш юздан ортиқ халқ ижоди асарларини ёзиб олди ҳамда бир қанча китобларни нашрга тайёрлади. Булар орасида Мироновнинг “Музыка узбеков” (1929), “Обзор музыкальных культур узбеков и других народов Востока” (нота ёзуви М.Ашрафий, Ш.Рамазонов, Т.Содиковларники, 1931), “Песни Ферганы, Бухары и Хивы” (1931) китоблари бор бўлиб,

ҳар бир нашр этилган китоб Мироновнинг кириш мақоласи билан бошланган.

Институт ўзбек мусиқа маданияти ва санъатини ўрганиш билан бирга мусиқа таълими билан ҳам шуғулланди. Ёш ўзбек мусиқачилари бу ерда Шашмақомнинг ҳамма чолғу асбобла-рини чалишни ўргандилар. Бухородан Ота Жалол Носиров, домла Ҳалим Ибодов, Хоразмдан М.Харратов ва Фарғонадан А.Исмоилов, А.Умрзақов каби таникли ҳофиз ва созандалар Самарқанд институтида жамланганлиги туфайли ўкувчилар республиканинг турли вилоятларидағи мусиқанинг маҳаллий хусусиятлари билан танишиш имкониятларига эга бўлдилар. Шу билан бирга талабалар учун элементар мусиқа назарияси ва сольфеджии ҳам ўргатилиб, уларнинг ўзлари ҳам асар яратишни, айримлари эса оркестрга дирижёрлик қилишни ўргандилар. Т.Содиков, М.Ашрафий, М.Бурхонов, Д.Зокиров, Ш.Рамазонов каби мусиқа санъати ва маданияти намоёндалари етишиб чиқдилар.

Халқ профессионал мусиқа маданиятида мақом жанрининг тараққиёти давом этди. Ўзбек мусиқа маданиятининг ажойиб, бой анъаналарини бизнинг давримизгача авайлаб сақлаб келган бастакорларнинг кейинги авлодини тарбиялаган кўпгина мақом усталиари Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона, Тошкент шаҳарларида яшадилар. Шу билан бирга, бу ҳилдаги “Мактаблар” халқнинг мусиқа маданиятига бўлган муттасил қизиқишидан гувоҳлик беради. Бинобарин, бу интилиш эса, собиқ иттифоқ даврида очилган дастлабки мусиқа билим юртларининг ривожланиш омилларидан бири бўлди. Собиқ иттифоқ даврида мусиқа маданияти ва санъати зоҳиран катта ютуқларга эришган бўлса ҳам, ботинан халқимизнинг бадиий мусиқа маданиятини юксалтиришга эмас. балки, бу соҳада уни қашшоқлаштиришга хизмат қилган.

Мустақиллигимиз шарофати билан миллий қадриятларимизни. айниқса, Ўрта Осиё мусиқа маданиятини ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор берила бошлади. Академик Юнус Ражабий номидаги республика Мақом ансамблининг қайта мукаммал ташкил этилиши, мақом ижрочилари кўрик-танловининг ўтказиласётганлиги, Ўзбекистон радиоси ва телевидениесида

“Барҳаёт наволар” туркумидаги эшилтириш ва кўрсатувлар мунтазам берилаётганлиги, жойларда таникли санъаткорларнинг хотира кечалари ташкил қилинаётганлиги – ана шуларнинг ҳаммаси Ўрта Осиё мусиқа маданияти ва санъатини оёққа турғизиш борасидаги хайрли тадбирлардир. Шунинг учун ҳам мактаблари мизда миллий мусиқа меросимизни чуқурроқ ўрганишга ва уни ўқитишига, ўқитиш усувларини такомиллаштиришга янгича ёндашиш масалаларига эътиборни қаратиш лозим.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ўзбек халқи мусиқа санъатининг ривожланиш тарихи ҳақида гапириб беринг.
2. Ўзбек мусиқа санъатининг асосчилари ҳақида гапириб беринг.
3. Шарқ мутафаккирларининг мусиқага доир рисолалари ҳақида изоҳ беринг.
4. Ўзбек халқ анъанавий мусиқасининг жанрлари ҳақида маълумот беринг.
5. Ўрта Осиё мусиқа маданияти ривожланишининг ўзига хос хусусияти.

4-МАВЗУ: ЎЗБЕК ХАЛҚ ТЕАТРИ САНЬЯТИ ТАРИХИ

Режа:

1. Ўзбек халқ театр санъатининг таркиб топиши ва Бухоро. Фарғона ва Хоразм халқ театрлари ўртасидаги фарқ.
2. Фарғона анъанавий халқ театрининг асосчилари ва уларни илмий жиҳатдан ўрганиш.
3. Фарғона анъанавий халқ театрининг ривожла-нишида Юсуфжон қизиқ Шакаржоновнинг ўрни.

Таянчсўзлар: халқ театри, анъанавий театр, тематика, тур, жанрлар, комедия, кулги-хикоя, пантомима, монолог, муқаллид, репертуар, экспедиция, пьеса, инсценировка.

Театр ўзбекларга жуда қадим замонлардан бери қадрдон, кенг ёйилган оммавий ва севимли санъат бўлган. У шакл, савия ва воситалар жиҳатидан Яқин Шарқ мамлакатларида театрларга ўхшаб кетади. Ўз ижодий-эстетик принципларига ва меҳнаткашлар оммаси манфаатларига хизмат қилишига кўра уни халқ театри ёки анъанавий театр деб аташ мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қатор вилоятларида олиб борилган экспедициялар туфайли қўлга киритилган бебаҳо манба, далил ва намуналар XVIII-XIX асрларда ҳамда XX аср бошлирида Ўрта Осиё ҳудудидаги ҳар бир хонликнинг ўзига хос халқ театри бўлган. Хонликлардаги ўзига хос тарихий ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт, халқ меҳнати ва жуғрофик шароитнинг ўзига хослиги, маҳаллий анъаналар театрларга алоҳида хусусият, алоҳида мазмун, алоҳида жило бағишилаган. Натижада айрим белги ва кўринишлари билан бир-биридан ажralиб, фарқ қилиб турувчи Бухоро, Фарғона ва Хоразм халқ театрлари майдонга келган. Бундай айирма ва ўзига хослик умуман халқ санъатининг барча турларида, жумладан, рақс ва мусиқада яққол кўриниб туради.

Бухоро, Фарғона ва Хоразм халқ театрлари ўртасидаги фарқ, айирма, ўзига хослик биринчи галда репертуарларида кўринади. Ҳар қайси театрнинг ўз репертуари бўлган, шунингдек тематика,

тур ва жанрларда ҳам айрим фарқлар учраган. Чунончи, бир қадар ўрганилган маълумотларга кўра Бухоро ҳалқ театри²⁰ қўйидаги умумий хусусиятларга эга. Аввало шуни айтиш керакки, унда ўз белгилари билан бир-биридан ажralиб турувчи шахар ва қишлоқ театри бўлган. Ундан кейин Бухоро ҳалқ театрида турли мазмундаги муқаллидлар²¹, ҳайвонот ва кушлар дунёсидан олинган юмористик саҳналар ва “Қарсак ўйин” деб аталган бадиий цикл жуда катта ўринни эгаллаган ҳамда диалогга алоҳида эътибор берилган. Шу билан бирга, Бухоро театрни тожик ҳалқ театри билан бир қатор яқинлик ва умумийликларга эга бўлган.

Хоразм театрининг асосий хусусияти шундан иборатки, унда саҳна никоблари мухим роль ўйнаб келган ва унинг томошалари диалогнинг муаллақчилик ва найрангбозликка бирикib кетиши билан характерланади. Ана шу локал фарқ ва белгилар мазкур театрларни алоҳида-алоҳида, чукур ўрганишни тақозо қиласди. Мазкур мавзуда эса Фарғона театрини таҳлил қилишга қаратилган.

Биз ҳозирча Фарғона анъанавий театрининг XIX аср ва XX аср бошларида мазмунни, моҳияти ва характеристири ҳамда собик иттифоқ даврида босиб ўтган йўли, қиёфаси ва шу кундаги ахволи тўғрисида фикр юрита оламиз. XIX аср театрни ҳақидаги материалларга таянган ҳолда бу санъат XVIII асрда қай даражада бўлганлигини ҳам билиш мумкин.

Фарғона анъанавий театрни ҳақидаги дастлабки маълумотларни ўзбек тарихчилари ва шоирларининг асарларида ҳамда рус олимлари ва чет эл сайёҳларининг этнографик ва тарихий-географик китобларида учратамиз. Лекин бу хабарлар театр ҳақида яхширок тасаввур ҳосил қилишга етарли асос бўла олмайди. Фарғона анъанавий театрини илмий жиҳатдан ўрганиш Собик Иттифоқ даврида ўрганила бошланди. Бу ҳакда гап борар экан. аввало ёзувчилардан Гулом Зафарий билан Абдулла Қодирийнинг хизматларини тилга олиш зарур. Гулом Зафарий Фарғона водийси ва Тошкентда театр, ашула ва рақс санъати намуналарини ёзиб олган,

20 Бухоро ҳалқ театри легандада Зарафшон, Қашқаларё, Сурхондарё воҳасида яшаган ахоли орасидаги театр тушунилади.

21 Муқаллид тўғрисида маколамизда кейин проқ тўхталиб ўтамиз.

қизиқчи ва ўйинчилар ҳақида ҳам маълумотлар тўплаган. Аммо улардан фақат қисқача кириш сўзи билан “Мактандоқ қиши”, “Эр ва хотин” комедиялари эълон қилинган бўлиб, қолган материалларнинг қаердалиги ҳозирча номаълум²².

Абдулла Қодирий ўзининг “Мехробдан чаён” романни учун манба тўплаш мақсадида халқ театри томошаларини кузатган, қизиқчи ва асқиယилар ижодини ўрганган ва оғзаки драманинг бир қатор ажойиб намуналарини ёзиб олган. “Мехробдан чаён” романидаги “Хон кўнгил очмоқчи”, “Қизиқлар” бобларида²³ Кўқоннинг Зокир гов, Баҳром каби улкан қизиқлари томонидан ижро этилган томошалар жуда жонли ва ҳаққоний тасвир ва таъриф қилиниши ҳам авторнинг бу соҳани пухта ва чуқур билганидан далолат беради. Шундай қилиб, Гулом Зафарий билан Абдулла Қодирий маълум адабий мақсадлар учун биринчилардан бўлиб халқ театри асарларини ёзиб ола бошлаганлар.

XX асрнинг йигирманчи йилларида айрим рус ва ўзбек олимлари масхарабоз ва қизиқчилар санъатига, шунингдек, кўгиричоқ театринг эътибор бера бошлаганлар. Натижада бир қанча мақола ва монографиялар юзага келади. Улар орасида 1928 йилда босилиб чиққан М.Ф.Гавриловнинг “Ўзбекистонда кўгиричоқ театри” китоби алоҳида ажралиб туради.

1936 йилда Ўзбекистон Санъатшунослик институтининг топшириғига асосан этнограф А.Л.Троицкая раҳбарлиги остида Фарғона водийсига маҳсус театр экспедицияси ўюштирилди. Экспедиция аъзолари этиб институтнинг илмий ходимлари Жалил Қодиров, Талас кабилар танлаб олинади. Улар Кўкон, Марғилон, Андижон, Шаҳриҳон, Асака шаҳарларида бўлиб, халқ қизиқчилиги ва цирки бўйича турли тарихий-этнографик материал тўплаш билан бирга, бир қатор оғзаки пьесаларнинг текстини ҳам ёзиб оладилар.

Тўплаш ва ўрганиш иши 1940 йилда яна давом эттирилди. Шу йили Фарғонадан бир гурӯҳ таниқли қизиқлар Тошкентга чақирилиб, улардан юзга яқин комедия, кулги-ҳикоя, пантомима

22 Қаранг: Билим ўчоги. Журнал. № 2-3. 1923 йил. Б- 62-63

23 А.Қодирий. Мехробдан чаён. –Т.: Ўзабдабийнашр. 1959. Б- 139-143

ёзіб олинади. Бу ишда айникса Таласнинг ҳиссаси катта²⁴ бўлган. У А.Л.Троицкая раҳбарлигида Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Ака Бухор Зокиров, Рафиқ ота Фойибов, Орифжон Тошматов, Мамажон Маҳсум Мирзамахмудов, Комил қори Кулижонов, Пўлатжон Норматов, Абдураҳмон Абдуллаев каби ҳалқ қизиқлари тилидан турли мазмун ва шаклдаги 80 га яқин комедия ва саҳнавий хикоянинг текстини ёзіб олинган. Шундай қилиб, 1936 ва 1940 йилларда Фарғона анъанавий театрининг репертуаридан кўп намуналар ёзіб олинган ва улар 1941 йилда Юсуфжон қизиқ Шакаржонов билан бирга кайта кўриб текшириб чиқилган. А.Л.Троицкая ўз илмий ишларида ҳалқ актёрларининг меҳнат шароити ва томоша тартибини таърифлашга кўп эътибор берib, асосий ва муҳим масала – оғзаки драматургия, актёрлик санъати ҳақида кам гапирган, шундай бўлса-да, унинг бу соҳадаги хизматлари қимматлидири.

1962 йилдан бошлаб Фарғона водийсининг ҳалқ санъати меросини тўплаш ва чуқуррок ўрганишга киришган Санъатшунослик институтининг фольклор экспедицияси қисман шу мақсадга хизмат килди. Экспедициялар вазифаси қўшиқлар ва куйлар билан бир қаторда ҳалқ қизиқчилиги ва цирк намуналарини бутун кўрки ва ширасини сақлагани ҳолда, иложи борича, магнит лентасига ёзіб олиш, кино ва фото аппарат билан суратга тушириш, нотаниш ва янги асарларни кидириб топиш, ҳар бир масҳарабоз ёки қизиқнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, қўйингки, Фарғона ҳалқ театрининг ўзига хос белги, хусусият ва фазилатларини ҳамда бу санъатнинг собиқ иттифок давридаги фаолиятини текширишдан иборат бўлди²⁵.

24 Филология фанлари доктори, профессор Х.Х.Зариповнинг мальумотига кўра. Таласнинг фамилияси Нормухаммедов. шеърият бобида қалам тебратган. 1939-1941 йилларда фольклорга қизиқиб, ҳалқ ижодий намуналарини ёзишга киришган. У А.Л.Троицкаяга мазкур ишларни ёзишда ҳам кўмаклашади. Талас Номуҳаммедов II жаҳон урушида ҳалок бўлади.

25 Экспедицияларга М.Х.Қодиров раҳбарлик килган. Мазкур ишца мусикашунос М.Ш.Ахмедов, лаборантлардан Х.Содикова билан Х.Акбарова, оператор ва фотограф И.Т.Гавриленко, овоз операторлари А.М.Лсонтович, С.Алибеков ва К.П.Одичлар қатнашадилар. Ҳалқ театри ва цирки М.Х.Қодиров томонидан текширилди, ўрганилади, ёзіб олинади. Унинг раҳбарлигида мазкур санъат асарлари кинога олинади. суратга туширилади, магнит лентасига ёзилади.

Фарғона анъанавий театр қизиқчилари репертуарида кўпроқ “мақтоб” деб номланган комик монологлар учрайди. Баъзи бир монологларда актёр домла, қози ёки раққос қиёфасида чиқиш қилиб, комик тарзда мақтаниб ўзини қаҳрамонини хонавайрон қиласиди. Бошқа монологларда эса қизиқчи бошқа образни мақтаб, мақтов натижасида шу образни масхаралайди. Бу барча чиқишилар сўз санъати театр фаолиятидан кам бўлмаган ҳолда катта рол ўйнайди. Қизиқчилар томонидан комик монолог шакли нафакат мустакил жанр сифатида фойдаланилган, балки ифодали таъсирчан восита ва таңқидларда, муқаллидда ва кулгу ҳикояларда кенг фойдаланилган.

Россия томонидан Ўрта Осиёни босиб олинганидан сўнг Туркистонга янги томошабинларни излаш мақсадида турли хил театр ва цирк труппалари кела бошладилар. Янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда рус маданияти, рус цирки ўзбек анъанавий театрига ўз таъсирини ўтказмай қолмас эди. Бу Фарғона анъанавий театр қизиқчилари ижодий фаолиятига ўз таъсирини кўрсатди. Бу давр мобайнида бошқа труппалар билан бирга Зокир Эшон труппаси ҳам ишлаган. Ушбу труппадаги театр актёрлари сарой босими ва зулмидан қутилиб, халқ олдида олдинги чиқишилардан кўра эркинрок намойишлар кўрсата бошладилар. Зокир Эшон ўлумидан сўнг бу труппа кичик гурухларга парчаланиб кетади. Бу парча-ланишларни олдини олиш ва Фарғона анъанавий театр Зокир Эшон труппаси томонидан бойитилган ва ривожлантирилган халқ театри анъаналари йўқолиб кетмаслиги учун маҳаллий актёрлар ёрдамида унча катта бўлмаган труппаларни ташкил қилинади. Уларга ўз анъаналари ва тажриба ва хунарларини ўргатишда Мулла Нормат (1849-1919) фаолиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. У ўзининг Кўқон шахрида асос солган труппасига Рўзиғов қизиқ, Хасан қизиқ Эсонов, Исмоил Ҳўроз, Абдуқодир Махсум, Бойбуга Кўса, Хайдар Гўлахи, Йўлдош Оғиз, Лум-Лум Мамажон (Мухаммад Кундузов) Азим бола, Боймат қизиқ, Шомат қизиқларни ишга олади. Мулла Нормат Зокир Эшон анъаналарини давом эттиришга интилиб, намойишларни ижтимоий чиқишиларга йўналтирган. Бой реперту-

арга эга иктидорли актёр сифатида кўплаб қизиқчиларга намуна бўлиб хизмат қилган ва бутун кучини труппани мустаҳкамлашга қаратган.

Марғилонда Кўқон қизиқчилар анъаналарини Ортиқ қизик, Ҳақкул тоға, Абдуазиз хожи, Собир Қори, Тошбек ва бошқа актёrlар давом эттириди. Уларнинг ижодига Зокир Эшон турппасидаги машҳур актёрлардан бири марғилонлик Саъдий Махсум (1825-1899) ўзининг таъсирини кўрсатган. Унинг бевосита раҳбарлигидаги анъанавий театр актёри ва режиссёри Юсуфжон қизик Шакаржонов (1868-1959) шаклланди. Чунки Юсуфжон қизик Шакаржонов ўн (1883-1892) йиллар давомида, Зокир Эшон турппасида фаолият олиб борган эди. Бу давр мобайнида Юсуфжон қизик Шакаржонов Саъди Махсум раҳбарлигидаги мактабни ўтаган.

Маҳорат технологиясини ўзлаштириб, режиссура тамойиллари ва анъанавий театр репертуарини ўрганганди Юсуфжон қизик Шакаржонов Фаргона анъанавий рақс санъатини ва бой ритм усулларини муқаммал эгаллади. Устози Саъди Махсумнинг вафотидан сўнг Марғилон турппасига раҳбарлик қилди. Труппада Мамажон Махсум Умрзақов, Сулаймон Қори Мирзамахмудов, Усмон Қори Раимбеков, Абдужалил Хожи каби актёрлар ижод қилган. Труппа репертуари ва Юсуфжон қизик Шакаржонов ўз репертуарида анъанавий танқид ва муқаллид аҳамиятли ўрин эгаллади. Спектакллар нафакат оддий тартибда, балки цирк манежларида ҳам намойиш этилди. Юсуфжон қизик цирк дастурлари ғоявий асосини чуқурлаштиришга алоҳида аҳамият берган ва ўзбек масҳарабозлигига асос солди. У эски асарлар мотивлари бўйича янги бир қатор комедияларнинг асосчиси бўлди. Унинг репертуа-ридан “Расмлар намойиши”, “Мактаб”, “Қашқар”, “Настойчивий Судхўр” кабилар ўрин олганлиги билан аҳамиятлидир. У ўз асарларида Кўқон хонлигининг парчаланиши ва Худоёрхоннинг хулқатвори ҳақида ўтқир репликаларни акс этган. Юсуфжон қизик Шакаржонов ўз турппаси билан Туркистон шаҳарларида, Бухоро амирлигига ва Хива хонлигига бир неча бор гастрол сафарларида бўлишган ҳамда Афғонистон ва Қашкарда Фаргона анъанавий театрининг энг сара асарларини намойиш этишган.

Фарғона театри профессионал халқ театридир. Унда мустаҳкам қонун ва қоидаларга эга бўлган уюшманинг бўлишигина эмас, асрлар давомида вужудга келиб, тобланган ва етилган комедиялар, образлар, ижрочилик, тасвирий услугуб ва воситаларнинг қатъийлиги ҳам бу фикрни тасдиқлади. Фарғона водийсида масхарабозлик ва қизиқчиликни устага шогирд тушиб ўрганишган. Уста, тажрибали актёрлар ўзининг донолиги, ҳозиржавоблиги ва таклидчилиги билан қойил қилган ўспирин ҳаваскорларни ўзларига шогирд килиб олганлар ва узоқ йиллар давомида уларга кулгу ва ҳажв санъати “сир”ларини ўргатганлар.

Масхарабоз ва қизиқчи тарбиялаб етиширишда икки хил услуб ҳукм сурган. Бир хил усталар ўз шогирдларини бирга олиб юриб, ахён-ахёнда айрим кичик ролларни ишониб топширса-да, унга дарс ўтмаган, машқ қилмаган, баъзан-баъзан киска тушунтирув, таъриф, маслаҳат, огохлантирув ва маъкуллаш билан чекланган. Шогирд асосан устаси ва бошқа йирик артистларнинг ўйини ва ҳаракатларини кузатиш, синчковлик билан ўрганиш (рамз қилиш, кўзни пишитиш, бетни қотириш), репертуарини ўзлаштириш йўлидан борган. Бир тоифа усталар эса алоҳида вакт ажратиб шогирдлар билан маълум тартиб ва интизом асосида иш юритган. Бунга Юсуфжон қизиқ Шакаржоновнинг устози Саъди махсум услубини мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Саъди махсум шогирдга биринчи навбатда маълум ҳажвбоп кишиларни муқаллид қилишни, қуш ва ҳайвон ҳаракатлари, товушларига тақлид қилишни буюрган. Шу мақсадда шогирдда кузатувчилик, кулгили ҳолат ва ҳаракатларни кўра билиш, эсда саклаб қолиш, фикрлаш, фантазия қила олиш ва бўрттириб гавдалантира олиш қобилияти ривожлантирилган. Шогирд тақлидга чакқон бўлгандан кейин уста унга айрим лирик ва ҳажвий ўйинлардан ўргатган. Муқаллид ва ўйинга, ҳаракат ва мимикага ўргатиш Саъди махсум мактабининг биринчи даврини ташкил қиласи. Иккинчи давр шогирдни бадиий сўзда чечан ва ҳозиржавоб бўлишга, кулгили ҳикоялар тўкиб айтишга, асқиябозликка ўргатишдан бошланган. Шогирд ҳам ҳаракатда, ҳам сўзда кониқарли дараҷага эришгач, комедия ўйнашга ўтган. Шогирддан ҳаракатдаги

репертуарни мукаммал ўрганиб олиш, истаган комедияда ҳар қандай ролни ўйнай олиш талаб қилинган.

Саъди Махсум машқ – репетицияларни гоҳ тушунтириш, английиш, гоҳ кўрсатиши, гавдалантириш билан олиб борган. Саъди Махсум мактабининг яна бир характерли ва ижобий белгиси шундаки, шогирднинг профессионал тарбияси тажриба, амалиёт, ахлоқ ва одоб тарбияси билан чамбарчас боғланган ҳолда олиб борилган. Шогирд биринчи кундан бошлабоқ устаси билан бирга базмларга бориб аста-секин, эҳтиёткорлик билан томошаларга аралаша борган. Шу тариқа шогирдга жамиятдаги барча табақаларнинг урф-одати, муносабати ва муомалалари ўргатилган, токи лозим бўлганда ҳар қандай табақа ва гурухлар орасида ўзини тута билсин, ор-номусини сақласин. Зотан со-зандалар қаторида масхарабоз ҳам амалдору эшондан тортиб гиёҳвандгача, мударрису сарой киборидан тортиб темирчигача хизмат қиласи. Юсуфжон қизиқнинг таъбири билан айтганда “корхона кўрмаган”, “таълим олмаган”, “туртки емаган” ҳалқ театри масхарабози ва қизиқчилари ҳар қадамда шарманда бўлган.

Ҳалқ театри қизиқлари фаолиятида асосий ўринни ишғол этиб келган кулги-ҳикоя ўзининг кўпгина хусусиятлари билан театр томошасидан фарқ қilmайди. Унда ҳам маълум бир ҳажвий сюжет, драматик ихтилоф, бир неча персонажнинг бир-бири билан муносабати ва тўқнашуви мавжуд, диалог ва монолог ҳукмрон. Кулги-ҳикоянинг танқид ва муқаллид томошаларидан фарқи фақат шундаки, у бир киши томонидан ижро этилади. Ички хусусиятларидан келиб чиқиб, кулги-ҳикояни драматик ҳикоя деб атаганмиз. Чунки уни биринчидан, оддий ҳикоялар қаторига сира кўшиб бўлмайди, иккинчидан, соф драма деб ҳисоблаш ҳам мумкин эмас.

Айтиб ўтишимиз керакки, театрлаштирилган ҳар қандай томоша, ўйин, қўшиқлар билан театр чегарасини сунъий равишда кенгайтирмаслик керак. Масалан, ҳалқ орасида қадимдан цирк билан театр бир-бири ила маҳкам боғланиб келган, лекин улар ўзаро қанчалик боғланган бўлмасин, уларни бир-биридан фарқ кила билиш зарур. Чунки улар бир бутун эмас, циркда театр эле-

менти, театрда цирк элементи кўп бўлганидан улар бир-бирига чатишиб кетганга ўхшаб кўринади. Аслида театр ва цирк – ҳар бири ўз хусусиятлари ва шартларига эга бўлган санъатдир. Шу ўринда ҳалқ циркининг айрим томошаларида театр элементлари-дан қандай фойдаланишини қараб ўтайлик.

Ўзбек ҳалқ циркида қадим замонлардан буён дорбозлик, найрангбозлик, ёғочоёқ, муаллақчилик, оловбозлик ҳамда коса, тогора, кўза, лаган, пичоқ, қошиқ билан бажариладигак ўйинлар, “Айик ўйин”, “Эчки ўйин”, “От ўйин” каби тур ва шакллар мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида театр элементлари мухим роль ўйнаган. Айрим цирк томошаларида эса тугал маъноли ҳажвий сюжетлар кўрсатилган. Баъзи циркчиларнинг “масхарабоз” деб аталиши ана шундан келиб чиққан.

Фарғона ҳалқ профессионал театри XIX асрнинг хонлик даврида ўзига хос ижодий қиёфа ва мактабга, уюшма ва қонуниятга, тараққиёт ва тарихга эга бўлган. Унинг истеъододли намояндалари хисобланган масхарабоз ва қизиқчилар меҳнаткаш ҳалқ орасидан етишиб чиққан бўлиб, ҳар қачон унинг манфаатини ҳимоя қилган, сатирадан наиза қилиб унинг синфий душманларига карши курашган, унинг мурод ва тилакларини ифода этган, унга кулги, завқ, руҳий соғломлик, журъат, кескинлик бағишлаб келган. Масхарабозлик ва қизиқчилар ҳалқни ижтимоий тартиб ва шароитлар устида хаёл суриш, бош қотиришга ундаган, фирибгарликка қарши курашишга даъват этган.

Юқоридаги фикрлар Фарғона ҳалқ театри ҳакидаги тушиунча ва таассуротларимизни хийла кенгайтиради, бойитиб чуқурлаштиради. Ҳалқ театри бўйича бугунги қунда олтин фондда тўпланаётган магнит, фото ва кино ленталари, қўлдан ёзилган сухбат ва текстлар театр санъати тарихини ўрганиш бўйича мухим аҳамият касб этади. Ҳалқ театри бўйича тўпланган материаллар, асосан, меҳмонхона қизиқлиги ва хотин-қизлар театрига тааллуклидир.

Меҳмонхоналарда вактни хуш ва чоғ ўтказишга мўлжалланган шўх ўйинлар, тўпланганларнинг барчаси қатнашадиган, яъни томошабини бўлмаган пластик ўйинлар билан бир қаторда сахнавий

ўйинлар кўрсатилган. “Кўчириш”, “Дор ўйин”, “Сартарош”, “Жувоз”, “Бургам”, “Кичкинажон”, “Кийик ўйин”, “Новвой”, “Ололмайсан”, “Чарх йигириш” кабилар шулар жумласидандир.

Фарғона анъанавий театри мураккаб тарихий жараённи босиб ўтган. У доимо ривожланиб, ўзгариб, таъсиrlаниб турган. Ижтимоий-сиёсий ҳаёт, синфий кураш унга ҳамиша ўз тамғасини босиб келган. Шунинг учун ҳам масхарабоз ва қизиқчилар театрини тарихий-ижтимоий даврлар асосида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Аммо санъатшунослик ва фольклоршуносликда ҳалқ оғзаки ижоди асарларининг яратилиш даврини, ёшини, тараққиёт йўлини аниқлашдай қийин вазифа бўлмаса керак. Ўзбек анъанавий театринг нисбатан бу вазифа янада машаққатлидир, чунки уни ўрганиш фақат собиқ Иттифоқ давридан бошланган.

XIX асрнинг бошида яшаган тарихчи мулла Қосим Ҳожи ўз эсдаликларида “Мударрис” комедиясининг текстини ёзиб қолдирган. Н.П.Остроумов, Н.С.Лико-шип, М.Алибеков, И.Ибрагимов сингари шарқшунос олимлар ва этнографлар 1870-1917 йиллар орасида ҳалқ театрининг “Мироб”, “Ҳожи кампир”, “Бола ўқитиш”, “Судхўрлик”, “Қозилик”. “Раис”, “Хотин тугдириш”, “Келин туширди”, “Кийик ўйин”, “Атторлик” мавзусидаги бир қатор комедия ва муқаллид-ларнинг тафсилотини баён этиб, машҳур масхарабоз Зокир эшон ва унинг труппаси ҳақида кимматли маълумотлар берадилар.

XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошида Марғилонда ҳам Ортиқбой, Ҳаққул тоға, Абдуазиз ҳожи, Собир қори, Тошибек сингари бир тўп сатира ва кулги усталари бўлиб, улар ҳам Қўқон масхарабозлик мактаби анъаналари заминида вояга етиб, уни сақлаш ва ривожлантириш ишига ўз ҳиссасини кўшган.

Фарғонада машҳур қизиқ Юсуфжон Шакаржонов, шунингдек, қизиклардан Ака Бухор Зокиров, Теша қизиқ Раҳимов сингари ҳалқ театрининг вакиллари тўғрисида кўп қимматли маълумот ва ҳужжатлар қўлга киритилган. Масалан, Юсуфжон қизиқнинг ижодий ҳаёти, услуби, ташкилотчилик қобилияти, таъсиrlдори, обрўйи ҳалқ орасида жуда катта бўлган. Юсуфжон қизиқ ўтган аср меросини янги замон билан моҳирона пайванд қилиб

яхши ҳосил ундирган атоқли маданият боғбонидир. Ўзбек санъатини ривожлантиришда унинг хизматлари улуғ. Шу ҳақда гап борар экан, биринчи галда қизикнинг Ҳамза билан ижодий ҳамкорлитигини тилга олиш мақсадга мувофиқдир.

Юсуфжон қизиқ Ҳамзанинг отаси Ҳаким табиб билан кадрдан ошна бўлиб, Ҳамзани болалигидан яхши билган. Ҳамзанинг фаолиятини қузатар экан, унга муҳаббати тобора ошиб боради. Юсуфжон қизиқ раҳбарлигидаги ҳалқ хонанда ва созандалари ансамблининг Ҳамзанинг фронтга хизмат килувчи труппасига кўшиб олинганидан кейин янада ривожланди. Ҳамза ундан, у Ҳамзадан ўрганди. Ҳалқ рухиятини, маданият ва санъатини пухта билган, бой ва серқирра ижодга, улкан маҳоратга эга бўлган Юсуфжон қизиқ Ҳамза учун хазинанинг худди ўзи эди, ундан меҳнаткашларга яқин ва тушунарли шакл, услугуб ва тасвирий виситаларни топиб ишга солади.

Ҳамзанинг таъсирида Юсуфжон қизикнинг онги ўсиб, тушунчалик кенгайди, ижоди янада ўткирлашди. “Ҳамза биз учун дўст, ақлли ўртоқ бўлибгина қолмай, – деб эслайди Юсуфжон қизиқ, – балки энг яхши устозимиз, тарбиячимиз ҳам бўлган. Тўғри, Ҳамзадан олдин биз қизиқчилик қилиб юрган эдик. лекин ундан кейингина артистнинг қадр-қимматини, бу сўзнинг маъносини тушундик”.

Юсуфжон қизиқ Ҳамзанинг пьеса ва инсценировкаларидағи кўпгина сатирик ролларда маҳорат билан ўйнаган. Чунончи, унинг “Сайлов олдида” музикали сатирик комедиясида юкори савияда ижро этган эшон образи ўз даврида жуда катта сиёсий ва бадиий қиммат касб этган.

Юсуфжон Шакаржонов, айниқса, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг сафдоши, дўсти, садоқатли шогирди Мухиддин кори Ёкубов раҳбарлигидаги этнографик ансамблда ишлаган йилларида ўзбек театр санъатини ривожлантиришга кўп хисса кўшди. Трупнинг дастлабки қадамларида унинг репертуарига Ҳамза кўшиклари билан Юсуфжон қизикнинг лапарлари асос бўлди. Ҳалқ орасида айтилиб юрилган “Ойижон”, “Билагузук”, “Қора соч укам”, “Ёр нималар дедим сизга”, “Бозор борайми, қизим”,

“Воҳ-воҳ, тўрам”, “Қизгина” каби лапарларни саҳналаштириб, уларга янги ҳаёт багишилашда Юсуфjon қизиқнинг ҳам роли бор. Уларни труппанинг артисткаси Тамараҳонимга ўргатиб, у билан бирга ижро қиласди. Бундан ташқари бу йилларда бир катор ҳалқ қизиқчиликларини саҳнага олиб чиқиб янги қулгига мойил бўлган – ҳикоялар, муқаллидлар яратади. Мухиддин қори Ёкубов ҳам устози Ҳамзага ўхшаб Юсуф қизиқ санъати ва билимидан кенгрөк фойдаланишга астойдил ҳаракат қиласди.

Юсуфjon қизиқ Шакаржонов шогирдларининг кенжатои Охунжон қизиқ Ҳузуржоновдир. Охунжон Ҳузуржонов (1903-1967) ҳалқ театрини саҳна билан боғлаган ажойиб қизиқ. У асосан қулги-ҳикоя жанрининг устасидир. Унинг репертуарида “Холназар ақа”, “Кўлга тушган савдогар”, “Ташвиқотчи комсомол”, “Оғиз мусобақаси”, “Поезддаги билетсиз киши”, “Уч кўкнорининг саёҳати”, “Намоз танқиди”, “Ашуалар тўплами”, “Сумалак”, “Маддоҳлик”, “Заарали ичимлик”, “Зиёрат”, “Саводсиз сартарош”, “Трактор”, “Граммофон”, “Икки ит”, “Кинначи кампир”, “Зарбдор хотин ва ялқов эр”, “Самолёт”, “Айладинг”, “Ғайро-ғайро дам-бадам”, “Укажон” каби юзга яқин саҳнавий ҳикоя, муқаллид, қулги-қўшиқ мавжуд. Охунжон аканинг “Сумалак”, “Саводсиз сартарош”, “Самолёт”, “Заарали ичимлик”-ка ўхшаш оригинал ҳикоялари ниҳоятда кенг тарқалган. Мазкур асарларнинг аксарияти қизиқ томонидан яратилган бўлиб, гоявий ва бадиий жиҳатдан етилган.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ўзбек ҳалқ театр санъатининг ривожланиш босқичлари ҳақида тушунча беринг.
2. Бухоро. Хоразм ҳалқ театрлари ва уларнинг асосчилари.
3. Фарғона ҳалқ театрининг асосчилари ҳақида гапириб беринг.
4. Фарғона ҳалқ театрининг ривожланишида Юсуфjon қизиқ Шакаржоновнинг ўрни ва роли.
5. Ҳалқ театрларининг жамият маънавий тараққиётидаги аҳамияти.

5-МАВЗУ: АНЬАНАВИЙ ИЖРОЧИЛИК САНЬЯТИ ТАРИХИ

Режа:

1. Анъанавий ижрочилик санъатининг шаклланиши ва ривожланиши.
2. Анъанавий ижрочилик санъатининг асосчилари ва ижрочилари.
3. Анъанавий ижрочилик санъатининг ёшлар маънавий дунёқарашини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти.

Таянч сўзлар: урф-одат, қадрият, миллий мусиқа, мумтоз, мерос, анъанавий мусиқа, маҳорат, барҳаёт, якканавоз, жўрнавоз, дутор.

Халқимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида ўзига хос ривожланиш босқичини, ўзига хос турмуш тарзини, ўзига хос фалсафа ва маданиятни яратди. Ана шу ўзига хослик миллийлик, айниқса, унинг мусиқа санъати ва маданиятида тўла намоён бўлган. Шунинг учун ҳам миллий мусиқа санъатисиз халқимиз руҳини кўтариб, унинг қалбига йўл топиб ва уни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиб бўлмайди, чунки миллий мусиқада ўзбек халқининг асрлар оша тўплаган билим ва тажрибалари, қувонч ва ташвишлари, дард ва аламлари ўз ифодасини топгандир.

Бугунги кунда миллий мусиқамизнинг комил инсон шахсини шакллантиришдаги аҳамияти ва ролига янгича ёндашиш ниҳоятда зарур бўлиб қолди. Мусиқа оламни билиш, хис килиш, идрок этиш ва унинг гўзалликларидан лаззатланишнинг алоҳида бир шаклидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ривожланиш сиёсатининг стратегик мақсади мустаҳкам маънавий-ахлоқий қадриятлар негизида янги жамият барпо этишдир. Бу эса бевосита мусиқа санъатида анъанавий ижрочилик маданиятини юксалтириш, ёшларнинг анъанавий ижрочилик маҳоратини

шакллантириб бориши, олиб борилаётган ислоҳотлар самарадор-лигини оширишда, мамлакатда демократик тамойилларни қарор топтиришда ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошқаришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, маънавиятга бўлган юксак эътиборнинг натижаси ўлароқ, ёшларда анъанавий ижрочилик маҳоратини ошириш, мазкур жараённи янгилаш, уни замон талабларига мос тарзда юксалтириш ҳамда ёшларнинг бадиий-музиқий дунёқарашини кенгайтириш билан боғлиқ муаммолар жамият ижтимоий ҳаётининг долзарб масалаларига айланди. Зоро, “Мумтоз мусиқий меросимизни асрраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодга безавол етказиш мақсадида кўплаб кўриктанловлар, нуфузли халқаро мусиқий анжуманлар мунтазам ра-вишда ўтказиб келинмоқда”,²⁶ деган фикрнинг фалсафий моҳияти ёшлар мусиқий тафаккурининг янгиланиш жараёнла-рини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни қондиришга қаратилган.

Ўзбек халқининг бой мусика меросини ўрганиш ва уни кенг омма ичиди тарғиб қилиш ишлари санъатимизнинг жонкуяр ташаббускорлари, моҳир ижрочилари зиммасида бўлган. Чунки бизнинг давримизгача етиб келган улкан мусиқий мероснинг устоздан шогирдга бевосита ўтишида табаррук зотлар кўприк вазифасини ўташ билан биргаликда ўзларининг анъанавий ижрочилик маҳоратлари билан ҳам намуна бўлганлар.

Жўмладан, Ота Жалол Носиров, Ота Фиёс Абдуғаниев, Ҳожи Абдулазиз Абдурасолов, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Шораҳим Шоумаров, Матюсуз Ҳарратов, Матпано Худойберганив, Мадраҳим Ёқубов (Шерозний), Юнус Ражабий, Домла Халим Ибодов, Уста Олим Комилов, Мамадбува Сатторов, Жўрахон Сultonov, Тўхтасин Жалилов, Сафо Муғанний, Ҳожихон Болтаев, Нурумуҳаммад Болтаев, Маъмуржон Узоков, Фахриддин Содиков, Комилжон Жабборов, Имомжон Икромов, Ғанижон Тошматов, Сайджон Калонов, Набијон Ҳасанов, Мухторжон Муртазоев, Дони Зокиров, Комилжон Отаниёзов, Матниёз Юсупов, Орифхон Хотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Расулқори Мамадалиев, Таваккал Қодиров, Султонали Маннопов ва бошқалар устоздан шогирдга

26 Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б- 140.

ўтиб келаётган асрий анъаналарни давом эттириб, янги мазмун, янги ғоялар билан пайванд қила олган табаррук устозлардир. Шу нуқтаи назардан олганда, мусиқий маданиятнинг ёшлар анъанавий ижрочилик маҳоратини оширишда ҳамда уларнинг маънавий дунёкарашини ривожлантиришдаги тутган ўрнини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради:

Биринчидан, Ўзбекистоннинг миллий тараққиётида миллий мусиқий маданият анъанавий ижрочилик маҳоратининг ўзига хос ўрнини белгилаб беради.

Иккинчидан, мумтоз мусиқий маданият шахс камолотининг барча босқичларида унга фалсафий, ахлоқий, эстетик ғояларни сингдиришда, юксак инсон-парварлик туйғуларини шакллантиришда, шунингдек, анъанавий ижрочилик маҳоратини оширишда муҳим руҳий-эмоционал омил бўлиб хизмат қиласди.

Учинчидан, Ватан мустақиллиги ёшларнинг ўз қобилияти, иқтидори, истеъдоди ва умуман эркин бадиий-ижодий фаолиятини ривожлантиришда ўкувчи ёшларнинг анъанавий ижрочилик маҳоратини ошириш учун етарли объектив, субектив шароитларни юзага келтиради.

Шу боис ҳам ёшларнинг анъанавий ижрочилик маҳоратини ошириб бориш ҳам жамият тараққиётининг барча соҳаларида юз бераётган ислоҳотларни уйғун ҳолда таҳлил этиш масалаларидан биридир. Бу ўз навбатида, ёшларнинг анъанавий ижрочилик маҳоратини ошириш масаласи долзарб эканлигидан далолат беради ҳамда маънавий тараққиётнинг таркибий қисми сифатида маҳсус тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқаради.

Ўзбек шарқшунос олимларининг янги тадқиқотлари ва ўрта аср мутафаккирларининг мусиқа маданиятига оид рисолаларидаги ўзбек халқи мусиқий тафаккур тараққиётининг жумладан. анъанавий ижрочилик маҳоратини ошириб бориш тарихий жараёнини тасаввур қилишимизга ёрдам беради.

Мусиқий маданият дастлаб синкретик (қоришув) ҳолатда бўлғанлиги тўғрисида “Авесто” китоби ва бошқа кадимги ёзма ёдгорликлар, шунингдек, Ўрта Осиё халқлариниг турмуш тарзи, уларнинг урф-одатлари, тўй-томушаларининг архаик элементла-

ри гувоҳлик беришича, синфсиз жамият шароитида Ўрта Осиё мусиқа асбобларининг асосийлари, яъни уриб чалинадиган, пулаб чалинадиган ва торли созлар турлари вужудга келган.

Улуғ аждодларимиз миллий мусиқа маданияти-мизда анъанавий ижрочиликни шакллантириб боришдаги ижро санъатининг илохий кудратини, мусикасиз комил ва фозил инсонлар шахсини вояга етказиб бўлмаслигини чукур англаб етгандар. Ўрта Осиёлик буюк мутафаккирлар: Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Бобур, Феруз сингари улуғ алломаларнинг мусиқий тафаккурни анъанавий ижрочилик орқали шаклланиб боришига жуда катта ҳисса қўшганликларини ёш авлод англаб етишлари учун уларнинг ёшлик чогидан бошлаб мумтоз қўшиқлардан, шунингдек, мусиқий тафаккурларини анъанавий ижрочилик орқали шакллантириб боришларига ва бунда анъанавий ижродан баҳраманд бўлишларига шароит яратиб бериш керакdir.

Бадиий мусиқа маданиятига оид бир қатор илмий-тадқиқот ишлари бўлганлигини алоҳида эътироф этиш мумкин. Жумладан, ёшларнинг анъанавий ижрочилик маҳоратини ошириш масалаларини умумназарий ва методологик ҳамда тарихий ёритишида В.М.Беляев, И.Р.Ражабов, Ю.Ражабий, Ф.Караматов, С.Маннопов. А.Умаров каби мусиқашунос олимларнинг илмий-назарий тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлиди.

Ёшларнинг анъанавий ижрочилик маҳоратини ошириб боришнинг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-эстетик, сиёсий асосларининг илмий таҳлилига багишинган қатор тадқиқот ишлари ҳамда мақолалар чоп этилган бўлса-да, замон талаблари асосида таҳлил этилмаган. Шунингдек, улуғ санъаткорлар томонидан яратилган мумтоз мусиқа маданиятилизнинг бой тарихи, ижрочилик услуби ва уларнинг маҳорат сирларини ҳар томонлама илмий тадқиқ этмай туриб, мусиқа маданиятилизнинг бундан кейинги ривожланиш истиқболларини белгилаб бўлмайди.

Бугунги кунда ўзбек миллий мусиқа санъатини ҳар томонлама ривожлантиришга, айниқса унда анъанавий ижрочилик санъатининг ўрни масалаларига эътибор берила бошланганли-

гини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Шунингдек, ўзбек миллий мусикий маданиятини анъанавий ижрочилик санъати орқали шакллантириб бориш ва уни тарғиб этишда қишлоқ, туман ва вилоятларимизда мунтазам равишда кўрик-танловлар ўтказиш, ғолибларни рағбатлантириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Анъанавий ижрочилик санъатига фақат мазмунли дам олиш воситаси деб эмас, балки ҳалқимизнинг руҳи ва маънавиятини юксалтириш, унинг ҳис-туйғулари ва инсоний фазилатларини камол топтириш, яхши хислатли инсонларни вояга етказишининг оқилюна усули деб қараш бугунги куннинг талабидир. Бунинг учун миллий мусика тараққиётида анъанавий ижрочилик санъатининг ўзига хос ўрни ва ролини белгилаш, анъанавий ижрочилик санъатининг шахс камолотида муҳим руҳий-эмоционал омил эканлигини аниқлаш, ёшларнинг мусикий кобилияти, иқтидори, истеъоди, ижодий фаолиятини ривож топиши учун етарли шартшароитлар яратиш, анъанавий ижрочиликнинг замонавий педагогик усулларини ишлаб чиқиши зарурдир.

Ўзбек ҳалқ чолгулари ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Шунингдек, ҳар бир чолғу асбоби ўзига хос шаклланган бўлиб, мусиқанинг барча тармоқларига мос ҳолатда, асрлар оша ривожланиб келган.

Форобий ўзининг “Катта мусика китоби”да, Сафиуддин Урмавий мусикий рисоласида, Абдул-қодир Марғий “Жами ал-алхон фи-ильм ал-мусиқий” рисоласида, Аҳмадий “Созлар мунозараси” номли асарида, Зайнуллобиддин Ҳусайнний “Рисолай дар баёни қонуни ва амалий мусиқий” рисоласида, Амулий “Мусикий рисола”ларида мусика чолғуларини ўрганиш билан бирга, уни тадқиқ этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтганлар ва ўз даврларнинг мусикий чолғулари ҳақида маълумотлар беришган.

Ҳар бир ҳалқ ўз миллий мероси, анъаналарини миллий оҳанглар орқали тараннум этувчи ва ҳалқнинг миллий маънавиятига хос яратилган амалий санъат намуналари воситасида уларга мос келувчи чолғу асбобларига эгадирлар. Ўзбек мусикий чолғулар олами хусусида сўз кетса, уларнинг маънавий ва моддий

нүктай назардан бой ҳамда ранг-баранг эканлигини эътироф этиб ўтиш лозимдир. Қолаверса, қайсики халқнинг маънавияти буюк бўлса, унинг тарихи ва унга мос мероси хам улкандир²⁷.

Ўзбек миллий мероси мусиқий чолғуларга бой ва уларнинг ҳар бири узоқ ўтмиш, таркибий ривожланиш ва техникавий такомиллашиш жараёнидан ўтганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади²⁸. Ана шундай чолғулардан бири – дутордир.

Дутор – ўзбек анъанавий чертим чолғу созларидан бири. Узоқ ўтмишдан халқ ижрочилик амалиётидан муносиб ўрин эгаллаб келаётган дутор, айни пайтга келиб анъанавий ижро услубига хос барча гурӯҳлар таркибидан жой олган. Анъанавий якканавоз чолғу сифатида шаклланган ва бугунги кунда етакчи чолғулар қаторига киради.

Дуторнинг тарихий шаклланиши узоқ ўтмишга бориб тақалсада, унинг бошқа чолғулардан оҳида бўлиб ажралганлиги мусиқий рисолаларда XV асрдан бошлаб таърифланиб келади. Лекин “Форобийнинг (IX аср) маълумотларига қараганда, Хуросон танбури ўзининг кўплаб белгилари билан замонавий дуторни эслатади”²⁹.

Дутор номини ва унинг барча (шаклий, таркибий, ижровий) имкониятларини илк бор XV асрда яшаб ижод этган мусиқашунос олим Зайнуллобиддин Ҳусайнний ўзининг мусиқа илмига бағишлиланган “Рисолаи дар баёни қонуни ва амалий мусиқий” номли рисоласида баён этган. Ундаги иккита тор ва уларнинг оралифи кварта интервалига мослиги, дастасига боғланган пардалари ўн биттани ташкил этиши дутор чолғу асбобининг асосий ҳусусиятларидир. Қайд этиш лозимки, рисолада тавсифланган чолғу ҳар томонлама замонавий дутор созига яқин бўлса-да, унинг шаклда бир оз фарқи борлиги кўзга ташланади. Чунки рисо-лада тавсифланган дуторнинг косахонаси ҳозирги замон дуторидан оз бўлсада каттароқ, дастаси эса қискароқдир.

Дутор – икки торли чолғу асбоби бўлиб, одатга кўра, тут да-

27 Қаранг: Абдуллаева О. Ансамбл чолгуларини ўрганиши.–Т.: 2006.

28 Қаранг: Тошматова И. Анъанавий дутор. –Т.: 2008.

29 Қаранг: Тошматова И. Анъанавий дутор. –Т.: 2008.

рахтидан тайёрланади. Чолгу икки асосий кисмларга бўлинади. Жумладан: а) косахона (резонатор); б) даста. Чолгунинг косаси 10-12 та юпқа қовургачаларни бир-бирига бирлаштириб, ёпишириш орқали ҳосил қилинади ва унинг устки кисми маҳсус қопқоқ билан қопланади. Чолгунинг косасига торлар илинадиган маҳсус мослама, яъни илгичлар ўрнатилади. Дуторнинг дастаси чолғу жуссасига қараб белгиланади. Унда 14-15 та пардалар мавжуд бўлиб, улар асосан ичакдан, бугунги кунда эса жилка (сунъий ип) дан бойланади ва торлари ипакдан эшилиб тайёрланади. Анъанавий дутор пардалари диатоник товушқатор таркибида жойлашган бўлади. Дастанинг бошланиш қисмига эса, иккита маҳсус қулоқлар жойлашади. Кулоқлар ипларни тортиш ва чолғуни созлаш учун кўлланилади. Чолғуда овоз таранну-мининг соғ ҳолда таралиши учун иккита харакат ўрнатилади.

Дутор ўзбек халқ чолгулари орасида ўзгарувчан хусусиятли чолгулар таркибига киради. Шу боис, бу тоифадаги чолгуларнинг созлари (торлари) ижро учун керакли парда (товуш)га созланиб олинади. Дутор ижрочилик амалиётида ижро этилаётган асарга қараб турлича, яъни квартта, квинта, ижрочилик амалиётида, анъанавий ижро услубида квинта сози кенг кўлла-нилади. Квартта – Тановар сози, унисон – қўштор. октава – Баёт сози номлари билан ҳам юритилади. Секунда ва терция интервали асосида созлаш замонавий жараёнда жуда кам кўлланилади. Дутор анъанавий чолгулар орасида турли ва ранг-баранг зарбларга бой, нафис ва назокатли, фалсафий овозга бой чолғу соз сифатида турли ёшдаги ижрочиilar амалиётида кенг кўлланилиб келинади.

Узоқ ўтмишдан халқ ижрочилик амалиётида муносаб ўрин эгаллаб келаётган дутор, айни пайтга келиб анъанавий ҳамда нота орқали ижро этиш услубига хос бўлган барча гурухлар таркибидан жой олди. Якканавоз чолғу сифатида шаклланди ва етакчи чолгулар қаторига кирди.

Ўзбекистонда дуторнинг халқ анъанавий ва ҳудудий ижрочилик услублари мавжуддир. Ҳудудий услубларга Фарғона-Тошкент ва Хоразм дутор ижрочилик мактаблари кириб, ҳар бири ўзининг воҳавий хусусиятларига эга. Хоразмда эса маҳсус дутор

мақомлари ҳам шакланган. Жумладан, Хоразм мусиқий тарих-чиси китобида “Дутор мақомлари” деб көлтирилған түркүмларни күришимиз мүмкін. Бундан хулоса чиқарыш мүмкінки, дутор сози мақом жанрида ҳам етакчилик қилиб келган.

Дутор сози ўтмишда асосан аёллар томонидан ижро этилған. Тарихий манбалардаги тасвирий санъат намуналарида, хусусан, Камолиддин Беҳзоднинг Алишер Навоий асарларига ишлаган миниатюраларида дутор чалаётган аёллар сиймосини учратиш мүмкін³⁰.

XIX аср охири XX аср бошларидаги дутор ижрочилик амалиётида эркак чолғучилар етакчилик қилған. Бунинг сабаби ўз даврида сарой созандалари жамоаси асосан эркаклардан ташкил топған-лигидадир.

Лекин XIX аср охирларига келиб, айрим рус сураткашлари томонидан олинган фотосуратларда дуторчи аёллар сиймосини күриш мүмкін. Ана шу суратлардан бири Хива хонлигидаги 1896 йили россиялик саёҳатчи Волкинский томонидан олинган суратда беш қызы бир хонада ўтириб, қўлларидаги дутор, доира, шеър битилған китоб ва гуллар ушлаб турганлари кўзга ташланади. Уларнинг уст-бошига қараб профессионал созандга эканлигини хулоса қилиш мүмкін³¹.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, дутор ижрочилиги профессионал дарражада ривож топди. Диёrimizning кўплаб шаҳарларидаги Қори Каромат, Абдулазиз Расулов, Абдусоат Ваҳобов, Қўзижон Мадраҳимов, Ҳожи Абдураҳмон Умаров, Юсуф Алиев, Маҳмуд Юнусов, Давлат Охун Қодиров, Сайфуддин Йўлдошев, Зокиржон Обидов, Турғун Алиматов, Юнус Ражабий, Толибжон Содиков, Ориф Қосимов каби ҳалқ севған санъат усталари етишиб чиқди.

Бугунги кунда дутор чолғуси билан эркаклар билан тенг равишда аёллар ҳам шуғулланиб келмоқдалар. Ижрочилик амалиётида мохирлик дарражасига эришган ҳалқ дуторчи созандалари доимо ҳалқимиз эъзозида бўлиб келганлар.

30 Алишер Навоий. “Ҳамса”, “Сабъаи сайёр”. –Т.: 2006. Б- 128, 160, 288. “Ҳайрат ул-аброр”. –Т.: 2006. Б- 1.

31 Интернет сайт. Vikipediya

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Анъанавий ижрочилик санъати тарихи ҳақида тушунча беринг.
2. Ўзбек халқининг бой мусиқа меросига асос солған шахслар ва моҳир ижрочилари кимлар?
3. Ўзбек миллий мусиқий маданиятни анъанавий ижрочилик орқали шакллантириб боришида қандай ишлар амалга оширилалди?
4. Қайси буюк алломаларимиз мусиқий тафаккурни шаклланниб боришига асос солғанлар?

6-МАВЗУ: МАҚОМ САНЪАТИ ТАРИХИ ВА УНИНГ АСОСЛАРИ

Режа:

1. Мақом сўзининг тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти.
2. Мақом санъатининг асосчилари ва унинг такомил босқичлари.
3. Мақом санъатининг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни.

Таяиҷ сўзлар: маданият, маънавият, ижрочилик, мақом, муғом, навба, рага, кюи, мақомот, диний ва дунёвий қадриятлар, ижтимоий идеаллар, урф-одатлар, анъаналар, эътиқод, менталитет, ахлоқ нормалари.

Тарихдан маълумки, ер юзида яшовчи ҳар бир халқнинг ўз маданияти ва санъати, шунингдек, мусиқий маданияти мавжуд бўлиб, уларнинг маънавий бойлиги ҳисобланган. Айниқса, Шарқ халқларининг мусиқий маданияти ҳар бир халқ миллий мусиқасининг асосини ташкил этган, назарий ва амалий ижрочилик мактабига эга бўлган.

Ўзбекистонда қўшиқчилик санъати тарихини халқ мусиқа со-зларининг пайдо бўлиши ва такомиллашишини ўрганмасдан ту-риб таҳлил килиб бўлмайди. Ўзбек қўшиқчилик санъатида мақом алоҳида ўрин эгаллади. Шарқ халқларининг мусиқий бойлиги бўлган мақом, мугом, навба, рага, қюи сингари мусиқий ижро-ликтининг аниқ туркумлари турли даврларда турлича кўриниш ва йўналишларда ижро этилиб келинди ва ривожланди³².

Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек мил-лий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Ўзбек миллий Мақом санъати мар-кази ташкил этилди. Унинг асосий мақсади ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш, бу борада шаклланган ижро ва ижодий мактаблар анъаналари, буюк бастакорлар, ҳофиз ҳамда созандалар меросини чуқур илмий асосда ўрганиш ва қайта ти-клаш, тарғиб қилиш, халқимизни мусиқий меросимизнинг энг гўзал анъаналаридан баҳраманд этиш, ёш авлодни мақом санъати билан кенг таништириш орқали уларда миллий ўзликни англаш туйгусини камол топтириш каби қатор вазифалардан иборат.

Мақом – етук ва ўзига хос оғзаки профессионал мусиқа тур-кум жанри бўлиб, ўрта асрларда бастакорлар томонидан яратил-ган. Мақомлар чолгу ва ашулалар йўллари ҳамда йирик туркум сифатида юзага келиб, ўзига хос ривожланган куйлари, мураккаб шакл-шамойили, мукаммал ижро услуби билан ажralиб туради.

Мақом – арабча “мақам” сўзидан олинниб, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари маданиятидан ўрин олган, етук хонанда ва созандалар ҳамда бастакорлар (оғзаки анъанада яратувчи-ижодкор) томонидан ижро этиб келинган. Макомлар Шарқ халқлари мусиқа ма-даниятида жонли маънавий дурдона сифатида сакланиб, бугунги кунгача ривож олиб келмоқда. Булар орасида араб макамлари, озарбайжон мугомлари, уйғур мукомлари, эрон дастгоҳлари, ўзбек-тожик мақомлари, магриб нубалари, турк ва ироқ макамлари ва бошқалар бор. Улар умумлашган “Шарқ мақомоти” тушунча-си билан юритилиши улардаги мақомлар номи, таркиби, туркум тузилишлари, барча ички қонуниятлари бир бирига ўхшашлиги

32 Қаранг: Манипов С.М. Навобахш оҳанглар. –Т.: IJOD-PRESS. 2018. Б- 28

ва хусусиятларининг мавжудлигидадир. Аммо ҳар бири ўзига хос ижро услуби ва усуллари, шевалари ва таркибий тузилиши билан ажралиб туради. “Шашмақом” (ўзбек-тожик), озарбайжон муғоми, уйғур муғоми ЮНЕСКО томонидан “Инсониятнинг номоддий маданий мероси дурдонаси” деб тан олинган ва умумжаҳон репрезентатив рўйхатига киритилган.

Ўзбекистонда “Шашмақом”, “Хоразм мақомлари”, “Фарғона-Тошкент мақомлари”, дутор ва сурнай мақом туркумлари ҳамда мақом чолғу ва ашула йўллари мавжуд. Улар ҳозирги кунда республикамиизда профессионал ва ҳаваскор мақом ансамбллари, со занда ва хонандалар томонидан ижро этилиб келинмоқда. Анъанавий “устоз-шогирд” мактаблари ҳамда мусиқа ўқув юртларида ўзлаштирилмоқда.

Мақом туркумлари, “Шашмақом” (“Олти мақом”) ҳам ўзбек ва тожик халқларининг улкан мусиқий бойлиги хисобланиб, халқ бастакорлари ижоди натижасида шаклланди ва бойиб борди. Бугунги кунда мазкур туркум ўзининг аниқ ижро шаклига, характеристика ва анъанавий ижро услубларига эга эканлигини тўлақонли айта оламиз. Бу эса бевосита бугунги кунгача ўтган мақомдор ҳамда бастакор устозларнинг бу борада олиб борган илмий излашилари ва улкан ижодий меҳнатларининг натижасидир.

“Мақом” сўзининг луғавий маъноси арабча “жой”, “макон” маъносини англатиб, мусиқий маънода товуш хосил қиладиган жой ёки аниқ пардан билдирувчи мусиқий оҳангdir.

Мақом – оҳангга жойлашган тафаккурдир. У қоғозга битилмаган, тошга ўйилмаган китобдир. Уни на араб босқини, на Доронинг исфахоний шамшири, на мўгил хоқонларининг шиддатли сафи йўқ қила олди. Мана шу жанг жадаллардан омон чиқкан сеҳрли наволар ҳамон одамларни ўйлашга, ўтмиш, бугун ва келажак ҳақида хаёл суришга ундейди. Унинг оҳанглари она заминга меҳр уйготади³³.

“Мақом” атамаси VIII-X асрлардан Уқлидис, Арасту сингари юонон олимларининг мусиқа назариясига багишланган асарлари ни араб тилига таржима қилиниши натижасида кўлланила бош-

33 Сайд Аҳмад. Илоҳий неъмат. Тафаккур журнали. 1994. № 1-сон. Б-35.

ланган. Лекин IX асрда яшаб ижод эткан Яхё бин Абу Мансурнинг мусиқа назариясига доир асарида мусулмон Шарқи халқларида юонон мусика назариясидан олдин ҳам ерлик халқларнинг ўзига мос мусиқа назарияси мавжуд бўлганлигини айтиб ўтади.

Мақомларга оид назарий ва мусиқий-эстетик масалалар Абу Юсуф Ёкуб ибн Исҳоқ ал-Киндий ва Форобий (IX-X асрлар), Абу Али ибн Сино ва ибн Зайла (XI аср), Сайфиуддин ал-Урмавий (XIII аср), Маҳмуд аш-Шерозий ва Абдулқодир Марғоний (XIV аср). Абдураҳмон Жомий ва Зайнуллобиддин Ҳусайнний (XV аср), Нажмиддин Кавкабий Бухорий (XVI аср), Дарвиш Али Чангий (XVII аср) каби олимларнинг мусиқий рисолаларида тадқиқ этилган. Жумладан, XV асрнинг йирик мутафаккир шоири Абдураҳмон Жомий ўзининг “Мусиқа ҳақида”ги рисоласида Форобийни Шарқнинг йирик мусиқашунос олими сифатида тилга олади³⁴.

XVI асрнинг биринчи ярмида бўлиб ўтган ўзаро урушлар, келишмовчиликлар, сиёсий бекарорлик, ижтимоий нотинчилклар туфайли кўплаб қўшиқчилар йирик маданий марказ ҳисобланган Ҳиротдан жўнаб кета бошладилар. Жумладан, Бухорога Ҳусайн Удий, Ғулом Шодий ва яна кўплаб қўшиқчи, чолгучи, қўшиқчилик назариётчилари кўчиб келдилар.

Ҳиротдаги машҳур қўшиқчиларнинг Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларга кўчиб келиши, шубҳасиз, бу ердаги маданий-ижтимоий ҳаётнинг жонланишига, қўшиқ санъатининг янада ривож топишига кўмак берди. Бунинг натижаси ўлароқ ҳозирги Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларида қўшиқчилик борасида икки тиллилик (ўзбек-тоҷик) юзага келди. Шунингдек, қўшиқчиликнинг мураккаб оҳангли шакллари юзага кела бошлади ва ушбу соҳани тадқиқ этишда жиддий жонланиш пайдо бўлди. Ҳусусан, Ўзбекистон ҳудудида XVIII асрга келиб, чолғу асарлари юзага кела бошлади. Айни пайтда ушбу даврда икки тилда Бухоро Шашмақомининг пайдо бўлиши билан мақом санъатига асос солинди десак асло муболага бўлмайди.

34 Абдураҳмон Джами. Трактат о музике (форс тилида. А.Н.Бодировнинг кириш сўзи ва русча таржимаси билан), –Т.: Изд-во АИ Уз ССР. 1960. С.30

XVI асрда ҳозирги Ўзбекистон худудига қарашли Бухоро маданий ҳаётида мусиқашунос Нажмиддин Кавкабийнинг роли катта бўлди. Унинг ижоди Шайбонийхонлар саройида, хусусан, Убайдуллахон (1533-1539) хузурида ўтди. Кавкабий мақомларнинг 12 та тури ҳакида, профессионал мусиқа, ҳалқ оғзаки ижоди йўналишларида қатор тадқиқот олиб борди, уларда кўшиқчилик санъатининг илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатларини янада ривожлантириди.

Нажмиддин Кавкабийнинг асосий асарларидан бири “Мусиқий рисола” (“Рисолайи мусиқи”) бўлиб, ўша даврдаги барча кўшиқчилар учун амарини ва умуман мусиқашунослик илмини Абу Наср Форобий ва Абдулқодир Мароғий кабиларнинг кўшиқчилик назарияларига суюнган ҳолда яратди ва натижада ушбу санъат турларининг янада ривож топишига йўл очди. Шунга кўра бугунги кунда миллий мақом санъатининг ривожланиш тарихи ва унинг назарияси ҳамда уни амалиётга жорий этишининг инновацион омилларини ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга, мақом санъатининг замонавий цивилизация тарихида тутған ўрни ва ролига баҳо беришдир.

Мақомлар қадим замонлардан бери кишиларни рухан тетиклаштирувчи, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондирувчи восита сифатида тинмай хизмат қилиб келмоқда. Бунда Бухоро, Хоразм, Фарғона-Тошкент мақом мактаблари таникли мусиқа донишманларининг хизматларини алоҳида таъкид-лаш ўринлидир. Шунингдек, ёшлиарни маънавий, мафкуравий дунёқарашини шакллантиришда ва уларни ахлоқий-руҳий жиҳатдан тарбиялашда мамла-катимиизда амалга оширилаётган ислоҳотларни кўллаш ва тарбиянинг амалий усуулларини жорий қилишда миллний мақом санъати ютуқларидан кенг фойдаланиш бугунги кунда асосий мақсадларни белгилашда кенг ёрдам беради.

Ўрта Осиё Уйғониш даврининг буюк қомусий олимни Абу Наср Форобий ўзининг сермаҳсул ижоди давомида кўшиқчилик илми билан жиддий шугилланган. Мусиқашуносликнинг барча категори-ялари ҳар томонлама Форобийнинг “Китоб ал мусиқи

ал-Кабир” асарида таҳлил қилинган. Мазкур асар иккита катта қисмдан иборат бўлиб, учта китобда баён қилинган. Биринчи китобда мусикий билимнинг усул-қоидалари ва унга боғлиқ жиҳатлар, иккинчи китобда эса ўз даврининг замонавий мусика асбоблари ҳакида фикр юритилади, учинчи китобда турли хил товушларнинг оҳанглари ҳакида маълумот берилади.

Ибн Сино мусика бобида Форобийнинг илмий йўналишини давом эттирган йирик назариётчидир. Унинг “Мусика илмига оид тўплам” асари “Китоб аш-Шифо”нинг бир қисми бўлиб, “ан-Нажот”, “Дониш-нома”ларда мусика ҳакида кичик бўлимлар мавжуд. Шунингдек, “Гиб қонунлари”, “Рисолаи ишқ” каби асарларининг айрим бобларида ҳам мусикага тегишли бўлган фикрлари баён этилган.

Форобий билан ибн Сино мусиқанинг назарий жиҳатдан таҳлил қилишган бўлса, Маҳмуд аш-Шерозий ва Абдулқодир Марогий, Жомий ва Зайнуллобиддин Ҳусайний, Нажмиддин Кавқабий Бухорий, Дарвиш Али Чангий каби мусиқашунос олимлар ўзларининг асарларида анъанавий мусика санъатига асос солдилар. Шулардан бири миллий мусика санъатининг Мақом жанридир.

Мақомлар ўзбек мусика меросида жуда катта ўрин тутади. Улар қадим замонлардан бери ривожланиб келаётган ўзбек ҳалқ профессионал мусика санъатининг ютуқларини ўзида мужассамлаштирган. Макомлар ҳалқ мусиқаси санъати таъсирида фолклор ривожига ва умуман ўтмишнинг мусикий меросига ижобий таъсир қилди. Ўз навбатида, турмуш тарзи, урф-одати бир бўлган, қони қонига, дили дилига туташган Ҳоразм, Бухоро, Фарғона ҳалқларининг санъати ва маданияти бир хил асосда эканлигини кўрсатади. Макомлар ривожланиш жараёнида шаклан ва мазмунан ўзгариб борган. Даврлар ўтиши билан бастакорларнинг, хонанда ва созандаларнинг жуда катта изланишлари, сайқал беришлари натижасида маком йўллари мукаммаллашиб, яхлитлашиб келди.

Ўрта Осиёнинг хонликларга бўлинниб кетиши бир томондан,

мақом санъатидаги умумийлик, бирлик ва яхлигликка таъсир килган бўлса, иккинчи томондан, миљлий қўшиқчилик санъатининг мақом йўналишида янгича усул ва йўллар, ўзига хосликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Кейинги йилларда мақомлар устида олиб борилаётган изланишлар ва талқиқотлар натижалари шуни кўрсатади, Хоразм, Бухоро, Фарғона-Тошкент мақомлари ўзига хос йўналишлари билан ажралиб туради.

Фарғона-Тошкент мақом санъатининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи шундан далолат берадики, мазкур санъат йўналиши авлоддан авлодга, устоздан шогирдга оғзаки ўтиб, бизгача етиб келган ва унга мақомларнинг шаклланиши ва тараққиётига ҳар бир авлод, ҳар бир созанда, хонанда ва бастакор ўз ҳиссасини қўшган. Шу сабабли, мақомларнинг куй тузилишида, уларнинг номланишида ва мақом йўлларида учрайдиган доира усусларида турли тарихий ҳаёт шароитлари чуқур из қолдирган³⁵.

Ўз моҳиятига кўра Фарғона-Тошкент мақом йўллари Бухоро “Шашмақом”и, Хоразм олти ярим мақомлари ёки бошқа бир тизимнинг кўчирмаси эмас, балки муштарак мақомат негизида ерлик созанда ва бастакорлар томонидан ишланган шаклидир. Мазкур санъат тури мураккаб ва мукаммал бўлиб, ижрочилардан жуда катта маҳоратни талаб қиласди. Мақомларнинг ашула йўлларида асосан Навоий, Фузулий, Ҳофиз, Жомий, Бедил ва бошқа буюк шоирларнинг ғазаллари, шеърлари, айрим ҳолларда эса панд-насиҳат, ахлоқий-диний мазмундаги матнлар куйланган.

XVIII асрнинг охирларига келиб, Қўқон хонлиги алоҳида давлат сифатида таркиб топиши Фарғона-Тошкент йўналишида мақом санъатини ривожланишига катта ва ижобий таъсир кўрсатди. Ҳусусан, Амир Умархон (1822-1842) ва унинг ўғли Муҳаммад Алихон (Мадалихон) даврида Қўқонда шоир, созанда ва ҳофизларга кенг шароитлар яратилган. Мъълумотларнинг гувоҳлик беришича ўша даврда Худойберди устоз хон саройида ҳофиз ва созандаларнинг бошлиги бўлган.

Мақомларни сарой маросимларидан ташқарида нафис санъ-

35 Юнус Ражабий. Мусика меросимизга бир назар. –Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1978. Б-9.

ат ўрнида ишлатиш Умархон ва Мадалихон ҳукмронлиги давридан кейин санъатга бўлған муносабат кескин ўзгарди. Кўконда таникли мақом санъати устозлари қатл қилиниб, созандалар таъкиб остига олинниши Фарғона-Тошкент йўналишидаги мақом санъатининг дунёвий санъат сифатида кенг ривожланишига тўсқинлик қилди. Натижада, мақом санъатининг асосан диний тарафга қаратилиши, зикр маросимларида қўлланилиши ёки катта ашула услубида ижро этилиши кўпроқ ривожланди.

Фарғона-Тошкент услубида диний ва дунёвий тарздаги ва ашгулалар бир-бирига туташиб кетган муштарак тизимни ташкил этганлиги кўзга ташланади. Уларни ижро этувчилар ҳам ягона доирада фаолият олиб борган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиё ҳудудида миллий қўшиқчилик санъатининг тараққиёти Ашурали Маҳрам, Сайди маҳсум, Матҳо-лик қизиқ (ҳофиз), Зокир эшон Рустам Мехтар ўғли, Мискин қилич, Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ. Айниқса, Фарғона-Тошкент мақом санъати ривожланишида Ашурали Маҳрамнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Ашурали Маҳрам ўзининг хушовозлиги билан Фарғона водийси ва Тошкентда жуда машҳур бўлган. Ҳатто Қўкон хони Худоёрхон ҳам уни ўз саройига таклиф қилганлиги фикримизнинг далилидир. Ашурали Маҳрам мақом йўлларига, хусусан. “Хусайн”, “Чоргоҳ”, “Баёт”, “Гулёри шахноз”, “Дугоҳ” кабиларга куй басталайди³⁶. Шу билан бирга, Ашурали Маҳрам санъат оламига қадам кўйган кўплаб фарғоналик ва тошкентлик ҳофизларнинг устози бўлган.

Фарғона-Тошкент йўналишида ижро этиладиган мақомларнинг хар бири жуда катта тараққиёт йўлини босиб ўтганлиги билан ҳамда унинг асослари пухта эканлиги, амалда такомиллашиб борганилиги ва шу боис сайкал топганлиги билан Ҳоразм олти ярим мақоми, Бухоро Шашмақомидан алоҳида ажралиб туради. Айнан шунинг ўзиёқ Фарғона-Тошкент мақом санъати йўналишининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб гавдаланади.

36 Ҳамидов X. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи. –Т.: Ўқитувчи. 1996. Б- 101.

Фарғона-Тошкент мақом санъати йўналиши Бухоро ва Хоразмнинг марказлашган йирик яхлит мақом мактабларидан фарқли ўлароқ Фарғона водийси ҳамда Тошкент атроф ҳудудларида ранг-бараң кичик гуруҳлардан таркиб топгани акс эттирилади. Унда Кўкон, Марғилон, Исфара, Андижон, Наманган, Ҳўжанд, Тошкент, Чимкент. Қашқар ва бошқа жойларда мақом устозлари етишиб чиққанлиги ҳамда уларнинг орасидан мураккаб ижодий алоқалар юзага келганлигига ишора этилади³⁷.

Миллий мақом санъати номоддий маданий мерос сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилганлиги мазкур санъат турининг умри узайишига олиб келади. Шунингдек, бу санъат ёшлар тарбиясида ҳам катта аҳамият касб этади. Чунки "... инсоннинг қулоги енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг диди, маънавий оламини соҳта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир-оқибатда бундай одам "Шашмақом" сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади"³⁸.

Бугунги кунда ёшларни миллий ва маънавий руҳда тарбиялаш масаласига бўлган эътибор янада кучайди. Чунки, яхши тарбияланган баркамол шахсларгина инсонларга, оиласига, жамиятига ва давлатига фойдаси тегиши мумкин. Зоро, ҳалқимизнинг қадим-қадимдан амал қилиб келаётган ахлоқий фазилатлари маънавиятимизнинг асосини ташкил этади. Демак, ўзбек ҳалқининг бир неча минг йиллар давомида яратган, авайлаб-асраб келаётган ахлоқ-одоб дурдоналарини, бой қадимий маданий меросини, миллий мақом санъати ютуқларини ўрганиш ва унга амал қилиш орқали мазкур ишларни амалга ошириш мумкин.

Бу жараённи атрофлича таҳлил қилиш учун Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётни ривожлантириш ва ёшларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришда миллий мақом санъа-тидан оқилона фойдаланиш масалаларини назарий ва амалий нуқтаи назардан тадқиқ этиш ҳамда ўзига хос аҳамиятга эга бўлган ҳуносалар, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиши зарурдир.

37 Матёкубов О. Мақомот. –Т.: Мусика нашриёти. 2004. Б- 100.

38 Каримов И.А. Йоксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б- 143.

Шунингдек, куйидаги вазифаларни амалга ошириш миллий маком санъатини янада ривожлантаришда кагта аҳамият касб этади:

- буюк аждодларимиздан маданий мерос бўлиб қолган миллий маком санъати асосчиларининг асарларини назарий жиҳатдан тўла ўрганиш ва таҳлил этиш;

- ёш авлодни миллий маком санъатининг ноёб дурдоналаридан баҳраманд қилишнинг илмий-амалий жараёнларини ўрганиб чиқиш;

- урф-одатлар, анъаналар, эътиқод, менталитет, ахлоқ нормалари ёшларнинг ички руҳий олами инъикоси эканлигини миллий маком санъати орқали аниқлаш шулар жумласидандир.

Мақомлар ўз салмоғи ва мазмуни билан кўпгина мусулмон Шарқ халқлари мусика меросининг асосий қисмини ташкил қиласди. Улар шаклан ва услубан ранг-баранг оҳангдор куй ва ашула йўлларидан иборат. Хусусан, ўзбек мумтоз мусиқасида Бухоро Шашмақоми, Хоразм мақомлари, Фарғона-Тошкент маком йўллари билан бир қаторда ёввойи маком, сурнай маком, дутор маком йўллари шаклланган. Мақом номдаги чолғу ва айтим мусика асарлари ўтмиш бастакорлик ижодиётининг мумтоз маҳсули бўлиб, номоддий маданий мерос сифатида асрлар давомида оғзаки анъана сифатида сайқалланиб бизгача етиб келган.

Бугунги кунда Фарғона-Тошкент йўналишидаги ўзбек миллий маком санъати ўзининг бадиий-эстетик аҳамиятини тиклаб, замонавий мусикий жараённинг ажralмас таркибий қисми сифатида ўзининг бекиёс ижодий, ижровий ва илмий салоҳиятини намоён этмоқда.

Хуллас, макомлар халқимизнинг беҳисоб сир-синоатларга бой маданий хазинасиdir. Бу меросни ўрганиш, тадқик этиш, ҳар биримизнинг бурчимиз. Зеро, маком санъати намуналари орқали халқимизда, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод онгида миллий ва умуминсоний қадриятлар, бебаҳо меросга хурмат, ғурур ва ифтихор, Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғулари тарбияланади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Мақом санъати тарихи ҳақида галириб беринг.
2. “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чо-тадбирлари тўғрисида”ги қарори моҳиятини тушунтиринг.
3. Миллий мақом санъати йўналишлари ҳақида тушунча бе-ринг.
4. Қайси олимлар миллий мақом санъатига оид назарий асар-лар яратганлар?

7-МАВЗУ: ЎЗБЕК РАҚС САНЪАТИ ТАРИХИ

Режа:

1. Рақс санъати тарихининг такомил босқичлари.
2. Рақс санъатининг йўналишлари ва унинг ўзига хос либос-лари.
3. Ўзига хос рақс санъати мактабини яратган устоз-санъаткор ҳақида.

Таянч сўзлар: синхрон, услугуб, элменистик рақс, ритм, балет, пантомима, қарсак, қайроқ, тепки, занг, доира, ногора, қошиқ, урчук, чиғириқ, чироқ, Муножот, Танавор, Лазги, Бешқарсак, Наврўз, Мехржон ва Сада, Катта ўйин, Кема ўйин, Ашшадароз.

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан миллий рақс санъатини ривожлантириш, соҳага илгор тажрибаларни татбиқ этиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Табиийки, бу ишларни амалга оширишда ўтмишга назар солмай туриб, юртимизда қадимдан шаклланган анъаналар, устозлар бисотидаги ўгитлар, бой ва бетакрор миллий рақс мактаби тарихини ўрганмай туриб эришиб бўлмайди.

Миллий рақс санъатимиз кўп асрлик маданиятимизнинг ажралмас таркибий қисми сифатида қадим замонлардан миллий анъана ва урф-одатларимиз билан уйғун ҳолда, халқимиз маънавияти, ахлоқий қарашлари ҳамда эстетик дидини бой-

итиш, хис-туйгуларини ифода этиш, яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларини амалга оширишда куч-қувват манбай сифатида хизмат килиб келмоқда.

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида топилган қоятошдаги тасвирлар, археологик топилмалар бу ерда рақснинг жуда қадимилигидан гувоҳлик беради. Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да баён қилинганидек, ўз даврида рақс санъати шаклланиб, ҳалқ ва профессионал рақс – икки йўналишда ривожланганлиги ҳакида тарихий маълумотлар етарли даражада.

IX-XII асрлардаги Уйғониш даврида рақс санъатида ҳам чинакамига бурилиш юз берган, кўпгина қадимий рақслар тикланиб, Наврўз, Мехржон ва Сада байрамларида намойиш қилинган. Ўзбек рақс санъатининг қадимий эканлиги, шакл ва турларининг бойлигидан ҳам билсак бўладики, аждодларимиз рақслари асосан дехқончилик ва хунармандчилик билан боғлиқ бўлганлигидан далолат беради³⁹. Рақс санъати, айниқса, Амир Темур ва темурийлар салтанати даврида равнак топган. Унда хотин-қизларнинг ўрни катта бўлган. Ранг-баранглик, тарихий қатламлар раксда яккол кўзга ташланган. Олов атрофидаги ўйинлар, Анахита ва Рустам тимсолларига бағишлиган ўйинлар, мақом рақслари, “Аргуштак” каби рақслар шулар жумласидандир. “Муножот”, “Тановар”, “Лазги” мумтоз рақслари ҳам айнан шу даврда малакали ижрочилар дастуридан мустаҳкам ўрин олган.

XV асрнинг 2-ярми ва XVII аср бошида Сайид бадр, Тохир чакка, Моҳчучук, Мақсадали. Катта Моҳ, Кичик Моҳ лақабли рақс усталари шухрат қозонди. Бу даврда рақс санъати ҳалқ рақси ва малакали рақс йўналишида ривожланди. Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари вужудга келгач, рақс санъатида ҳам ўзига хос услублар майдонга келди. Бу даврда жаҳолат, мутаассиблик кучайгани сабабли рақс санъатида ўсмир болалар ва йигитлар етакчилик қилган. Аёллар рақси эса созанда (Бухоро амирлиги), ҳалфа (Хива хонлиги) ва яллачи (Фарғона водийсида) деб юритилган. Фарғона рақси ўзгача майнинлиги, харакатларнинг равонлиги ва ифодалилиги, силжиш қадамларининг енгиллиги,

39 Авдесева Л. Ўзбек миллий рақс тарихидан. –Т.: 2001. Б- 42.

жойларда ва айланишларда ўзига хос ҳаракатлари билан ажралиб туради. Хоразм ва Бухоро вилоятларида қайроқлар билан рақсга тушилади.

XIX аср охири XX аср бошларида миллий рақс санъати Бухоро рақси, Хоразм рақси, Фарғона рақси йўналишларида ривожланди. Ўзига хос миллий рақс йўналишлари XX асрнинг 20-30-йиллари га келиб замонавий талаблар асосида қайта ишланган саҳнавий халқ рақси сифатида ривожланди.

Саҳнавий рақс халқ ижодига таянади, унинг мероси ва ўзига хос фазилатларини сақлайди ва ривож-. У дастлаб Юнонистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда пайдо бўлган. Халқ рақслари асосида таркиб топган профессионал рақслар юксак даражада ривожланиб, турли рақс тизимлари қарор топган⁴⁰.

Ўзбек халқ саҳнавий рақсининг шаклланиши биринчи галда Асқар ҳожи Ҳайдаралиевнинг XX аср бошида фаолият кўрсатган ансамбли ва атоқли раққос Ҳамдамхон номи билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳамдамхон Фарғона водийси шаҳарларида, Тошкент ва Самарқандда, 1905 йилда эса Кавказорти мамлакатларида ўзбек халқ рақсини янги асосда саҳналарда ижро этиб, янги йўналишни бошлаб берган⁴¹.

“Ҳамдамхон (Ҳамдамхожи) серқирра санъаткор бўлиб, байтлар ўқир, ашула айтар, айни байтда моҳир раққос бўлган. Хушсухан, зеҳни ўтқир, нозиктаъб Ҳамдамхожи ўз чиқишлиарида ҳаммани лол қолдирав, олқишиларга сазовор бўлар эди”⁴². Шу билан бирга, асли шаҳрихонлик бўлган машхур санъаткор Ҳамдамхожи истеъодли ижроигина эмас, балки моҳир ташкилотчи, қатор шоғирдлар тайёрлаган устоз ҳамдир. Ҳамшаҳрлари Назирбек ҳамда Ҳозирбеклар билан тузган труппа нафақат Туркистонда ва Кавказорти мамлакатларида, чет давлатларда ҳам машхур бўлган. Жумладан, улар Эрон, Афғонистон, Ироқ, Арабистон давлатларида бўлиб, ўзбек санъати дурданаларини фаол тарғиб этганлар.

Ҳамдамхожи юксак истеъод соҳиби бўлиб, у яратган шеърлар,

40 Каримова Р., Сайфуллаева Д.И. Ўзбек аёллар якка рақси. –Т.: 2007. Б- 23.

41 Каранг: Каримова Р. Ўзбек рақслари. –Т.: Чўлпон нашириёти, 2003. Б- 6.

42 Бу хотира 1973 йилда ёзилган бўлиб, Шаҳриҳон ўлкани ўрганиш музейидаги сақланади.

ашулалар халқ орасида тез тарқалган. Шулардан бири “Ноз ўзгача, ситамлари бўлакча” лапаридир. 1910 йилда Тошкентда чоп этилган “Ҳадия-Хислат” деб номланган китобда Ҳамдамҳожининг сурати берилиб, шеърлари босилган. Ўзига тинч, бой-бадавлат бўлган тошкентлик шоир Хислат – Ҳамдамҳожи шеърларининг босилиб чиқишига катта ёрдам берган. Китоб эвазига келган маблагни эса шоир учун ҳадия қилган. Шу сабабли китоб “Ҳадия-Хислат” деб аталади⁴³.

Рақс – санъатнинг бир тури бўлиб, мусикага монанд ритмик тана ҳаракатларида намоён бўлади. Рақс турли маданиятларда мавжуд ва ҳиссиётлар, ижтимоий алоқаларни билдириш шакли сифатида ёки кўнгилхушлик учун ижро этилади.

Рақс мусика билан узвий боғлиқ, мусика мазмунини образлар воситасида очиб беради. Халқ раксларида ритм муҳим бўлиб, у мусикада ўз ифодасини топади, оёқ, кўл, бош ва тана ҳаракатлари умумий ритмга бўйсунади, бир-бири билан боғланади.

Ўзбек ракслари мазмунини ифодалашда ижро чилар тепки, қарсан, зангдан ҳам фойдаланади. Айрим ракслар рўмол, пиёла, қадаҳ каби буюм билан ижро этилади, баъзан ижро чил ҷолғу асблори (қайроқ, доира, ногора ва ҳок.)да ўзига-ўзи жўр бўлади. Фарбий Европа ҳалқлари раксида, асосан оёқ ҳаракатлари муҳим бўлиб, кўл ва тана ҳаракатлари унга жўр бўлади. Шарқда эса кўл ва тана ҳаракатлари пластик ифодавийликнинг асосий воситасидир.

Ҳар бир ҳалқнинг рақс анъаналари, ижро услуби, пластик тасвирий воситалари бўлиб, улар тарихий, ижтимоий ва географик шароитлар таъсирида таркиб топиб ривожланган. Шунингдек, турли тараққиёт босқичларида юртимиизда рақс ва ўйинлар бир-бирига таъсир кўрсатиши натижасида “Бешқарсак”, “Катта ўйин”, “Лазги”, “Кема ўйин”, “Ашшадароз” каби қадимий ўйинлар вужудга келган.

Мазкур йўналишларнинг ҳар бири аср давомида бир неча тарихий босқични босиб ўтиб. ўз шакли-шамойили, мазмунига эга бўлди. Бунда Ҳамдамҳожи, Юсуфжонқизиқ Шакаржонов,

43 Камбаров А.А. Ҳамдамҳожи – ҳалқ севган санъаткор. Ўзбекистон овози. (Газета). 1994 йил 17 март. № 61-62 (21.666).

Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Гавҳархоним Раҳимова, Розия Каримова, Қундуз Миркаримова, Карим Раҳимов, Қодир Мўминов, Маъмурда Эргашева, Юлдуз Исматова, Шокир Аҳмедов, Гавҳар Матёкубова, Рушана Султонова, Дилафуз Жабборова, Қизлархон Дўстмуҳаммедова, Малика Аҳмедова каби рақс усталарининг хизматлари катта бўлган.

Ўтмишда мумтоз рақсларни ёзиб олиб, авлодларга қолдиришни ҳеч ким хаёлига ҳам келтиргмаган. Шу боисдан қанча-қанча рақслар бедарак йўқолиб кетган. XX асрнинг 30-йилларида этнограф Ираида Бахта кўпгина рақс усталари билан учрашиб, кераклича манбалар тўплаган. 1936-1941 йилларда сўз билан “Катта ўйин” номли Фарғона рақслар туркумини ёзиб олган, таҳлил қилган ва шу асосда “Ўзбек (Фарғона) рақсининг асосий шакллари” бўлимини яратади. Ҳаракатларнинг маъносини аниқлашда унга шоир, драматург Ғулом Зафарий, мусика усулларини аниқлаш ва нотага олишда мусиқашунос Елена Романовская яқиндан ёрдам беришган. “Катта ўйин”ни ёзишда ҳаракат ва усулларини кўрсатиб берган Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Отахўжа эшон билан Уста Олим Комиловларнинг хизматлари бекиёс бўлган.

Рақс санъати инсоннинг меҳнат жараёни ва бор-ликдан олган хиссий таассуротлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Бу санъат дастлаб қўшиқ ва соз билан боғлиқ бўлиб, кейинчалик мустақил санъат турига айланган. Рақс асрлар давомида такомиллашиб, барқарор шаклларга эга бўла бошлаган. Ижрочининг либоси рақс образларига аниқлик берган.

Рақс санъатида либослар ҳам катта аҳамият касб этади. Чунки либослар ҳам рақс моҳиятини очиб беради. Рақслар учун либослар, аввало, рақснинг мусиқаси, мазмуни, унинг ҳаракатларига аҳамият берган ҳолда яратилиши лозим. Ҳар бир рақснинг либослари бир-биридан фарқ қиласди. Томошабин либосларга назар солар экан, унга мафтун бўлган ҳолда мусиқа ва рақс оҳангига шўнгигиб кетиши, маданий ҳордик олиши айни муддао! Бу бизнинг биринчи вазифамиз экан, либос яратилаётганда унинг ҳар бир детали рақснинг ҳаракатларини кузатган ҳолда эрганомик жиҳатдан ўйланган бўлиши ва рақкосага саҳнада нокулайлик туғдирмаслиги керак. Соддалиқдан узоқлашган ҳолда, кулай ва

кўзни қувонтирадиган бўлиши лозим. Рақс либосларининг яна бир ўзига хос хусусияти, унинг бошқа либослардан конструкцияси ва технологияси жиҳатдан тубдан фарқ қилишидир.

Ўзбек анъанавий рақслар санъати тарихи, унинг турли йўналишлари, таълим мактаблари, замонавий ҳаёт, маданият, давлат ва нодавлат тадбирларда ўзбек анъанавий рақс либосининг роли, шунингдек, анъанавий рақс ижро аҳамияти ва рақс санъати либослари ўзига хослигини баён этади. Ҳамон ўзбек рақс санъатида бир-биридан гавда ҳолатлари, қўл ва оёқ ҳаракатлари, таркиби, композицион тузилиши, либослари билан фарқ қилувчи Хоразм, Бухоро ва Фарғона услублари аниқ қўзга ташланиб туради⁴⁴.

Ҳар бир ўзбек рақс мактабининг ўзи бир олам. Жумладан, Фарғона рақслари гоҳ шўх ва тетик, гоҳ майин ҳаракат, гавдани бир оз олдинга эгиб эркин, нафис тутиш, хилма-хил маъно кашф этувчи чиройли қўл ҳаракатларига хос бўлган.

Бухоро рақс мактабининг эса одатда товонини уриб-уриб, тиззани букиб, айни чоғда гавдани ғоз тутиб, викор билан кифт титратиб, аниқ шаклли пухта қўл ҳаракатлари билан ўйнаганлар.

Хоразм рақси учун эсадиззаларни сал-пал букиб, кифтларнитик тутиб, бутун танани ҳаракатга келтириб, билак ва бармоқлардан турли-туман чиройли шакллар ясаб, ўйноқи шўх, оташин ўйнаш ҳарактерлидир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг кийимлари ҳам ўзига хос бўлган. Хоразмда қайроқ билан ўйнаш кенг расм бўлган. Ўзбек рақсида образлилик, мазмундорлик ҳал қилувчи роль ўйнаганки, бу хусусият барча мактаб ва услубларни боғлаб ягона ўзбек рақсини майдонга келтирган.

Рақс услуг ва мактаблари бир-бирига таъсир кўрсатиб, ижодий ҳамкорлик тортишув кенг тус олади. Бунинг натижасида ижро мактабларнинг мазмуни бойиб, аҳамияти ошади. Кўқон хонлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг бир қатор шаҳарларида йирик рақс тўплар ташкил этилган бўлиб, фақат Ўрта Осиёда эмас, ундан ташқарида ҳам ўзбек рақс санъатини муносиб намойиш этишган⁴⁵.

44 Каримова Р. Ўзбек рақслари. –Т.: Чўлпон нашриёти. 2003. Б- 5.

45 Қодиров М.Х. Ўзбек ҳалқ томоша санъати. –Т.: 1981. Б- 68.

Фарғона рақсларининг илдизлари майдонларда намойиш этиш учун мўлжалланган “Катта ўйин” меҳмонхона ва хонадонларда намойиш этиладиган “Кичик ўйин”га бориб тақалади.

“Катта ўйин” 280 дан ортик усулларга мосланган ҳаракатлар мажмуидан иборат бўлиб, ўзининг мавзу ва тизимиға кўра ҳар битта рақс ҳаракати ўз номи ва унга мос усулига эга бўлган. “Кичик ўйин” эса асосан лирик ва жўшқин ҳаракатлардан ташкил топиб, аксарият ҳолларда доира ёки миллий чолғулар ансамбли жўрлигига қўшиқ (ялла ва лапар)ларга рақс тушиш асосига курилган. Фарғона водийсида яллачи аёллар томонидан куйланаидиган “Дучава”, “Яллама ёрим”, “Қора соч”, “Қайтарма”хамда “Тановар”нинг варианtlарига рақс тушиш кенг тарқалган.

Фарғона рақсларида эркаклар бўз матосидан тикилган кўйлак ва нимча ёки енгил ҳалат, миллий шалвор, оёқларида этик ва бошларига дўппи кийган ҳолда раксга тушгандар. Аёллар кийими ёрқин рангларга бой хонатлас, бекасам ва крепдешин матосидан тикилган ёқали кўйлак, нимча, ипак матосидан тикилган иштон, бошларига эса паранг, дурра шаклларида ўралган рўмол, оёқларида паст пошнали туфли, бўйин, кўл ва кулокларига осилган турли зебу-зийнатлари билан ажralиб туради.

Фарғона рақсларининг сақланиши, саҳналашти-рилиши ва унинг тарғиботида Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комиловларнинг хизматлари бекиёс. Улар эркаклар рақсларидан ташқари аёллар-нинг саҳна рақсларини Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Розия Каримова, Гавхар Рахимова сингари аёлларга ўргатиб, миллий ракс анъанала-рининг сақланиши ва келгуси авлодга узатилишида кўприк вазифасини ўтадилар. Кейинчалик ушбу анъаналар Кундуз Миркаримова, Дилафрўз Жабборова, Кизлархон Дўстмуҳаммедова, Маъмурда Эргашева сингари қатор рақс усталари ва устозлар томонидан ривожлантирилди. Ҳозирги кунда Фарғонанинг ўзига хос рақслари кўплаб профессионал рақс жамоалари ва ҳаваскорлик ансамбллари репертуаридан кенг ўрин олган.

Сурхон рақслари бошқа ўзбек миллий рақс мактабларидан кўчманчи аҳолининг турмуш тарзига багликлigi билан ажralиб

туради. Енгил ва дадил қадам ташлаш, маъноли кўл ҳаракатлари, гавданинг майин ҳаракатланиши билан бойитилган аёллар рақсида аксарият ҳолларда турмушда ишлатиладиган қошиқ, урчук, чигирик, чироқ ва бошқа рўзгор буюмларидан фойдаланилади.

Эркаклар рақсида ҳаракатлар ёрқинроқ хусусият касб этиб, доимий равишда бир оёқда сакраш, ерга чўкка тушган ҳолда гавданинг айланма ҳаракатлари, қўлларнинг самога тўғри ёки ён томонга худди қанотга ўхшаб чўзилиши билан ажralиб туради. Эркаклар рақсида пичок, ёғоч таёқлар кўпроқ ишлатилади. Шу сабабли бу рақсларни бургутнинг учишига тақлид сифатида ҳам қабул қилиш мумкин.

Сурхон рақсларида ҳам барча ҳаракатларнинг алоҳида номланиши одат тусига кирган бўлиб, уларнинг ҳар биттаси маълум маънога эга. Масалан: “тўлқама”, “тебранма”, “ирчитма”, “ғажир қўнди”, “қанот”, “мўралаш”, “мулойим”, “шилшила”, “силта-ма”, “учирма” ва ҳоказо.

Аёллар либосида маҳаллий матолар – алача, бўз, жандадан фойдаланилади. Матоларнинг ранглари эса жуда ёрқинлиги билан ажralиб туради. Раққосанинг бўйин, кулоқ ва қўллари зебигардон, зафабанд, шода маржон, билакузук, зирақ, нозигардон, кифтак, кўкрак тумор, мунчоқ, кўлтиқ тумор сингари тақинчоқлар билан безатилади.

Эркаклар яктак ёки оддий кўйлак, шалвор кийган ҳолда оёқларида мукки (енгил тери чорик) билан рақсга тушадилар. Сурхон рақсларининг сақланиши ва тарғиб этилишида Холик Хурсандов, Абдулла Карим ўғли, Мулла Жума Дуторий, Жоҳи Болта раққос, Орзигул раққоса, Хурсанд Курбон ўғли, Мулла Умар Дуторчи, Зикрилла Умаров, Абдухалил Назаров, Шоира Курбонова, Комил Раҳмонов ва бошқаларнинг хизмати катта. Рақс анъаналари “Бойсун”, “Шалола”, “Булбулигўё” сингари халқ ансамбларида давом эттирилиб, тарғиб этилмоқда.

Бухоро рақслари ҳозирги Бухоро вилояти музофотида шаклланиб ривожланган. Одатда, Бухоро рақслари кўл ҳаракатлари билан бошланади, кейинчалик гавда ҳаракатлари кўшилиб, ундан

кейин оёқ ҳаракатлари билан тўлдирилади. Бунда гавданинг турли ҳолатлари, ортга букилиш, ўз ўки атрофида айланиш, кўлларнинг ранг-баранг ҳаракатлари рақсларнинг жозибадорлигини оширади. Бухорода аёлларнинг тиззага ўтириб, ўрнидан турмасдан гавдани ҳар томонга букиш, елкаларни силкитиш, кўлларнинг эпчил ва чақон ҳаракатлари воситасида ижро этиладиган рақси “Замин бози” (ер рақси) дейилади. Бухоро рақсларининг энг мураккаб тури – “Ларzon” (кўл кафтларини силкитиш) номини олган бўлиб, бунда рақкосалар турли тақинчоқлар билан безанган ҳолда яланг оёқ рақсга тушадилар. Ларzon рақсида рақкосалар бутун гавдасини силкитиб, ёнаётган оловда аланга ҳаракатларига ўхшаш ҳаракатларни бажаришади. Бухоро рақслари ҳаракатларининг алоҳида номи бўлиб, уларнинг ҳар бири рамзий маънога эга бўлади. Бухоро аёллар рақсларида рақкосалар қўл ва оёқларига занг (кичик кўнғироқчалар тўплами) таққан ҳолда, шу билан бирга, кўлларида қайроқ тош билан рақсга тушиш ҳолатлари кузатилади. Занг ва қайроқ тошлар рақс ҳаракатлари ва рақс усулига монанд равишда садоланиши мухим аҳамиятга эга.

Бухоро рақс анъаналарининг сакланиши ва кейинги авлодга безавол етказилишида М.Хаимова, Червон хоним, Исахор Оқилов, Вилоят Оқилова, Тухфахоним Пинхасова, Олияхон Хасанова ва бошқаларнинг хизматлари катта. Ҳозирги кунда Бухоро рақслари анъаналари “Бухоро” ва “Мавриги” профессионал жамоалари, шунингдек, Бухоро вилоятида фаолият қўрсатаётган ҳаваскор фольклор-этнографик ҳамда рақс жамоаларида давом эттироқмода.

Хоразм рақси – ўзбек халқ рақс услубларидан бири ҳисобланади. Рақс Хоразм воҳасида қадимдан шаклланиб, асрлар давомида ривожланиб келган. Хоразм рақси ҳаракатларга бой, эр-каклар ва аёллар рақсларида бармоқларни шақиллатиш, гавдани тик тутиш, кўлларни силкитиш ва бошқа ҳаракатлар, тиззага сакраш, қайроқ билан маром бериш каби усувлар мавжуд.

Бугунги кунгача етиб келган “Чагалок”, “Норим-норим”, “Алиқамбар”, “Оразибон”, “Мўри”, “Хўббим-бой”, “Ширинновот” ўйинлари ижросида ўғлон рақкослар ва масҳараబозлар ўзини

күрсатган бўлса, “Ашшадароз”, “Мақом уфори” каби рақсларда раққосалар устунлик қилган. “Лазги” рақс туркуми ижросида эрекак ва аёл рақс усталари бирдай маҳорат билан ўйнайдилар.

Хоразм рақси ривожига фаол хисса қўшган санъат усталари орасида Онажон халфа Собирова (1885-1952) алоҳида ўрин тулади. У халфа томошалари, гармон чалиб кўшиқ айтиш, рақсларга ўргатиш, айниқса, аёлларни саҳнага жалб этишда катта хизмат қилган. Бу ишда С.Оллоберганова, Р.Ҳакимова, Р.Отажонова (“Онажон халфа ансамбли” иштирокчилари), Қамбар-бала, Канарак-бала Саидов, Қодирберган Отажонов, Хўдойберган тўқтўқ, Гавҳар Матёқубова ва бошқаларнинг хизматлари бекиёс. Хоразм рақс услуги Хоразм вилоят театри, халқ ансамбллари, “Ўзбекрақс” бирлашмаси тасарруфидаги “Лазги” ансамбли фаолиятида давом этиб келмоқда.

Шу ўринда, гўзал, ўзига хос ажойиб халқ рақси “Лазги” устида алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли. Рақс секин ва оддий ҳаракатлар билан бошланади – олдин бармоқлар, билаклар, елка ва кейин бутун тана жонлана бошлайди. Сўнгра бирданига қўл, оёқ, тана иштирок этадиган мураккаб ҳаракатлар уланиб кетади. Куйнинг бир кисми такрорланган ҳолда рақс ҳаракатлари алмашиб боради. Куй характеристери ўзгариши ва тезлашиши билан рақс тобора қизгинлаша бориб, кескин ҳолда тамом бўлади. Эркаклар (жанговар, қаҳрамонлик руҳида) ва аёллар (лирик, ҳазиломуз) рақслари билан фарқланади. Ҳозирги даврда Хоразмда лазги рақсининг 9 тури мавжуд: “Қайроқлазгиси”, “Кимнинг севарёрисан”, “Лойик”, “Сани ўзинг бир ёна”, “Гал-гал” ва бошқалар. “Лазги” нинг куй ва усулларидан Шариф Рамазонов ўзнинг “Хоразмча сюита”сида, М.Юсупов “Хоразм кўшиғи” операси ва “Гулсанам” балетида, Борис Гиленко “Хоразм мавзуидаги сюита”да, Сулаймон Юдаков “Хоразмча байрамона юриш”ида унумли фойдаланганлар.

Ўзининг юксак маҳорати, қизгин ҳаёти билан санъат тарихида ёрқин из қолдирган улуг сиймолардан бири Мукаррама Турғунбоевадир. “Баҳор” ансамблининг ташкилотчиси, моҳир раққоса, меҳрибон устоз, қалби дарё инсон Мукаррама Турғунбоева “Баҳор” ансамблини ташкил этибгина қолмай, унга

20 йилдан ортиқ давр мобайнида раҳбарлик килди, бор меҳрини, қалб қўрини, умрини баҳшида этди. Жаҳон санъатида машҳур сиймолар оз эмас. Бироқ мактаб яратиб кетган санъаткорларни бармок билан санаш мумкин. Шулардан бири Мукаррама Турғунбоевадир.

Мукаррама Турғунбоева – ўзбек ракс санъатида ўзининг мактабини яратса олган сара санъаткорлардан бири. Саҳнага чикканида 16 ёшда бўлган Мукаррама ракс санъати унинг тақдирига айланганини юракдан англаб етганди. У ракс сирларини қунт билан ўрганишга киришди. Бу борада унга анъанавий санъатимизнинг лири устозлари Уста Олим Комилов, Юсуфжон қизик Шакаржонов, Отахўжа ракқослар яқиндан ёрдам бердилар. Устозлари санъатидан баҳраманд бўлган раққоса тақлид йўлидан бормай, ўз услубини яратишга интилди. У яратган “Тановар”, “Жонон”, “Пилла”, “Муножот” сингари раксларда умумлашма поэтик образ яратишга интилиш бор эди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Мукаррама Турғунбоева раксларида куруқ техника эмас, ҳар бир ҳаракатнинг маъно ва мазмuni, ўша давр руҳияти акс этиб туради. Томошабинга ниманидир “сўзлаётгандек”, бирон-бир фикрни ифодалайтгандек бўлади. Аникроқ айтадиган бўлсак, у яратган раксда ҳар бир ҳаракатнинг ўз “сўзи” бор эди. Раққосаларнинг қўл ва оёқ ҳаракатлари, юздаги ним табассуми, ёқимли ва ҳаёли имо-ишораларининг барида фикрлар уйғунлиги ётади. Улар жуда оддий, сокин ҳис-туйгулар ила ижро этилган. Халқимизнинг қалб қўридан жой олган биргина “Тановар”ни эслашнинг ўзи кифоя. “Тановар” – ракс достони. Бу ракс жуда оддий ва енгил ҳаракатлардан ташкил топганга ўхшаса-да, ундаги лирик қаҳрамоннинг руҳий олами, ҳис-туйгулари, бой қалби, нозик тебранишлари барчани мафтун этиб келган. У ҳам мазмунан, ҳам шаклан, ҳам ижро жиҳатидан бошқа ракслардан ажралиб турган.

“Ҳар бир ижодкор санъатининг жилғаси хисобланадиган ўзига хос ихтироси бўлади, деб ёзган эди санъатшунос олимлардан бири. Мукаррамахонимнинг ажойиб асарлари бор. Лекин, бу санъаткор ижодининг, менинг назаримда, жилғаси “Тановар”дир. “Тановар”ни ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч қаерда Мукаррамахоним-

дек латофат ва назокат, махорат ва дардли ҳарорат билан ижро этмаган”⁴⁶.

Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Мухсин Қодиров таъкидлаганидек, “У яратган ва асос солған мактабнинг хусусияти шундан иборат эдики, у бир вақтнинг ўзида рақс санъатининг учта соҳаси бўйича иш олиб борди. Биринчиси – рақс ижрочилиги, иккинчиси – янги рақс яратиш, учинчиси – ёш раққосаларни тарбиялаб вояга етказиш эди”.

Мукаррама Турғунбоеванинг “Баҳор” рақс ансамбли дастурларида кўп йиллар давомида ижро этиб келинган рақсларини уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин. Бири ҳалқ орасида кенг ёйилган оддий ўйинлар негизида яратилган рақслар (“Андижон полкаси”, “Наманганинг олмаси”, “Беш қарсак”, “Тошкент пиёласи”, “Самарқанд баҳори” каби) бўлса, иккинчиси, мумтоз ўзбек рақсларини оммавий ва замонавий талқин асосида қайта тиклашга эътибор қаратди. Чунончи, у ўз қизлари билан “Катта ўйин”, “Занг”, “Рог”, “Соқинома” каби рақсларга янги ҳаёт бағишилади. Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонидан илҳомланиб яратган “Етти гўзал” рақси ҳам ўзбек мумтоз рақс санъатига мансубдир. У нафақат ўзбек миллий рақсларини, балки жаҳон рақс санъати намуналарини саҳнага олиб чиқишига муваффак бўлди.

Мукаррама Турғунбоева ўзининг “Баҳор”и билан дунё кезди. Ундан жуда катта маданий-маънавий мерос қолди. Бу ҳалқ орасига, онги шуурига сингиб кетган бир-биридан гўзал ва жозибали рақслардир. Уларнинг ҳар бирини шовуллаб оқаётган дарёга қиёслаш, маҳзун тараалаётган қўшикка tengлаш мумкин. Уларнинг ҳар бирида ўзбек аёлининг қалби, дарди, орзу-армонлари, шодлиги-ю қувончи, нафосати ва назокати, бахти ва қудрати манаман деб бўй кўрсатиб туради. Шу билан бирга “Баҳор”дан қолган бой меросда Мукаррама Турғунбоеванинг овози, нафаси, юрак ҳарорати сезилиб туради. “Гановар” куйи янграши билан саҳнага майда қадамлар билан, юзини рўмол билан яшириб, уятдан қўзларини олиб қочаётган назокат ва фасоҳатли куйга мос хиром айлаётган ҳассос санъаткор Мукаррама Турғунбоева чиқиб

46 Авлеева Л. Ўзбек миллий рақс тарихидан. –Т.: Чўлпон нашриёти. 2001. Б- 42.

келаётгандек туолади. Шунинг ўзиёқ унинг номи ва у қолдирган рақсларнинг умри боқийлигидан далолатдир.

Рақс санъатининг йирик намоёндаларидан бири Ўзбекистон халқ артисти, машҳур рақкоса ва балетмейстер, профессор Розия Каримовадир. У XX асрнинг 60-йилларининг иккинчи ярмидан зътиборан Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида ўзбек халқ рақси ҳаракатларини аниглаш, бир тизимга солиш ва ёзib олиш билан шуғуллана бошлаган. Бунинг учун Розия Каримова аввало рақсларни ёзib олишда жаҳонда мавжуд системаларни ўрганиб, уларга таянган ҳолда тадқиқот ишларини олиб борди. Жумладан, ўзбек рақсини, ҳаракатлари ва шаклларини ёзib олишнинг энг маъқул, энг қулай йўли ҳаракатларни мусиқа тактларига бўлган ҳолда сўз билан ифода қилиш ва рақкос тизмалиари, фотосуратлар билан тасаввурни мустахкамлаш керак, деган фикрга келади. Шу асосда рақс ҳаракатлари ва рақс асарларини ёзib олишга киришади. Бирин-кетин халқ рақслари услубларига бағишлиланган “Фарғона рақси” (1973), “Хоразм рақси” (1975), “Бухоро рақси” (1977) номли асосий ҳаракатлар жамулжам қилинган қўлланмалар яратилади.

Ўз тизими ва қўлланмалари асосида Розия Каримова рақс усталари томонидан яратилган ва халқнинг кўнгил мулкига айланган халқ анъанавий рақсларини ёзib олиб, улардан нашрий гулдасталар тузишга бел боғлади. “Баҳор” ансамбли рақсларини ана шу хайрли ишда илк, бироқ салмоқли қадам бўлди. Китобда Мукаррама Турғунбоева томонидан саҳналаштирилган “Тановар”, “Жонон”, “Муножот”, “Фарғона рубоийси”, “Пилла” каби якка рақслари, “Баёт”, “Баҳор вальси”, “Наманган олмаси”, “Пахта” сингари умумий ўйинларининг ёзуви ўрин олди.

Қўлланмада Бухоро рақси, Хоразм рақси, Фарғона рақсига тааллукли асосий ҳаракатлар мажмуаси алоҳида-алоҳида берилган. Ҳар бир услугга хос гавда, бош, қўл, қўлдаста, оёқ ҳолатлари, расмий ҳолатлар алоҳида бир бўлим сифатида қайд этилиб, кейин бирма-бир ҳаракатларни таърифлашга ўтилади. Ҳар бир рақс услугбига хос ҳолатлар ва асосий ҳаракатлар чизмалар ва суратлар билан таъминланади⁴⁷.

47 Қаранг: Каримова Р. Ўзбек рақслари. –Т.: Чўлпон нашриёти. 2003. Б- 4.

Кейинги йилларда ўзбек миллий рақс санъатини ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Соҳани ривожлантиришга қаратилган меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, миллий рақс ва хореография олий мактаби фаолияти йўлга кўйилди.

Хусусан, Президентгимизнинг 2017 йил 15 февралдаги “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4956-сонли фармонининг 4-бандига асосан “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси ва “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмаси негизида “Ўзбеккон-церт” давлат муассасаси ташкил этилиб, муассаса таркибида янги: Рақс ва хореография санъати фаолиятини ривожлантириш ва ташкил этиш бўлими фаолияти йўлга кўйилди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 10 та давлат ва хусусий рақс ансамблари мавжуд. Бу ансамбларда 200 дан ортиқ раққос ва раққосалар фаолият юритишади. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 16 та рақс жамоалари мавжуд бўлиб, уларда 400 га яқин санъаткорлар ижод қилмоқда. Шунингдек, Алишер Навоий катта опера театри, Муқимий, Бердақ номидаги мусиқали театрлари ҳамда Тошкент оперетта театрида 150 дан ортиқ раққос ва раққосалар, балет артистлари меҳнат қилмоқдалар.

Рақс санъати инсоннинг меҳнат жараёни ва борлиқдан олган ҳиссий таассуротлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Бу санъат дастлаб кўшиқ ва сўз билан боғлиқ бўлиб, кейинчалик мустақил санъат турига айланган. Рақс асрлар давомида такомиллашиб, барқарор шаклларга эга бўла борган.

Рақс санъати маданиятимизнинг ажralmas қисми экан, уни янада бойитишига ўз ҳиссамизни қўшмогимиз лозим. Бугунги кунда “Ўзбекрақс” бирлашмаси тасарруфида янги рақс гурухлари ташкил топган бўлиб, уларда болалар раксларига ҳам эътибор қаратилган. Ҳар йили ўтадиган Мустақиллик ва Наврӯз байрамларида ва халқаро анжуманлар дастурида рақс санъати марказий ўринни эгаллайди. Хореография мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Халқ рақс ва балет мактаби инсон руҳий ҳаётини чуқур акс эттирувчи, гўзал поэтик табиатга ҳамда бадиий умумлашмага эга бўлган санъатdir.

Янги ривожланаётган даврда жамиятимиз хаётининг барча соҳаларида рўй берадиган туб ўзгаришлар миллий рақс санъатини янги замон талаблари асосида ривожлантириш, миллий рақснинг турли йўналиш ва намуналарини қайта тиклаш ва асрраб-авайлаш ҳамда келажак авлодга етказиш, рақс санъати орқали хозирги замон ёшларини миллий, шарқона ҳамда умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялаш, аждодларимиз томонидан яратилган ва бутун дунёга машхур бўлган миллий рақс намуналарини янада такомиллаштириш ва тарғиботини кучайтиришни такозо этмоқда.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Рақс санъати тарихихақида тушунча беринг.
2. Рақс санъати нечта йўналишлардан иборат? Уларнинг номларини айтинг.
3. Рақс санъати мактабига асос солғанрақс устозлари ҳақида фикрингиз.
4. Рақсларнинг худудларга хос бўлган жиҳатлари ва бирбиридан фарқини тушунтириб беринг.
5. Мукаррама Турғунбоеванинг ўзбек миллий рақс санъатига кўшган ҳиссаси.

8-МАВЗУ: ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОР САНЪАТИ ТАРИХИ

Режа:

1. Ўзбек фольклор санъатининг ривожланиш тарихи.
2. Ўзбек фольклор санъатининг асосий йўналишлари.
3. Фольклоршуносликда халқ қўшиқчилик санъати ва унинг ижтимоий тараққиётдаги аҳамияти.

Таяпч сўзлар: фольклор, маросим, мавсумий қўшиқлар, латифа, лоф, меҳнат қўшиқлари. болалар фольклори, асқия, оғзаки драма, ҳикоя, лапар, ёр-ёр, ўлан, келин салом, йўқлов, бадик, ё рамазон. суст хотин, маросимлар, урф-одат.

Халқ оғзаки бадиий ижодини ўрганувчи фанлардан бири – бу фольклоршунослик деб юритилади. Фольклоршунослик таркибига бугунги кунда этнография, адабиётшунослик, маданият тарихи, мусиқашунослик кабиларни киритиш мумкин.

Фольклорни ўрганиш тарихи унга нисбатан фақат илмий мақсадларда ёндашилганликни қузатиш билангина чекланмай, инсоният тафаккури тараккётида унга турлича муносабатда бўлган илм-фан ва маданият намоёндаларининг қизиқишлигини ҳам ҳисобга олиш зарурдир. Жумладан, қадимги дунё сайёҳлари ва тарихчиларининг афсона ва ривоятлар, турли урф-одат ва маросимлар ҳақидаги қайдлари, ёзувчи ва бастакорларнинг фольклор тўғрисидаги илк фикрлари фольклоршунослик учун жуда муҳимдир. Мазкур мавзуда фольклоршунослик таркибига кирувчи маданият тарихи, мусиқа йўналишларида ёзилган фольклор асарларини ўрганамиз ва тахлил қиласиз.

Ўзбек фольклори намуналарини тўплаш ва нашр этиш ишлари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўрганилган бўлса-да, (Х.Вамбери, Н.П.Остроумов тўпламларида) унинг асосий, яъни чинакамига тўплаш ва нашр этиш ишлари 1919 йилдан амалга оширила бошлаган. Янгича йўналишда шакллана бошлаган ўзбек фольклорининг дастлабки босқичи 1918-1925 йилларни ўз ичига

олади⁴⁸. Мазкур йилда ўша давр шарқшунослиги ва ўлкашунослиги эришган ютуқларини изчиллик билан ўзлаштиришга интилиш, фольклор материалларини жадал жамлаш, халқ ҳаёти ва маданий турмушининг барча томонларига кириб боришга уриниш билан ажралиб туради. Бунда Фози Олим, Гулом Зафарий ва Элбекларнинг фаолиятлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Фольклорни ёзиб олишдаги илк тажрибалар XI асрдан бошланган бўлиб, бизгача етиб келган энг қадимий манбалардан ҳисобланган Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луготиг-турк” асарида қошуғ шаклида берилган бўлиб, бу сўзнинг изохи шеър, қасида деб кўрсатилган⁴⁹.

Маҳмуд Қошғорий йикқан меҳнат, урф-одат, мавсум-маросим кўшиқлари, афсона ва ривоятлар, мақол ва маталлар, уларнинг мазмуни, қўлланиш ўрни ҳақидаги маълумотлар фольклар санъати тарихида муҳим аҳамият қасб этади.

Меҳнат кўшиқлари туркий халқларнинг маънавий ва меҳнат фаолиятининг самаралари сифатида юзага келган. Бинобарин, халқ кўшиқлари меҳнат фаолиятлари, жумладан, чорвачилик, овчилик ва дехкончилик билан шуғулланиш жараённида яратилган. Маълумки, дастлабки кўшиқлар эстетик завқ бериш мақсадида эмас, балки табиатга таъсири кўрсатиш учун яратилган. Маҳмуд Қошғарийнинг девонидан жой олган кўшиқларда табиат ва жамият билан боғлиқ бўлган одамийлик, меҳнатсеварлик, мардлик ва қаҳрамонликлар улуғланади.

Ўзбек фольклори жанрларини куйидагича тавсифлаш мумкин:

1. Урф-одат ва мавсум-маросимлар билан боғлиқ асарлар.
2. Турли урф-одат ва маросимлар билан боғлиқ бўлмаган фольклор жанрлари.

Биринчи гурухга: меҳнат кўшиқлари (хўп-майда, турей-турей, турей-чурей, хўш-хўш ва бошқалар); мавсум кўшиқлари; маросим кўшиқлари (туғилиш, тўй, аза ва бошқалар); айтимлар киради.

48 Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедия. Давлат илмий нашриёти. 2005. 9-том. Б- 278.

49 Маҳмуд Қошғарий. Девони луготиг-турк. –Т.: Гоғур Гулом номидаги националь-матбаа ижодий уйи. 2017. Б- 151

Иккинчи гурухга: фольклар (достон, эртак, афсона, ривоят, лофт ва латифалар); лирик (қўшиқ, ашула, терма); драматик (аския, оғзаки драма); кичик жанр (мақол, топишмоқ)ларни ўз ичига олади.

Фольклор асарлари ҳам бадиий адабиётларда бўлганидек, ўзининг тузилиши ва гоявий-бадиий хусусиятларига кўра ўзаро ўхшаш ҳамда фарқли томонларига эгадир. Фольклор ижтимоий тараққиёт билан узвий боғлиқ ҳолда ҳалқ ҳаётидаги тарихий ўзгаришлар билан ривожланиб борди. Бу эса юқорида таъкидлаганимиздек, бевосита ҳалқ ижоди тараққиётининг илгари босқичларида майдонга келган айрим жанрлар, хусусан, мавсуммаросим қўшиқлари, лирик ва тарихий қўшиқлар, латифа ва лофлар, аския ва оғзаки драмаларнинг лайдо бўлишига олиб келди. Мазкур жанрлар асосида ҳалқимиз маданий ҳаётидаги улкан ривожланишлар, муҳим тарихий воқеалар акс этади.

Фольклор жанрлари гоявий-бадиий хусусиятлари билангида эмас, балки ижро услублари билан ҳам (якка ижрочилик, жамоа ижрочилиги, созли ва созсиз) бир-биридан фарқ қиласи. Жумладан, уларнинг бири қўшиқ куйлаши, иккинчиси эртак ёки хикоя айтиши, яна бири лапар куйлаб, ўйин ижро этиши билан ажрабиб туради. Фольклор жанрлари орасидаги бундай бўлинишлар уларнинг жуда катта ғоявий-эстетик вазифаларни бажариш билан бирга, муҳим ижтимоий-маиший функцияни адо этишини ҳам тақозо қиласи.

Ўзбек ҳалқ оғзаки ижодининг ҳўп-майда, ҳўш-ҳўш, турей-турей каби туркум намуналари меҳнат жараёнлари билан боғлиқ бўлса, ёр-ёр, ўлан, лапар, келин салом, йўқлов, бадик, ё рамазон, суст хотин каби турли маросимлар, урф-одат, ижтимоий турмуш тарзи билан бевосита алоқадордир. Жумладан, хирмон янчиш вақтида дехқонлар томонидан айтиладиган қўшиқлардан бири ҳўп-майда ёки майдагул бўлиб, куйидагича ижро этилган:

Айри-айри түёкка, майда-ё, майда,
Айринаҳал ярашар, майда-ё, майда.
Жилвалаган қулоққа, майда-ё, майда,
Тилла сирға ярашар, майда-ё, майда,

Инсоннинг яшаш ва ҳаёт кечириш тарзи, йилнинг тўрт фасли, меҳнат ойлари, байрамлар, урф-одатлар, маросимлар, мавсумий иш ҳаракатлари билан боғлик равишда жуда кўп қўшиқлар яратилган. Жумладан, бойчечакнинг очилиши, Наврӯзнинг келиши, баҳор ёмгири, лайлакнинг келиши кабиларга қўшиқлар бағишиланган.

Инсон ҳаётидаги биринчи қўшиқ, бу она алласидир. Онанинг меҳри дарё, дейдилар. Аллаларда оналарга хос бағри кенглик, меҳрибонлик майин дил қаъридан сизиб чикқан ёқимли куйлар таралади. Аллалар асосан тўртликлардан иборат бўлиб, ҳар тўртликтан сўнг икки сатр бир хилда такрорланади:

Ўзинг гавҳар донадай,
Туртиб эмган танадай,
Кўлимда чўрчиб ўйнасанг,
Кўлда суксур-сўнадай.
Алла, болам, алла-ё
Жоним болам, алла-ё.

Алла қўшикларининг мазмуни, куйи она руҳий ҳолатидан келиб чиқади, шунингдек, қўшиқ яратилган давр руҳи аллада акс этади. Ҳозирги кунда ёш оналаримиз алла айтмаса-да, онда-сонда учраб турадиган бугунги кун аллаларида ҳаётга муҳаббат, баҳти турмуш, порлоқ истиқболни куйлаб янги мазмундаги аллалар айтилмоқда.

Ўзбек фольклор санъати ўзининг ғоявий-бадиий мазмуни билан ҳалқимизнинг ўтмиши ва бугунги ҳаётимизни теран англаш, миллий қадриятларимизни қадрлаш ва хурмат қилишга ўргатишида муҳим омилdir. “Мусика асосан, ҳалқ ва оғзаки анъанадаги профессионал мусика сифатида қадимдан ривожланиб келган. Ҳалқ мусиқасида лапар, терма, ялла, қўшикларнинг турли хиллари (маросим, майший, меҳнат, ўйин, ракс, лирик, насиҳатомуз ва б.), оғзаки анъанада, ўзбек профессионал мусиқасида эса достон, катта ашула, ашула, мақом, чолғу йўллари каби жанрлар мавжуд”⁵⁰. Шундай экан, ҳалқ мусика мероси, хусусан, ўзбек фольклори на-

50 Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашириёти. 2003. 6 том. Б- 147.

муналарини халқимиз онгига сингдириб бориш, шу асосда уларнинг миллий-маънавий дунёқарини кенгайтириш, уларда миллий онг ва маданиятни шакллантириш ҳозирги куннинг муҳим ижтимоий вазифалардан биридир. Бунинг учун биз, аввало куйидагиларга эътиборимизни қаратиши-миз зарур:

1. Халқимизни халқ мусиқа ижодиётидан хабардор этишимиз, халқ мусикасининг асл тарбиявий мазмуни ва моҳияти ҳақида чукур билим ва малакага эга бўлишларига эришиш;
2. Халқ мусиқа ижодиёти намуналари, хусусан, ўзбек фольклор қўшиклари бўйича зарур манбаларни йиғишимиз ва уларни илмий тадқиқ этишимиз;
3. Ўзбек халқ фольклор қўшиқларидан халқимиз-нинг бадиий-эстетик тарбиясида фойдаланиш бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқишимиз;
4. Турли мавзулардаги фольклор қўшиқларини, ўрни келганда ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқ аҳолиси орасида кенг тарқалган маҳаллий намуналарини ўргатиб бориш шулар жумласидандир.

Шу ўринда айтиш мумкинки, халқимиз орасида ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган, нотага олинмаган, мусиқа тўпламларига киритилмаган жуда кўплаб фольклор қўшиқлари мавжуд эканлиги, уларни тўплаш, нотага олиш ва ўз амалиётларида фойдаланиш мусиқашунослар олдидаги муҳим вазифалардан эканлигини таъкидлаб ўтишни ўринли деб биламиш. Бундай эзгу ишларни вилоятларда оммалаштириш, жонкуяр, фидойи бўлган мазкур соҳа мутахассисларини бундай ишларга сафарбар этиш лозим. Фольклор қўшиқларини ўрганиш орқали улар мазмунидаги панд-насиҳат, одоб-ахлоқ, ватанга, халқига бўлган муҳаббат, миллатимизга хос бўлган ҳаё, ибо, андишлилиқ, муомала маданиятига оид инсоний муносабат меъёрларини сингдириб бориш мумкин.

Фольклоршуносликда халқ қўшиқчилик санъати энг кўхна санъат турларидан бири бўлиб, у халқнинг орзу-умидлари, турмushi, ахлоқи, ижтимоий-маданий ва миллий озодлик учун курашини ўзида ифодалайди. Ўзбек халқ қўшиқчилигини жанрлари жиҳатидан хилма-хиллиги ва ҳаётда тутган ўрнининг турли-ту-

манлиги ва ҳаётда тутган ўрнига кўра икки гурухга бўлиш мумкин.

1. Маълум вақт ва шароитда ижро этиладиган қўшиқлар. Бунга оилавий маросим қўшиқлари, меҳнат қўшиқлари, аллалар ва ҳар хил тантаналарда ижро этиладиган қўшиқлар киради.

2. Исталган вақтда, ҳар қандай шароитда ижро этиладиган қўшиқлар. Буларга лапарлар, яллалар, ашула, қўшиқ, чолғу куйлари, айтишувлар киради.

Ҳар бир гурухга киравчи қўшиқлар ўзига хос характерли белгиларга эга. Масалан: ижро этилиши маълум вақт ёки шароитни тақозо этадиган биринчи гурух қўшик жанрларининг мавзуси муайян маросим ёки бошқа вазият билан боғлиқ, бўлиб, улардан деярли четлашмайди. Бунга ёр-ёрларни мисол келтириш мумкин. Иккинчи гурухга киравчи қўшиқлар эса жой ва вақт танламайди. Улар умуминсоний қадриятлар асосидаги қўшиқлар бўлиб, жанр жиҳатидан ҳам хилма-хил ва мураккабдир.

“Ёр-ёр”лар қиз узатар кечасида айтиладиган қўшиқлардан бири бўлиб, бу қўшиқларнинг мазму-нини, асосан қиз ўстирган она билан отанинг таърифи, орзулари, узатилаётган қизнинг гўзаллиги, чеварлиги, қизга турмуш ҳақидаги насиҳатлар, унибўзиши, серфарзанд бўлиши тўғрисидаги тилаклар ташкил қиласди. “Ёр-ёр”лар мамлакатимизнинг барча жойларида кенг тарқалган бўлиб, уни асосан аёллар ижро этадилар.

Кўпгина илмий тадқиқотларда ҳам ҳалқ мусиқаси мероси таркибидаги фольклор, мумтоз ва қуй-қўшиқларини юксак тарбиявий таъсирчанликка эга эканлити, уларни ёшлар маънавий оламига чуқурроқ сингдириш, бадиий-эстетик тарбиясида тўғри ва мақсадли фойдаланиш орқали юқори самарадорликка эришиши мумкинлиги асоси slab берилган.

Ҳақиқатан ҳам, ҳалқ мусиқа мероси энг оммавий-лик касб этувчи қўшиқлардир. Қўшиқчилик ижодиётига оид фольклор, мумтоз ва мақом асарла-рининг бадиий мазмуни таҳлил қилинса, уларда “Ҳалқ донишмадлиги”нинг энг улуғ ва олийжаноб ғоялари музжассамлигини кўриш мумкин. Масалан, фольклор йўналишидаги ҳалқ қўшиқлари ўз мазмунида ҳалқ ҳаётининг энг муҳим, ўзига

хос турли кўринишлари ва қирраларини акс эттирадики, мусиқа дарсларида уларни ўрганиши ёшларнинг миллий ўзлигини англашларида бекиёс аҳамият касб этади.

Халқимиз фольклор меросидаги энг машхур ва қадрли бўлган кўшиқлар мумтоз адабиётимизнинг энг сара шеърий намуналарига боғланган мусиқий оҳанглар жўрлигига ижро этилиб, авлоддан-авлодга ўтиб, хозирги кунда ҳам ўз кўрки ва қимматини йўқотмай келмоқда. Бундай фольклор кўшикларни ҳар қандай холатда ҳам инсон ҳиссиётига бадиий-эмоционал таъсир кўрсатиши ҳакида буюк шарқ алломалари жуда кўп ва хўп фикрларини айтиб ўтишганлиги ҳам ҳақиқатdir.

Ўзбек халқининг мусиқа меросида алоҳида ўрин тутувчи яна бир йўналиш – бу панд-насиҳат мотивлари билан йўгрилган кўшиклардир. Шарқ мумтоз шеъриятининг улкан намоёндалари ижодида кўплаб панд-насиҳат мавзууда асарлар яратилган ва хозир ҳам яратиб келинмоқда. Бу мавзудаги шеърий намуналарнинг аксарият кисми кўшиқ килиб ижро этилиб, халқимиз томонидан доимо севиб тингланиб, устоз-шогирд анъанасида авлоддан авлодга ўтиб келган.

Ўзбек фольклор мусиқа меросидаги аҳамиятга молик кўшиқчилик йўналишларидан яна бири, бу танқидий руҳдаги ҳазил ва ҳажвий кўшиклардир. Бу мавзудаги кўшиклар мазмунидан салбий илиатлар, ҳолат ва кўринишлар, ўзига хос киноя, қочирим, ҳазил-мазах орқали талқин қилинадики, улар ҳам ўз ўрнида мухим тарбиявий кучга эга эканлиги билан ажralиб турди. Кўринадики, ҳалқ мусиқа ижодиётининг энг оммавий, хозиржавоб ва кенг қамровли шакли бўлган кўшиқчилик санъатининг бугунги кундаги мавқеи, таълимий-тарбиявий масалаларни ҳал этишдаги роли ва ўрни ҳар қачонлигидан-да, долзарб бўлиб келмоқда.

Фольклор кўшиклари яратилиш тарихи нуқтаи назаридан олис тарихий ҳаёт ва қадимий бой тафаккур маҳсулидир. Кўшиқнинг мазмунини чуқур англаш, ижро жараённида ҳам сўзларнинг мазмунига хос талаффузни кўллаш орқали амалга оширилади. Мазкур жараённинг тарбиявий томони шундан иборатки, бунда ёшлар

қадим аждодларимиз томонидан муқаддас санаалган тушунчалар. уларни эъзозлаш, табиат ва инсонни қадрлаш каби умумбаша-рий ғоялар таъсирида ўз дунёқарашини шакллантиради. Ҳар бир гапирган гапи ва ўқиган сўзининг моҳиятига эътибор беришга кўнникма ҳосил қиласди. Унда миллий қадриятларга ҳурмат ҳисси шаклана боради.

Маълумки, болалар ўйинлари ичида фольклор элементлари кўп учрайди. Булар воқеабанд шеърий парчалар, диалоглар, савол-жавоблар, топишмоқ жумлалардан иборат бўлади. Ўйинлар, одатда болаларнинг уларга хос енгил ҳаракатлари, шўхлик, қийқириқ, ҳаяжонлари асосида тузилган бўлиб, шеърий парчаларнинг оҳангига шу ҳаракатларга мосланган бўлади⁵¹.

Болалар фольклорининг доираси ниҳоятда кенг бўлиб, унинг намуналари ҳалқ оғзаки ижодининг деярли барча жанрларида мавжуд. Булар алла қўшиқлари, эртаклар, тез айтишлар, топишмоклар, ўйин қўшиқлари, ўйинлар, эрмаклар шулар жумласидандир. Болалар ўйинлари ва ўйинлар билан айтиладиган қўшиқларнинг кўплари йил фасллари билан боғланган. “Бойчечак”, “Офтоб чиқди одамга”, “Читтигул”, “Лайлак келди – ёз бўлди”, “Қалдирғоч”, “Ёмғир ёғалок” сингари қўшикларни болалар том бошларида, далаларда, қўчаларда айтишган.

Ҳалқ оғзаки ижодида шундай қўшиклар борки, уларнинг айримлари қадимги даврларда муайян маросим ва урф-одатлар билан боғлиқ бўлган. Кейинчалик улар катталар репертуаридан чиқиб, бутунлай болалар фольклорига ўтган. Шулардан бири “Бойчечак” қўшиғидир.

Бойчечагим боласи,
Кулогида донаси.
Донасини олай десам,
Чиқиб қолди онаси.
Қаттиқ ердан қаталаб чиқсан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб чиқсан бойчечак.
Бойчечагим бойланди,

51 Раззоков Ҳ., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К. Ўзбек ҳалқ оғзаки поэтик ижоди. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи. 1980. Б-274.

Қозон тұла айронди.

Айронингдан бермасанғ, қозон-товоғинг
вайрондир.

Бойчечак ернинг қори эриб тугаши билан ер бетига чиқиб, амал кирганини билдирадиган ўсимликтір. Унинг пайдо бўлиши халқимиз орасида қадим замондан бери нишонланиб келадиган “Наврўз” байрамига тўғри келади. Бу байрам кунлари ҳар бир хонадонда қоқи мевалардан шарбат тайёранган. Янги чиқкан ўсимликлардан кўк сомса, чучваралар пиширилган, маҳаллаларда сумалак, кўк оши базмлари бошланган. Худди шу фаслда болалар тўп-тўп бўлиб бойчечак ўсимлигини дала-кирлардан қидириб топиб, сўлиб қолмаслиги учун лойи билан латталарга ўраб, кўчама-кўча, ҳовлима-ҳовли юриб қўшиқ айтганлар. Ҳар бир хонадон соҳиблари болаларни шарбат, кўк сомса, сумалак, чучвара, бўғирсок каби байрам таомлари билан сийлаганлар. Ўзига тўқ хонадонлар эса болаларга таомлардан ташқари танга ва чақалар ҳам берганлар.

“Офтоб чиқди оламга” қўшиғида эса болаларнинг ўзига хос арази, норозилиги ифодаланганлиги кўришимиз мумкин:

Офтоб чиқди оламга,
Югуриб бордим холамга.
Ана дала, ер, деди,
Холам ўтин тер, деди.
Ўтин тердим бир кучоқ,
Кулча ёпди бир ўчок.
Ўглига берди анча,
Менга бир куюқ кулча.

Фольклор қўшиқлари халқимизнинг ўзига хос ҳаёт фаолияти давомида инсон ёшлиқ даврининг муайян босқичларига мос равишда кичик ёшдаги болакайлар олами билан катталар дунёкарашининг уйгунашуви остида шаклланиб келган. Улар орасида айниқса болалар ўйин-қўшиклари бўлган “Зув-зув борагай”, “Чорий-chanбар”, “Читтигул”, “Оқ теракми – кўк терак”, “Чиллак”, “Ким олади-я – шугинани-я”, “Ланка”, “Куён”, “Чучвара қайнайди” каби қўшиклар ижро хусусиятига кўра куйлаш

билинг бирга бирор-бир жисмоний ҳаракатларни бажариш орқали ижро этилади. Бундай қўшиқларни ижро этиш давомида ёшларда кўшиқ кўйлаш малакалари билан бирга чақонлик, сабр-тоқат, чидамлилик, топқирлик ва мақсадга интилиш хислатлари шаклланади.

Масалан, “Чорий-чанбар” болалар фольклор қўшигини ижро этиш ҳолати қуйидагича амалга оширилади:

- болалар давра куриб, оёқларини олдинга чўзиб ўтирадилар. Бошловчи қўшиқни кўйлай туриб бармоғи учини болалар оёқларига теккизиб санайди. Саноқнинг охири кимда тўхтаса, шу бола бошловчининг у ёки бу шартини бажаради (рақсга тушади, бир оёқда туради ва ҳоказо). Кўриниб турибдики, мазкур фольклор қўшиқ болаларда эстетик маданиятнинг таркиб топишига хизмат қиласди.

Ёки бўлмаса, “Оқ теракми – кўк терак” қўшигини олиб кўрайлик. Бунда болалар тенг икки гуруҳга бўлинниб, маълум ма-софада кўл ушлашиб турадилар. Ўйин шартига кўра бир томон “Оқ теракми – кўк терак, биздан сизга ким керак?” деб куйлашади. Қарши томондагилар эса бошловчи гуруҳдан бир боланинг исмини айтишади. Исми тилга олинган бола югуриб қарши гуруҳдаги болалар занжирини ёриб ўтишга ҳаракат қиласди. Ёриб ўтса, ғолиб сифатида бир болани ўз гурухига етаклаб келади. Ўйин шу тариқа бир гурух ғолиб бўлгунча (бир гурухда бир бола қолгунча) давом этади. Бу эса болаларда чақонлик, жасурлик, мардлик, дўстлик каби фазилатларни шакллантиришда ёрдам беради. “Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб, ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келган”⁵².

Болалар фольклорида болалар кундалик фаолия-тида ишлатиладиган шундай тизмалар борки, улар юмор билан йўғрилган. Уларда болаларнинг бир-бирига ҳазили, бир-бирини эрмак қилиши, айрим болалардаги нуқсонлардан кулиш, атроф-мухит ва ҳаётга муносабати ифодаланади. Жумладан, кичик ёшдаги

52 Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б- 32

шўх, гапга чечан болалар баъзи ишёкмас, дарсга акли етмайдиган болаларни танкид қилиб куйидагича эрмаклашган:

Анаву болани-я,
Кўзи олани-я.
Хом ошқовоқ,
Елпиш товок.

Болалар фольклори уларнинг бадиий-эстетик тарбиясини юксалтириш масаласида муҳим восита бўлиб хизмат қиласди. Унинг айрим намуналари бугунги кунгача етиб келди, бир қанча фольклор асарлари эса, мактаб дарслеклариға киритилиб, уларга янгила ҳаёт бағишилади. Болалар фольклори ўзбек болалар адбиётининг шаклланиши ва тарақкий этишида катта роль ўйнайди.

Фольклор қўшиқларининг ўзига хос ва асосий вазифаларидан бири, баркамол авлодни тарбиялашдир. Шундай экан, миллый кадриятларимиз тикланаётган айни пайтда ҳалқ маънавиятининг бетакрор ва ўлмас жанри бўлган қўшиқларни ёш авлодга ўргатиш, бу жараённи амалга оширишнинг айрим меъзонларини ишлаб чиқиши, қўшиқларни ўргатишдан мақсад нима деган саволга жавоб беришимиз керак бўлади.

Миллый анъянавий ҳалқ қўшиқларининг баркамол авлод тарбиясида тутган муҳим ўрни, унинг маънавиятимиздаги аҳамияти хусусида тадқиқот ишлари олиб борилган. Аммо уларни ўрганишнинг методологик асослари масаласида жиддий тадқиқот олиб борилган деб айта олмаймиз.

Фольклор қўшиқларининг мазмуи-моҳиятида муайян ҳалқнинг орзу ингилиши, қувонч ва армонида ўз ифодасини топади. Қўшиқнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири унинг хистайтуғуга бойлиги, инсонга эстетик завқ бағишилашдир. Ўзбек ҳалқ қўшиқларининг тарихий асосини ўргангандан фольклоршунос Абийр Мусакуловнинг ёзишича, ҳалқ қўшиқларининг пайдо бўлишида мифоэтик тафаккур муҳим аҳамият касб этган. Аждодларимиз қўшиқни ҳам нозик ва гўзал қуш каби учиб юрувчи мавжудот деб тасаввур килянган.

Фольклор санъати – бу анъаналарда сақланиб, бизгача етиб келган оддий мерос эмас, у биз билан харакатда, хизматда, ўсиш

ва ривожланишда бўлган улкан ижод. Бу тенгсиз ижодни бугунга хизмат қилдириш, унинг замонамизга ҳамнафас жиҳатларини ривожлантириш бизнинг асосий вазифамиздир.

Хулоса қилиб айтганда, фольклор санъатида ҳалқ қўшиқчилик ижодиётидан баркамол авлод тарбиясида кенг фойдаланиш йўлида таъкидлаб ўтилган муаммоларни ижобий ҳал қилиш жамиятимизнинг маънавий-маърифий пойdevорини мустаҳкамлаш йўлида қўйилаётган вазифаларни самаралироқ амалга оширишда янги уфқлар очади.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ўзбек фольклор санъатининг ривожланиш тарихи ҳақида гапириб беринг.
2. Ўзбек фольклор санъатининг асосий йўналишлари ва жанрлари тўғрисида фикр билдиринг.
3. Фольклоршуносликда ҳалқ қўшиқчилик санъати ва унинг ижтимоий тараққиётдаги аҳамияти қандай?
4. Болалар фольклори ҳақида нималар биласиз?
5. Ўзбек фольклор мусиқа меросидаги қўшиқчилик йўналишлари ҳақида тушунча беринг.

9-МАВЗУ: ДОСТОНЧИЛИК САНЬЯТИ ТАРИХИ

Режа:

1. Достончилик санъати ва унинг келиб чиши тарихи.
2. Ўзбек достончилик санъатининг асосчилари.
3. Достончилик санъатида бахшичилик ва унинг ёшлар маънавий дунёкашини шакллантиришдаги роли.

Таянч сўзлар: достон, бахши, соки, сановчи, созчи, жиров, дўмбира, кўбиз, киссаҳон. ҳикоя, ҳалфа, анъана, терма, оқинлар, шомон, кохин, қаландар, жарроҳ, фолбин, котиб.

Достончилик санъати – халқ оғзаки поэтик ижо-дидаги қадимий эпик анъана, номоддий маданий мероснинг энг ёрқин намуналаридан биридир. “Достон” сўзининг ўзи форс тилидан олинган бўлиб, “кисса”, “ҳикоя”, “тарих” маъноларини ифодалайди. Ўзбек бадиий адабиётида достонлар яратилиш усулига кўра икки хил бўлади. Биринчи тури ёзма адабиёт вакиллари томонидан ҳар бир банди маснавий – икки мисрадан иборат, фақат шеърий шаклда яратилади. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадгу билиг”, Навоийнинг “Хамса” асаридаги бешта достон ва ҳоказолар. Ёзма адабиётдаги достонлар аruz вазнида ёзилади. Индивидуал ижод маҳсули ҳисобланади. Бинобарин, ёзма адабиётдаги достонлар якка шахс ижоди анъаналари асосида вужудга келади.

Иккинчи тур достонлар халқ оғзаки ижод маҳсули сифатида фольклор анъаналарига бўйсунган холда яратилади. Халқ оғзаки ижодидаги достон фольклоршунос олимларнинг диққатини алоҳида ўзига жалб этган. ўзбек халқ оғзаки ижоди таркибида энг кўп ўрганилган, катта мунозараларга сабаб бўлган, қолаверса, ўзбек халқ оғзаки ижоди меросини бутун дунёга маълум ва машҳур килган жанрdir.

Достонни олимлар синкетик жанр деб биладилар. “Синкетик” сўзи юононча бирлашган; қисм, бўлакларга ажralган маъносини беради. Достон ҳақида гап борганда, синкетик сўзи бу жанрдаги асарларда сўз, мусиқа, хонандалик, ҳофизлик, ба-

дий үқиши, нотиқлик, актёрлик санъатларининг уйгун намоён бўлишини изохлайди.

Ҳакиқатан ҳам, Бола бахши (Курбонназар Абдуллаев), Чори бахши Хўжамбердиев, Шомурод бахши Тогаев. Қаҳхор бахши Қодир бахши ўғли Раҳимов ижроларини бевосита кўриш ва эшитиш жараёнида юкорида қайд этилган санъатларнинг тўлиқ гўзалликда уйгунлашувини, қўшимча равишда бу ижрочи ва ижодкорларда бадиҳа санъати маҳорати тўлиқ намоён бўлганини кўрганмиз.

“Достон” сўзининг яна бир маъносини ҳам билиб олиш керак. Бу – эл орасида гапирилмоқ, куйланмоқ, оғизга тушмоқ демакдир. Демак, достонларда иштирок этган қаҳрамонлар, бир томондан, асардаги образ сифатида қайд этилса, иккинчи томондан, эл оғизга тушувчи, шуҳрат топувчи инсон тушунчасини ҳам ўзида сингдирган бўлади. Натижада, ижобий қаҳрамонларнинг оғизга тушиши ёки муҳаббат топиши халқ педагогикаси талабларига ҳам жавоб берадиган инсон бўлиб танилиши билан боғланади.

Шундай қилиб, “Алломиш”, “Гўрўғли” туркуми-даги “Гўрўғлининг туғилиши”, “Малика Айёр”, “Равшан” каби ўнлаб асарлар, “Кунтуғмиш”, “Рустамхон”, “Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам” кабилар халқ оғзаки ижодидаги достон жанрига мансуб намуналар бўлиб, асрлар давомида эл қалбидан самимий ҳурматга сазовор, шуҳратга эришган дурдоналардир.

Достон ижросида Хоразм усули Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги анъанадан тамомила фарқ қиласи. Бу ерда достон ижроси профессионал хонандалик йўлида амалга оширилади. Бахши достон матнини ёддан ижро этади, шу билан бирга дўмбира чертuvчи бахшилардан фарқли равишда достонга йўл-йўлакай ўзгартириш киритишдан ўзларини сақлайдилар. Чунки Хоразм достончилигига достон матн, кўпинча, халқ китоблари туркумидаги XIX асрда чоп этилган китобларга асосланади. Матнга ўзгартиш киритиш бу анъана қоидалари бўйича маъқулланмайди. Табиий савол туғилади: у ҳолда Хоразм бахшиларининг достон айтиш маҳоратини қайси мезон белгилаши мумкин? Хоразм бахшилари ўз маҳо-ратларини достонни айтишда мумтоз

музиқага, достондаги шеърий парчаларни алоҳида қаҳрамоннинг арияси даражасида куйлаш билан кўрсатадилар. Хоразм бахшиларининг овози мумтоз ашула айтувчилар овозидан деярли фарқ қилмайди. Достон мусиқаси ҳам мумтоз санъат усулига асосланган. Аҳмад бахши, Бола бахши, Қодир созчи, Болтавой бахши каби санъаткорлар ижоди Хоразмда шуҳрат топган эди.

ХХ аср Хоразм достончилиги ривожи, шубҳасиз, Бола бахши – Курбонназар Абдуллаев ижоди билан боғлиқдир. Хоразмда аёлларнинг достон айтиши ҳам кенг тус олган эди. Биби шоира, Хонимжон халфа, Ожиза, Онажон Сафарова, Назира Собирова Хоразм достонларини куйлашда етук бахшилар қаторидан муносиб ўринга эга бўлганлар. Бу анъана бугунги кунда ҳам тўлик давом этмоқда. Қаландар бахши Норматов, Норбек Абдуллаев, Зулфия Ортикова, Нодира Бекова, Роҳат Ҳўжаниёзовалар устоз бахшилар ва халфалар санъатини давом эттирмок-далар. Айниқса, “Ошик Ғарип ва Шоҳсанам”, “Ошик Ойдин”, “Бозиргон” каби достонлар маҳорат билан ижро этилмоқда. Халфалар эса достондан парчалар, тўй қўшикларини, лапар, яллаларни куйлашда халққа роҳат багишламоқдалар.

Бола бахшининг эслалича, Мұхаммад Раҳимхон Феруз хонлик пайтида ҳар йили ҳофиз, созанда, бахшилар кўригини ўтказар экан. Кўриқдан ўта олмаган санъаткор тингловчилар олдида созчалиш, ашула айтиш, достон куйлаш хукуқидан маҳрум килинар экан. Бу санъаткор кейинги кўриккача муттасил машқ қилиб ўзини оқлашга уринган.

1909 йилда 9-10 яшар Курбонназарни хон хузурида достон айтишга чақиришади. Феруз ёш бахшидан унинг исмини сўрайди. Бола исми Курбонназар эканини айтганида, Хон табассум билан: “Сенинг исминиг Курбонназар эмас, Бола бахши”, – деб унга ок фотиха берган экан. Шу-шу. Курбонназар Абдуллаев Хоразм ва Туркманистанда “Бола бахши” номи билан машҳур бўлган.

Достонни бахшилар куйладилар. Бахшилар эса ўз устозларидан маҳсус достончилик сирларини ўрганган санъаткорлардир. Агар маколларни, топишмоқларни миллатимизнинг истаган вакили айтиши, қўшикларни ҳар бир ошик ёки маъшуқа ижро эти-

ши мумкин бўлса, достон ижроси алоҳида шогирдлик фаолиятини бошидан кечирган, маҳсус таълим кўрган ва муайян иқтидорга эга шахсагина насиб қиласди.

“Бахши” сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да тўрт хил маъно бериши кўрсатилган: 1 – донишманд, 2 – достонларни куйловчи, 3 – дам солиб даволовчи табиб, 4 – Бухоро хонлигига қурилиш маблагини назорат қилувчи. Юкоридаги тўрт маънодан учтаси бевосита достон айтuvчи бахшиларга тегишли, десак хато бўлмайди. Чунки ҳалқ орасида бахши бўлиш учун инсон донишманд, ақлли бўлиши керак, деган фикр қайта-қайта тъкидланади. Иккинчидан, “бахши”, луғатда изоҳ берилишича, ҳалқ достонларини ижро этади. Учинчидан, қадим замонлардан ҳалқ тасаввуридаги бахшилар сўзнинг мўъжизавий фазилатидан фойдаланиб, кишиларни турли хасталиклардан фориғ қилувчи одамлар ҳисобланган. Ҳозир ва ўтган асрларда бахши даврасида иштирок этган одамлар достон эшлиши билан бирга дардларидан ҳам қутулганлар, турмуш ташвишларидан озод бўлганлар, ўзларини енгил хис этганлар.

Ўзбек фольклоршунослиги асосчиси Х.Т.Зарифов маълумот беришича, бахши мўғулча ва бурятча “бахша”, “бағша” сўзларидан олинган бўлиб, “устод”, “маърифатчи” маъноларида қўлланган. Маълум бўладики, бахши ҳалқ томонидан чексиз хурматга эга, эъзоз топган ҳунар эгалари экан.

Фольклоршуносликда бахшиларнинг турли номлар билан аталгани ҳам маълум. Ҳусусан, юзбоши, соқи, жиров, жирчи, оқин шулар жумласидандир. Баъзан уста сўзи ҳам қўлланган. Бахшиларнинг устоз изидан чиқиб, ўзига хос услубда, бадиҳагўйликдан кенг фойдаланувчилари, кўпинча, шоир деб ҳам аталган. Шунингдек, Хоразмда достон айтuvчи аёллар ҳалфа номи билан машхурлар.

Достончилик мактаблари. Ўзбек достончилигига достон куйлаш анъанаси қадимда уч йўналишда ривожланган. Биринчидан, Булунгур, Кўргон, Шахрисабз, Қамай, Нарпай, Шеробод, Жанубий Тожикистанда яшовчи ўзбек-лақай достончилик мактабларида дўмбира чертиб якка ҳолда, бўғиз овоз билан ижро этилган.

Иккинчидан, Хоразмда тор, дутор, гижак, гармон, буламон, күшнай, доира жўрлигида баъзан якка, баъзан жуфт ҳолда, очик овоз билан ижро этилган. Учинчидан, Фарғона водийсида дутор жўрлигида очик овозда айтилган.

Шубҳасиз, ўзбек достончилигига кенг тарқалган ижро усули дўмбира жўрлигида бўғизда достон айтиш ҳисобланади. Бахшининг бўғизда ичдан куч билан овоз чиқариши жуда қадим замонларда шимол ҳалқлари афсунгарлари – шомонларда мавжуд эди. Демак, ўзбек бахшиларини узоқ ўтмиш замонлар билан қандайдир жанр ёки санъат ижроси боғлайди.

Филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаев маълумотига кўра. Булунгур достончилигига қаҳрамонлик достонларини ижро этиш кўпроқ амалга ошган. Бу мактабнинг сўнгги вакили Фозил Йўлдош ўғли (1872-1955) ҳисобланади. Фозил Йўлдош ўғли ижросидаги “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Малика айёр” каби достонлар ёзиб олинган. Фозил Йўлдош ўғли Йўлдош, Кўлдош, Суяр шоирларнинг тарбиясини олган. Айниқса, у ижро этган “Алпомиш” достони ҳалқ ижодидаги энг мукаммал асар сифатида бутун дунё фольклоршунос олимлари томонидан тан олинган.

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг номи ҳамиша Фозил шоир қаторида жуфт келади. Эргаш шоир (1868-1937) Кўргон мактаби вакили бўлган. Нурота ҳудудининг шуҳрати айнан ана шу бахши ва Пўлкан шоир (1874-1941) ижоди билан боғлиқ. Бу ерда (Кўргон мактабида) “Алпомиш”, “Якка Аҳмад”, “Кунтуғмиш”, “Равшан” достонларини ижро қилиш анъanasи кенг ривожланган эди.

Шаҳрисабз достончилигига Абдулла Нурали ўғли (1874-1957), Нарпай достончилигига Ислом шоир Назар ўғли (1874-1953) ижоди алоҳида қайд этилган. “Орзигул”, “Соҳибқирон”, “Эрали ва Шерали” каби достонлар ижросини мазкур мактаб вакиллари юқори санъат даражасига етказиб куйлаганлар.

Бир бахшининг ижоди бутун туман бахшичилик анъanasига се-зиларли таъсир ўтказиши ҳаёт тажрибасида тасдиқланган ҳолдир. Масалан, бир пайтлар бахшилар сулоласи билан ғуурланган

мактаблар бугунги кунда инкиrozга юз тутган бўлиши ҳам мумкин. Жумладан, хозирги пайтда Булунғур, Нурота туманларида-ги машхур бахшилар ўз фаолиятларини тўхтатгандар. Шу билан бирга Қашқадарё вилояти Дехқонобод туманидаги Қодир бахши Раҳимов анъанаси тўла кувват билан фарзандлари Қаҳхор, Абду-мурод, Баҳром тимсолида давом этмоқда.

Фольклоршуносликда аёл бахшилар: Султон кампир, Тилла кампир, шунингдек, Ёдгор, Жуманбулбул, Жоссоқ бахшилар ижоди ўрганилган.

Ўзбек достончилик анъанасининг яна бир тури Фарғона водийсида шаклланган. Наманган вилоятининг Уйчи, Янгиқўргон, Чорток атрофларида Дехқонбой Баҳромов, Икром Ризаев, Омон бахши Раззоқовлар ижод қилишган. Маҳаллий ҳалқ оғзаки ижодини ўрганганд олим Абдушукур Собиров таникли фольклоршунос олим Тожибой Фозибоев билан ҳамкорликда мазкур достончилик анъанасини ўрганиб, Кўлбуқон, Сайрам, Ариқбўйи (Ариқмўйин) мактаб-лари мавжудлигини қайд этади.

Аҳмаджон Мелибоев “Сафед Булон ҳикоялари” китобида Пеілқўргон қишлоғида истикомат қилган Олим бахшидан “Ёзи билан Зебо” достонини ўн икки варакли ўкув дафтаридан ўнтасига ёзиб олиб, Музайяна Алавияга юборганини маълум қилган. Аммо бугунги кунда Фарғона водийсидаги достончилик анъанасида достон ижро этадиган бахшилар ўзлари-нинг ижод фаолиятларини тўхтатгандар.

Ўзбек достончилиги анъаналарида ҳажман чекланиш ку-затилмайди. Маданий меросимиз ҳазинасида “Бозиргон”, “Соҳибқироннинг туғилиши” каби кичик асарлар ва айни пайтда. “Алпомиш”, “Малика Айёр”дек йирик достонлар мавжуд.

Достонлар ҳажмидаги нисбий ўлчов инобатга олинса, дўмбира чертиб ижро этиладиган Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё. Сурхондарёда айтиладиган достонлар ҳажми Хоразм достонларидан ҳам, Фарғона водийси достонларидан ҳам кенглиги билан ажраблиб туради. Ҳажми жихатидан Фарғона водийсида илгари куйланган достонлар анча кичик ҳисобланади.

Достон матни шеърий ва насрый парчалардан иборат бўлади.

Фозил Йўлдош ўгли Булунгур туманидан бўлгани учун дўмбира чертиб ижро этиладиган достонларни шартли равишда Самарқанд достончилиги деб атамиз. Бу анъана асарларида шеърий ва насрий парчалар бадиий жиҳатдан, воқеалар баёнини ифодалаш, қаҳрамонлар руҳий ҳолатини тасвирлаш жиҳатдан тенг ҳисобланади. Фикримизни далиллаш учун Эргаш Жуманбулбул ўғли куйлаган “Равшан” достонидан насрий парча келтирамиз: “Оқ киз шундай қиз эди: оти Оққиз, Зулхуморга нақ қиз. Оққиз ўзи оқ қиз, ўзи тўлган соғ қиз, ўрта бўйли чоғ қиз, ўйнагани боғ қиз, уйқучи эмас, соғ қиз, эри йўқ, ўзи – тоқ қиз, яхши – текис бўз болани кўрса, эси йўқ – аҳмоқ қиз, қора кўз, бодомқовоқ қиз, синли – сиёқ қиз, ўзи семиз – туриши ёғ қиз; ўйинга қулайроқ қиз, тўғри ишга бўлайроқ қиз, ўзи анқов олайроқ қиз, танаси тўш қўйган кенг қиз, сағриси дўнг қиз, урушқоқ эмас – жўн қиз, аъзоси бари тенг қиз...”. Бу достондаги шеърий қисмлардан бирига дикқат қилинг:

Чу деб отин уради,
Оёгини тиради.
Сувсиз чўлда Ғиркўк от
Иргиб, сакраб боради.
Сувсиз чўлда мард Ҳасан,
Қаттиқ қистаб боради.
Обрў бер, деб йўлларда,
Ҳасан кетиб боради.

Баъзи ўринларда дўмбира чертиб айтиладиган достонларда лирик мазмундаги шеърлар ҳам учрайди:

Пайдо бўлди икки гавҳар донадан,
Парвоз қилиб учдим манзилхонадан.
Ўлим учун гам смайман, бўйингдан,
Бир армоним, ёлғиз эдим энамдан.

Юқорида келтирилган парчадан битта мақсадни назарда тутамиз. Мазкур анъанадаги асарларда шеърий ва насрий парчалар бадиий жиҳатдан бир-бирига мутаносиб туради. Насрий парчада қоғиялашган наср – илмий адабиётда сажъ деб аталадиган усул қўлланган. “Оққиз, нақ қиз, соғ қиз, чоғ қиз, боғ қиз” каби қатор

қоғияларнинг кўлланиши, матнда қулгили лавҳаларнинг яратилиши бахши маҳорати даражасини кўрсатиш билан изоҳланади. Шеърий ўринларда воқеалар ривожи, содир бўлаётган ҳодисалар баёни билан танишдик. Отнинг, Ҳасаннинг сувсиз чўлда шиддат билан кетишига гувоҳ бўлдик. Кейинги тўртлиқда эса қаҳрамон хис-туғуси ифодаланганини кўрдик. Маълум бўладики, Қадимги Булунғур, Нур ота ҳозирги Қашқадарё, Сурхондарё достончилигига шеър ва наср шаклидаги парчалар бадиий жиҳатдан тенг туради. Бадиий мукаммаллик ҳар икки шаклга хос фазилат сифатида белгиланаверади. Бу фикрни Хоразм достонларига нисбатан айта олмаймиз. Чунки “Ошиқ Ғарип”, “Ошиқ Албан”, “Кампир”, “Бозиргон” достонларидағи воқеалар ривожи факат насрый парчалар зиммасига юклатилган. Агар ўқувчи достоннинг мазмуни билангина танишиш мақсадини ўз олдига қўйса, достондаги насрый парчаларни ўқиш кифоядир. Шеърда эса асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолати, ички кечинмалари ифодасини топади. “Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам” достонида Шоҳсанам канизларидан уялиб ўз ҳолини шундай билдиради:

То дунёдан кўз юммайн,
Қайгудан жудо бўлурму?
Гўзал ёрнинг фироқинда
Ўлмаклик раво бўлурму.

Насрда куйидагиларни ўқиймиз: “Андин сўнг Шоҳсанамнинг аҳволини эшитиб, Ақча садоқатли бўлиб, маҳрам либосини кийиб Ширвон, Шемоха кетти. Неча кунлар юриб Ширвон, Шемоха етти”. Бу анъаналар бевосита Хоразм достонларига хос ҳисобланади. Шеърий парчаларда лирик эҳтирос акс этади. Наср эса достондаги воқеани баён этиш учун хизмат қилади. Шунинг учун наср бадиий мукаммаллик билан ажралмайди. Агар Хоразм достонларидағи шеърий парчалар алоҳида мусика жўрлигига айтилишини назарда тутсак, бир достон ўзига хос кўшиқ концертидан иборат бўлиб қолади. Бахшининг достон воқеаси ҳақидаги ҳикоя эса концертнинг ўзига хослигини таъминловчи бир белги, холос.

Энди Наманган достончилиги анъанасига оид “Замонбек”дан олинган парчага диққат қилинг: “Гўрўғли йигитларининг ғайрати келиб, ўтдай туташиб, Шодмон полвон деган йигит Маманиёз орқасидан қувиб турган жойи экан:

Кўринг Шодмон полвон ишини,
Уни-буни деганига кўймайди.
Кўп йигити бир айланиб келгандা,
Маманиёз бир ағдариб ташлайди”.

Наср ва шеърдан иборат парча мазмунидан кўриниб турибдики, Фаргона водийсидаги Наманган достон-чилигида наср ва назмнинг бадиий вазифасида фарқ йўқ экан. Ҳар иккала шаклда ҳам воқеа ривожи, достон мазмунидаги лавҳалар тасвири ифодасини топаверади. Юқорида мисоллар билан кўрсатилган уч анъана ҳақида тасаввур пайдо бўлганидан сўнг ўзбек достончилиги, унинг халқ оғзаки ижоди меросида тутган ўрни юзасидан тўлиқ тушунчага эга бўламиз. Энг муҳими, дўмбира ижро этиладиган ва Хоразм, Фаргона водийсидаги анъаналарини бирлаштириб турган умунийлик, достончиликда шеърий ва насрый парчалар бирикувидан эпик асарлар пайдо бўлгани билан изоҳланади. Хоразм достонларини ўрганиш тажрибаси ҳар бир баҳши ижодига алоҳида-алоҳида ёндашиш лозимлигини тасдиқламокда. Достон ижроси қайси анъана, қайси мактабга тааллуқли эканидан қатъи назар достон ижросига бўлган муносабатни баҳшининг маҳорати, созандалик даражаси, актёрлиги, овози белгилайди.

Ўзбек достончилиги ижро усулига кўра хилма-хил кўринишга эга эканини кўриб чиқдик. Таникли олимлар В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарифов, М.Саидов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқовларнинг олиб борган илмий ўрганиш натижаларига кўра достонлар мазмунан мақол, эртак, кўшиқ сингари турларга бўлинади. Олимларимиз таснифларида фарқлар борлигини қайд қилган ҳолда, умуман, достонларни мазмунан қуидаги турларга бўлишни маъқул хисоблаймиз:

1. Қаҳрамонлик достонлари (“Алпомиш”).
2. Ишқий-романик достонлар (“Равшан”, “Кунтуғмиш”).
3. Жангнома достонлари (“Якка Аҳмад”).

4. Китобий достонлар (“Ошиқ Ғариф ва Шоҳсанам”, “Сайёд ва Ҳамро”).

5. Тарихий достонлар (“Ойсулув”).

Юқоридаги таснифнинг асосини достонларда тасвиранган воқеаларнинг моҳияти белгилайди. Аввало, севги-муҳаббат, қаҳрамонлик, саргузашт, жанг лавҳалари акс этмаган достонларнинг ўзи йўқ. Қайси достонни эшитманг ёки ўқиманг, албатта, асар қаҳрамони мардлиги, жасорати билан бизда ҳурмат козонади. Албатта, у кимнидир севади ва узок сафарга отланади. Аммо шунга қарамай, асарнинг умумий мазмуни заминида муайян мавзу етакчи ҳисобланади. Масалан, “Алпомиш” достонини олайлик. Достон фарзандсизлик мотиви билан бошланади. Лекин айнан шу мотив “Кунтуғмиш”, “Ошиқ Ғариф ва Шоҳсанам”, “Тоҳир ва Зухра” достонларида ҳам бор. “Алпомиш”да Ҳакимбек Қалмоқ юртига кўчиб кетган Барчинни олиш учун сафарга отланади. Сафар мотиви “Равшан”, “Кунтуғмиш” достонида ҳам бор. “Нигор ва Замон” достонидаги сафар маъшуқани олиб келишга бағишланмаса ҳам, Ҳасан подшоҳнинг Нигор қизини узатишга розилигида Ҳиротни олиб келиш шарти билан боғланади. Демак, сафар мотиви достонларда кўп учрайди. Аммо “Алпомиш” достонида Барчинга уйланиш мақсади Ҳакимбек сафарида етакчидек туйилгани билан асосий масала Бойсари бош бўлган ва Кўнғиротдан кўчган аҳолини ўз юртига кайтаришдан иборат эди. Бу эса ҳалқни бирлаштириш, юрт мустақиллигини таъминлашдан иборат қаҳрамонлик эпосининг асосий белгиларидан ҳисобланади. Шунинг учун олимлар достондаги муҳаббат, жанг, сафар мотивларини инкор қилмаган ҳолда “Алпомиш”ни қаҳрамонлик асари сифатида эътироф этишган. Кейинги пайларда “Малика Айёр”, “Чамбил қамали” каби достонларда ҳам қаҳрамонлик мотиви етакчи эканлиги кўрсатилаётган илмий асарлар ҳам борлигини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, “Равшан” достонида ҳам жанг лавҳалари бор. Равшан бир лавҳада севги деб ватанидан кечадиган номард эмаслигини айтади ва мардлигини далиллайди. Аммо достондаги етакчи масала барибир унинг Зул-

хумор ишқидаги саргузаштлари билан боғлиқ. Шу боис бу асарни ишқий-романтик турга мансуб бериш маъқул.

Қаҳрамонлик эпоси халқ оғзаки ижоди тарихида фольклоршунослик нұқтаи назаридан алоҳида босқич сифатида баҳоланади. Юоннлардаги “Одиссея” ва “Илиада” асарлари бу жиҳатдан қайта-қайта таъкидланган. Қирғиз халқ ижодидаги “Манас”га ҳам шундай баҳо бериш мүмкін. Бундай асарларда қаҳрамонлик ва фавқулодда мардлик күрсатған халқ фарзандининг юрт озодлиги, әлни бирлаштириш мақсадидаги сафарлари, сон ва куч жиҳатдан устун турған душман билан олишувлари акс этади. Ўзбекларда қаҳрамонлик эпосига “Алпомиш” достони мисол бўлади. Унда юртимиздаги миллий анъаналарнинг шаклланиши, ташқи душманга қарши кураш, халқ бирлигини сақлаш, мустақил ҳаётни муҳофаза қилиш гоялари ўз ифодасини топган.

Халқимиз баҳшилари репертуаридаги достонларнинг салмоқли қисми севги-романтик турга мансубдир. “Роман” сўзи француз тилидан олинган бўлиб, эпоснинг бир тури маъносини билдиради. Кейинчалик бадиий адабиётда роман жанр сифатида ажralиб ривожланди. Энди севги-саргузашт воқеалари, етакчи асарлар бу ном билан аталди. Халқ ижодида севги-романтик атамаси билан аталган достон деганда, асосан, муҳаббат билан алоқадор саргузаштлар акс этган асарлар назарда тутилади. Уларда воқеа тугуни ошиқнинг маъшуқа ҳақида хабар топишидан бошланади. Кейинчалик қаҳрамон ишқий саргузаштларига бой сафарга отланади. Бу йўлда баҳши кашфиётларига бой лавҳалар ўйлаб топилади. Масалан, Ислом шоир ижросидаги “Нигор ва Замон” достонида йигит ва қиз бир-бирига кўнгил қўяди. Аммо қизнинг отаси Замондан Гўрӯғлининг Гиротини олиб келиб беришни талаб қиласди. Баҳши Замон саргузаштида девлар билан олишув, палаккуш, Гўрӯғлининг жанг қилиш санъатларини маҳорат билан достон сюжетига сингдириб юборади. Тур жиҳатдан достонни севги-романтик деб аташдан бошқа илож йўқ. Аммо асосий йўналиш кўпроқ сафар саргузаштларидан иборатдир. “Равшан”, “Кунтуғмиш” эса мазкур достонлар турининг гўзал намуналари сифатида тан олинган.

Жангнома достонларида жанг лавҳалари тасвирига зътибор қаратилади. Бахшилар бундай достонларни нисбатан кам ижро этгандар. Ҳайратли жанглар тасвири, асар қаҳрамонларининг ботирликлари бахши томонидан фантастик талқинда ифодаланади. “Юсуф билан Аҳмад”, “Алибек билан Болибек”, “Қирқ минг” каби эпос намуналари шулар жумласидандир.

XVIII аср охири XIX асрда ёзма ва оғзаки адабиётлар ижодий ҳамкорлиги маҳсули сифатида янги бир йўналишдаги достонлар пайдо бўла бошлади. Уларда халқ оғзаки ижодидаги чекланмаган фантастик тасвирлар ва ёзма адабиётдаги индивидуал тасвир уйғунлашган эди. Адабиётшуносликда бадиий ижод-нинг бу намуналари халқ китоблари номи билан ўрганилди. Ёзма адабиёт вакиллари томонидан яратилган достонлардаги қизиқарли ва ибратли воқеалар билан танишган бахшилар уларга суянган ҳолда ўз нусха (вариант)ларини яратдилар. Шу боис халқ китоблари кўпроқ фольклоршунослик томонидан таҳлил этилди. “Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам”, “Сайёд ва Ҳамро”, “Вомик ва Узро” достонлари шу тарзда вужудга келди ва ўрганилди. Хоразм достончилиги, асосан, халқ китобларини ёддан ижро қилиш заминида шаклланди.

Халқ оғзаки ижодидаги қўшиқ, эртак жанрларида тарихий воқеалар ўз ифодасини топгани каби достонларда ҳам ўтмиш муҳрланган асарлар бор. Бундай асарлар фольклоршуносликда тарихий достонлар деб юритилади. Қизиги шундаки, тарихий достонларнинг мумтоз намунаси “Ойсулув” юртимизда икки ярим минг йил олдин рўй берган мустақиллик учун олиб борилган курашнинг бадиий ифодаси бўлиб чиқди. Геродотнинг “Тарих” китобидаги Тўмарис воқеаси “Ойсулув” достонидагига жуда ўхшайди. Тўғрисини айтсақ, агар “Тўмарис” ҳақидаги ривоят матни сақланмаганида “Ойсулув”нинг яратилишида тарихий воқеа асос бўлганини аниқлаш жуда мушқул кечарди.

Таникли олимлар Тўра Мирзаев ва Б.Саримсоқов “Ойсулув” достонининг вужудга келишида Тўмарис номи билан машҳур тарих асос бўлганини илмий далиллаб берганлар. Тарихий достонлар репертуари кейинчалик яратилган “Тулумбий”, “Шай-

бонийхон”, “Ойчинор” каби асарлар билан бойиди. XX аср бошлирида эса “Намоз”, “Маматкарим полвон”, “Жиззах қўзгалони” каби достонлар пайдо бўлди. Шундай қилиб, достонлар оғзаки ижод меросидаги мураккаб жанр ҳисобланади. Уларда халқнинг халқ сифатида шаклланиш жараёнидан тортиб, тарихий ҳаёти, расм-руsumлари, одатлари, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги фалсафий қарашлари кенг қўламда акс этган. Бахшилар ўз ижролари билан бевосита халқ оммасининг эстетик савиясини оширишга ҳисса кўшдилар. Халқ педагогикасининг талабларини кенг оммага маълум қилиб бордилар. Ўзбек достонлари ижро анъанасига кўра хилма-хиллиги, мавзулари ранг-баранглиги билан шуҳрат топди.

Халқ эпик ижодининг шоҳ асарлари достонлар мисолида ўзбек миллатининг жаҳон халқлари маънавий ва маданий хазинасига кўшган муносиб ҳиссаси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Мазкур меросни ўрганишда Ҳ.Зарифов, М.Алавия, М.Афзалов, Т.Ғозибоев, О.Собиров, З.Ҳусайнова, М.Саидов, Ж.Қобулниёзов, М.Муродов, Б.Саримсоқов, А.Қаҳхоров каби марҳум олимлар ва Тўра Мирзаев бошлилигида бугунги кунда тинимсиз меҳнат олиб бораётган С.Рўзимбоев, О.Сафаров, А.Мусакулов, М.Жўраев, У.Жуманазаров, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқул, А.Эргашев каби тадқиқотчилар халқ олдидаги бурчларини адо этиш йўлида хизмат килмоқдалар.

Дастлаб кўшик шаклидаги, мусиқа асбобисиз, кейинчалик маълум бир мусиқа (дўмбира, қўбиз ва ҳоказо) ижросида маросимларда куйланадиган асарлар яратилган. Достончиликнинг қадимий намуналари ибтидоий даврларда туркий қабилалар орасида вужудга келганд. Эпик достонларни яратувчи ва куйловчи бадиҳағйилар кўпайиб борган сари устоз-шогирдлик анъаналари вужудга кела бошлади. Натижада XV-XVI асрларга келиб достончилик санъатига асос солина бошланди. Жумладан, XIV аср охири XV аср бошларида яшаб ижод қилган Мавлоно Лутфий ўзбек адабиёти тарихида достоннавис сифатида ҳам танилган. Унинг “Гул ва Наврўз”, “Зафарнома” достонларининг майдонга келиши ўз даврида ўзбек достончилигида катта ҳодиса эканлигидан далолат беради.

“Гул ва Наврӯз” – дастлаб мұхаббат достони, унда бир-бирига юксак инсоний түйғулар билан мұхаббат болғаган иккى ёш-нинг саргузашты ҳикоя қилинади. Доимо баҳор рамзи бўлган Наврӯзниң табиат гўзали Гулга оташин мұхаббати узок замонлардан бўён кўпгина афсоналар, шеър ва достонларнинг зийнати бўлиб келган.

Лутфий “Гул ва Наврӯз”дан ташқари, “Зафарнома” номли қаҳрамонлик достонини ҳам ёзган. Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг 1437 йилда ёзиб тугатган “Зафарнома” асари асосида она тилида назм қилинган бу достон, Алишер Навоийнинг гувоҳлик беришича, оққа кўчирилмасдан, кўләзмалигича қолиб кетган⁵³.

XIX асрга келиб достончилик мактаблари янада тараққий этди. Бундай мактабларда ҳар бир достончи ёки достончилар гурухи ўзига хос поэтик йўли, услуби билан бир-бирларидан фарқ қиласиди. Бошқача қилиб айтганда, умумлашган пухта эпик анъана доирасида маълум бахши ёки бахшилар гурухига хос алоҳида ижодий хусусиятлар, йўллар, услублар ўзгачалиги юзага келади.

Бугунги кунга қадар Булунғур, Нарпай, Кўргон, Хоразм, Шаҳрисабз, Шеробод каби йирик достон-чилик мактабларидан ташқари, Қамай, Пискент, каби бошқа марказлар ҳам маълум. Улар репертуарлари, услуби, маълум ижод тамойили ва ижро усулларига кўра бир-биридан ажralиб туради. Ҳар бир мактаб у ёки бу бахшнинг номи ва фаолияти билан билан чамбарчас боғлиқ. Мисол учун, Кўргон достончилиги Эргаш Жуманбулбул, Булунғур достончилиги Фозил Йўлдош ўғли, Нарпай достончилиги Ислом Назар ўғли, Шаҳрисабз достончилиги Абдулла Нурали ўғлининг фаолияти билан боғлиқ.

Булунғур достончилик мактаби қаҳрамонлик достонларини ижро этиш билан машхур бўлган. Содда, юксак, ўта анъанавий, нисбатан архаик бўлган қаҳрамонлик эпоси услуби бу достончиликнинг поэтик йўли хисобланган. Булунғур достончилик мактабининг вакили Фозил Йўлдош ўғли (1872-1955) хисобланади. Унинг репертуаридан “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Малиқаи айёр”, “Машриқо”, “Зулфизар”, “Балогардон”, “Инти-

53 Каранг: Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Б-73.

зор”, “Нурали”, “Жаҳонгир”, “Муродхон”, “Рустам”, “Ширин ва Шакар”, “Раъно билан Сухангул”, “Зевархон” каби достонлар жой олган.

Фозил Йўлдош ўғли XIX асрда Йўлдош, Кўлдош, Суяр шоир номи билан машҳур бўлган уч ака-уканинг каттаси Йўлдош Мулла Муроднинг шогирди бўлган. Ўз навбатида, XVIII асрнинг иккинчи ярмида яшаган Муҳаммад шоир Йўлдош булбулга устозлик қилган. Бу мактаб Амин бахши, Чини шоир, Товбузар шоир, Курбонбек шоир, Султонмурод, Йўлдош булбул, Йўлдош, Кўлдош, Суяр, Раҳим булбул, Жўра, Фозил шоир, Ёрлақаб каби ўнлаб достончиларни бирлаштирган.

Кўргон достончилик мактабининг машҳур ва таникли вакиллари Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868-1937), Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан шоир (1874-1941)лар хисобланади. Улардан “Алпомиш”, “Якка Аҳмад”, “Ойсулув”, “Кунтуғмиш”, “Қиронхон”, “Гўрўғлининг туғилиши”, “Юнус пари”, “Мисқол пари”, “Гулнор пари”, “Хуш келди”, “Ҳасанхон”, “Чамбил камали”, “Далли”, “Равшан”, “Авазхон”, “Кундуз билан Юлдуз”, “Холдорхон”, “Ҳиломон”, “Бердиёр отлик”, “Замонбек”, “Хидирави элбеги” каби достонлар ёзиб олинган.

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ота-боболари асос солган бу мактаб Ёдгор, Лафас, Мулла Тош, Мулла Холмурод, Султон кампир, Тилла кампир, Жолмон бахши, Бўрон бахши, Бўрон шоир, Жуманбулбул, Ёрқалаб, Жоссоқ бахши, Кулсамад бахши, Эргаш шоир, Пўлкан шоир, Бўта бахши, Эгамберди бахши, Марди бахши, Раҳматулла каби ўндан ортиқ достончиларни бирлаштирган. Бу бахшилар ишқий-романтик достонларга қўпроқ эътибор берганлар. Ўзига хос чуқур лиризм, чиройли тасвиirlар, шеърий безаклар, тафсилотлар атрофида ишлаш, нозиклик ва жимжимадорлик Кўргон достончилик мактаби услу-бининг асосий белгиларидир.

XIX асрда ўзининг достончилик мактаби билан элга танилган, ўзига хос йўналишга эга бўлган яна бир эпик марказ Шаҳрисабз достончилик мактабидир. Бу мактабнинг йирик намоёндаси Абдулла Нурали ўғли (1874-1957) XIX асрнинг машҳур достончи-

си Ражаб шоирнинг шогирдидир. Бу мактаб бахшилари достонларни шўх, қувнок, кўтаринки рухда айтишлари, куйларининг ёқимлилиги билан ажралиб туради.

Достончиликда қатъий тартибга риоя қилинган: достон эшитиш учун маҳсус кечалар уюштирилган, илгарилари тўй-ҳашам, катта йигинлар бахшиларсиз ўтмаган. Бахши думбира жўрлигida “Кунларим”, “Дўмбирам” термаларини айтиб, тингловчилар эътиборини ўзига жалб этган. Бахши ижро давомида достондаги ҳар бир тасвирга мос сўз топиб, ўша сўзларга монанд хатти-ҳаракатлар қилган. Тингловчиларни қизиқтириш билан, ўзи хам тобора авжга чиқкан. Иқтидорли достончилар икки-уч кеча мобайнида, ҳатто ойлаб достон куйлай олганлар. Достончилик анъанаси бугунги кунда ҳам давом этмоқда, аммо куйлаш тартиби ва шароитларида бир мунча ўзгаришлар бор. Бойсун, Шеробод, Қизириқ, Деҳқонобод, Хоразм каби кўплаб достончилик мактаби вакиллари эл орасида машҳур бўлиб, турли йигин ва тадбирларда ўз санъатларини намойиш этиб келмоқдалар.

Халқимизнинг миллий ўзлигини, қадимий тарихи ва тилини, унинг ҳаёт тарзи, анъана ва урф-одатларини ўзида мужассам эта-диган, умумбашарий маданиятнинг ажралмас қисми сифатида тан олинган бахшичилик санъати атоқли бахши-шоирларимиз, фольклоршунос олимларимизнинг фидойи меҳнати, ижодий тафқури билан асрлардан асрларга ўтиб келмоқда.

Халқимизнинг юксак бадиий даҳоси билан яратилган ушбу ноёб санъатни асраб-авайлаш ва ривожлантириш бўйича мамлакатимизда муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, юртимизда “Алпомиш” достонининг минг йиллиги кенг нишонлангани, Термиз шаҳрида бу улуғ бадиий обида шарафига, Самарқанд шаҳрида атоқли бахшиларимиз хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуалари бунёд этилгани, давлатимиз томонидан “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвони таъсис қилинганини қайд этиш лозим. Шунингдек, Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиши тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта бахшичилик санъати фес-

тивали ташкил этилиши ҳам мазкур санъат турининг яна ҳам ривожланишида асосий омил бўлиб хизмат қиласи.

Бугунги кунда Термиз шаҳрида бахшичилик мактаби, республикадаги болалар мусика ва санъат мактабларида фольклор синфлари фаолият кўрсатмоқда. Юртимизда кўп томлик “Қоракалпоқ фольклори” тўпламлари чоп этилди, 100 томлик “Ўзбек ҳалқ ижоди ёдгорликлари” мажмуаси нашр этилмоқда. Бахши-шоирлар томонидан ижро этилаётган асарларни ёзиб олиш, уларни илмий ўрганиш ишлари давом этмоқда.

Ҳалқ оғзаки бадиий ижоднинг юксак даражадаги санъат тури – достон ва достончиликнинг лайдо бўлиши, ривожланиш тараққиёти бахшилар номи билан боғлиқдир. Атоқли олим Х.Т.Зарифовнинг ёзишича, бахши мўгилча ва бурятча бахша, багша сўзларидан олинган бўлиб, устод, маърифатчи деган маъноларни беради. Ўзбекларда бахши – кенг маънода ҳалқ достончиси, достонларни куйловчи, ёдда сакловчи ва наслдан-наслга ўтказувчи санъаткордир. Ҳалқ орасида бахши сўзи икки маънода, яъни турли характердаги вазифани бажарувчи шахсга нисбатан ҳам қўлланилган. Туркий ҳалкларнинг айрим худудларида бахши сўзи достон куйловчиларга нисбатан ишлатилган бўлса, байзи жойларда фолбин, афсунгар, шаманлик қилувчи шахсни бахшилар деб аташган. Узок ўтмишда бу икки вазифани бир шахс бажариб келган. Жумладан, бахшилар туркманларда достон куйловчи, қозоқ ва киргизларда достон куйловчилик билан биргаликда афсунгар, дуохон, фолбинликни ҳам бажаришган. Аммо бизга маълумки, мамлакатимизда бахшилар ва уларнинг устозлари бахшичилик санъатини ҳеч қачон нарагбозликка кўшиб бажармагандар. Демак, бахши сўзи Ўзбекистон худудида ўтмишдан бугунги кунгача ҳалқ достончиси, бахшичилик санъатининг асосчиларига нисбатан қўлланилиб келинган.

Маълумки, бахшичилик ўзбек фольклорининг юксак профессионал санъат тури хисобланади. Достончилик санъати, уннадиги ижрочи ва ижрочиларнинг репертуари, ижро усуллари ва барқарор бадиий анъаналари кўплаб авлодлар ва ижодкорлар иштироки, ижодий меҳнати билан жонли оғзаки ижро шароити-

да юзага келди, шаклланди, ривожланди. Ўзига хос қиёфага эга бўлиб, шоир-бахшилар, жиров-жирчилар, киссаҳону ҳалфаларнинг бетакрор амалиёти орқали бизгача етиб келди. Достончилик анъаналаридағи бундай давомийлик ва унинг ижодий табиати факат муайян даврларда яшаган алоҳида бир бахши-шоир ижоди ва репертуари унинг ўсиб-улғайиши билан бирга, йилдан-йилга шаклланиб ва бойиб боришини таъминлабгина қолмай, балки умуман, ҳалқимиз достончилиги эпик репертуарининг замонлараро барқарорлиги, асрлараро кенгайиб, мукаммаллашиб, бойиб боришига ҳам имконият яратган. Қачонлардир яратилган ҳалқ достонларини бир ижоддош сифатида ўзининг ҳайратомуз ҳофизасида сақлаб қолиб, бизгача олиб келган, баъзан ўзи ҳам қадимий ва барқарор эпик анъаналар асосида янги-янги асарлар ижод эта билган бахшилар ҳалқимизнинг жуда катта ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган.

Ҳалқ бахшилари юртимизнинг барча ҳудудларидан етишиб чиқкан. Кейинги авлод бахшилари берган оғзаки маълумотларга қараганда, XIX аср ва XX аср бошларида достончиликнинг энг гуллаган, ижро усуллари ғоятда такомилига етган даври ҳисобланади. Бу даврда бахшилар репертуарида 200 га яқин ҳалқ достони бўлиб, уларни машҳур сўз санъати усталари куйлаб келган. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Ислом шоир, Сайдмурод Паноҳ ўғли, Абдулла шоир, Умир шоир, Бола бахши, Нурмон Абдувой ўғли, Холёр Абдукарим ўғли, Қодир бахши, Ҳайдар Бойчаев, Рассоқ Қозоқ ўғли, Зоҳир Кўчкор ўғли каби етакчи санъаткорлар ўзига замондош бошқа бахшилар билан бирга бу эпик анъанани қабул қилиб олиб, уни янада ривожлантириди, баркамол ва гўзал ҳолатда бизгача етиб келди. Улар даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларини тасвирловчи 20 дан ортиқ янги достон яратган. Фольклор заминидаги мустаҳкам турган бу санъаткорлар янги-янги форма ва имкониятлар излаб топиб, анъанавий усул ва тасвирий воситаларни янги тематика ва ғояларга бўйсундирган.

Достончилик анъаналари бугунги кунда ҳам айрим ўзгаришлар билан изчил давом этмоқда. Хушбоқ Марданакулов, ака-ука Қора

ва Чори Умировлар, Қаххор Раҳимов, Шоберди Болтаев, Абду-изазар Пойнов, Қаландар Норматов, Норбек Абдуллаев каби баҳшилар ва уларнинг кўплаб шогирдларининг ижодкорлик ва ижрочилик фаолияти туфайли баҳшичилик анъаналари XX асрдан XXI асрга олиб ўтилди, терма ижодкорлиги ривожланди. Бу эса юртимизнинг турли худудларида фольклор ансамбл-лари ташкил топиши, ёшлар орасида достончилик сирларини ўрганишга иштиёқ кучайишига олиб келмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, достончилик – юксак профессионал санъат. Шунинг учун ҳам унинг етакчи халқ шоирлари бўлажак баҳши – шогирд тайёрлашга алоҳида эътибор берганлар. Оғзаки яратилиб, оғзаки куйлаб келинган достонларни авлоддан авлодга фақат шу йўл билангина етказиш мумкин эди. Етакчи баҳшилар шогирдларига 2-3 йил давомида достончилик йўлларини ўргатгандар. Барча ўқитиш-ўргатиш ишлари устоз куйлашини тинглаш орқали амалга оширилган. Шогирд устоз ре-пертуарининг муайян қисмини ўрганиб, мустақил ижрочи дара-жасига кўтарилигач, унга оқ йўл тилангандар.

Хозир эса достончилик йўлларини ўрганиш ва ўргатиша янги имкониятлар очилди, халқ дос-тонларининг асосий қисми нашр этилди, радио ва телевидение орқали халқ ижоди намуналари асосида кўрсатув ва эшигтиришлар ташкил этилмоқда.

Ўзбек миллий баҳшичилик ва достончилик санъатининг ноёб намуналарини асрраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига хурмат ва эътибор туйгуларини кучайтириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда янада кенгайтиришдан иборат улкан мақсад унинг давомийлигини, сеҳрли ва жозибадор ижросининг яна узоқ йиллар сақланиб колишини кафолатлади.

Айни вактда хозирги глобаллашув даврида, тижорат воситаси-га айланган “оммавий маданият”, шоу-бизнеснинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган бир шароитда фольклор санъатига

эътибор ва қизиқиш сусайиб бораётгани, кўп жойларда унудилиб, ҳимоя ва муҳофазага мухтож бўлиб тургани кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 14 майдаги “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори халқимиз маданияти-нинг ҳаёт-бахш сарчашмаси бўлган бахшичилик санъатини янада ривожлантириш, унинг миллий маданиятимиз ва санъатимиздаги ўрни ва аҳамиятини юксалтириш, ёш авлодни миллий ўзликни англаш. Ватанга садокат, тарихий меросга ҳурмат руҳида тарбиялашда асос бўлибхизмат қиласди.

Халқ ижодкорлари – бахшилар, шоирлар, оқинлар, жировлар, жирчилар, манасчилар ва қиссаҳонларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бири-бирига устоз-шогирдлиги, шу орқали улар эпик репертуарининг бойиб бориши бу соҳада янги бир даврнинг бошланганини кўрсатиб турибди. Шу маънода, фестивалга халқаро мақом берилгани ҳар жиҳатдан асосли ва ибратлидир. Айни вақтда бундай фестиваллар, кўрик-танловлар, ҳамкорлиқда турли-туман тадбирлар ўтказиш халқимиз бадиий ижоди бойликларини халқаро миқёсда тарғиб-ташвиқ қилиш учун муносиб майдон ҳамдир.

Бахши – эпик ижодкор. “Бахши” сўзи турли даврларда шомон, коҳин, қаландар, жарроҳ, фолбин, котиб, ҳисобчи, устод, маърифатчи каби хилма-хил маъноларни ифодалаб келган. “Бахши” – халқ оғзаки ижодининг эпик ва лирик турга хос намуналарини айтувчи, куйловчи профессионал ижрочиларни ифодаловчи тушунча. Бахши, яъни санъаткор достончиларни эл орасида юзбoshi, соки, санновчи, созчи, жиров деб ҳам атайдилар. Ўз навбатида бахшилар ҳам маълум бир ҳудуднинг локал хусусиятлари, ижро асбоб (дўмбира, қўбиз, дутор, тор)лари ҳамда ижро услуби (ич овоз, ташки овоз)га кўра фарқликларга эга. Кўргон, Булунғур, Нарпай, Шеробод каби турли достончилик мактабларида етишиб чиқсан бахшилар ўз ижро услуби, имконияти, репертуари билан бир-биридан фарқланиб туради.

Бахшилар, асосан, ижрочи ва ижодкор бахшиларга бўлинади. Ижрочи бахшилар устозидан ўрганган достонларни жузъий ўзгаришлар билан айнан куйласалар, ижодкор бахшилар оғзаки эпик анъана асосида достоннинг ўз вариантлари, ҳатто улар асо-

сида янги достонлар ҳам яратадилар. Бундай бахшилар “шоир” деб ҳам юритилади. Эргаш шоир, Фозил шоир, Пўлкан шоир, Абдулла шоир, Ҳидир шоир, Қодир Раҳимов каби бахшилар достон ва қўшикларни қўбиз. дўмбира, дутор каби созлар жўрлигига куйлаган. Хоразм бахшилари достонларни асосан тор билан ижро этадилар, уларга гижжак ва бўламонда созчилар жўр бўладилар. Достон куйлаш, шогирд етиштиришда қатъий тартиб, қонун-коидаларга, устоз-шогирдчилик анъаналарига риоя қилинган. Бахши репертуарида ўнлаб достонлар бўлиши, бир достонни турли оҳанг, нағмаларда ижро эта олиши мумкин. Эпик ижод ҳар бир ҳалқнинг бадиий тарихидир. Шундай экан, унинг ижро-чилари бўлмиш бахшилар ҳам миллат тарихи, санъати, маданийтини минг йиллар давомида асрраб-аввайлаб келаётган, авлоддан-авлодга етказаётган, миллий маданият, тарих ва фалсафага ўзининг беназир улушини қўшиб келаётган улкан ижодкорлардир. “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Далли”, “Равшан”, “Рустамхон”, “Кунтуғмуш”, “Ошик Ғарип ва Шоҳсанам” каби улкан бадиий обидалар ҳам бизга ана шундай эпик ижодкорлардан мерос бўлиб колган. Ўзбекистон Республикасида НММга бўлган эътибор, “Халқ бахшиси” деган юксак унвоннинг жорий этилганлиги, бахши-шоирлар ўртасида турли кўрик ва фестивалларнинг бўлиб ўтаётганлиги, миллий қадриятларнинг гуллаб яшнаши, бахшичилик санъатнинг янада ривож топиши устоз-шогирдчилик анъаналарининг бардавомлигига муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шоберди Болтаев, Абдуназар Пёнов, Қаҳҳор Раҳимов, Қаландар Норматов каби қўплаб халқ бахшилари бугунги кунда ҳам турли тадбир ва йигинларда, телекўрсатув ҳамда радиоэшиттиришлар орқали ўз санъатларини намойиш этиб келмоқдалар.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Достончилик санъатининг ривожланиш жараёнлари ҳақида гапириб беринг.
2. Бахши сўзининг маъноси ҳақида тушунтириб беринг.
3. Машхур сўз санъати усталари намоёндалари ҳақида маълумот беринг.

4. “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўғказиш түғрисида”ги қарорни изоҳлаб беринг.

5. Бугунги кунда бахшичилик санъатини давом эттираётган санъаткорлар кимлар?

10-МАВЗУ: КИНО САНЪАТИ ТАРИХИ

Режа:

1. Кино санъати ҳақида тушунча ва унинг асосчилари.
2. Ўзбекистонда кино санъатининг ривожланиш тарихи.
3. Ҳозирги кунда кино санъатининг ижтимоий нуфузи.

Таянч сўзлар: кино санъати, кинематография, бадиий-хужжатли образлар, мультипликация, телевидение, видеокассета, видеодиск.

Санъат – ижтимоий онгнинг ўзига хос шакли бўлиб, инсон ўз фаолияти натижасида уни шакллантириб, такомиллаштириб, сайдаллаштириб боради. Шунингдек, санъат инсон меҳнати, ақл-идрохи, шуури билан яратилган ижод маҳсулидир⁵⁴.

Санъатнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларга бўлинади: тасвирий санъат (рассомлик ва ҳайкалтарошлиқ), мусиқа, кино ҳамда театр санъати шулар жумласидандир.

Бу мавзуда энг оммавий санъат тури бўлган кино соҳаси ҳақида сўз юритмоқчимиз. Чунки кино бошқа санъатлар ичida инсон онги ва унинг маънавияти, эстетик тафаккур маданиятига, шунингдек, жамият ҳаётига тез кириб борадиган санъат бўлиб, унинг таъсири бекиёсdir.

Кино санъати – кинематографиянинг техник воситалар асосида шаклланган бадиий ижод тури; экран санъатининг муҳим таркибий қисми; реал борлиқни айнан ёки бадиий-хужжатли образлар, мультипликация воситалари ёрдамида суратга олиш; кинофильмларнинг омма орасида кенг тарқалиши учун хизмат қиладиган телевидение, видеокассета ва видеодискларни ҳам ўз

⁵⁴ Қаранг: Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. Тошкент. 2010. Б- 503

ичига олади. Кино санъати кинематография билан бир вақтда пайдо бўлди. Кинематография эса фан ва техника тараққиёти билан боғлик ҳолда юзага келди ва аста-секин замонавий иқтисод, санъат ва маданиятнинг энг зарур соҳасига айланди.

Кино 1895 йил 28 декабрда Парижда (ихтиорчилар ака-ука О.Люмер ва Л.Люмерлар) юзага келган. Унинг юзага келиши, ўз навбатида, инсониятнинг бадиий маданияти тарихида объектив қонуният босқичи бўлди. Кинода адабиёт, театр, тасвирӣ санъат ва мусика тажрибалари, унинг эстетик жиҳатлари уйғуллаштирилиб, ўзига сингдирилган ҳолда воқелик ўзига хос ифода воситаларида фотографик тасвир орқали кўрсатилиди. Кино санъатининг оммани ижтимоий-сиёсий ва маданий жиҳатдан тарбиялашда, кишилар онги, фикр ва қараашлари, эстетик дид ва ҳис-туйғулари, умуман, маънавий дунёсининг шаклла-нишида гоявий-бадиий таъсири кучлидир. Кино санъатининг қарор топишида америка кинорежиссёри Д.Гриффитнинг хизматлари катта. Биринчи бўлиб, у йирик план, параллел монтаж, кенгайтирилган панорама каби ифодали воситаларни кўллаган. Шунингдек, С.Эйзенштейн, Ч.Чаплин, Э.Штрогейм, К.Дреер, К.Видор, Р.Клер кабилар ҳам жаҳон киноси ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

XX асрнинг биринчи ярмида кино санъатининг жанр тизимида кўпроқ комедия характеристидаги саргузашт ҳамда кўрқинчли фильмлар ўрин олди. XX асрнинг 20-йилларидан кино санъатида турли услубий изланишлар бўлди. Масалан, “экспрессионизм”, “поэтик кино”, “махфий кино”ҳаракати, “очик кино” ва бошқалар шулар жумласидандир. Кейинроқ турли мавзуулар қатори кино хикояларга алоҳида эътибор берилди. Кўпроқ маълум бир тарихни ҳикоя қилувчи фильмлар кўпайди. Урушдан кейинги йилларда ривожланган мамлакатларнинг илғор киноматографчилари ишлаган фильмлар, айниқса, италия неореализми экран санъатининг асосини ташкил этди. 1950-йилларнинг охиirlари кино санъатида кино ва телевидениенинг ўзаро бир-бирига таъсири, бир неча соат давом этадиган фильмлар ишлаш каби муҳим ўзгаришлар юз берди. Айни бир вақтда кино санъати билан боғлик телевизион ижоди пайдо бўлди ва ривож топди.

Осиё, Африка, Лотин Америкаси каби кўпгина мамлакатларда янги кинематографиянинг пайдо бўлиши, бир қатор гарб давлатларида ўзига хос кинематографик мактабларнинг ривожланиши кино маҳсулотларининг хилма-хиллигини таъминлади. Кино санъати жанр ва услугуб жиҳатдан бойиди. Экран ижодида полифониянинг турли шакллари кўлланила бошлади.

Ривожланган мамлакатларда эски жанрларнинг ўзига хос қайта уйғониш даври бошланди. Биринчи навбатда, мелодрама ҳамда кинематографик баёнда анъанавий шаклларнинг жонланиши кўзга ташланди. Айни вақтда янги телевизион тизим (кабелли телевидение), ер йўлдоши орқали узатиладиган кўрсатувлар, виdeoмагнитофон, видеокассета, видеодискларнинг кенг тарқалиши натижасида кино санъатининг ривожланиши мураккаблашди.

Кино санъати асарлари ёзувчи-драматург, режиссёр, актёр, оператор, рассом, композитор каби ижодий ходимлардан иборат жамоа маҳсулидир. Кинода режиссёр етакчи роль ўйнайди. Фильм яратиш иккинчи томонни – ижод ва ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Кино ишлаб чиқаришнинг маркази – киностудия. Тайёр фильмлар кинопрокат орқали тарқатилади ва улар кинотеатр, телевидениеда кўрсатилади. Экран санъатининг ўзига хос ифода воситалари бор: умумий, ўрта ва йирик планда суратга олиш, турли ракурсларда камералар ҳаракати, эпизод ва кадрлар монтажининг турли шакллари ва бошқа Кино санъатининг 4 асосий тури мавжуд: бадиий фильм, илмий-оммавий кино, ҳужжатли кино ва мультиликацион кино. Шулардан бадиий фильм кино санъатининг асосий турларидан бўлиб, маҳсус ёзилган сценарий ёки қайта ишланган бадиий адабиёт (ҳужжатли ёки бадиий проза, театр драматургияси ва бошқалар) асосида ижоднинг ижровий воситалари ёрдамида реал ёки тўқима воқеаларнинг баён этилишидан иборат бўлса, илмий-оммавий кино томошабинларни табиат ва жамият ҳаёти, илмий кашфиёт ва ихтиrolар билан таниширади.

Кино санъатининг яна бир муқим тури – мультиликацион кино. Энг кенг тарқалган шакллари расмли ва қўғирчоқли фильмлардир. Рассом чизган расмлар ёки макетлар, шунингдек,

қўғирчокларни харакатлантирилиб кинотасмага туширилади. Хужжатли кино – бўлган воеа ва харакатларни кинотасмага туширади. Кино санъатининг комедия, тарихий, драматик ва саргузашт фильмлар каби жанрлари мавжуд.

Ўзбекистонда биринчи фильм 1897 йил “Эски жўва” майдонида кўрсатилган. 1908 йилдан Тошкент, Самарқанд, Қўкон ва бошқа шаҳарларда чет эл фильмлари намойиш этилган. Ўрта Осиёда кўрса-тилган киноленталар, асосан, Америка, Франциянинг Шарқ экзотicasи тасвиirlанган фильмларидан иборат бўлган.

Ўзбек миллий кино санъати XX асарнинг 20-йилларида вужудга келди. Биринчи ўзбек киноопе-ратори Худойберган Девонов ўзининг ilk ҳужжатли-хроникал фильмларida ўзбек халқининг ҳаётини, урф-одатларини, Хоразм манзараларини акс эттиришга интилган.

Ўзбек кино санъати тарихи 1924 йилда “Бухкино” ташкилотининг тузилиши билан бошланади. Шу йили ёқ москвалик ва ленинградлик кино ходимлари иштирокида “Мусулмон қизи” номли ilk ўзбек кинофильми суратга олинниб, ўша йилнинг 29 сентябрида экранга чиқарилади. Шунингдек, ўша (1924) йилда “Ўлим минораси” номли кинофильм ҳам рус кино ижодкорлари томонидан суратга олинди. 1925 йил Тошкентда “Шарқ юлдози” (1936 йилдан “Ўзбекфильм”) кинофабрикасининг ташкил бўлишин ўзбек кино санъати ривожини бошлаб берди.

1925-1926 йилларда “Шарқ юлдози” кинофабрикаси томонидан суратга олинган “Пахтаорол”, “Бахт қуёши”, “Иккинчи хотин” ва “Равот қашқирлари” номли кинофильмлари майдонга келади. Агар айрим рол ижрочиларини инобатга олмагандা, бу кинофильмларнинг ижодкорлари орасида миллый кадрлар йўқ ҳисоби эди. Тошкент студиясига хали кино соҳасида яхши танилмаган рус кино арбобларининг келиши, уларнинг касбий савиасининг пастлиги сабабли ҳақиқий миллий мазмундаги киноларни яратишнинг иложи бўлмаган. Улар яратган фильмлар факат экзотик ва ташвикий характерга эга бўлиб, кўпинча ўзбеклар ҳаёти бузиб кўрсатилган, ўзбек аёллари ролини рус актрисалари ўйнагани натижасида қаҳрамоннинг ички дунёси, унинг пси-

хологик кечинмалари очиб берилмаган. “Ўлим минораси” (реж. В.Висковский), “Мусулмон қизи” (реж. Д.Бассалито), “Иккинчи хотин” (реж. М.Доронин) каби фильмлар шулар жумласидандир.

Ўша йилларда асосий эътиборни кино ижодкорлари тўрут девор орасида яшаб келаётган хотин-қизлар мавзусига қаратганлар. Масалан, “Иккинчи хотин” кинофильми сценарийси Лолаҳон Сайфуллина (Арслонова) билан В.Собберей томонидан ҳамкорлик-да ёзилган. “Ичкари” деб номланган бу кино асарини ўқиган китобхонларнинг Лолаҳонга бўлган муносабати ўзгармай қолмайди, асарда тасвирланишича, Лоланинг ижтимоий турмушга қизиқиши кундан-кун ортиб борган.

Ҳар бир жамиятнинг илфорлик даражаси аёлларнинг шу жамият ҳаётидаги ўрни билан белгила-нади. Номаълум донишманд томонидан айтилган бу сўзлар XX асарнинг 20-йилларида ижод аҳлининг фикри-зикрини банд эта бошлаган. Шунинг учун ўзбек киноси илк қадамларидан бошлаб диққат-эътиборини айнан мана шу муаммога қаратган. “Мусулмон қизи”дан кейин “Иккинчи хотин” кинофильмининг яратилиши ҳам ижодкор зиёлиларнинг ўзбек хотин-қизлари тақдирида бурилиш ясаш орзуси билан бевосита боғлиқ. “Ичкари” тўпламидаги “Иккинчи хотин” ҳикояси асосида шу номда киносценарий ёзилиб, фильм суратга олинади.

“Иккинчи хотин” фильми ана шу муҳим ижтимоий-мааний мавзуга бағишлиган. Лола Сайфуллина ўзбек ҳаётини, “ичкари”ни яхши билганлиги сабабли бу мавзуни “Мусулмон қизи” фильмига қараганда анча ҳаққоний ва таъсирли ёритишга эришган. Фильмдаги иккинчи хотин – Адолат ролини машхур рус рақкосаси Майя Плисецкаянинг онаси Раиса Месссерер маҳорат билан ижро этган. Кези келганда айтиш жоизки, Москва кинотехникумини тутгатган ва “Андозиянинг кўзлари” фильмида эпизодик ролни ижро этган актриса Раиса Месссерер ўшанда Тошкентга икки ойлик қизи билан келган эди.

1925 йилда “Ўзбекдавкино” ташкилоти тузилиб, унинг тасарруфидаги “Шарқ юлдузи” кинофабрикаси Шайхонтоҳурдаги Эшонкули масжидига, “Қизил Ўзбекистон” кинотеатри эса Кўкалдош масжидига жойлашади.

“Ўзбекфильм” киностудиясининг кекса операторла-ридан бири А.Сайдов таникли киношунос Ханжара Абулқосимованинг илтимоси билан ёзилган хотираларида Кўкалдош масжидидаги киносеансларни кўйидагича таърифлайди: “Залда чойхона ишлар, ёпган нон ва турли-туман шириналлар сотиларди. Томошибинлар учта катта гурухга ажралиб ўтиришарди. Театрда бўлганидек, бу ерда ҳам ўзининг “партер”и, ўзининг “амфитеатри” ва ҳатто “галёрка”си бўлган. “Партер”дагилар ерга ёзилган гилам устида, “амфитеатр”дагилар скамейкаларда, “галёрка”дагилар эса узун оёкли катларда ўтиришган. Сеансга чойхоначи қўмондонлик қиласи билан таъминланадиган шириналларни нон-чой ва шириналлар билан таъминлаб бўлгач, механикка ишора қиласи билан тарқатиб чиқар ва яна механикка ишора қилганидан кейин фильм намойиши давом этарди. Шундай қилиб, ҳар бир сеанс бир неча маротаба бўлинадиган. Одатда, фильм мазмунини баён қилиб берувчи таржимонлар ҳаммага овозлари эшитилиши учун аппарат олдига кўйилган маҳсус баланд ўтиргичларга ўтириб, бор овозлари билан қичқиришарди...”.

Дастлабки ўзбек фильmlари ана шундай ибтидоий шароитда намойиш этилган. Шунга қарамай, томоша-бинлар орасида у ёки бу кинофильмда тасвиirlанган воқеани тушунувчи, унда олга сурилган гояни илғаб оловчи кишилар оз бўлмаган. Мазкур фильм томошибинлар ўртасида катта муваффакият қозонди. Бундан илҳомланган Лола Сайфуллина “Соябон арава” киноқиссасини ёзди ва кинорежиссер О.Фрелих раҳбарлигидаги ижодий гурух суратга олган кино асар 1928 йилнинг 31 январида экранга йўлланма олади. Агар М.Доронин экранлаштирган “Иккинчи хотин” фильмидаги фақат иккинчи даражали ролларни Ў.Мирзабоева, З.Йўлдошбоева, Ш.Маҳзумова сингари ўзбек артистлари ижро этган бўлсалар, бу фильмдаги бош ролларга Рустам Тўрахўжаев, Ойша Туманбоева, Раҳим Пирмуҳамедов, Наби Ганиев сингари дастлабки ўзбеккино артистлари жалб этилди.

Фильм гарчанд камбағал йигит билан қизнинг муҳаббати тасвири билан бошланган бўлса-да, инқилобий давр воқеалари севги ва муҳаббат мавзусини бошқа ўзанга буриб юборган. Ушбу фильм рус киноматографчиларининг Шарқ ҳақидаги киноасарларидан реалистик лавҳалари ва гоявийлиги билан қанчалик фарқ қиласин, “Ўздавкино” томошабоп кинофильмлар яратиш зарурлигини сезиб, Лола Сайфуллинаға француз адаби Ф.Дюшеннинг “Ўн тўрт кунлик ой” романи асосида киносценарий ёзиши топширади. Лола Сайфуллина француз офицерининг жазоирлик моҳов қизга бўлган муҳаббатини тасвириловчи асар воқеаларини ўтган аср бошларидаги Ўзбекистонга кўчириб, араб қизини Адолат (ўзбек қизи), мустамлакачи француз офицери-ни Коронин (рус йигити), деб атайди. “Моҳов” фильмни воқеалари томошабинларда қанчалик қизиқиш уйғотмасин, асар кино танқидчилар назаридаги “Ўздавкино”га шон-шуҳрат олиб келмаган.

Лола Сайфуллина XX асарнинг 20-йилларда киносценарий жанрида ижод қилиш билангина кифояланиб қолмади. У “Ичкари” фильминдан ташқари, “Кулаётган минора” ва “Лолалар чаман-чаман” деган романлар ҳам ёзган.

Адабанинг “Кулаётган минора” ва “Лолалар чаман-чаман” каби романларини варақласак, жамоалаш-тириш ва ер ислоҳоти давридаги қишлоқ ҳаёти манзаралари, ўзбек хотин-қизларининг шу даврдаги мураккаб ва машаққатли ҳаёти, янги ўзбек зиёлиларининг туғилиш жараёни кўз олдимизда ёрқин гавдалана бошлияди. Бу асарлар ўз даврида факат танқидчилар эътиборини қозонибгина қолмай, машхур рус ёзувчиси Максим Горькийнинг ҳам назарига тушади.

Паранжисини ташлаган ва озод Шарқнинг киноёзувчиси бўлиб олган Лолаҳон Сайфуллина, сирасини айтганда, Шарқ қизи эмас эди. У польшалик бўлиб, 1924 йилга қадар Лиция Осиповна Сивицкая, деб атаб келинган. У 1924 йили пайғамбаримиз Мұхаммад (с.а.в.) таълимотига мойиллик билдириб, мусулмонликни қабул қилган ва Шарқдаги хотин-қизлар ҳаракатига раҳбарлик қилган. XX асарнинг 20-йилларида ўзбек маданиятига чакмоқдек кириб келган, Чўлпон сингари машхур шоир ва ёзувчиларни мафтун

қила олган Лолахон Сайфуллина 30-йилларнинг бошларида кутилмаганда ғойиб бўлиб қолади. Унинг иттифоко вафот этгани ҳам, бошқа бирор ўлкаға кетиб қолгани ҳам сир бўлиб қолган.

Овозсиз фильмларда берилган мазмун томошибинг кўпроқ Европа мутахассислари нуқтаи назарини ифодалади, чунки миллий анъаналарни билишдан йирок муаллифларнинг асарлари шу руҳда яратилган эди. XX асрнинг 20-йилларида яратилган “Соябон арава” (О.Фрелих), “Равот қашқирлари” (К.Гертел), “Макрли чангаль” (В.Козлов), “Чодира” (М.Авербах) каби фильмлар шулар жумласидан.

Овозли кинонинг юзага келиши ўзбек кино санъатининг ҳам бадиий қийматини оширди. Биринчи ўзбек овозли фильми “Касам” (1937. режисёр А.Усолсов-Граф)да миллий актёрлик маданияти, ўзбек ҳаёти ва психологияси муфассал акс этди, ижтимоий қарама-қаршиликлар асосига қурилган драматургия намоён бўлди. Чунки барча бош ролларни ўзбек актёрлари ўйнаган эди. Лекин асар овозсиз кино бўлғанлиги, шунингдек, эски кино маданияти қолдигидан холи бўла олмагани сабабли ҳам ўтмиш ва бугунги кун ўртасида аросатда бўлиб қолди. Шу сабабли, улар ўша даврда яратилган Грузия, Озарбайжон фильмлари каби энг яхши киноасарлари даражасига кўтарила олмади.

Ўзбек киносининг мубошири бўлган “Насриддин Бухорода” (1943, реж. Я.Протазанов) фильмни халқ мавзусининг ҳакиқий имкониятларини очиб берди, тасвирий воситалар қаторини қандай чиройли ва ифодали қуриш мумкинлигини кўрсатди, юқори даражадаги ижро услубини ўргатди. “Тоҳир ва Зухра” (1945, реж. Н.Ғаниев) фильмни халқ эртаклари асосида яратиладиган фильмлар чегарасини “бузиб” ўтган холда тарихий фильмлар яратишга асос солди, миллий руҳдаги ифодали ўйин имкониятларининг нақадар кенглигини ҳис этишга имкон берди. Кейинроқ яратилган “Алишер Навоий” (1947, реж. К.Ёрматов) фильмининг яратилишига “Тоҳир ва Зухра” киноси мухим пойdevor бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, “Бой ила хизматчи”, “Қутлуғ кон” (1953, 1957, реж. Л.Файзиев), “Шоҳи сўзана” (1954, А.Бекназаров) каби бадиий асарлар экранлаштирилди.

Ўзбек киноси ёшларда замон талабларига янгича қарашиб калланаётган ижодий майдонга айланы борди, ёшлар эски қолил ва тахминлардан узоқлашдилар, дунёга шоирона назар ташлаш имкониятлари намоён бўлди. Шу билан бирга, ҳаёт факат севиш, хурсандчилик қилиш, қаҳвахоналарда рақсга тушиш, чиройли кийинишдан иборат деб билган шаҳарлик йигит ва қизлар учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фильмлар ҳам ўзбек экран санъатига янги бир саҳифа бўлиб кириб келди. Бу, айниқса, режиссёр Э.Эшмуҳамедов ижодидаги “Нафосат” (1966), “Севишгандар” (1969) ва бошқа фильмларда яққол қўзга ташланди. “Мафтунингман” (1958, Й.Аъзамов), “Маҳаллада дув-дув гап”, “Сен етим эмассан”, “Қалбингда қуёш”, “Тошкент – нон шаҳри” (1960, 1962, 1966, 1967, реж. Ш.Аббосов), “Синчалак”, “Улуғбек юлдузи”, “Наташахоним” (1961, 1965, 1966, реж. Л.Файзиев), “Ўтган кунлар” (1969, реж. Й.Аъзамов) ва бошқа фильмлар шулар жумласидан.

Миллий кино санъати ижодкорларининг ташкилий ва ижодий ишлари, тўпланган тажрибаларнинг янгича қўз билан кўриб чиқилиши, экран санъатига талабчанликнинг оширилиши натижаси ўлароқ тарихий-инқилобий фильмлар (“Қора консулнинг ҳалокати”, реж. К.Ёрматов; “Еттинчи ўқ”, А.Ҳамроев ва бошқалар) билан бир қаторда замонавий мавзуда ҳам бир қанча фильмлар ишланди: “Шиддат” (реж. У.Назаров), “Ёз ёмгири” (А.Қобулов), “Фалокат оёқ остида” (З.Собитов), “Севги фожиаси” (Ш.Аббосов), “Аланга-ли сўқмоқлар” (Й.Аъзамов), “Сени кутамиз, йигит” (Р.Ботиров), “Аччиқ данак”, “Ўзганинг бахти” (Қ.Камолова), “Инсон қушлар ортидан боради” (А.Ҳамроев, Дехли ҳалқаро кинофестивалида “Кумуш товус” мукофотини олган, 1976), “Чинор остидаги дуэл” (М.Абзалов) ва бошқалар. Шунингдек, буюк алломалар ҳаёти ҳақида сўзловчи “Нодирабегим” (реж. К.Ёрматов), “Абу Райҳон Беруний”, “Оловли йўллар” (Ш.Аббосов) ҳамда “Зулматни тарк этиб...” (Й.Аъзамов), “Шум бола” (Д.Салимов) каби фильм-ларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбек киноси изланишларни кенгайтиришга, жамиятда содир бўлаётган ижтимоий жараёнларни янада чуқур ва ёрқин ифо-

даловчи киноленталар яратишга интилди. Экран сон ва сифат жиҳатдан яна бир погона кўтарилид, жанрлар эса шакл ва мазмун жиҳатдан кучайди, уларнинг хилма-хиллиги ошди, қолипга тушиб қолган одатий мазмунлардан қочиш сезилди.

“Алибобо ва қирқ қароқчи” (реж. Л.Файзиев, У.Мехра), “Мана ўша йигит қайтиб келди” (Р.Ботиров), “Олтин жунли қўй териси”, “Уйғониш” (Л.Файзиев), “Бўйсунмас” (А.Қобулов), “Қиёмат қарз” (У.Назаров), “Даҳонинг ёшлиги”, “Караҳтлик” (Э.Эшмуҳамедов), “Парол “Регина” меҳмонхонаси” (Й.Аъзамов), “Армон”, “Суюнчи”, “Келинлар кўзголони”, “Майсарапанинг иши” (М.Абзалов), “Орзулар оғушида” (Ф.Зайнутдинов) каби фильмлар эстетик сифатини устунлиги ва янги-янги шакллари билан ажralиб туради.

Кейинги ўн йилликда миллий Кино санъати ривожланишида кескин бурилиш даври бўлди. Қизиқарли фильмлар яратган М.Абзалов, З.Мусоқов, Ю.Собитов каби режисёрларнинг фильмлари замон муаммолари, ёшлар ҳаётининг энг оғриқ жабҳаларига қаратилди, услублар хилма-хиллиги таъминланди. “Аждодлар овози” (Ф.Шермуҳамедов), “Кетма” (Ж.Ишоқов, Р.Саъдуллаев), “Тонгга қадар” (Ю.Ази-мов), “Севги қурбонлари” (А.Исмоилов) каби фильм-лар эътиборга моликдир.

1996 йил миллий кино санъати учун янги, муҳим сана нуқтаси бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 июл 247-қарорига асосан, “Ўзбеккино” давлат акционерлик компанияси ташкил бўлди. Фармон ўзбек кино санъатига янги изланишлар, замон билан ҳамнафас бўлиш вазифаларига ундади, томошабин-ларни жалб қила билиш йўлларини топишга, ўз-ўзини пул билан таъминлаш, янги техник жиҳозлар билан қуролланишга мажбур этди. Фармон натижаси ўлароқ, “Кенжা қиз” (Р.Кубаева), “Атроф оплоқ қор билан қопланган” (Қ.Камолова), “Юлдузими ни бер, осмон” (Ф.Давлетшин), “Буюк соҳибқирон” (И.Эргашев, Б.Содиқов), “Отамдан қолган далалар” (Ш.Аббосов), “Марғиёна” (Х.Файзиев), “Ўтган кунлар” (М.Абзалов, Ҳ.Файзиев), “Пиёда” (Р.Маликов), “Яратганга шукур” (З.Мусоқов), “Севги” (И.Эргашев), “Ёлғиз ёдгорим” (С.Назармуҳамедов), “Тилсимой – гаройиб қизалоқ” (М.Боймуҳамедов) каби янгича талқиндаги

фильмлар юзага келди.

Хозирги кунда кино санъатининг ижтимоий нуфузи сезиларли даражада ошди, мавзу доираси кенгайди, маҳаллий ёзувчилар асарларининг кўпайиши кўзига ташланади. Фолклор, тарихий, замонавий ва фалсафий мавзулар кайта ишлаб чиқилди. “Аёллар салтанати” (Ю.Розиков), “Чаёнгул” (С.Назармуҳамедов), “Паримомо” (М.Ражабов), “Она” (З.Мусоқов) кабилар кейинги йилларнинг энг яхши фильмлари қаторидан жой олган.

Бадиий кинони жаҳонга танитган, ўзбек кино санъатининг асосчиси НабиҒаниев, халқ артисти Комил Ёрматовлар ижоди ўзбек киноси тарихининг ёрқин сахифалари бўлиб колди. Шунингдек, Й.Аъзамов, Ш.Аббосов, Л.Файзиев, З.Собитов, Р.Ботиров, А.Ҳамроев, А.Қобулов, Қ.Камолова, З.Мусоқов, И.Эргашев, Ҳ.Файзиев каби режисёрлар ва Ҳ.Файзиев, А.Панн, М.Краснянский, А.Мукаррамов, М.Пенсон, Д.Фатхуллин, А.Исмоилов, Л.Травицкий, Д.Абдуллаев сингари операторларнинг миллий кино санъатининг камол топиши ва жаҳон кино санъати қаторидан ўрин олишида хизматлари бекиёсdir.

Ў.Алихўжаев, Ш.Эргашев, Р.Саъдуллаев, М.Ражабов, Т.Шокирова, Р.Адашев, Д.Қамбарова, Б.Зокиров, Д.Эгамбердиева каби артистлар энг яхши кино актёрлардир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда “Ўзбекфильм”дан ташкари “Ватан”, “Имон”, “Инсон”, “Ёғду”, “Достонфильм”, “Самарқандфильм”, “Шод”, “Юлдуз” сингари киностудиялар ишлаб турибди (2002).

Ўзбек ҳужжатли киноси, асосан, XX асрнинг 30-йиллардан бошланган. Ф.Назаров, Н.Гасилов, В.Тимковский, К.Аликаев. М.Ковнат, Н.Ғаниев, Й.Аъзамов кабилар ҳужжатли кинонинг дастлабки йилларида кўтариинки рух билан ишладилар ва маълум муваффақиятларга эришдилар. “Ишлаб чиқаришда жисмоний тарбия” (реж. Й.Аъзамов), “Ажойиб иш” (реж. Н.Ғаниев), М.Қаюмов суратга олган “Ўзбек пахтакорларининг ғалабаси”, “Ўзбек халқининг байрами” (Ш.Зоҳидов, О.Турсунов билан ҳамкорликда), “Катта Фаргона канали”, “Кучли оқим” фильмлари юқори баҳоланди. Айниқса, “Тошкент тўқимачилар комбинати”

(1938) фильми Нью-Йоркда ўтказилган жаҳон кўргазмасида олтин медалга сазовор бўлди.

Уруш йиллари “Фронтдаги дўстларга” (реж. К.Ёрматов), “Фронтга совға” (С.Муҳамедов, Й.Аъзамов), “Беш республика концерти” (А.Спешнев, З.Собитов) каби бадиий-хужжатли фильмлар экранга чиқарилди.

Урушдан кейин хужжатли кино ижодкорлари ғайрат ва шиҷоат билан олдинга янги қадам ташлаш билан ўз ижодини бошладилар. “Тўрт дарвозали шаҳар”, “Ўзбекистонимизга келинг”, “Инсониятнинг беш қўли”, “Фарҳод чироқлари” (реж. М.Қаюмов), “Совет Ўзбекистони” (К.Ёрматов) сингари кино йилномаларнинг ёрқин ва ҳаётйи кино тасмалари яратилди.

Кейинги йилларда яратилган хужжатли фильмларда Ўзбекистонда қурилаётган завод ва фабрикалар, ГЭСлар, қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, фан ва санъат фидойилари ҳаёти ва ижоди, санъат ютуқлари, йирик халқаро мусобақалар ўз аксими топди: “Баҳордан баҳоргача”, “13 қалдирғоч”, “Зилзила” (М.Қаюмов), “Ўқитувчи” (Н.Атауллаева), “Ўзбекистон гази ва кимёси” (Н.Раҳимбоев), “Мовий олов кишилари” (Р.Григорьев), “Йўлда ва она юртда”, “Ашурев воқеаси”, “Очиқ айтганда”, “Изланиш давом этмоқда” (реж. Т.Нодиров) ва бошқа фильмлар шулар жумласидандир.

Малик Қаюмовнинг кўп йиллик ижоди ўзбек хужжатли киноси тарихида алоҳида бир саҳифа бўлиб қолади. У билан ёнма-ён ижод қилган Ш.Зоҳиров, Т.Нодиров, А.Сайдов, О.Турсунов, Н.Атауллаева, П.Расулов, М.Арабов, А.Ёқубов, Н.Раҳимбоевларнинг ҳам хужжатли кино санъати равнақида хизматлари катта.

Сўнгги йилларда ўзбек хужжатли киноси ўзини анча ўнглаб олди. мавзулари доираси кенгайди, ҳаёт билан ҳамнафас фильмлар яратилди. Катта авлод ўрнини янги ёш режисёр, оператор, сценарийчи ва бошқа мутахассислар эгаллади. “Шароф Рашидов”, “Абдулла Қодирий”, “Қўриқ” (Даврон Салимов), “Ислом Каримов. XXI аср бўсағасида” (Ш.Курбонбоев), “Ўзбекистон баҳори” (Ш.Курбонбоев, Э.Хачатуров), “Ўзбекистон олти-

ни” (Н.Махмудов), “Нон” (Г.Шермуҳамедов), “Жаҳонга йўл” (Ш.Махмудов), “Ўзбекистон қуролли кучлари”, “Фитрат” (Г.Шодмонов) ва бошқалар кейинги йиллардаги энг яхши фильмлардир. Замонавий ҳужжатли кино санъати ривожида Даврон Салимов, Б.Музаффаров, Ш.Махмудов, Ш.Курбонбоев қабиларнинг ўрни алоҳида.

Мултиликацион кино санъатининг ривожланиши Ўзбекистонда XX асрнинг 60-йилларига тўғри келади. Республикада биринчи қўғирчоқ фильм ижодкори Ю.Петров бўлди. “бхб квадратида” номли биринчи фильмни (Дамир Салимов билан ҳамкорликда) яратди. Кейинчалик яратилган “Сехрли сандик” (Дамир Салимов), “Рахим ва қўнғиз” (Қ.Камолова), “Кишки эртак” (З.Ройзман), “Шахар қурбақалари” (А.Ақбархўжаев), “Сехрли самовар” (М.Махмудов), “Олма ҳақида эртак” (Н.Тўлахўжаев) каби мултфильмларда турли мавзулар ёритилди.

Сўнгги ўн йиллиқда турли жанрларда яратилган мултиликацион фильmlар кейинги давр ривожини таъминлади. “Баҳром ва Дилором”, “Қозик” (реж. М.Махмудов), “Янги кўхна эртак” (С.Муродхўжаева), “Даладаги чечаклар” (Н.Тўлахўжаев), “Янчар қуён” (Д.Власов), “Янги шохча ва баҳор ёмгири ҳақида” (С.Силка) ва бошқа фильмлар шулар жумласидандир.

“Ўзбекфильм”да кўп йиллардан бўён жаҳоннинг энг яхши фильмларини ўзбек тилига таржима қилиб, ўзбек томошабининг етказувчи дубляж гуруҳи хизмат қилиб келмокда. Бу соҳанинг асосчилари ва фаол иштирокчиларидан бўлган Қ.Мирмуҳамедов, М.Ғаниев, С.Сайдов, Б.Ҳайдаров, С.Искандаров, Ж.Обидов, В.Кутюков, А.Шараповларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбек киночилик санъатида ўзига хос мактаб яратилганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. “Шахсан мен,—дейди Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов, — ҳар сафар “Тоҳир ва Зухра”, “Ўткан кунлар”, “Сен етим эмассан”, “Маҳаллада дув-дув гап” каби мумтоз фильмларимизни кўрганда бу ҳақиқатга ишонч хосил қиласман. Мана шундай том маънодаги миллий асарлар нафақат ҳалқимиз маънавиятини юксалтиришга,

балки унинг гўзал қадриятларини бутун дунёга танитишга ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда”⁵⁵.

Бугунги кунда киноларимизнинг бир хиллиги, унинг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, гоявий савияси анчайин саёз эканлиги тўғрисида фикр билдириш мумкин. Шу билан бирга, кино санъатимиз жуда тез ривожланаяпти, лекин фильмлар фақатгина даромад олиш манбаси сифатида ишланадиган бўлса, уларнинг савияси “қашшоқ”лигича тураверади. Киноларнинг савиясини кўтариш учун ҳар бир ролни бир неча ойлаб машқ қилиш, берилган ролни актёр тўғри ижро қилиш учун бор кучини, билимини сарфлаши, сабрли бўлиши, иродасини бакувват бўлишлигига ҳаракат қилиши керак. Агар актёр ўзидағи қучкувватни, акл-идрокни, тафаккурни, уриб турган юрагингизни ҳис қилишни билмаса, ўйнаётган ролида сохталик кўриниб қолади. Бу эса шаклланиб бораётган ёш авлоднинг эстетик тарбиясига жиддий таъсир кўрсатади.

Шундай бўлса-да, кейинги йилларда Ўзбекистонда “Ўзбекфильм”дан ташқари “Ватан”, “Имон”, “Инсон”, “Ёғду”, “Шод”, “Юлдуз” “Достонфильм”, “Самарқандфильм” сингари киностудияларда ҳалқ, миллат дардига малҳам берувчи, уларнинг маънавий қадриятларини, ахлоқий маданиятини бутун дунёга танитадиган юксак бадиий маҳорат билан қатор фильмлар яратилмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида яратилган “Сардор-1”, “Сардор-2”, “Сардор-3” ва “Остона” каби фильмлар баркамол авлод тарбиясида, жумладан, ватанпарвар, мард, жасур бўлиб шаклланишларида катта аҳамият касб этмоқда. “Лекин шуни ҳам холисона айтиш керакки, ёшларнинг тарбиясига чукур таъсир кўрсатадиган замонавий қаҳрамон образи кино экранларимизда ҳали яратилгани йўқ. Суратга олинаётган аксарият фильмларда киночиларимизнинг бугунги куннинг ҳақиқий манзараси, унинг ўткир муаммоларини чукур ҳис эта олмаслиги, оддий одамлар ҳаётидан узоқлашиб қолгани сезилиб туради”⁵⁶. Бундай саёз фильмларнинг яратилиши эса бевосита ёшларнинг

55 Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б- 145.

56 Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б-146.

маънавий дунёқарашини сийқаланишига ҳамда уларнинг эстетик тафаккур маданиятини издан чиқишига, айниқса, енгил-елпи, “ўлдим-куйдим” асосида яратилаётган фильмлар ёшларни ҳаётга нисбатан бефарқ бўлишларига олиб келади.

Ўзбек кино санъати йиллар давомида бутун қардош мамлакатларга, чет элларга ўзининг фильмлари, ижодкорлари билан танилиб келган. Ҳозирги кунда ҳам бу тамойил давом этаяпти. Лекин гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ўша сифатли маҳсулотлар ичидагинг афсуски, яроқсизлари талайгина.

Шуниси яна ачинарликки, бугунги кунда телевидение орқали намойиш қилинаётган корейс миллий сериаллари ўзбек ёшларининг ўз тарихини эмас, балки корейс тарихини мукаммал билишлари учун асосий омил бўлмоқда. Бу билан биз чет эл фильмлари намойиш этилмасин демокчи эмасмиз, аксинча, миллатимиз, халқимизнинг бой тарихини ёркин ифодалаб берувчи, уларнинг ватанпарвар, инсоний фазилатларга эга бўлган, меҳмондўст, шунингдек, кўхна қадриятларга бой миллат эканлигини кўрсатувчи кинофильмлар яратилиши ва экран юзини кўриши кераклигини таъкидламоқчимиз. Тўғри, ўз даврида ўзбек киносининг буюк даргалари бўлган Наби Ганиев ҳамда Комил Ёрматовлар томонидан тарихий фильмлар яратилишига асос солинган бўлса-да, яратилган фильмларда ўша давр руҳи таъсир этиб турган. Шунингдек, бугунги кунда яратилаётган замонавий фильмларда ўзбек адабий тилига умуман эътибор каратилмаётганлиги ачинарли ҳол. Бу эса яна ўн-ўн беш йиллардан кейин ягона ўзбек адабий тилининг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, ватанпарварлик руҳи билан сугорилган замонавий кинофильмларнинг яратилишига ҳам алохида эътиборни қаратиш зарур деб ўйлаймиз. Яъни ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширадиган, мамлакат равнақи учун керак бўлса, жонини ҳам аямайдиган замонавий қаҳрамон образини яратиш зарур. Бунинг учун сценарий ёзадиган ёзувчилар, кино драматурглар, кино режиссёrlаримиз чукур мулоҳазали, фалсафий жиҳатдан пухта, фикрлашга чорлайдиган сценарийларни яратиб, уларни истеъдодли режиссёrlарга тақдим килишлари зарур. Режиссёrlар эса

ўз вақтида фильмларнинг савиясини ошириш, унинг обрўсини сақлаши учун дуч келганни (қўшиқчи ёки бошқа соҳа эгаларини) фильмларга таклиф қилишни тўхтатиш масалаласига жиддий эътибор қаратишлари лозим. Шунингдек, бу соҳани “Кел, биз ҳам бир роль ўйнаб қўйялик” дейдиган тадбиркорлар, сохта артистлар қўлига бериб қўймасликлари керак. Ваҳоланки, бундай ҳолатлар бугунги кунда давом этмоқда. Мазкур ҳолатларнинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганиш ҳамда тўпланиб қолган муаммолар ечими-ни топиш, уларни бартараф этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

“Бунинг сабаблари ҳакида кўп гапириш мумкин, лекин асосий сабаблардан бири шундаки, кино санъати соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий ўкув юртлари илгари Ўзбекистонда умуман мавжуд эмас эди. Собиқ Марказдаги кино институтларида таълим олган оз сонли ўзбек режиссёrlари ва кино драматурглари эса, афсуски, миллый рух, миллый заминда бетона бўлган мутахасислар бўлиб етишар эди. Ва ана шундай ҳолатнинг салбий асорати ва таъсири аксарият кино ижодкорларимиз фаолиятида ҳозирга қадар сақланиб келмоқда”⁵⁷.

Ушбу фикрлардан кўринадики, бугунги кунда ўзбек кино санъати дарғалари ёшлиарни ижтимоий фаол-лигини оширишга қаратилган, уларнинг ахлоқий тафаккур маданиятини шакллантиришга ёрдам берадиган фильмлар яратиш устида профессионал даражада мудом изланишлар олиб боришлари, профессионал кино санъати билан “тижорат” кино санъати ўргасидаги “яқинликни” узоклаштиришлари, сара фильмлар асосида соҳалар тизимининг бошланишига муносиб ҳиссаларини қўшишлари ва шу аснода чинакам бадиий етук кино асарлари яратишлари зарур деб ўйлаймиз.

57 Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилъяс куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б- 146.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Кино санъати тарихи ҳақида тушунча беринг.
2. Кино санъати дарғалари ҳақида маълумот беринг.
3. Кино санъати турлари неча хил бўлади?
4. Профессионал кино билан тижорат кино ўртасидаги фарқларни тушунтириб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Петровский Н. Очерки Кокандского ханства. Вестник Европы. 1875. Кн. X. С.714.
2. Остроумов Н.П. Сарти. Этнографические материалы. –Т.: З т.1908, стр. 73; М.Алибеков, указанная статья, Еженедельник Ферганской области., т. П. вмп. 1903 г. С.87-97.
3. Троицкая А.Л. Из истории народного театра и цирка Узбекистане. “Советская этнография”. 1948. № 3. С.80.
4. А.Қодирий. Мехробдан чаён. –Т.: Ўзбекистон давлат бадиий адабиёти нашриёти. 1959. Б-141, Б- 139-143, Б- 146-147.
5. Абдурахмон Джами. Трактат о музыке (форс тилида, А.Н.Болдировни кириш сўзи ва русча таржимаси билан), –Т.: Изд-во АН Уз ССР. 1960. С.30
6. Махмуд Қошғарий. Девону луготит-турк. –Т.: 1960. I т. Б-357.
7. Қодиров М.Х. Ўзбек халқ оғзаки драмаси. –Т.: Ўз.ССР нашриёти. 1963. Б- 33-38
8. Саидов М. Ўзбек достончилигига бадиий маҳорат. –Т.: Фан. 1969.
9. Ҳоди Зариф. Фозил шоир – машҳур достончи / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 3-китоб: Фозил шоир. –Т.: Фан. 1973. Б- 5-29.
10. Юнус Ражабий. Мусиқа меросимизга бир назар. –Т.: Faур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1978. Б- 9
11. Раззоков Ҳ., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи. 1980. Б-274
12. Ўзбек мусиқа тарихи. Тузувчи М.Соломонова. –Т.: Ўқитувчи. 1981. Б- 14, Б- 61
13. Қодиров М.Х. Ўзбек халқ томоша санъати. –Т.: Ўз.ССР нашриёти. 1981. Б- 68
14. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 7-китоб. –Т.: Фан. 1981.
15. Рўзимбоев С. Хоразм достонлари. –Т.: Фан.1985.

16. Юсуфжон қизиқнинг Зокир эшон ҳақидаги хотиралари. Жалил Қодиров томонидан ёзиб олинган. ЎзММСИ фонди. Инп. –Т.: 1990.
17. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. –Т.: Ўқитувчи. 1990. Б- 227-268.
18. Наманган халқ оғзаки бадиий ижоди намуналари /Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар: Т.Фозибоев, А.Собиров. – Наманган. 1993.
19. Хамидов Х. Ўзбек анъанавий кўшиқчилик маданияти тарихи. –Т.: Ўқитувчи. 1996. Б- 101.
20. Авдеева Л. Ўзбек миллий ракс тарихидан. –Т.: Чўлпон нашриёти. 2001. Б- 42.
21. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти. 2002. 3-том. Б- 200.
22. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти. 2002. 4-том. Б- 373.
23. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: Давлат илмий нашриёти. 2003. 6 том. Б- 147.
24. Каримова Р. Ўзбек рақслари. –Т.: Чўлпон нашриёти. 2003. Б- 4-5-6.
25. Маннопов С. Ўзбек халқ мусиқа маданияти. – Т.: Янги аср авлоди. 2004.Б- 26.
26. Матёқубов О. Мақомат. –Т.: Мусиқа нашриёти. 2004. Б-100.
27. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: Давлат илмий нашриёти. 2005. 9-том. Б- 278.
28. Каримова Р., Сайфуллаева Д.И. Ўзбек аёллар якка рақси. –Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-мабаа ижодий уйи. 2007. Б- 23.
29. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б- 32, Б-140-141, Б-143, Б-145-146.
30. Сайдов Мухаммаднодир. Маърифат фидойиси. –Т.: MUMTOZ SO’Z, 2009. Б- 5-91.
31. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.: Faafur Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2010. Б- 503.
32. Маннопов С.М. Навобахш оҳанглар. –Т.: IJOD-PRESS. 2018. Б- 28.

Журналлар:

1. Билим ўчоги. Журнал. № 2-3. 1923 йил. Б- 62-63
2. Сайд Аҳмад. Илоҳий неъмат. “Тафаккур” журнали. 1994. № 1-сон. Б- 35.
3. Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Б-73.

Газеталар:

1. Қамбаров А.А. Ҳамдамҳожи – ҳалқ севган санъаткор. Ўзбекистон овози. (Газета). 1994 йил 17-март. № 61-62 (21.666)
2. Фарғона ҳақиқати. № 39 (22901), 17-май 2014 йил.

Эслама ва ёзиб олингган материаллар:

1. “Китоби Дада Құркүт” – туркий халқларнинг XII-XV асрларда яратилған қаҳрамонлик күшикіләри түплами.
2. Филология фанлари доктори, профессор Х.Х.Зариповнинг маълумотига кўра, Таласнинг фамилияси Нормухаммедов, шеърият бобида қалам тебратган, 1939-1941 йилларда фолклорга қизиқиб, халқ ижодий намуналарини ёзишга киришган. У А.Л.Троицкаяга мазкур ишларни ёзишда ҳам кўмаклашади. Талас Нормухаммедов II Жаҳон урушида ҳалок бўлган.
3. М.Х.Қодиров раҳбарлик қилған экспедицияларда мусикашунос олим М.Ш.Ахмедов, лаборантлардан Х.Содикова билан Х.Акбарова, оператор ва фотограф И.Т.Гавриленко, овоз операторлари А.М.Леонтович, С.Алибеков ва К.П.Одичлар катнашган.
4. Халқ театри ва цирки М.Х.Қодиров томонидан текширилди, ўрганилди, ёзиб олинди, унинг раҳбарлигига мазкур санъат асарлари кинога олинди, суратга туширилди, магнит лентасига ёзилди.
5. Ҳамдам ҳожи ҳақидаги хотира 1973 йилда ёзилган бўлиб, Шахрихон ўлкани ўрганиш музейида сакланади.

ҚАЙДЛАР УЧУН

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
1-мавзу: Тасвирий санъат тарихи, назарияси ва уларнинг турлари	9
2-мавзу: Ўзбек халқ томоша санъати	32
3-мавзу: Ўзбек мусиқа санъати тарихи	58
4-мавзу: Ўзбек халқ театри санъа тарихи	78
5-мавзу: Анъанавий ижрочилик санъатитарихи	90
6-мавзу: Мақам санъати тарихи ва унинг асослари	98
7-мавзу: Ўзбек рақс санъати тарихи	108
8-мавзу: Ўзбек фольклор санъати тарихи	123
9-мавзу: Достончилик санъати тарихи	135
10-мавзу: Кино санъати тарихи	156
Фойдаланилган адабиётлар:	173

Услубий нашир

**Абдумуттал ҚАМБАРОВ,
Султонбек МАННОПОВ,
Мавлуда НАЖМЕТДИНОВА**

ЎЗБЕК САНЬЯТИ ТАРИХИ

(Ўқув-услубий қўлланма)

Директор:

Назиржон Ҳошимов

Муҳаррир:

Ҳаётжон Бойбобоев

Tex.муҳаррир:

Элдоржон Раҳимов

Саҳифаовчи:

Мухаммаджон Ҳошимов

Теришга берилди: 25.02.2021. Босишига руҳсат

этилди: 29.03.2021. Бичими: 60x84 1/16

Нашириёт босма тобоғи: 11,25.

Шартли босма тобоғи: 11,5

Times New Roman гарнитураси.

Адади: 100 дона.

Буюртма №: 81

«Farg‘ona kitob olami» МЧЖ «Фаргона» нашриёти.
150100. Фаргона шаҳри, Каштанзор кўчаси, 7-А уй.

PLG «Print Line Group» XК босмахонасида
чоп этилди. 100097, Тошкент ш.,
Бунёдкор шоҳкўчаси, 44-уй.

Қамбаров Абдумутал Ахаджонович



1959 йилда Маргилон шаҳрида тавваллуд топган. 1980 йилда Фарғона давлат педагогика институтининг тарих-педагогика факультетини битирган. 1980 йилдан 1998 йилгача ўқитувчи, катта ўқитувчи, 1999 йилдан 2016 йилгача факультет декан ўринбосари, кафедра мудири лавозимларида ишлади. Ҳозирги кунда фалсафа кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

2006 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 100 га яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолалар, 10 дан ортиқ ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар муаллифи. 2018 йилдан Турон Фанлар академиясининг фахрий академиги.

Султонбек Маннолов



1948 йилда Қува туманида таваллуд топган. 1974 йилда Фарғона педагогика институти мусиқа-педагогика факультетини тамомлadi. 1974-1977 йилларда мазкур даргоҳда ўқитувчи, 1978 йилдан вилоят театрида дирижёр, директор ва яккахон хонандада бўлиб ишлади. 20 га яқин илмий, ўқув-услубий, оммабоп рисолалари ва 100 га яқин илмий мақолалари чоп этилган.

1999 йилда "Ўзбекистон Республикаси ҳалқ артисти" фахрий унвонига сазовор бўлган. 2001 йилдан Фарду профессори, 2004 йилдан маданият кафедраси мудири лавозимларида фаолият олиб борди. 2013 йилдан Турон Фанлар академиясининг академиги. Ҳозирги кунда

музиқий таълим кафедраси мудири лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Нажметдинова Мавлуда Мамасодиковна



1963 йилда Фарғона шаҳрида таваллуд топган. 1984 йилда Фарғона давлат педагогика институти мусиқа-педагогика факультетини битирган.

2004 йилдан 2009 йилгача гуманитар факультети маънавий-ахлоқий ишлар бўйича декан ўринбосари лавозимида ишлади. Ҳозирги кунда санъатшунослик факультети хотин-қизлар кенгаши раиси ҳамда "Музиқий таълим" кафедраси катта ўқитувчisi лавозимида ишлаб келмоқда. 50 дан ортиқ илмий мақола ва 6 та ўқув-услубий кўрсатмалар муаллифидир.